

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

НАРЗУЛЛА БОЙМУРОДОВ

# АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИЯ

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими  
вазирлиги ўқув муассасаларида ишлайдиган амалий  
психологлар, ўқитувчилар ва талабалар учун ўқув  
қўлланма сифатида тавсия этилади*



Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2008

88 - Ўзбекистон

Ўқувчига тақдим этилаётган ушбу ўқув қўлланма психологлар, психология факультети талабалари, аспирантлар ҳамда амалий психологияни мустақил ўрганувчилар учун мўлжалланган. Рисола шунингдек, психологиядан маъруза ўқиш, амалий машғулотлар ўтиш жараёнида мураккаб психологик вазиятларда ўқитувчи қандай амалий иш тутиш зарурлиги тўғрисида мукамал, такомиллашган тавсиялар ва маслаҳатлар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Буларга ҳозирги замон янги инновацион технологиялар, таълим-тарбиянинг самарадорлиги, таълим жараёнини демократлаштириш, таълимда ўқувчиларнинг билиш фаолияти, муаммоли, таълим, интерфаол методлар ёрдамида ўқитиш, таълим жараёнига тизимли ёндашиш масалалари киради. Таълим жараёни ўқитувчилар ва ўқувчилар олдига мураккаб талаблар қўймоқда. Ўқувчиларнинг вазифаси ўқиш, ўрганишдан иборат бўлса, ўқитувчиларнинг вазифаси ўқувчиларни ақлидрок билан мустақил фикрлашга ўргатишдир. Ўйлаймизки, қўлингиздаги мазкур ўқув қўлланма ана шу жиҳатларига кўра қимматлидир

NO 35130  
3  
91

**Масъул муҳаррир:**

**А. ЖАББОРОВ,**

ҚДУ психология кафедраси мудири, психология  
фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**


**Т. НАФАСОВ,**

ҚДУ тилшунослик кафедраси профессори

**Х. КАРИМОВ,**

ҚДУ психология кафедраси  
доценти, психология фанлари номзоди

*Ўқув қўлланма Қарши Давлат университети илмий кенгаши  
томонидан нашрга тавсия этилган*



ISBN 978-9943-08-271-7

© Нарзулла Боймуродов. "Амалий психология". "Янги аср авлоди", 2008 йил

## Сўзбоши

Амалий психология фани ижтимоий-сиёсий, табиий ва педагогик фанлар билан ҳамкорликда инсон табиатига хос бўлган бир қанча муаммоларни ўрганади. Психологияни ўрганиш инсонлар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларни, жамиятдаги илғор ғоялар ва таълимотларни таълим-тарбия, фалсафа, ҳуқуқ, нафосат, адабиёт, шунингдек, ўқувчи ёшларнинг касбий, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идроки, хуллас, инсонпарвар психологиянинг барча қонуниятларини ўз ичига олади. Мустабид тузум раҳбарлари узоқ йиллар давомида инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклашга, эски андозаларга асосланган ижтимоий тарбия – миллий психологиямизни сўзсиз итоаткорликка мойиллик руҳида тоталитар мафкуранинг таъсири билан яшашга одатлантириб келди. Шунинг учун ҳам улар миллий психология ва умумпсихологик қонуниятларни жамият аъзоларидан муттасил сир тутишга ҳаракат қилдилар. Шунга қарамасдан истиқлол шарофати билан Республикамизнинг етакчи психолог олимлари Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров, В.Каримова, Б.Қодиров, М.Давлетшин, А.Жабборовлар амалий психологияни кенг кўламда ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар. Президентимиз Ислам Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида миллатимизга хос қарашларга уларнинг нуқтани назарига шундай ойдинлик киритди: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айти вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият ғояси деб биламан»<sup>1</sup>

Бугун амалий психология фани олдида бутунлай бошқа масъулиятли вазифа – ўсаётган баркамол авлодни ўзининг мус-

---

<sup>1</sup> «Тафаккур» журнали. 4-сон, 1999 йил, 14 бет

тақиллик мафкураси орқали шакллантириш, тарбиялашдек буюк устувор вазифа турибди. «Инсон психологиясидаги умидсизлик, ўз эрки ва ижтимоий адолат учун курашиш руҳининг заифлашуви назария билан турмуш номутаносиблигининг масъулидир. Одамларда эътиқод, дунёқараш, энг юксак мақсад, муомала, мулоқот, миллий ва мустақил хулқ-атвори дадил шакллантириш кўпроқ психологик омилларга боғлиқдир»<sup>1</sup>. Шахснинг етук руҳий амали тафаккур эркинлиги, жамият тараққиёти салоҳиятини кўрсатувчи бош воситадир. Чунки унда ижтимоий онг, руҳият ўз ифодасини топган. Хўш, бу эҳтиёжни замон талаблари даражасида шакллантириш учун нима қилимоғимиз керак?

Бунинг учун таълим жараёнининг барча турлари ва босқичларида унинг самарадорлигини ошириш, умумпсихологик қонуниятларга суянмоқ лозим. Қўлингиздаги ўқув қўлланма мактаб, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида ёзилган бўлиб, рисола шу соҳадаги дастлабки тажрибадир. Шунинг учун ўқув қўлланма ёритиш жараёнида қийинчиликка дуч келиш тамомила табиийдир. Муаллиф ўз олдига амалий психология курсини мумкин қадар қисқартирмасдан, соддалаштирмасдан ҳозирги замон эҳтиёжига хос равишда ёритиб беришдек мураккаб вазифани қўйган. Бу фаннинг шу вақтга қадар умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасалари ўқув режасига киритилмай келганини ҳисобга олсак, муаллиф олдида янада масъулиятли вазифа турганлигини тушунамиз.

Ўқув қўлланманинг асосий вазифаси, амалий психология фанининг туб моҳиятини ёритиб беришдир. Шунингдек, ушбу китобда психологиянинг амалиётга оид бир қанча масалаларини чунончи, таълим самарадорлигини оширишнинг янги босқичида ўқитишнинг педагогик-психологик технологияларидан фойдаланиш муаммолари, психологик ташхис, ўқитувчи психологияси, ўқитувчининг маънавий-сиёсий эътиқоди каби психологик талаблар тушунтириб берилган. Ўқув қўлланма амалий психологиянинг қонуниятлари билан таништиришдан ташқари, ўқувчи тасавурида махсус билимларни ҳам кенгай-

---

<sup>1</sup> “Тафаккур” журнали. 4-сон, 1999 йил, 16-бет.

тириш ва такомиллаштириш учун имкон беради. Ўқувчилар ўз билимларини янада кенгайтириш имконига эга бўлишлари учун амалий психологияга оид зарурий адабиётлар, савол ва топшириқлар ҳар бир бобнинг охирида кўрсатиб ўтилди. Ушбу ўқув қўлланма истиқлолнинг халқимизга яратган чексиз имкониятлари, мустақил ижод ва эркин фикрлашнинг дастлабки талабларидан келиб чиқиб, ҳаётимизнинг янгиланиш даврида ёшларимиз маънавияти ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг психологик табиатини чуқурроқ ўрганишга, миллий истиқлол ғояларининг моҳиятини кенгроқ яратиб беришга хизмат қилади.

Ушбу ўқув қўлланма бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз.

*Манзилгоҳ:*

*Қарши, Кўчабоғ-17,*

*Қарши Давлат университети  
психология кафедраси.*

**АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ,  
ВАЗИФАЛАРИ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОД МЕТОДЛАРИ**

**1.1. Амалий психология ҳақида умумий тушунча**

Психология фани инсон шахси, унинг ички дунёси ҳақидаги билимларнинг мураккаб соҳасидир. Психология ҳар кимга ўз тажрибасидан маълум бўлган сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл, ҳис-туйғу ва инсоннинг қобилияти, истеъдоди, темпераменти, характерига хос руҳий ҳодисалар ҳақидаги билимларни ўз ичига олган соҳадир.

Психик жараёнлар ҳам бошқа ҳодисалар каби ўз қонунларига эга. Идрок қилиш, ҳис қилиш ва тафаккур жараёнлари қандай намоён бўлади? Одамнинг қобилияти қандай ўсиб боради ва характери қандай таркиб топади? Психология илми ана шундай нозик масалалар билан шуғулланади. Психология жуда қадимги фанлардан бўлиб, бундан тахминан икки ярим минг йиллар муқаддам майдонга келган. «Психология» юнонча «псوخе» - «жон» умумий ҳолатда руҳ ва «логос» – илм, таълимот деган икки сўздан иборат бўлиб, «жон ёки руҳ ҳақидаги таълимот» деган маънони англатади. Қадим замонларда ташқи оламдан таъсир қилаётган нарсаларнинг нерв системаси ёрдамида миёда акс эттирилишини одамларнинг тушуниши қийин бўлган. Шунинг учун улар мураккаб акс эттириш ҳодисаларини жон билан боғлаб тушунтирганлар. Шу туфайли психология фани қадим замонларда жон ҳақидаги таълимот сифатида майдонга келган. Ҳозирги кунда психология фани ўзининг қадимги номини сақлаб қолган бўлса ҳам мазмунан батамом ўзгариб кетган. Агар биз психологиянинг мазмунини ҳозирги давр талабидан келиб, тушунтирадиган бўлсак, шундай таъриф беришимиз мумкин: «Психология фани психик жараёнлар ва инсон шахсининг психологик хусусиятлари ҳақидаги фандир».

Давримизнинг етук психологи, профессор В.Каримова ҳозирги замон психологиясининг тараққий этиб боришига шундай таъриф келтиради: «Психология соҳасида мукамал дар-

сликлар ёзила бошланган даврга салкам 160 йил бўлди. Шу давр ичида жуда кўплаб илмий тадқиқот натижаларини ўз ичига олган монографиялар, дарсликлар қўлланмалар ёзилди. Лекин бу билан фан ўзининг жамият олдидаги вазифаларини тўлақонли бажара олди, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Сабаби, психология соҳасида фаолият кўрсатган барча олимлар кўпроқ диққатларини мавҳум шахс ва индивидуал психологияга қаратдилар. Ваҳоланки, инсон, унинг баркамоллиги, жамият тараққиётига бевосита таъсири масаласи ўтган аср охирига келиб ўта долзарб ва муҳим муаммолар қаторидан жой олди.

XX асрда эришилган ютуқлардан энг муҳими шу бўлдики, инсон ўз ақл-идроки, тафаккури ва ижобий салоҳияти билан мураккаб техника, электроника ва бошқа шунга ўхшаш глобал технологияларни кашф этди<sup>1</sup>. XXI аср бўсағасида барча фанлар қатори Миллий психологиямиз янгича мазмун кашф этди. Бу ислохотларнинг барчаси инсон омилини ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, халқимиз психологиясининг замон ва макондаги ўрнини, насл-насабини, ўзлигини, келиб чиқишини, инсоният тарихида тутган ўрнини, унинг ривожига қўшган ҳиссасини, миллий ифтихорини, ғурурини мустақил ва холисона англаб олишидир. Агар халқимиз ўзининг миллий психологиясига, бой тарихига эга бўлса, у ўзи кечирган ижтимоий-психологик жараёнларни чуқурроқ тушунади. Психология соҳасидаги бу изланишлар етакчи психолог олимларимиз илмий фаолиятида мужассамланган ва улар томонидан жамият, инсон психологияси ва маънавияти илмий-назарий таҳлил қилинади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, одамдаги барча психик жараёнлар ва шахсий хусусиятлар ўз-ўзича юзага келмайди. Психик жараёнлар (яъни сезиш, идрок, хотира, тафаккур, хаёл, нутқ ва шу кабилар) ҳам, шахснинг психик хусусиятлари (яъни эҳтиёжлари, қизиқишлари, малака ва одатлари, характери қобилиятлари,) ҳам одамнинг мавжуд фаолияти жараёнида намоён бўлади. Шунинг учун психология фани инсонни турли фаолиятларда ўрганади. Шу сабабли инсон шахсининг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборатдир.

---

<sup>1</sup> В. Каримова. Психология. – Тошкент: 2002 йил, 5-бет.

Шундай қилиб, психология фани қандайдир жон, руҳ ҳақидаги фан бўлиб қолмай, балки аниқ психологик жараёнлар, яъни акс эттириш жараёнлари ва инсон шахсининг психологик хусусиятлари ҳақидаги фан ҳамдир. Кенгроқ маънода оладиган бўлсак, психология фани психик жараёнларнинг ва шахс психологик хусусиятларининг намоён бўлиши ва тараққиёт қонунларини ўрганадиган фандир. Психологияни ўрганишда шуни алоҳида ҳисобга олиш керакки, инсоннинг бутун онгли ҳаёти иккита физиологик-органик ҳаёт ва психик ҳаётдан иборатдир.

Психо-физик ўзаро таъсир назарияси асосчиларининг фикрича, психик ҳодисалар билан физиологик ҳодисалар ўз моҳиятлари жиҳатдан ҳар хил ҳодисалар бўлса-да, бир-бирларига ўзаро таъсир этиб турадилар. Натижада физиологик ҳодисалар психик ҳодисаларни юзага келтиради. Одамнинг кундалик ҳаёт фаолияти ана шу тарзда давом этаверади.

Шундай қилиб, биз ҳаёт қонунларига асосланган психологияни, унинг моҳияти ва тараққий этиш тизимларини ўрганар эканмиз, психикани инсон миясининг мавжуд воқеликни акс эттириш хоссаси деб билишимиз зарур.

М.Воҳидовнинг таъкидича, бунинг учун психиканинг нерв физиологик асосларидан ҳам озми-кўпми хабардор бўлишимиз лозим<sup>1</sup>.

Атоқли рус физиологи И.М. Сеченов ўзининг «Бош мия рефлекслари» номли асарида психик ҳодисалар инсон организмдаги бошқа ҳамма функциялар каби табиий ҳодиса эканлигини, психик ҳодисалар нерв тузилиши рефлекслари, яъни акс эттириш фаолиятининг натижаси эканлигини кўрсатиб берди.

И.М. Сеченовнинг илғор ғоялари И.П.Павловнинг илмий экспериментал ишлари учун асос бўлди. И. П. Павлов ўзининг кўп йиллик илмий фаолияти ўлароқ шартли рефлекслар ҳақидаги машҳур таълимотни яратди. И. П. Павловнинг Олий нерв фаолияти ва хусусан, шартли рефлекслар ҳақидаги таълимоти ҳақли равишда психологиянинг табиий-илмий асосини ташкил этди. И. П.Павловнинг шартли рефлекслар ҳақидаги таълимоти организмнинг ташқи муҳитга мувофиқлашувини ва жуда кўп

---

<sup>1</sup> М. Воҳидов. Болалар психологияси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 йил, 7-бет.

мураккаб психик жараёнларнинг физиологик механизмларини тушуниш имконини беради.

Психиканинг энг юксак босқичи бўлмиш онг масаласига келсак, онг узоқ эволюцион тараққиёт натижаси сифатида фақат инсонгагина хосдир. Онг ижтимоий-тарихий шароитда одам меҳнат фаолиятининг таркиб топиши ҳамда тил ёрдамида бошқа одамлар билан муносабатда бўлиши натижасидир. Онгнинг яшаш усули ва онг учун ниманингдир борлиги билимдир. Демак, онгнинг биринчи таърифи унинг турли билимлар йиғиндидан иборат эканлигидир. Онгнинг иккинчи таърифи одамнинг ўз-ўзини англаш жараёнида намоён бўлади. Одам тирик мавжудотлар тарихида биринчи бўлиб объектив оламдан ажралиб чиқди ва ўзини теварак атрофдаги муҳитга қарама-қарши қилиб қўйди. Одам «Мен» деган тушунчани «Мен эмас» деган тушунчадан ажратадиган бўлди. Шу тариқа одам онгли мавжудот сифатида ўзини-ўзи англай бошлади. Шундай қилиб, психология фани инсон шахсига хос бўлган ана шу хусусиятларнинг юзага келиши ва намоён бўлиш қонуниятларини ўрганишни мақсад қилади.

Психологияни ўрганиш одамни психика ҳақидаги ва психик ҳаётнинг хилма-хил ҳодисалари ҳақидаги билимлар билан бойитибгина қолмай, шу билан бирга одамнинг ақлий фаолиятини ҳам ўстиришга ёрдам беради, янги билимлар, кўникмаларни тезроқ эгаллаш, янги назарий ва амалий вазифаларни тўғри ҳал қилиш қобилиятини шакллантиради, ўз фикрларини нутқда тўғри ифодалай билиш ва бошқаларнинг нутқини тўғри тушуна билишда ҳам ўз ифодасини топади. Албатта, фан билан шуғулланиш, илм олиш, изланиш инсонни камолга етказди. Аммо психология бу соҳада алоҳида ўрин тутди. Инсон психологияни ўрганар экан, аввало ўз ақл-идрокини, унинг жараёнларини билиб олади, унга диққат эътибор беради. Ақл фаолиятини кучайтирадиган шарт-шароитни билиб олади ва шу билан ўз ақл-идрокининг кўпроқ ўсишига замин ҳозирлайди. Бундан кўринадики, ўқув муассасаларида фаолият кўрсатётган ҳар бир педагог, маориф ишининг раҳбари психологияни билиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларида, меҳнатни ташкил этишнинг ҳар хил турларида психология етакчи ўрин тутмоқда. Ёшлар танлаган касбнинг ҳар бир тури одам-

дан тегишли билим ва маҳорат талаб қилиши билан бирга махсус психологик сифатларга эга бўлиш кераклигини ҳам тақозо этади. Шу сабабли танланган ихтисосга қараб мураккаб ва маъулиятли касб турларини бажаришга тўғри келадиган кишилар махсус психологик текширишдан ўтказилади. Масалан, космонавтларни, учувчиларни, катта ва кичик машина ҳайдовчиларни, пахтанинг қатор ораларига ишлов берувчи механизаторларни танлашда талабгорлар хотираси жуда ўткир, диққат фаолияти турғун ва мураккаб ҳаракатларни тез бажара оладиган, тафаккур жараёнлари анча шаклланган ёшларни ажратиб олиш мақсадида текшириб кўрилади. Корхоналар ва бошқа хўжалик, маданий ва маъмурий муассасаларнинг ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари кадрларни танлай билиш, уларни жой-жойига қўя билиши, уларга одилona раҳбарлик қила олиши керак. Бунинг учун эса уларнинг қобилияти, характери, муомала маданияти, маънавий-ахлоқий туйғулари, меҳнатга муносабати ва бошқа шу каби сифатларнинг моҳиятини билиши керак.

Психология тиббиёт соҳаси билан ҳам қадимдан боғланиб келган. Касалликлар орасида турли хилдагилари учрайди, бундай касалликларни ҳам асосан психологик тадбирлар ёрдамида даволаш катта самара беради. Врач касалликларни бир-биридан яхшироқ ажрата олиши учун одамнинг психологик хусусиятларини, ҳолатини ҳам билиши керак. Врач беморга психик таъсир кўрсатиш воситаларини ишонтириш, маслаҳат бериш ва бошқа кабиларнинг аҳамиятини билиши зарур.

Психология фани суд, прокуратура, милиция, ҳарбий ишларда ҳам муҳим рол ўйнайди. Суд ҳайъати ёки терговчи айбланувчининг руҳий ҳолатини, гувоҳларнинг сўроқда айтган гапларини психологик жиҳатдан таҳлил қила билиши зарур. Айбдорларнинг индивидуал эмоционал хусусиятларини ҳам билиб олишга тўғри келади. Буларнинг ҳаммасидан ўринли фойдаланиш учун инсонни психикасини билиш, психологияни ўрганишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Шунингдек, психологияни билиш кундалик турмуш учун ҳам аҳамиятлидир. Ҳамма доимо бошқа кишилар даврасида бўлади, муайян муносабатлар таниш-билишлик, ошна-оғайнигарчилик ва бошқа шу кабилар туфайли ўзгалар билан муомалада бўлади. Албатта, шундай шароитда инсонларнинг бир-бирлари ҳақидаги тасаввурлари бойиб боради.

Психологиянинг тармоқлари жуда кўп. Умумий психология, ёш психологияси, педагогик психология, санъат психологияси, спорт психологияси, суд психологияси, тиббиёт психологияси ва бошқалар шулар жумласидандир. Мазкур соҳалар ўзининг алоҳида текшириш объекти ва вазифаларига эга ҳамда ўз навбатида уларнинг ҳар бири ўзининг текширилиш методларидан фойдаланади<sup>1</sup>.

## 1.2. Амалий психология фанининг муҳим вазифалари

Амалий психологиянинг муҳим вазифалари давр ва замон талабларидан келиб чиқади. Мустақилликни қўлга киритган халқимиз ўз олдига шундай вазифаларни қўйдики, бу вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш унинг тараққиёти учун дастуриламал бўлди. Бу вазифаларнинг *биринчиси* ислохотларни янада чуқурлаштириш, Мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодий-сиёсий базасини мустаҳкамлаш; *иккинчиси* маънавий ижтимоий, маданий муносабатларни янада ривожлантириш; *учинчиси* Демократик жамият қурувчи янги авлодни тарбиялаб камолотга етиштиришдан иборатдир. Бу улкан вазифаларни амалга оширишда фақат тор доирагина эмас, балки ўзини масъул деб билган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўзининг салоҳиятини намоён этиши керак.

Бошқа фанлар қатори каби истиқлолимиз психология фанининг асосий мақсади ана шу учта улкан вазифани амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшишдир. Бундан ташқари амалий психология фани МДХ халқлари ўртасида турли маънавий-ижтимоий сиёсий муносабатларни атрофлича чуқур ўрганиб, дўстлик ва биродарлик муносабатларини янада юксак даражага кўтаришга ёрдам беради. Ниҳоят, замонавий одамни тарбиялаш масаласига келсак бу вазифа даставвал психология фанининг олдида турган долзарб вазифалардандир. Шунинг учун ҳам психологиядаги барча муаммоларнинг марказида шахс ва унинг фаолияти туради. Истиқлол яратган имкониятлар шароитида шахснинг ижтимоий тараққиётдаги роли ошиб бор-

---

<sup>1</sup> И. П. Павловнинг шартли рефлекслар ҳақидаги таълимоти ва психология учун аҳамияти устида кейинги бобларда батафсил тўхталиб ўтамыз.

ган сари психологиянинг фанлар тизимидаги вазифаси ҳам орта боради. Ҳозирги шароитда инсон ва жамият манфаатларига мос келадиган тўғри йўналиш касб этадиган илмий-техник, инқилобий жараён, шахсга, унинг психик хусусиятлари ва жараёнларига талабни тубдан оширади. Ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқариш тармоқларида технологиянинг роли ошиб бориши натижасида психология фанининг, муҳандис ва техник ходимларнинг ҳамда малакали ишчиларнинг, психологик, бошқарув ва ишлаб чиқариш фаолиятининг асосини ташкил этувчи психологик қонуниятларнинг тобора янгилари ва жуда муҳимлари билан бойитувчи тадқиқотларнинг сони ўсиб боради. Психология фани фаннинг турли тармоқларига оид шунчалик кўп материал тўпладики, ундан мустақил психологик фанларга айланиб қолган бир қанча бўлимлар ажралиб чиқди. Уларнинг ҳаммаси негизида барча хусусий психологик фан таянадиган, психиканинг умумий қонуниятларини ўрганувчи умумий психология ётади. Умумий психологиянинг яна муҳим вазифаларидан бири инсоннинг ҳар томонлама ривожланган, ижодкор шахс сифатида шаклланишининг психологик қонуниятларини ўрганувчи психология ётади.

Амалий психологиянинг *иккинчи вазифаси* инсон фаолиятининг психологик моҳиятини ўрганишдир. Шундай қилиб, истиқлол яратган имкониятлар туфайли психологик таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, давр талабига мос келадиган ўқув дастурлари, дарсликлар яратиш, психологик таълим тизимини чуқур ислоҳ қилиш, уни амалий ишлаб чиқиш амалий психологиянинг муҳим вазифаларидан биридир. Бугун ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида психологик таълимни такомиллаштириш иши давлат сиёсати даражасида ҳал қилинмоқда. Олдимизда турган мақсадларимизга эришиш, янги демократик жамиятни куриш, ислоҳотларнинг тақдири Президентимиз таъкидлаганидек, қандай интеллектуал кучларга эгалгимизга, ёшларимизнинг қандай маданий, профессионал савияга эришганлигига, қандай мафкурага эътиқод қилишига маънавий жиҳатдан қанчалар бой эканликларига боғлиқдир.

«Ҳозир биз тафаккурга, фикр мусобақасига эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайган бир даврда яшамоқдамиз. Бинобарин, ёшлар онги ва тафаккурида кескин бурилиш яшаш орқали мамлакат интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, мил-

лий ривожлантириш ғоясини изчиллик билан амалга ошириш каби мураккаб вазифаларни бажариш, инсонлар онгида йиллар давомида шаклланган фикрлашни, тушунчани тезгина ўзгартириш осон иш эмас. Бунинг учун Республикамиздаги ўрта мактаблар, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимига психология ўқитиш, талабалар ва ўқувчилар учун психологик таълимни самарали ўтишни таъминлаш зарур. Тажриба шуни кўрсатадики, ҳар қандай янгилик, ислоҳот энг аввало инсон онги, қалби мураккаб психологик жараёнлари орқали ўтгандагина самарали натижа беришини аниқлаш керак. Шунинг учун умумий психология фани зиммасига қўйилаётган вазифа жуда оғир ва маъсулиятлидир»<sup>1</sup>.

### **1.3. Амалий психологиянинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни**

Шундай қилиб, XXI асрнинг бошланишида ҳамма инсонлар олдида турган муҳим, ечимини кутаётган глобал муаммолардан бири бу инсон муаммосидир. Психология инсоннинг ички кечинмаларини, руҳий ҳолатларини, характери ва бошқа психик хусусиятларини ўрганадиган фан бўлгани учун ҳам унинг амалий қиймати ғоят каттадир.

Юқорида айтганимиздек, амалий психология руҳий ҳодисаларнинг асил табиатини, уларнинг пайдо бўлиб, қандай сабабларга биноан ўзгаришларини мавжуд ҳаётнинг мисоллар асосида тушунтириб беради. Кишининг умумий маълумотларини кенгайтиради, билим савиясини оширади, инсоннинг биологик ва ижтимоий моҳияти билан боғлиқ бўлган фанлар (биология, физиология, фалсафа, антропология, тиббиёт, педагогика) каби фанларнинг ҳам муҳим объекти ҳисобланади. Ҳозирги кунда мустақил давлатимизнинг буюк қудратини тиклаш тўғрисида жиддий маънавий ҳаракат бошланган экан, бундай қудратли жамиятда яшаётган фуқароларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаб етиштириш вазифаси кун тартибида турибди. Бу вазифани тўғри ҳал қилиш учун, аввало истиқлолимиз ёшларини, уларнинг руҳий қудратини ҳар томон-

---

<sup>1</sup> Абдуллажонова М. А. Республика илмий-методик конференцияларнинг материаллари. 28-29 бетлар. - Тошкент, 2000 йил.

лама ўрганишимиз зарур. Миллий психологиямизни ўрганишда ўзининг самарали фаолиятини олиб бораётган етакчи олимларимиз профессорлар Ф. Шоумаров, Э. Ғозиев, В. Каримова, М. Г. Давлетшин, А. Жабборов, Б. Қодировлар бугунги кунда инсон шахсини (комплекс) атрофлича ўрганиш зарур деган илмий амалий муаммони илгари сурмоқдалар (Бу муаммони дастлаб рус психологи академик Б. Г. Ананьев бошлаб берган эди). Бунинг маъноси шундан иборатки, ижтимоий ҳаётда шахс камолотини битта ёки бир нечтагина фан эмас балки бир қатор фанлар бараварига системали равишда ўрганиши керак. Ана шунда инсон шахсиятининг ҳақиқий фаолиятини билиш, ижтимоий-тарихий, сиёсий, миллий психологиясини тушунтириб бериш мумкин бўлади. Одамни атрофлича ўрганишда бошқа фанларга нисбатан психология фанининг роли каттадир. Масалан, биология инсон организмдаги биологик ва физиологик ҳодисаларни ўрганади. Фалсафа одам онгининг борлиққа бўлган муносабати масаласини ўрганади, тиббиёт одам организмдаги турли касалликларни пайдо бўлишини ва даволашни, педагогика одамга бериладиган таълим-тарбиянинг қонуниятларини ўрганади. Психология эса инсондаги мураккаб акс эттиришни, яъни психик жараёнларни, уларнинг намоён бўлиши ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади ҳамда инсон онги ва шахсининг таркиб топиши, шаклланиб бориши масалалари билан ҳам шуғулланади. Инсон психикаси қандай келиб чиққан, ҳайвонот дунёсида психик ҳаёт формалари қандай тараққий этган, инсон психикаси тарихан қандай ривожланган, ҳар бир инсон туғилиш пайтидан тортиб унинг онги қайси шарт-шароитларга қараб тараққий этади каби масалаларни ўрганиш психология фани олдида турган вазифадир. Характер, темперамент қандай вужудга келади, одамнинг қобилиятлари, истезодди қандай шаклланади, психологиянинг илмий ва ижтимоий тадқиқотлари ана шу саволларимизга жавоб беради. Одам теварак-атрофдаги дунёни қандай идрок этади, уни қандай эсда сақлаб қолади, қандай эсга туширади ва фикр юритади, у қандай ҳисларни кўнглидан кечиради, одам теварак атрофдаги дунёни ўз эҳтиёжларига мослаштириб, янги моддий ва маънавий бойликларни вужудга келтириб, қандай иш кўради каби саволларга жавоб топиш орқали психологияни ва шунга ўхшаш муаммоларни чуқурроқ тушуниб оламиз.

Психологияни ўрганиш инсоннинг психология ҳақидаги ва психик ҳаётнинг хилма-хил ҳодисалари, йўналишлари, хусусиятлари ҳақидаги билимлар билан бойитибгина қолмай унинг ақлини ҳам ўстиришга ёрдам беради. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида психология фани борган сари алоҳида соҳаларга бўлиниб бормоқда. Жумладан, болалар психологияси, тарбия психологияси, психофизиология, тиббиёт психологияси, меҳнат психологияси, ижтимоий психология, инженерлик психологияси, юридик психология, ҳарбий психология, санъат психологияси, парапсихология ва бошқалар шулар жумласидандир. Психология фани қанчалик кўп соҳаларга бўлинса, у ўз предметини шунчалик чуқур ва атрофлича ўрганadi, тадқиқ этади.

#### **1.4. Амалий психология фанининг асосий қонуниятлари ва улардан фойдаланиш**

Психология фанининг юзага келиш сабаблари тўғрисида В.Каримова олиб борган тадқиқотлар бизга анча кўп маълумотлар бера олади. Унинг таъкидлашича, агар психологик фикр тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг қадим ўтмишларга бориб тақалишини кузатиш мумкин. Чунки одамзод ўзини ўзгалардан, атроф-муҳитдан айри англай бошлаган даврдан бошлаб, унда ўзига хос руҳий ҳолатлар ва жараёнлар тўғрисида тасаввурлар шакллана бошлаган. Лекин ана шу тасаввурлар ва тушунчаларни яхлит тизимга солиб, унинг қонуниятлари тўғрисидаги дастлабки уринишлар унинг фан сифатида шаклланишининг ибтидосига тўғри келади.

Умуман руҳ ҳақидаги ғоялар қадимдаёқ Суқрот, Платон, Арастуларнинг фалсафий қарашларида шаклланган. Демак, бирламчи психологик қарашлар фалсафа негизида пайдо бўлган эди. Буюк алломалар асарларида жон ва руҳ ҳақидаги қарашлардан таъсирланган бошқа олимлар, биринчи навбатда, файласуф олимлар табиат, жамият ва инсон тафаккури хусусида асарлар яратганда, инсон руҳиятига ҳам эътибор қаратишни ўзларига одат қилиб олдилар. Шу боис ҳам психологияни ҳақли равишда фалсафа негизида шаклланган фан дейиш мумкин.

Кейинчалик бошқа фан соҳалари, айниқса, тиббий-биологик изланишларда инсон ва унинг мураккаб тузилиши, руҳий

ҳаётига қизиқиш ортиб борган сари секин-аста психик жараёнларнинг ҳам яхлит бир тизими бўлиши ва уни ҳам фаннинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш мумкинлиги гоёси пайдо бўлди. Қолаверса, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, инсон руҳияти тўғрисидаги психологик ҳамда фалсафий қарашлар билан табиий-илмий (анатомик, физиологик, биологик, биохимик ва бошқа) қарашлар ўртасида тафовутлар чиққани сари унинг алоҳида фан сифатида шаклланиши зарурати ортиб борди. Олимлар орасида айнан инсон руҳий оламини изчил ва тизimli ўрганишга эҳтиёж пайдо бўлди<sup>1</sup>.

*Ўқитувчининг ўқувчилар билан бўлган машғулотлардаги бутун фаолияти уларнинг психикасига сезгиси, идроки, хотираси, тафаккури, ҳис-туйғуси ва иродаси ҳамда қобилияти, характери, умуман шахсиятига узлуксиз ва ниҳоятда хилма-хил таъсир кўрсатишдан иборатдир.* Лекин бу таъсирнинг қандайлиги ҳамда унинг ўқувчилар томонидан қандай қабул қилиниши, уларнинг ўқиш ва тарбия ишида фойдалилиги ёки фойдасизлиги, зарарлигига боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчига самарали таъсир кўрсатишга интилади, лекин ҳамма вақт ҳам бунга эришавермайди. Баъзан бир қараганда фойдали бўлиб кўринган таъсир амалда зарарли натижаларга олиб келади. Одатда, қандайдир психологик қонуният ҳисобга олинмаганда ёки унга амал қилинмаганда шундай ҳол содир бўлади.

Агар психика реал воқеликни мияда акс эттиришдан иборат бўлса, рефлектор халқанинг марказий қисмида информацияни ақлий ва қайта ишлаш, ўқитишда ўқувчиларнинг хотирасини ёдлаш ҳамда буюрилган ҳаракатларни механик тарзда бажариш билан юклаб ташламасдан, балки энг аввало уларнинг тафаккурини фаоллаштириш лозим. Ҳар қандай ўқув ҳаракатлари ўқувчининг ўзи томонидан англаниши ва доимий назорат қилиниши керак. Ўз-ўзини назорат қилиш билан амалга ошириладиган тезкари алоқа бўлмаса, ўқитиш муваффақиятли бормайди. Мушоҳада ва тескари алоқа қанчалик яхши бўлса, ўқув материални ўзлаштириш шунчалик муваффақиятли боради. *Ўзлаштириш бу ахборотни тушуниш, уни эсда олиб қолиш ва ундан фойдаланиш имкониятидан иборатдир.*

---


<sup>1</sup> В. Каримова. Психология. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Тошкент: 2002 йил, 9 бет.

Агар ўқувчига бўлган ташқи таъсир ҳамиша уларнинг шахсияти орқали содир бўлса ҳамда уларнинг ҳар бирининг психик хоссалари, ҳолатлари ва жараёнлари турли-туман бўлса, демак ўқитувчи ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини билиш ҳамда машғулотлар жараёнида уларнинг реакциясини доимо кузатиб бориши керак, мақсад шуки токи уларга ўзининг педагогик ҳаракати қандай таъсир кўрсатаётганлигини билсин ва шу асосда бу ҳаракатларга зарур аниқликлар ҳам кирита олсин.

Ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини билган ўқитувчига психик хоссалар, ҳолатлар ва жараёнларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири машғулотларда ҳар бир ўқувчидаги у ёки бу психик ҳолатнинг сабабини билиш имконини беради. Сабабни билгач эса у зарур таъсир кўрсатиб, салбий ҳолатни йўқотиши, ижобийсини эса яхшилаши мумкин. Бунда ўқувчиларда ўқув фаолиятининг конкрет тури учун оптимал психик ҳолат яратиш муҳимдир. Бироқ яна шуни ҳам назарда тутиш лозимки, фаолиятнинг ҳар бир тури ўзига хос ва жуда юксак лаёқатни таъминлайдиган психик ҳолатни талаб қилади.

Таълим-тарбия ишида илгарилловчи акс эттириш қонуниятлари катта аҳамиятга эга. Агар илгарилловчи акс эттириш даражаси ўқитувчининг ўз фаолиятини режалаштириш қобилияти, ақллилиги, мустақиллиги, ташкилийлигига боғлиқ бўлса, ўқувчиларда илгарилловчи акс эттиришни мунтазам ривожлантириш учун таълим ишида уларнинг психик сифатларини доимо ўстириб бориш талаб қилинади. Бунда фаолият ва хатти-ҳаракатларнинг натижаларини олдиндан кўришга, дастлаб конкрет ўқув ҳаракатларнинг, сўнгра машғулотлар, предметлар ўқитиш курсининг ўқув мақсадини ҳамда бутун меҳнат фаолиятининг натижасини олдиндан кўришга ўргата бориш керак. Ўқувчи ҳар бир ҳаракатнинг ва хулқ-атворнинг ҳамда умуман бутун фаолиятининг натижасини ўқитувчининг сўзлари орқали эмас, балки ўзининг фаҳми ва тажрибаси бўйича олдиндан кўриши лозим. Ўқитувчи фақат мана шундай ўйлар учун «туртки бериши», ўқувчининг ақлий фаолиятини бошқарган ҳолда уларга бирмунча тузатишлар киритиши даркор.

Психикада информацион жараёнларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчи амалий ишида



Ўқувчиларнинг ахборот оламига киришларидан олдин уларда аниқ ўқув мақсади ва вазифаларига кўра ноаниқлик яратиш анча муҳим бўлиб қолади. Бунга ҳар бир машғулот ва ҳар бир ўқув вазифасининг мақсадини яққоллаштириш ва фаоллаштириш билан эришиш мумкин. Предметни чуқур ўрганишда ахборот билан битта ноаниқликнинг бартараф этилиши, шубҳасиз, кейингисини келтириб чиқаради. Предметнинг назарий масалаларини ўрганишда ўқувчиларда ноаниқлик қуйидаги саволларда ўз ифодасини топиши мумкин: Моҳияти нимада, таркиби қанақа, қисмлар ўзаро қандай боғланган, амалиётда қандай қўлланилади? Ўқувчиларни бирон-бир амалий фаолиятга ўргатишда ноаниқлик изчиллик билан туғиладиган саволлардан иборат бўлади. Чунончи, бу нима? Нима қилмоқ керак, нима учун қилмоқ керак, қандай қилмоқ керак, қандай бўлаяпти? Нима учун шундай? Қаердаки ноаниқлик бўлса у ерда ахборотнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Демак, ахборотни бериш учун, энг аввало, ноаниқликни юзага келтириш керак, акс ҳолда ахборот «шовқин» билан алмашиниб кетади.

Ўқувчиларда тафаккур ва техник ижодни тараққий эттириш учун ўрганилаётган предметнинг умумий қонунлари, қонуниятлари ва *принциплари* ҳақида ахборот маълумоти киритишни талаб этадиган қўшимчалилик принципидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларга далил ва мисоллар танлаш учун шунингдек, дастаявал фикран, сўнгра амалда бу абстракт таърифларни ишлаб чиқариш фаолиятининг аниқ шароитларида мустақил қўлланиш учун имконият бериш алоҳида муҳимдир.

### **1.5. Амалий психологиянинг илмий тадқиқот методлари**

Умумий психологияда инсон психикасини тадқиқ қилиш методларининг турли йўналишлари мавжуд. Текшириладиган психик ҳаёт ҳодисалари жуда хилма-хил бўлиб, мураккаб ва психологик жараёнларга хос ҳодисаларни ўз ичига олади. Ўқувчида бу психологик ҳолатлар, ҳодисалар ва жараёнлар қандай методлар, яъни қайси йўллар, қандай усуллар билан текширилади, деган савол туғилиши табиий. Аввало методнинг ўзи нима, деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Метод лотинча «*metha dos*» сўзидан олинган бўлиб, аниқ масалаларни ҳал қилишга

қаратилган воқеликни амалий ёки назарий билиш усуллари ҳамда амалларининг мажмуидан иборатдир.

Бу методнинг умумий таърифидир. Агар уни ҳар бир алоҳида фанга нисбатан оладиган бўлсак, у пайтда метод айна шу фаннинг предметини текшириш, ўрганиш ва тушунтириб бериш усуллариининг йиғиндиси эканлиги келиб чиқади. Демак, ҳар қандай метод маълум принципларга асосланмоғи керак.

Бу принцип қуйидагилардан иборатдир:

1. Текшириладиган ҳар бир психик ҳодисага бошқа ҳодисалар билан боғланган деб қаралиши зарур. Жумладан, психик ҳодисани унинг нерв-физиологик асосидан ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас. Ёки шахсдан ажратиб ўрганиш ҳам яхши натижа бермайди.

2. Ҳар бир психик ҳодиса ва умуман шахс вужудга келиш, тараққий этиш ва ўзгариш жараёнида кўздан кечирилиши зарур. Шунинг учун масалан, болалар ва ўсмирлар психикасининг тараққиёт қонуниятларини билмасдан туриб, катталар психикасини етарлича яхши билиб бўлмайди.

3. Психик ҳаёт ҳодисаларини уларнинг тараққиёт жараёнида ўрганганда миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларга ўтишини ва бир сифат ҳолатларининг иккинчи сифат ҳолатига ўтишини кўздан кечирмоқ керак. Масалан, одам психикасининг тараққий этишини ўргана туриб, билим олиш ва тўплаш жараёнида одамнинг билиш қобилиятлари, сезгиси, хотираси, тафаккури ва нутқи мушоҳадакорлиги сифат жиҳатдан ўзгаришини кўрсатиб берса бўлади.

4. Табиат ва жамиятдаги барча мавжуд нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқликда яшайди. Бирон нарса ёки ҳодиса билан боғлиқ бўлмаган, яъни якка ҳолда яшайдиган нарса ёки ҳодиса бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

5. Табиат ва жамиятдаги барча мавжуд нарса ва ҳодисалар ҳар доим ҳаракатда, ҳаракатдан тўхтаб қотиб қолган ҳеч нарса ва ҳеч бир ҳодиса ҳам бўлмайди.

6. Нарса ва ҳодисаларнинг миқдор жиҳатдан бундай ўзгариши, дастлабки пайтларда билинар-билинмас бўлиши мумкин<sup>1</sup>. Лекин бориб-бориб, маълум бир нуқтага етганда бу миқдор ўзга-

---

<sup>1</sup> П. И. Иванов. Умумий психология. - Тошкент: «Ўқитувчи», 1967 йил, 20-21 бетлар.

ришлари, сакраш йўли билан сифат ўзгаришларга ўтади. Яъни нарса ва ҳодисалар эволюцион тарзда (босқичма-босқич) эмас балки инқилоб тарзда бирданига ўзгариб кетадилар.

7. «Табиат ва жамиятдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг тараққиёти асосида ички қарама-қаршилиқлар кураши ётади, яъни ҳар қандай тараққиёт ички зиддиятларнинг ҳал қилиниши жараёнида юзага келади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир фаннинг методи ўз предметини ўрганиш ва текшириш жараёнида ана шу принципларга асосланади». Амалий психологиянинг ҳам ўз предмети бўлиши, психик жараёнлар ва шахнинг психологик хусусиятларини ўрганишда асосан бир қанча илмий методлардан фойдаланиши зарур.

«Ҳозирги фан ва техника тараққиёти психологик текширишларнинг илмийлигини янада ошириш учун (субъектив омилларнинг таъсирини камайтириш мақсадида) комплекс дастур асосида бошқа фанлар медицина, физика, физиология, биология, социология, кибернетика, статистика, фалсафа, мантиқ ва ҳоказолар билан биргаликда тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этмоқда. Амалий йўсиндаги илмий-тадқиқот ана шу кўп қиррали (комплекс) ёндашишни талаб қилади. Психология соҳаларида (психофизиология, космос, медицина инженерлик психологияси) ёки авиация психологиясида тадқиқот объектига системали ёндашиш принципи амалга оширилмоқда. Комплекс метод ёрдамида ўрганилаётган объектдаги ўзгаришлар турли нуқтаи назардан таҳлил қилинади ёки уларга ҳар хил ёндашилади. Масалан, болада оддий билимларни ўзлаштириш хусусияти психологик жиҳатдан текшириляётган бўлса, комплекс ёндашиш таъсирида ана шу ўзлаштиришнинг фалсафий, мантиқий, физиологик, ижтимоий, биологик хусусиятлари ёритилади. Айтайлик, кексайишнинг биологик омилларини ўрганиш унинг психологик, физиологик, мантиқий жиҳатларини ёритишга хизмат қилади.

Комплекс дастур ёрдамида амалга оширилган тадқиқот натижаси илмий аҳамиятга молик бўлиб, инсоншунослик муаммоларини ҳал қилишда катта ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда амалий психология ўз олида турган назарий ва амалий вазифаларни чинакам илмий асосда ҳал қилишда, психология соҳасида илмий текшириш ишларини муваффақиятли олиб боришда фойдаланадиган усул

ва воситаларга, яъни методларга катта эътибор беради. Уларнинг ҳақиқатни очишга, психик жараёнларнинг қонунларини муқаррар қилишга қодир бўлишларини тақозо қилади. Демак, одамнинг теварак-атрофдаги воқеликни билиши кузатишдан, тажрибадан бошланади.

Шу сабабли амалий психология ҳам ўз тадқиқод доирасини ўрганишни тажрибадан, психик ҳаёт фактларини кузатиш, аниқлаш, тавсиф этиш ва таҳлил қилишдан бошлаши лозим<sup>1</sup>.

Сўнгра аниқланган ва таҳлил қилинган фактлар асосида, психик ҳаёт қонуниятларини очиб, тегишли назарий ва амалий хулосалар чиқарилиши мумкин.

Ҳар бир фандаги каби амалий психологияда ҳам тажриба кузатиш ва эксперимент шаклида қўлланилади. Кузатиш ва экспериментдан ташқари илмий текширишнинг бошқа махсус методлари суҳбат, биография, солиштирма тарихий метод ва бошқа усуллар ҳам қўлланилади.

### Кузатиш методи

Кузатиш методи психологиянинг асосий ва кенг қўлланиладиган методларидан бири бўлиб, бу метод ёрдамида психик жараёнларни ва шахснинг психологик хусусиятларини табиий шароитда, яъни одам у ёки бу фаолиятда қандай бўлса шундайлигича ўрганилади. Бироқ психик ҳодисалар одамнинг субъектив ички кечинмалари бўлгани учун уларнинг ички мазмуни шахснинг ўзигагина аёндыр. Масалан, кишининг хаёлига нималар келганлигини, нималар эсга тушганлигини, ҳар хил истак, орзу, туйғуларнинг мазмунини ва шу кабиларни фақат шахснинг ўзигагина айта олади. Психик жараёнлар (сезиш, идрок, диққат, хотира, тафаккур, ҳиссиёт, хаёл кабилар)ни шахснинг ўзигагина билиши, англаши мумкин деб қаралган. Субъектив кузатиш, яъни ўз-ўзини кузатиш методидан бир неча аср давомида фойдаланиб келинган бўлишига қарамай бу методни илмий метод деб бўлмайти. Психик ҳодисаларнинг физик ва физиологик ҳодисалардан фарқи ҳам шундаки, улар ички мазмунга эга бўлганидек, бу психологик ҳолатларнинг сиртқи

---

<sup>1</sup> М. Воҳидов. Болалар психологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1982 йил, 12-13 бетлар.

ифодалари ҳам бордир. Шу сабабли кузатиш методи психологияда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўз-ўзини ( субъектив) кузатиш ва сиртдан (объектив) кузатиш деб икки усулга ажратилади.

### Ўз-ўзини кузатиш методи

Ўз-ўзини кузатиш методининг бир қатор салбий томонлари бор. Биринчидан ўз-ўзини кузатиш методидан фойдаланилганда ҳар бир одам ўз манфаати юзасидан субъектив хулоса чиқаради. Иккинчидан, субъектив методдан фойдаланганда одам ўз шахсига хос бўлган айрим салбий (яъни иродасизлик, номустақиллик, қўрқоқлик, қобилиятсизлик каби) хусусиятларни бошқа одамларда ҳам худди шундай бўлади деб ўйлаши мумкин.

Бу методдан фойдаланиш анча қийин. Чунки бирор кучли психик ҳолатни кечираётган киши (масалан, қайғу ёки шодлик вақтида) бирор ўй ёки хаёлга ботган вақтда ўзи уларни онгли равишда таҳлил қилиб бериши жуда мушкул ишдир. Яъни, шахс айни вақтда психик ҳолатни «ҳам кечирувчи, ҳам текширувчи» бўлмоғи қийиндир. Аммо чинакам фаний билим объектив яъни ҳамма учун умумий ҳақиқат бўлмоғи шарт. Яна шуниси ҳам борки, бу методдан фойдаланиш учун психологиядан анча маълумотли бўлмоқ ва ўз кечинмаларини таҳлил қила билмоқ ҳам керак.

Бу метод билан кичик ёшдаги болаларнинг психологиясини ўрганиб бўлмайди. Демак, бу методнинг имкониятлари чеклангандир. Бироқ юқорида кўрсатилган камчиликлар ўз-ўзини кузатиш методини тамомила рад қилиш учун етарли асос бўлолмайди. Киши ўз бошидан кечираётган бирон психик ҳолатни айни вақтда ўзи текшира олади. Онгли шахснинг хусусиятларидан бири ҳам шундан иборатки, у ўзининг бошидан ўтказётган ҳодисаларни шу оннинг ўзидаёқ англайди, фаҳмлайди, яъни уларни кузатиб бора олади, ҳатто инсон ўзини идора қила олади, баъзи туйғуларни боса олади. Масалан, ваҳимага берилмасликка ёки жаҳлини босишга ҳаракат қилади. Демак, у шу пайтда бу каби ҳислар ўзида пайдо бўлса ҳам уларга йўл қўйиш ярашмаслигини билиб туради. Буни ҳар ким ўз тажрибасидан жуда яхши билади. Одам фақат ҳаддан ташқари

ҳаяжонланган, жуда кучли туйғу-ҳиссиётга берилган вақтлардагина ўз бошидан ўтказаётган ҳолатларни таҳлил қила омайди, у ўзини йўқотиб қўйгандай бўлади. Аммо психик ҳодисаларни, уларни айна кечираётгандагини кузатиш мутлақо шарт эмас. Уларни ҳар ким ҳам, яъни эсга тушириш йўли билан таҳлил қилиши мумкин.

Кўпинча ўтмишда бошдан кечирилган психик ҳодисалар кейинчалик хотирага олиниб, таҳлил қилинади. Масалан, катта завқ-шавқ билан ишлаб ўтирган киши бутун вужуди билан илҳомга берилиб ўтиради ва айна вақтда илҳомнинг ўзи ҳақида ва ўзи илҳом кечираётганлигини ўйламайди. Аммо кейинчалик у илҳом вақтида қандай руҳий ҳолатларни кечирганини хотирасига олиб, шу каби психик кечинмаларнинг хусусиятларини таҳлил қилса бўлади. Психологияда бу метод қўллаш натижасида эришилган хулосаларни бошқа методларни қўллаш йўли билан текширилади ва тўлатилади. Чунки умумпсихик ҳодисаларни фақат ягона бир метод билан ўрганиш мумкин эмас.

### Сиртдан кузатиш методи

Ўз номидан кўриниб турибдики, бу метод воқеаларга аралашмай, унинг табий боришини ҳисобга олиш методидир. Яъни кишининг руҳий ҳаётига диққат бериб психик жараёнларини шу тариқа ўрганиш сиртдан кузатиш методи дейилади. Лекин бунда шуни назарда тутиш керакки, ўқиш ишларида катта қийинчиликларга дуч келувчи ўқувчиларни ҳаддан ташқари қийнаб, жонига тегиб кузатиш ҳамиша зарарлидир. Маълумки, ички туйғуларнинг, психик жараёнларнинг «ташқи ифодалари», яъни сиртқи аломатлари мавжуддир.

Бу ифодалар одамнинг ҳаракатлари ва имо-ишораларидан, юриш туришларидан иборат. Сиртдан кузатишнинг мақсади ички руҳий ҳолатларнинг фақат сиртқи кўринишларинигина эмас, балки уларга қараб психик жараёнларнинг ички мазмунларини очиш ва шундай тарзда кузатилган психик жараёндан маълум илмий-амалий натижалар чиқаришдир.

Масалан, ўқувчилар диққатининг хусусиятларини ёки улар диққатининг қанчалик чидамли эканлигини, диққат нима сабабдан ўзгариб туришини билиш зарур бўлса, дарсда эшитиб

ўтирган ўқувчиларнинг диққати сиртдан кузатилади. Дарсда болаларнинг қилиб ўтирган ҳаракатларидан, уёқ-буёққа қараб ўтиришларидан ёки тик қотиб ўқитувчига тикилиб ўтиришларидан, уларнинг диққатлари тўғрисида тегишли хулосаларга келиш мумкин.

Сиртдан кузатиш вақтида кузатилаётган фактлар қайд этиб борилади. Қайд этишда уларнинг сурати ҳам олинishi мумкин. Бу соҳада фото ва кинодан кенг фойдаланадилар, айниқса кичкина болаларнинг психикаси ва ҳайвонлар психикасини ўрганишда шу воситалардан кенг фойдаланилади. Бу метод билан тўпланиган фактлар таҳлил қилинади ва умумийлаштирилиб, маълум психологик қонуниятлар муқаррар қилинади.

Бироқ бу методнинг асосий камчилиги шуки, унинг ёрдами билан психик ҳодисаларнинг ички мазмунини чуқур ўрганиб бўлмайди. Масалан, бир кишининг ташқи кўринишидан унинг хаёл суриб ўтиганини билиш ва унинг шу ҳолатини кузатиб туриш ҳам мумкин бўлади. Аммо унинг хаёлига қандай нарсалар келганлигини, хаёлида қандай образлар пайдо бўлганлигини, яъни ундаги психик ҳолатнинг ички мазмунини била олмаймиз. Психологнинг туб мақсади, албатта, хаёлга чўмиб ўтирган кишининг фақат юз ифодаларини қайд этиб бориш, уларнинг суратини олиш каби ишлардан иборат бўлмасдан, балки шу ташқи ифода ва аломатларга қараб психик жараёнларни тугал ва тўғри билиб олишдир. Шунинг учун бу метод билан эришилган натижалар ўз-ўзини кузатиш методи билан олинган маълумотлар билан тўлдирилади.

Ёш болаларнинг психикаси асосан шу метод билан текширилади ва уларнинг ҳаракатларига қараб психик ҳолатлари ҳақида хулоса чиқарилади.

Сиртдан кузатиш методи билан ҳар бир психик ҳолат табиий шароитда, турмушда қандай юз берадиган бўлса, шу ҳолича олиб текширилади. Бу методдан фойдаланувчилар маълум илмий текшириш режаси асосида иш кўрсалар ҳақида шу жараёнларга таъсир қилмасдан, сиртдан туриб текширадилар ва текширмоқчи бўлган психик жараённинг юз беришини пойлаб юришга мажбур бўладилар. Илмий текшириш соҳасидаги бу ноқулайлик ва қийинчиликлар эксперимент методи билан бартараф қилинади.

## Эксперимент методи

Эксперимент методи психологияда XIX асрнинг иккинчи ярмидан татбиқ қилина бошланди ва унинг асосий методларидан бири бўлиб қолди.

Эксперимент методининг психологияда икки асосий тури мавжуд бўлиб, уларни лаборатория ва табиий эксперимент деб ажратадилар.

Текширилиши лозим бўлган биронта психик ҳодиса лаборатория шароитида махсус равишда вужудга келтирилиб, уни ҳар хил асбоб ва воситалар ёрдами билан текшириш усули **эксперимент методи** дейилади. Эксперимент асосида текширишлар одатда махсус лаборатория ва институтларда олиб борилади ва бунинг учун ҳар хил техник аппарат, асбоб ва материаллардан фойдаланилади. Психологик эксперимент методи жуда қулай ва аниқ натижалар берадиган методлар сирасига киради. Чунки унинг ёрдами билан хоҳлаган бирон психик ҳодисани атайин вужудга келтириб, ҳар томонлама батафсил ва аниқ ўрганиш мумкин. Масалан, диққатнинг ҳажмини, эсда қолдириш тезлигини, хотира топқирлигини, хаёл ва тасаввурларнинг бойлигини, тасаввурлар боғланиши (ассоциацияси)ни ва шу сингари бошқа психик жараёнларни шу метод билан тез ва аниқ текширилади ва натижада маълум психологик қонуниятлар ҳосил қилинади.

Психик жараёнлар билан организмдаги ўзгаришлар ўртасидаги муносабат, организм реакцияларининг суръати ва шунга ўхшаш ҳодисалар ҳам шу йўл билан ўрганилади.

Психик ҳодисаларни лаборатория эксперименти методи ёрдамида ўрганиш жараёнида уларни турлича ўзгартириб кўриш, бошқа ҳодисаларга боғлаб, шароитни турлича ўзгартириб, уларнинг кучини, тезлигини, ҳажмини ва бошқа томонларини аниқ ўрганиш ва кузатиш натижаларини математик усул билан ҳисоблаб чиқиш мумкин. Шу билан бирга бирор лабораторияда ўтказилган тажриба натижаларини, лозим топилса бошқа бир лабораторияда ҳам айнан такрорлаб, уни синая кўриш мумкин. Чунки эксперимент методи вақтида ишлатиладиган асбоб, аппаратуралар ва бошқа лаборатория жиҳозлари аниқ ва тўғри кузатиш ҳамда бир тажрибани айнан такрорлаш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам бу метод объектив натижа берадиган методдир.

Бироқ психологияда лаборатория эксперимент методи баъзи бир нуқсонлардан ҳам ҳоли эмас. Эксперимент методининг нуқсонларидан бири унинг маълум даражада сунъийлигидир. Эксперимент қилинаётган жой (лаборатория, психология кабинетлари)нинг шароитлари кишининг психикасига таъсир қилади. Яна шуниси ҳам борки, киши ўзининг текширилаётганлигини пайқаб қолса, ўнғайсизланади ва ўзини одатдагидан бошқачароқ ҳис қилади, тортинади ва ҳоказо. Бу эса, албатта, экспериментнинг натижаларига ҳам таъсир кўрсатиб, кутилган мақсадга олиб келмаслиги мумкин. Маълумки уялиш, тортиниш, шошиб қолиш ҳам психик жараёнларнинг сифатига таъсир қилади.

Шунинг учун ҳам психологияда эксперимент методини алоҳида диққат ва эҳтиёт билан қўллаш лозим.

Психологияда эксперимент методининг яна бир кўринишидан фойдаланадиларки, бу табиий эксперимент дейилади.

**Табиий эксперимент методи.** Ўрганмоқчи бўлган шахсдаги бирон психик жараёни, унинг ўзига сездирмасдан ва унинг учун табиий бўлган шароитда ёки унинг кундалик фаолияти жараёнида вужудга келтириб ўрганиш усули табиий эксперимент методи деб аталади.

Психик жараёнларни табиий эксперимент методи билан ўрганиш лаборатория шароитида сунъий йўллар билан ўтказиладиган эксперимент методидан фарқ қилади. Чунки табиий эксперимент текшириладиган одам учун табиий бўлган бир шароитда ва унинг кундалик фаолияти жараёнида амалга оширилади. Текширилаётган одам ўзи устида махсус тажриба қилинаётганини пайқамайди. Шу сабабли унинг ҳамма ҳаракатлари, юриш-туришлари самимий ва табиий бўлиб чиқади. Шунинг учун бу метод аниқ, илмий натижалар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Табиий эксперимент методини рус психологи Лазурский вужудга келтирди, шундан сўнг XX асрдан бошлаб бу метод психологияда кенг ёйилди. Бу метод хусусан боғча ёшидаги ва мактаб ёшидаги болаларнинг психологиясини ўрганишда татбиқ қилинади. Масалан, боғча ёшидаги болаларнинг ижодий хаёлига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш мақсадида қуйидаги табиий экспериментни ўтказиш мумкин. Болалар боғчасида болалар учун одатдагича ҳикоя айтиш вақтида махсус тай-

ёрланган бир ҳикояни гапириб, унинг энг қизиқарли, воқеанинг энг баравж жойига келиб тўхтатилади. Шундан сўнг бу ҳикоянинг нима билан тамом бўлишини гапириб бериш болалар ихтиёрига қолдирилади. Болаларнинг шу тариқа гапириб берган нарсаларидан уларнинг хаёли ва тасаввурларига хос бўлган хусусиятлар аниқланади.

Яна бир мисол. Уқитувчи бирор таълим-тарбиявий чоранинг ўқувчилар психикасига, онгига қандай таъсир қилишини синаб кўриш мақсадида шу чорани синф ёки мактаб шароитида, ўқувчилар одатланган бир машғулот вақтида ўтказиб, маълум бир хулосага келади.

Табиий эксперимент методидан фойдаланиш учун олдин пухта тайёргарлик ўтказиш керак. Бу метод билан тўпланган материаллардан хулоса чиқарганда субъективликнинг олдини ола билиш лозим, яъни текширувчи одам психик жараёнларнинг фақат ташқи аломатларинигина қайд этиб бориб, уларнинг ички хусусиятларини аниқлашда текшириляётган одамда ҳақиқатда бўлмаган кечинмаларни бўлди, деб ўйлаши ёки уларни бутунлай бошқача изоҳламоғи мумкин. Шунга кўра психологияда табиий эксперимент методи бошқа методлар билан биргаликда татбиқ қилинган тақдирдагина тўла илмий қийматга эга бўла олади.

Шу методлар билан бир қаторда психологияда яна сўроқ - суҳбат методлари ва киши фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш каби бир-қанча ёрдамчи методлардан ҳам фойдаланилади.

### Сўроқ-суҳбат методи

Бирорта психик жараённинг ички хусусиятларини аниқлаш юзасидан текшириляётган одамга махсус берилган саволларга жавоб олиш усули **сўроқ ва суҳбат методи** дейилади. Бу метод ҳам психик жараёнларни бошқалар устида ўрганишдан иборатдир. Текшириляётган одам берилган саволларга жавоб қайтаради. Унинг жавоблари ёзиб борилади, сўнгра улар таҳлил қилиниб, маълум хулоса чиқарилади. Бироқ бу методдан тўғри фойдалана билиш керак. Айниқса, бериладиган саволларни пухта ва чуқур ўйлаб чиқиш лозим. Бу саволлар шундай мазмунда ифода қилиниши зарурки, уларга бериладиган жавоблар худди текширилмоғи лозим бўлган кечинма ва жараёнлар-

нинг ички хусусиятларини билиб олишга ёрдам берсин, бу жавоблар самимий ва холисона бўлсин, улар текширилувчига таъсир қилиб, унинг фикрини бошқа бир изга солиб юбормасин. Савол берган вақтда шуни эсда тутмоқ керакки, одамнинг табиа-ти тез таъсирланувчан бўлиб, тақлидга мойил бўлади. Хусусан, бу ёш болаларга хос хусусиятдир. Шунинг учун ҳам, масалан, болаларнинг қизиқиш, орзу-ҳавасларини ёки қандай мавзудаги китобни ўқишни истаганликларини аниқлаш учун «Саёҳат, саргузашт, ҳайвонот ёки уруш ҳақида ёзилган китобларни ўқишни истайсанми?» ёки «Сен ким бўлишни истайсан, муҳандисми, учувчими ёки ўқитувчими?». Мана шу хилда ифодаланган саволларни бериш ярамайди. Чунки одатда болалар бу саволларнинг мазмуни таъсирига берилиб, саволда нималар кўрсатилса, фақат шуни қайтараверадилар. Аммо «Сен ким бўлишни истайсан?» деб савол берилса, бола холисона жавоб бериб, ўзи нимага қизиқадиган бўлса, шуни кўрсатади.

Сўроқ ва суҳбат методи ҳозирги замон психологиясида кенг ишлатилади. Хусусан, фикрлаш, ирода, хаёл ва ижод жараёнлари каби энг олий руҳий ҳолатларни ўрганишда бу методдан кўп фойдаланилади. Унинг қиймати шундаки, текширувчи ўзининг берган саволи билан текшириляётган одамнинг диққатини ички кечинмаларига қаратади ва уни шу ҳақда чуқур ўйлашга, ўзининг кечинмаларини таҳлил қилишга мажбур этади.

### **Шахс фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш методи**

Одам психологиясини, хусусан унинг шахсий хусусиятларини, орзу-ҳавасларини, туйғу-ҳисларини ўрганишда татбиқ қилинадиган бу методдан фойдаланиш шундан иборат бўладики, унда кишининг меҳнат самараси, ижодиёти, қилган ишлари таҳлил қилинади. Амалий психологияни ўрганишда ҳам шу методдан фойдаланадилар. Яъни ҳар хил ёшдаги болаларнинг ўйинлари, машғулоти, расмлари, ёзувлари ва бошқа ижодий ишлари таҳлил қилиниб, шу ёшдаги болаларнинг тасаввурлари, хаёл, қобилиятлари, орзу-ҳаваслари, билим ва тажрибалари аниқланади.

Умуман, психик ҳаёт ва уни белгиловчи сабаблар жуда мураккаб ва хилма-хил бўлганлиги учун психология фанида ҳар

хил методлардан фойдаланишга тўғри келади. Психик хусусиятларни текширишда шахснинг таржиماи ҳоли, унинг ижтимоий келиб чиқиши, олган тарбияси, фаолляти, орзу-ҳаваслари, ёши, саломатляги ва шунга ўхшаш нарсалар назарга олинади. Чунки кишининг психик хусусиятлари ва хислатлари бир шаклда қотиб қолмасдан ўсиб, ўзгариб туради ва бу фақат организмнинг табиий ҳолати билангина эмас, балки асосан шахснинг ижтимоий ҳаёт кечириш тарзи, унинг мафкуриси ва мақсад-маслаклари билан белгиланади. Фақат ягона бир метод билангина илмий натижаларга келиш мумкин эмас. Психик ҳодисаларни айниқса ҳар тарафлама ўрганиш зарур. Бу эса ҳар хил методлардан фойдаланишни тақозо қилади. Аммо юқорида кўрсатилган методлардан айрим ҳолларда бирини таянч метод тариқасида олиш мумкин. Бироқ шу бир метод натижасида ҳосил қилинган маълумотни бошқа методлар ёрдами билан синаб, текшириб кўриш лозим. Лекин бу методларнинг ҳаммаси амалий тажриба принципларига асослангандагина киши психикаси ва онг ҳодисаларини чинакам илмий суръатда тушунтириш ва психология фанини инсониятнинг порлоқ истиқболига хизмат қилдириш мумкин.

Айниқса ўқитувчи учун психологиянинг илмий ўрганиш методларини яхши билиш, улар воситаси билан ўз ўқувчиларининг психологик хусусиятларини ўргана билиш, унга ёш авлодларга истиқлол тарбиясини бериш ишини унумли ва ижодий бажаришга имконият беради.

## **1.6. Таълим жараёнида интерфаол ва инновацион технологиялар методидан фойдаланиш**

Ҳозирги кунда интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг асосий сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбия-

ланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг учун олий ўқув юртлари факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари – интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлиб шаклланишини таъминлайди.

**ИННОВАЦИЯ** (инглизча *"innovation"*) янгилик киритиш, янгилик деганидир.

Инновацион технологиялар методи педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар бу – жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар кирради:

ўқувчи-талабани дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;

ўқувчи-талабани ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаш;

ўқувчи-талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириш;

педагог ва ўқувчи-талабанинг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириш.

### **Ақлий ҳужум**

Ақлий ҳужум гуруҳлараро ишларда қўлланиладиган, кўплаб ғояларни ишлаб чиқиш мумкин бўлган методдир. Бу ҳақиқатан ҳам талабаларнинг ўқув жараёнида фаол иштирок этишларни, турли ғояларни баён қилиш чоғида бошқаларни ҳам қизғин

ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рағбатлантирувчи методдир. Ақлий ҳужум шунинг учун ҳам фаоллаштиришнинг муҳим усулики, унда танҳо ишлаш мумкин эмас, биргина ғоя гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир хилла ўзига тортиб олади.

Ўқитувчи мавзу ёки саволни ажратиб олиши зарур, кейин эса ўқув фаоллиги 5-10 дақиқа оралиғидаги вақт чегарасида енгиллаштирилади.

Ақлий ҳужум турли тарзда қўлланиши мумкин: масалан, қандайдир мавзунини муҳокама қилиш учун, янги савол қўйиш ёки исталган қандайдир муаммони ҳал этиш учун.

### **Фикрлар ҳужуми**

Бевосита жамоа бўлиб «Фикрлар ҳужуми» («Мозговая атака») олиб бориш мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айна бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгиллашди. Бу метод дастлаб А.Ф. Осборн томонидан тавсия этилган. Бу методнинг асосий тамойили ва қондаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан ғоялар танқидини мутлоқ тақиқлаш, ҳар қандай луқма ва ҳазил-мутоибани рағбатлантиришди. Бу методдан фойдаланишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи, яъни машғулот раҳбарига боғлиқ. «Фикрлар ҳужуми» иштирокчилари миқдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотнинг давомийлиги бир соатни ташкил этади.

**Ялпи «Фикрлар ҳужуми».** Бу метод Ж. Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган. У катта гуруҳларда (10 дан 20 тагача бўлган) янги ғоялар ишлаб чиқиш самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлайди. Барча иштирокчилар кичик-кичик 5 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир кичик гуруҳ ҳал қилинадиган ижодий вазифа ва муаммо бўйича 15 дақиқа давомида мустақил равишда ўзаро «Фикрлар ҳужуми» ўтказиши. Шундан сўнг ҳар бир кичик гуруҳ вакили ўз гуруҳларида ишлаб чиқилган ғоя ҳақида ахборот берадилар ва ўқитувчи раҳбарлигида жамоа бўлиб унга баҳо берадилар ва улардан энг яхшилари, бетакрорлари танлаб олинади.

**Фикрларнинг шиддатли ҳужуми** деструктив берилган баҳо билан диалогдан иборатдир. Бу метод Е. А. Александров томонидан таклиф қилинган. Г. Я. Буш томонидан ўзгартирилиб йўлга қўйилган. Диалогнинг моҳияти шундаки, жамоа бўлиб ғоялар ишлаб чиқишда иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари фаоллаштирилади ва унга зид ғоялар қўйилади.

#### **Дарсга кириш ва таҳлил этиш методикаси.**

Бозор иқтисодиёти шароитида таълим мазмунига қўйиладиган талаблар янада кучайди. Ўтказилаётган социологик тадқиқотлар шунни кўрсатмоқдаки, бугунги ўқувчиларнинг аксарияти (юқори синфлар мисолида 70-75 фоизи) ўқишга қизиқмай қўйишди. Бунинг сабабларидан бири дарс мобайнида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида замон талаб этган мулоқотнинг заифлигидадир. Шунингдек, мактабда, ўрта-маҳсус ўқув юртларида ҳамкорлик педагогикаси, халқ тарбияшунослиги ва педагог психологлар хизмати тўғри йўлга қўйилмаганлигидадир. Умуман олганда, муаллим ўзининг кучли ва заиф томонларини ҳар доим англаши керак. Айрим муаллимлар ўзларининг заиф томонларини, айниқса, билимсиз эканликларини ёпиш учун ўқувчига ортиқча талаблар қўядилар. Ўқитувчининг бўш томонини эса ўқувчи тез англайди. Шунинг учун у ҳадиксираб эмас, балки ўқитувчи ҳурматини жойинга қўйиб муносабатга киришиши мумкин. Бундай руҳий кайфиятни баъзан ўқитувчи сезмайди. Ўқувчи эса муаллимни ҳар доим кузатиб боради. Ундан илиқ гап, меҳрмурувват кутади.

Ҳозир фанда таълимнинг тарбиявий аҳамиятини очиб бериш муаммоси турибди. Шундай шароитда ўқитувчининг ташқи қиёфаси ҳам баъзан тарбиявий аҳамият касб этади. Лекин буларнинг ичида энг муҳими, энг зарури ва ўқувчи учун энг аҳамиятлиси ўқитувчининг билимдонлиги, янгилик ва дунёвий билимларга чанқоқлиги ҳамда унинг сўзи билан ишининг мувофиқ келишидир ҳамда ўқувчиларни изланишга, билимларни мустақил эгаллашга, ҳар бир фаннинг моҳиятини тушунишга, ишга ижодий ёндошишга ундаши, ўқувчининг эркин фикрлаш, мустақил ишлаши учун шароит яратишидадир.

## Тармоқлар методи (Кластер)

Фикрларнинг тармоқланиши бу – педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон-бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқланишга ўргатади.

Бу метод бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтиришга хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклда ифодалашга ундайди<sup>1</sup>.

### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Амалий психология фани ҳақида тушунча беринг.
2. Психик жараёнлар, шахснинг психик ҳолат ва хусусиятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нимада?
3. Бизни ўраб турган муҳит онгимизда тўғри акс этишини тасдиқловчи мисоллар келтиринг.
4. Умумий ва жузъий психологик қонуниятларга мисоллар келтиринг.
5. Амалий психология методлари ҳақида тушунча беринг.
6. Таълим жараёнида интерфаол ва инновацион технологиялар методидан фойдаланиш усуллари тушунтириб беринг.

### Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати

1. И. А. Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008.
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
3. И.А.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. Психология курси. М.В. Гамезо таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 1972.

---

<sup>1</sup> Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Тошкент – 2004. Низомий номидаги ТДПУ инновацион технологиялар маркази. 3-9-27 бетлардан фойдаланилди.

5. **Климов Е.А.** Основы психологии. Учебник. – М.: 1997.
6. Психологии Под. Ред. А.А. Крылова. – М.: 1998.
7. **Немов Р.С.** Психология. Кн-1. – М.: 1998.
8. **В. Каримова, Ф. Акромов.** Психология. Маърузалар матни. – Т.: 2000.
9. **В. М. Каримова.** Ижтимоий психология асослари. – Т.: 1994.
10. Прикладная социальная психология. Учебное пособие. – М.: 1998.
11. Практическая психодиагностика. Методика и тесты самана. – М.: 1998.
12. **Л. Бекизарова, А. Жабборов.** Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг психология хусусиятлари. – Тошкент: «Фан», 2008.
13. **Э. Ғозиев, А. Жабборов.** Фаолият ва ҳулқ-атвор мотивацияси. – Тошкент: 2003.

НЕРВ СИСТЕМАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ  
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИДА БИОЛОГИК-  
ФИЗИОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ

2.1. Нерв системасининг тузилиши ҳақида умумий  
тушунча

Одам психологияси ва унинг моддий асоси бўлмиш нерв системаси бош мия фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, узоқ табийий ва тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Ҳар қайси шахс маълум ижтимоий-тарихий даврда ва маълум сиёсий-маънавий шароитда дунёга келади, ўзининг индивидуал-психологик ҳолати ҳамда хусусиятларини турмуш тарзи ва таълим-тарбия асосида шакллантириб боради. Юқорида айтганимиздек, буларнинг ҳаммаси бош мия ва олий нерв системаси фаолияти таъсрида амалга ошади. Нерв системаси дастлаб умуртқалиларда тараққий қила бошлади ва мураккаб шаклларга кира боради. Нерв системаси организмдаги бошқа ҳамма тўқималардан фарқ қилади. У алоҳида тузилишга эга бўлган нерв ҳужайралари ва уларнинг ўсимталари (дендрет ва нейритлар)дан иборат бўлиб, ташқаридан келган таассурот билан қўзғалиш, у таассуротни, яъни нерв импульсларини (тоқларини) ўтказиш ва шу таассуротга жавобан ҳаракат (реакция) қилиш хусусиятига эгадир. Миянинг кулранг моддаси, нерв ҳужайраларининг бир-бирига бирикиб тўпланишларидан, унинг оқ моддаси нерв толаларининг тўпланишидан ҳосил бўлади.

Юқори тараққий этган ҳайвон ва одамларнинг нерв системаси жуда мураккаб тузилишга эгадир. Уни одатда марказий, периферик ва вегетатив нерв системалари деб уч бўлакка ажратиб ўрганиш маъқул топилган.

**Марказий нерв системаси** орқа мия ва бош миядан иборатдир.

*А. Орқа мия* умуртқа поғонасининг суяк каналида жойлашган бўлиб, кўриниши билан арқонга ўхшайди. Унинг устки қавати нерв толалари, ички қавати кулранг модда ва устки қава-

ти оқ моддадан тузилган. Нерв системасининг ҳайвонлар дунёсида энг аввал гараққий қилган бўлаги орқа мия бўлгани учун у «қадимги мия» ҳам деб юритилади. Орқа мия онгсиз (рефлекс), ихтиёрсиз ҳаракатлар маркази бўлиб, унинг онгли психик жараёнларга бевосита алоқаси йўқ. У тана ва қўл-оёқ мускулларини, кўз мускулларини идора қилади, шунингдек организмда бўладиган бир қанча физиологик жараёнларни яъни томир ҳаракатлари, тер чиқариш ва бошқа шу каби физиологик жараёнларни ҳам идора этадиган марказ ҳисобланади. Шу марказлардан бир қисми вегетатив нерв системасига тааллуқлидир.

*Бош мия* калла қутисида жойлашган бўлиб, гўё орқа мия тепасидаги устки қават ҳисобланади. Бош мия қуйидаги қисмларга ажратилади: 1) кетинги мия; 2) ўрта мия; 3) оралиқ мия; 4) олдинги мия.

*Кетинги мия.* Кетинги мияга узунчоқ мия, Варолий кўприги ва мияча киради. Узунчоқ мия билан Варолий кўприги орқа миянинг гўё бевосита давомидир. Лекин узунчоқ мия орқа мияга қараганда анчагина мураккабироқ вазифани бажаради. Узунчоқ мия орқали орқа миядан бош миянинг юқоридаги қисмларига ва яна орқа мияга импульслар ўтиб туради. Узунчоқ мия ядролари эмиш, чайнаш, ютиш, сўлак ажратиш, меъда ва меъда ости безидан шира ажратиш, қусиш ва шунга ўхшаш бир қанча мураккаб рефлекслар жараёнларини бошқаради. Нафас олишни, юракнинг ишлашини идора этадиган қон томирлар тонусини сақлайдиган марказлар узунчоқ миядадир. Мияча марказий нерв системасининг пастдаги ҳамма бўлимларига, шунингдек, юқори-роқдаги қисмларига кўп йўллар билан маҳкам боғлангандир. Миячанинг жуда катта аҳамиятга эга эканлиги лоақал шундан ҳам билинадикки, мияча олиб ташлангандан кейин тананинг мувозанат ва ҳаракат функциялари жуда ҳам бузилади. ҳаракатлар тартибсиз, чалкаш, пойма-пой бўлиб қолади. Миячаси олиб ташланган ҳар қандай ҳайвон қаддини кўтариб ва бошини тутиб туролмайди.

*Ўрта мия.* Мускул тонусининг нормал тақсимланишини ва гавданинг товуш ҳамда ёруғлик сингари қўзғовчиларига, шунингдек, оғирликка нисбатан тўғри туришини идора этадиган тўрт тепалик, қизил ядро ва миянинг бошқа баъзи бир участкалари ўрта мия таркибига киради.

*Оралиқ мия* муҳим функцияларни ўтайдиган бир қанча нерв тизимларидан иборат. Гаяданинг умумий сезувчанлигини ҳам ўрта мия идора этади. Пастроқдаги вегетатив марказларнинг ишларини бирлаштирадиган ва мувофиқлаштирадиган олий вегетатив марказлар ҳам ўрта миёда деб тахмин қилинади.

«*Олдинги мия* ва унинг пўсти бош миёанинг қисмларидир. Одамда олдинги мия шу қадар тараққий қилганки, у бутун бош миёанинг деярли 80 фоизини ташкил этади. Шу сабабли олдинги мия катта мия ҳам дейилади. Олдинги мия иккита ярим шардан – ўнг ва чап ярим шарлардан иборат. Ярим шарларнинг усти кулранг модда билан қопланган. Бу мия пўсти дейилади. У асосан пирамидага ўхшаш жуда кўп (одамда 12 миллиард) ҳужайралардан тузилган бўлиб, одамда унинг катталиги тахминан икки минг кв. см.га баробар.

Бош мия ярим шарлари пўстининг юзаси одатда тўртта катта қисмга: пешона қисми (энг каттаси), тепа қисми, энса қисми ва чакка қисмига бўлинади. Онгли психик жараёнларнинг бевосита биологик асослари, шунингдек, уларнинг нерв марказлари бош мия пўстида жойлашган. Сут эмизувчи ҳайвонлардан бошлаб, психика ва олий психик фаолиятларнинг нерв марказлари мия пўстидан иборат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мия пўсти психик тараққиётда катта рол ўйнайди. Агар жарроҳлик йўли билан ҳайвоннинг мия пўсти олиб ташланса, унинг психик ҳаёт жараёнлари ҳам йўқолади.<sup>1</sup>

Мия пўсти олинган ит ҳам ҳеч кимни танимайди, ҳар нарсага қоқилиб юради, овқатни ўзи қидириб тополмайди, тумшугини овқатга ургандагина уни ейди. Одамга биологик жиҳатдан энг яқин турган ҳайвонлардан маймунлар эса бундай операцияни кўтара олмайдилар, уларнинг мия пўсти олиб ташланса, бир-икки кун ичида ўладилар. Бироқ бундан психик ҳаёт учун мия пўсти тагидаги мия бўлақларининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, деган хулоса келиб чиқмайди. Мия пўсти бош ва орқа мия билан алоҳида нерв толалари орқали боғланади. Шунингдек, орқа мия ва мия пўсти тагидан чиқадиган нерв толалари ҳам мия пўстига ўтиб, у билан боғланади. Шунинг учун ҳам психик жараёнлар бутун нерв системаси ва унинг фаолияти билан белгиланади.

---

<sup>1</sup> П.И. Иванов. Умумий психология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1997 йил, 39-41 бетлар.

Мия пўсти одам нерв системасининг энг юқори бўлими бўлиб, у умуман онгли психик жараёнлар, яъни англаш, ижод қилиш ва иродавий бошқарув каби фаолиятларнинг марказидир. Шунга айтиш керакки, мия пўстида айрим психик функцияларнинг бошқарадиган нерв марказлари ҳам бор деб тушунилади. Бундай махсус марказлар тубан ҳайвонларда масалан, судралувчи ҳайвонлар ва ҳатто қушлар миясида ҳам йўқ. Аммо сут эмизувчиларда, айниқса юқори тараққий қилган ҳайвонларда мия пўстининг айрим бўлаклари асосан маълум бир функцияларни бажаришга мувофиқлашгандир. Масалан, кўриш марказлари мия пўстининг орқа қисмида жойлашган бўлса, эшитиш, тамни сезиш, ҳидни билиш марказлари чекка қисмларда жойлашган. Мия пўстининг пешона билан тепа қисмида ҳаракат (моторик) марказлари ўрин олган. Улардан бадан, қўлоёқ, бармоқ ва бошқа аъзоларнинг ҳаракатини бошқарадиган марказларни кўрсатиш мумкин. Мия пўстининг тепа (энса) орқасидаги қисмида эса сезувчи (сенсор) марказлар жойлашган. Одам миясининг чап ярим шари пўстлоғида махсус нутқ марказлари мавжуддир.

Пешона қисми олий психик жараёнлар маркази ҳисобланади. Шу марказларнинг бир қисми бузилиб қолса шунга боғлиқ бўлган психик функция ҳам ишдан тўхтайди. Масалан, кўриш марказлари зарарланса кўриш қобилияти ҳам зарарланади. Ҳаракат марказлари зарарланганда, уларга боғлиқ ҳаракатлар ҳам тартибсизланади ёки фалаж бўлади. Нутқ қобилияти ҳам бузилиб, тил йўқолади ва ҳоказо. Қаттиқ кантузия натижасида бу марказда вақтинча иш тўхтайди, шу сабабдан бундай аҳволда киши беҳуш бўлиб, эсини йўқотади, кар-кўр бўлади ва ҳоказо. Маст кишида ҳам миянинг зарарланиши натижасида булар тартибсизланади. Аммо мия аввалги ҳолига қайтиши билан бу ҳодисалар ҳам йўқолади.

Юқори тараққий қилган сут эмизувчи ҳайвонларнинг ва айниқса одамнинг мия пўстининг пешона қисми яхши ўсган бўлиб, у олий психик процесслар маркази ҳисобланади. Масалан, маймуннинг мия пўстидан пешона қисми олиб ташланса, унга янги бир нарсани ўргатиб бўлмайди, унинг эси пасаяди. Албатта, мия пўстининг айрим бўлаклари ўзларигагина хос вазифани бажарадиган бўлсалар ҳам, бу марказлар ўзаро боғлангандирлар. Уларнинг бир қисми ишдан тўхтаса, бу ҳолат

умуман олий психик жараёнларга таъсир қилади ва уларга зарар келтиради. Айниқса, одамда шундай бўлади.

**Периферик нерв системаси** марказий нерв системасидан чиқадиган нерв тармоқларидан иборат бўлиб, улар организмга ёйилиб, унинг барча ташқи қисмларини марказий нерв системаси билан боғлайди. Бу нервларнинг 12 жуфт тўплами бош миёда ва 31 жуфт тўплами орқа миёдан ажралиб чиқади ва унинг майда толачалари бутун организмга тарқалади. Бу периферик нервлар сезувчи ва ҳаракатлантирувчи нервларга бўлиниб, улардан сезувчи нервлар ташқаридан келадиган таассурот бош ва орқа миёга олиб борадиган, ҳаракатлантирувчи нервлар эса қўзғалиш (импульс)ни бош ва орқа миёдан мушак, пай ва безларга етказадилар.

Сезувчи ва ҳаракатлантирувчи нервлар ва уларнинг марказлари сезги аъзоларини ташкил қилиб, ташқи дунёдаги буюм ва ҳодисаларга хос бўлган хусусиятларни, уларнинг сифат ва шаклларини миёда акс эттиришга хизмат қиладилар.

**Вегетатив нерв системаси** нерв тугунлари алоҳида туташиб кетган бойламлардан иборат бўлиб, улар асосан ички органлар – ошқозон, нафас олиш, қон айланиш каби органлар ва безларнинг фаолиятини бошқариб туради.

Вегетатив нервлар марказий нерв системасига, яъни бош миё ва орқа миёга ҳам боғланган бўлади. Шу сабабли вегетатив ва марказий нерв системаларининг фаолияти бир-бирига таъсир қилади. Аммо вегетатив нерв системасининг фаолияти қисман марказий нерв системасига боғланмасдан ҳам ўтиши мумкин. Шунинг учун ҳам вегетатив нерв системаси автоном, яъни мустақил нерв система дейилади.

Аммо ҳайвонларнинг биологик тақомили қанча тубан бўлса, нерв системасининг шу қисми ҳам шунча «мустақил»дир.

Нерв системаси ривожланган организмларда, хусусан одамда, вегетатив нерв системаси марказий нерв системасига маҳкам боғланган.

Вегетатив нерв системасининг фаолияти ва унинг ҳолати ҳайвон ва одамнинг руҳий кечинмалари ҳамда ҳолатларига боғлиқ равишда ўзгаради. Масалан, кўрққан вақтда сочнинг тикка туриши, юзнинг оқариб кетиши, нафаснинг буғилиши, тернинг пайдо бўлиши, юракнинг қаттиқ уриши, қўл-оёқнинг титраб кетиши, оғиздаги сувнинг қуриб кетиши каби ва веге-

татив нерв системасининг фаолиятига боғлиқ уялган вақтда қизариш, терлаш ва ҳоказалар ҳам вегетатив нерв системасининг қўзғалиши ва организмдаги жараёнларнинг ўзгариши билан биргаликда ўтади. Булар организмдаги ҳаёт жараёнларига таъсир қилиб, унда бўладиган ўзгаришлардан очиқ кўриниб туради.

## **Нерв системасининг фаолияти ва психика**

Нерв системаси фаолиятининг фанга маълум бўлган асосий формаларидан бири рефлекслардир. Организмнинг бирорта қўзғовчи таъсирига жавобан қилган ҳаракати рефлекс деб аталади. Қўл бирорта иссиқ нарсага тегиб кетса, уни беихтиёр тортиб олиш, овқат еганда оғизга сўлак келиши, кўзга бирор нарса тушганида ёш оқиши ва ҳоказолар бунга мисол бўлади<sup>1</sup>.

Бунда қўлнинг иссиқ нарсага тегиб кетиши, овқат ейиш, кўзга бирор нарса тушиш қўзғатувчи сабаб, аммо қўлни тортиб олиш, оғизга сўлак келиш, ёш оқиш эса рефлекс, яъни организмнинг нерв системаси орқали шу таассуротга жавобан қиладиган ҳаракатидир.

Ҳар бир рефлекс қўйидагича вужудга келади: қўзғовчи (масалан, қўлнинг иссиқ нарсага тегиб кетиши) сезувчи нерв учларига таъсир қилиб, уларни қўзғатади, бу қўзғалиш сезувчи нерв йўли билан дарров орқа ёки бош мияга бориб етади, бунда нерв қўзғалиши ҳаракатлантирувчи нервга ўтиб, тегишли мушакларга бориб, уларни ҳаракатга келтиради. Демак, ҳар бир рефлекснинг вужудга келиш йўли ана шундай уч қисмдан иборат, шу йўл (яъни сезувчи, марказий ва ҳаракатлантирувчи қисмлар) рефлекс ёни дейилади.

### **2.2. Олий нерв фаолияти ҳақида И.П.Павлов таълимоти ва унинг психология фанида тутган ўрни**

Юксак даражада тараққий этган ҳайвонларда психик хусусиятларнинг ва одамлардаги онгли психик жараёнларнинг бевосита моддий асоси бош миянинг пўстидир. Бош миянинг пастроғидаги бошқа ҳамма қисмлари, шунингдек орқа мия

---

<sup>1</sup> И.П.Павлов. Полное собрание сочинений. IV том. 358-бет.

онгсиз рефлектор ҳаракатларининг марказлари бўлиб, хилма-хил психо физиологик жараёнларни идора этади. Бу ерда яна шуни ҳам айтиш керакки, бош миянинг юқорида айтилган ҳамма қисмлари орқа мия марказий нерв системаси босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлининг босқичларидир.

Нерв системасининг, айниқса унинг юксак физиологик тармоқлари фаолиятини фанда узоқ вақт текширилмасдан келганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, рус олимлари нерв системасининг физиологиясини ўрганиш соҳасида жаҳон миқёсида катта хизмат кўрсатганлигини таҳсинга лойиқ деб баҳолашимиз мумкин.

Рус физиологиясининг отаси И.М. Сеченов (1829-1905) бош мия рефлекслар фаолиятини биринчи бўлиб илмий асосда кўрсатиб берди.

1863 йилда унинг «Бош мия рефлекслари» номли машҳур асари босилиб чиқди. Бу асарда Сеченов ўша вақтдаги илғор физиологларнинг ютуқларига ва ўзи олиб борган текширишларга асосланиб, одамнинг психик фаолияти қандайдир исми бор, жисми йўқ, моддий бўлмаган руҳ, жоннинг маҳсули бўлмай, балки фақат миянинг фаолиятидир, деган фикрни дадил айтди.

«Одамдаги психик ва физиологик ҳодисаларнинг иккови бир-бирига яқин ҳодисалар, бир моддий асосдан келиб чиқадиган ҳодисалардир», деб ёзди Сеченов. Психик жараёнларнинг негизи бош мия рефлексларидир, деган таълимотни Сеченов биринчи бўлиб илгари сурди. «Онгли ва онгсиз ҳамма психик ҳодисалар, – деб ёзади у, – ўзларининг келиб чиқиши жиҳатидан аслида рефлекслардир»<sup>1</sup>.

Миянинг рефлектор фаолиятини ўрганиш соҳасида И.М. Сеченов бошлаган ишни И.П. Павлов мустаҳкам экспериментал асосга кўйди, рефлекс тушунчасига янги маъно берди, шартли рефлексларнинг вужудга келиш механизмларини кашф этди. Янги илм юксак нерв фаолияти физиологияси материалистик психологиянинг табиий-илмий асоси, пойдевори бўлади.

И.П. Павлов уз текширишларининг психология учун қандай аҳамияти борлигини шундай кўрсатиб ўтган эди: «Бизнинг

---

<sup>1</sup> П. Иванов. Умумий психология. - Тошкент: «Ўқитувчи», 1967 йил, 49-50 бетлар.

текширишларимиз, – деган эди у, – психологлар учун жуда катта аҳамиятга эга илмнинг асосий пойдевори бўлиши керак деб ўйлайман»<sup>1</sup>.

И.П. Павловнинг фикрича, олий нерв фаолиятининг физиологияси вужудга келиши билан «психологлар ниҳоят, ўзлари текширадиган асосий ҳодисаларнинг умумий мустаҳкам заминига, табиий системасига эга бўлдилар, шу билан уларнинг одамдаги сан-саноқсиз, тартибсиз туйғуларни системага солишлари осон бўлади».

## Рефлекслар

И. П. Павловнинг физиологик таълимотидаги асосий тушунча рефлекс тушунчасидир. И. П. Павлов унга шундай таъриф келтиради: «Рефлекс организмнинг нерв системаси ёрдами билан ташқи олам таъсирларига берадиган жавоб ҳаракатлари реакциясидир». Психик жараёнларнинг бевосита физиологик негизи бўлган нерв системасининг фаолияти ва унинг муҳим қонуниятларини биринчи бўлиб И.П.Павлов илмий асосга қўйганлигини юқорида айтиб ўтган эдик. И.П. Павлов таълимотига биноан, рефлексларнинг шартли ва шартсиз турлари мавжуд бўлиб, қўзғовчининг таъсири билан вужудга келадиган рефлекс шартсиз рефлекс деб аталади. Шартсиз рефлекслар организм учун табиий, туғма ва наслдан-наслга ўтадиган рефлекслардир. Тўсатдан қўлга игна кирганда уни тортиш, ёруғлик, кўзнинг қамашиниши, овқат таъмига сўлак оқиши бунга мисол бўла олади, чунки булар қўзғовчилардир. Уларнинг нерв марказлари орқа мия ва мия пўсти тагидаги мия қисмларидадир. Марказда қўзғалиш сезувчи нерв ҳужайраларидан ҳаракатлантирувчи нерв ҳужайраларига ўтади. Ҳаракатлантирувчи нерв эса мускулни ҳаракатга келтиради (масалан, қўлнинг тортиб олининиши) ёки қўзғалиш секретор нервга ўтади, бу нерв эса бизнинг фаолиятимизни кучайтиради (масалан, сўлак ажралиши).

Рефлексда нерв қўзғалиши ўтадиган йўл рефлекс ёйи (дуғаси) деб айтилади. Рефлекс ёйининг учта қисми бор:

1. Сезувчи ёки афферент қисми қўзғалиш перифериядан марказга шу қисм орқали ўтади.

---

<sup>1</sup> И.П. Павлов. Полное собрание сочинений. III том. 1951 г, с 105.

2. Марказий қисм қўзғалиш сезувчи нерв ҳужайрасидан ҳаракатлантирувчи нерв ҳужайрасига шу қисм орқали ўтади.

3. Ҳаракатлантирувчи ёки эффектор қисм қўзғалишни марказдан мускулга ёки безга ўтказди.

Рефлекслар ҳайвон организмнинг ташқи муҳитга мослашувига муҳит билан алоқада бўлишга ёрдам берадиган нерв-физиологик механизмлардир.

Шундай қилиб, рефлекс сўзига таъриф берадиган бўлсак, рефлекс лотинча сўз бўлиб, «акс эттириш» деган маънони англатади. Биология ва психология фанларида рефлекс деб, организмнинг ташқи муҳит таъсирига нерв системаси орқали берадиган қонуний жавоб реакциясига айтилади.

И.П. Павловнинг буюк хизматлари шундаки, у шартли рефлексни кашф этди, бу рефлекснинг шартсиз рефлексдан фарқини аниқлади ва ҳайвон организмнинг ҳаётида шартли рефлексларнинг қандай аҳамияти борлигини кўрсатиб берди. И.П. Павлов таълимотига кўра, шартсиз рефлекс билан шартли рефлекс ўртасидаги фарқ қуйидагилардан иборат:

Шартсиз рефлекслар туғма бўлади. Улар организм ҳаётининг биринчи кунлариданоқ кўрина бошлайди ва табиий равишда давом этаверади, чунки улар организм билан бирга туғиладиган ҳаракатлантирувчи механизмлардир.

Шартли рефлекслар ҳосил бўлишини академик Павлов методи асосида тажриба қилиб ўрганмоқ учун, кўпинча, итларда сўлак ажратиш рефлекслари ҳосил қилиш йўлидан фойдаланилади. Тажриба қилинадиган итлар дастлаб шундай тайёрланадики, сўлак безларидан биттасининг сўлак чиқиш йўли оғизга очилмай, ташқарига, лунжнинг сиртига очилади. Бу эса чиққан сўлак миқдорини махсус асбоблар билан аниқ ўлчашга имкон беради. Шу тариқа тайёрланган ит тажриба хонасига олиб кирилади. Итга овқат берилади (овқат-шартсиз қўзғалувчидир). Ит овқатни оғизга олиши билан сўлак чиқади. Бу шартсиз рефлексдир.

Бош мия пўсти бўлмаса, шартли рефлекслар йўқолиб кетиши, янги рефлекслар эса вужудга келмаслиги шундай тажрибаларда кўрсатиб берилди.

Бош мия пўстидан маҳрум қилинган каптар, ит, маймун каби ҳайвонлар хулқ-атворининг бузилиши шу билан изоҳланади.

Бош мия пўсти шартли рефлекслар маркази эканлиги шу тариқа исбот этилди.

Такомилнинг юқори даражасига чиққан ҳайвонларнинг бош мия пўстида миянинг айрим ҳужайралари ва айрим марказлари ўртасида янги боғланишлар ҳосил бўлиши мумкин. Шартли рефлекснинг ёйи шартсиз рефлекснинг ёйига қараганда мураккаброқ бўлади. Шу билан бирга, шартли рефлексларнинг ёйи албатта бош мия пўстидан ўтади.

Павлов бунга қуйидагича аниқлик киритади: «Шартсиз рефлекслар билан шартли рефлекслар ўртасидаги фарқ яна шундаки, шартсиз рефлекслар доимий бўлади. Шартли рефлекслар эса сусайиши ёки сўниши мумкин. Оғизга олинган овқат ҳамиша сўлак ажралишига сабаб бўлади. Аммо қўнғироқ товушига жавобан сўлак ажралиши доимий бир нарса бўлмай, вақтинча бир нарсадир. Қўнғироқ чалиш (шартли қўзғовчи) бир неча марта такрорлангандан кейин айна вақтда овқат (шартсиз қўзғовчи) берилмаса, сўлак ажралиши камаяди, сусаяди ва ниҳоят, бутунлай тўхтайдди. Қўнғироқ товуши яна сўлак ажралишига сабаб бўлиши учун шартли қўзғовчини шартсиз қўзғовчи билан мустаҳкамлаш керак»<sup>1</sup>.

Шартсиз ва шартли рефлекслар организм ҳаётидаги турли аҳамияти билан ҳам фарқ қилади. Организм шартсиз рефлекслар ёрдамила теварак-атрофдаги муҳит билан доимо боғланиб туради. Шартли рефлексларда эса ўзгариб турувчи муҳит билан янги муваққат боғланишлар вужудга келади.

Шартли рефлекслар ҳосил бўлганлиги туфайли, шартсиз рефлекслар ҳали шартсиз қўзғовчилар юз бермасдан анча олдин воқе бўлаверади, ҳатто бу шартсиз қўзғовчилар узоқ жойда юз берган ҳолларда ҳам воқе бўлаверади; шартли қўзғовчи ҳайвон ҳаёти учун муҳим бўлган бирон бир ҳодиса ҳақида, масалан, овқат борлиги, хавф-хатар туғилганлиги ҳақида сигнал беради.

Шунинг учун ҳам И. П. Павлов бош мия пўстининг фаолиятига сигнал фаолияти деб ном берган эди.

Шартли рефлекслар ҳайвонларда малака ва одатлар вужудга келишининг нерв-физиологик асосидир, деган эди Павлов.

---

<sup>1</sup> П. И. Иванов. Умумий психология. —Тошкент: «Ўқитувчи», 1967 й.

Шунингдек, у мяннинг катта ярим шарлар пусти шартли рефлексларнинг маркази эканлигини кашф этгандан кейин олий нерв фаолияти қонуниятларини мукамалроқ текшириш учун шу шартли рефлекслар методидан фойдаланилди.

### **2.3. Бош мия пустининг анализ ва синтез қилиш фаолияти**

И. П. Павлов шартли рефлекслар методидан фойдаланиб, миёдаги катта ярим шарлар пустининг фаолияти ташқи муҳитдан, шунингдек, организм-нинг ичидан нерв системасига таъсир қиладиган жуда кўп қўзғовчиларни анализ ва синтез қилишдан иборат эканлигини аниқлади.

Бош мия пустининг анализ қилиш фаолияти мураккаб муҳитнинг организмга фойдали ёки зарарли таъсир этадиган айрим элементларини ажратишдан иборат.

Бош мия пустининг синтез қилиш фаолияти ташқи муҳитнинг ана шу айрим элементларини муайян бир комплексларга бирлаштиришдан иборат. «Синтез нерв туташтириш ҳодисаси бўлса керак», дейди И. П. Павлов.

Анализ ва синтез И.П. Павлов анализаторлар деб атаган махсус нерв механизмлари ёрдами билан воқе бўлади. Павлов таълимотига кўра, анализатор нерв физиологик аппарат бўлиб, сезувчи нервнинг перифериядаги чекка тармоқлари (рецептор) нервнинг ўзи (ўтказувчи йўл) ва мия пустининг муайян қўзғалишини қабул қиладиган қисмидан иборат.

Ҳар бир анализаторнинг перифериядаги чекка тармоқлари тегишли сезги органларида кўриш (кўз), эшитиш (қулоқ), ҳид билиш (бурун-халқум) ва бошқа органларда бўлади.

Анализатор аввало сезги ва идрокимизнинг нерв-физиологик аппаратиدير.

Анализатор қуйидагича ишлайди: анализаторнинг чекка тармоқлари (рецептор) тегишли қўзғалишларни сезиб, қайтадан ишлаб, махсус нерв қўзғалишига айлантиради. Масалан, кўриш рецептори табиатдан ё ёруғлик тебранишларини, эшитиш рецептори эса ҳаво тебранишларини ажратиб олади.

Анализаторнинг иккинчи бўлими қўзғалишни перифериядаги (чекка) тармоқлардан бош мия пустига ўтказди.

Бош мия пўстида жуда нозик, юксак даражадаги анализ жараёни рўй беради. Қўзғалишлар бошқа қўзғалишлар билан ҳам шу ерда боғланади. «Марказий нерв системасининг шу юксак даражадаги қисмида, – дейди И.П.Павлов, – жуда нозик ва чексиз хилма-хил анализаторларнинг чекка тармоқларини кўрамиз, шу билан бирга, ташқи оламнинг анализаторлар томонидан ажратиладиган энг майда элементлари организм билан доимо янгича боғланиб, шартли рефлекслар ҳосил қилади...»<sup>1</sup>

Шу тариқа, И. П. Павлов таълимотига мувофиқ, бош мия катта ярим шарлари анализаторлар йиғиндисидан иборат, бу анализаторлар эса доим ташқи таъсирларни таркибий қисмларга ажратади ва уларни организмнинг бирор фаолияти билан боғлайди.

Қўзғовчиларнинг анализ ва синтез қилиниши бош мия пўстидаги ягона боғланган икки томонидир. Бош мия пўстининг бу фаолияти идрок, хотира, хаёл, тафаккур ва шу кабиларнинг асосий механизмидир.

И. П. Павлов бош мия пўстининг анализ ва синтез қилиш фаолияти организмнинг теварак-атрофдаги муҳит билан нақадар кенг ва чуқур мослашуви ҳамда мувозанатлашувини белгилаб беради, деб ҳамиша уқтиради. Анализ ва синтез олий нерв фаолияти ҳақидаги И. П. Павлов таълимотининг асосий принципларидан биридир.

Шундай қилиб, миянинг асосий ишлаш принципи шартли рефлекслар, яъни муваққат алоқалар (вақтли нерв боғланишлари) ҳосил қилишдан иборат бўлиб, муваққат алоқаларни И. П. Павлов айна чоғда ассоциатив боғланишлар деб атаган. Муваққат боғланишларнинг ғоят катта аҳамияти ҳақида И. П. Павлов бундай деб ёзган эди: «Муваққат боғланишлар ҳайвонот оламида ва бизнинг ўзимизда ҳам бўладиган энг умумий (универсал) физиологик ҳодисадир. Шу билан бирга у психик ҳодиса ҳамдир: турли-туман ҳаракат, таассурот ё бўлмаса, ҳарфлар, сўзлар ва фикрлар ўртасида пайдо бўладиган боғланишлардирки, бу боғланишларни психологлар *ассоциациялар* деб атайди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> И. П. Павлов. Полное собрание сочинение. – М.: III том

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша манба

И. П. Павловнинг фикрича, одам томонидан ўзлаштирила- диган барча билимлар, малака ва одатлар, одамдаги тушунча- лар, ўқувлар ва барча ахлоқий ҳаракатлар сонсиз-саноксиз ассоциациялардан, яъни муваққат нерв боғланишларидан иборатдир.

Академик И. П. Павлов таълимотига кўра, организмларга таъсир қилиши мумкин бўлган икки хил сигналлар системаси мавжуд. Бу сигналлар системаси одатда биринчи ва иккинчи сигналлар системаси деб юритилади.

Ташқи муҳитдаги турли нарсаларнинг сезги аъзоларимиз- га бевосита таъсир этиши орқали уларнинг онгимизда акс эттирилиши биринчи сигналлар системасини ташкил этади.

Масалан, биз ҳар кунги фаолиятимизда атрофимиздаги одамларни, уйимиз ва уйимиздаги турли нарсаларни бевосита сезиш, идрок ва тасаввур этиш орқали онгимизда акс эттири- миз. Бундай бевосита акс эттириш биринчи сигналлар систе- маси орқали акс эттиришдир. Демак, биринчи сигналлар систе- маси орқали акс эттириш бизнинг сезгиларимиз, идрокимиз ва тасаввуримиз билан боғлиқдир. Сезиш, идрок ва тасаввур юксак тараққий этган ҳайвонларга ҳам хос бўлган психик жа- раёнлардир. Бироқ одамларнинг ижтимоий меҳнат фаолиятла- ри ва бир-бирлари билан муносабатлари жараёнида уларнинг акс эттириш системаларида сифат ўзгариши юз берган. Бошқа- ча қилиб айтганда, одамларда нарсаларнинг бевосита таъсир этиши орқали акс эттиришдан ташқари бевосита акс эттириш системаси юзага келган. Бу фақат одамгагина хос бўлган **иккин- чи сигналлар системасидир**. Ташқи муҳитдаги турли нарсалар- ни бевосита, яъни сўзлар орқали онгимизда акс эттирилиши **ик- кинчи сигналлар системасини** ташкил қилади.

**Иккинчи сигналлар системаси**, яъни воқеликни сўзлар орқа- ли акс эттириш ҳеч қандай ҳайвонларда бўлмайди. Шунинг учун одамда фақат бевосита таъсир этадиган нарсалар воситаси би- лангина эмас, балки сўзлар орқали таъсир этиш йўли билан ҳам шартли рефлекслар ҳосил қилиш мумкин. Сўз иккинчи сигнал сифатида худди реал нарсалар каби таъсир қилиши билан бирга унинг реал нарсалардан (реал қўзғовчилардан) бир мунча фа- рқи бордир. Ҳар қандай сўз фақат яқка нарсаларнигина ифода- лаб қолмай, умумлаштириш хусусиятига ҳам эга бўлади. Маса- лан, «ҳайвон» деган сўз билан от, сигир, қўй, мушук эмас балки

жуда кўп жониворлар назарда тугилади ёки «қути» деган сўз билан аниқ бир одамнинг уйидаги қути эмас, балки ҳамма турдаги қутилар ифодаланади. Демак, сўз шу сўз орқали ифодаланган нарсаларни, яъни **биринчи сигналларни** умумлаштириб акс эттиради.

М. Воҳидов бу ҳолатга қуйидагича таъриф келтиради: «Сўзлар воситаси билан, яъни иккинчи сигналлар системаси орқали акс эттиришнинг афзаллиги жуда керак. Маълумки, одам ҳамма нарсаларни ҳам бевосита сезиш, идрок қилиш орқали акс эттириш имкониятига эга эмас. Одам ўзининг ҳаётидаги кўп нарсаларни сўзлар орқали акс эттириб ўзлаштиради. Шунинг учун сўзлар, яъни иккинчи сигналлар системаси одамга инсониятнинг бутун ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш имкониятини беради. **Иккинчи сигналлар системаси ўз фаолиятида ҳамиша биринчи сигналлар системасига асосланади.** Одам қандай сўзни ишлатмасин, шу сўз орқали ифодаланган реал нарса ёки ҳодисани яққол тасаввур эта олиши керак. Агар айтилган ёки эшитилган сўз орқали одам ҳеч нарсани тасаввур эта олмаса, бундай сўзнинг таъсир кучи бўлмайди<sup>1</sup>.

Шунинг учун сўз, шу сўз орқали ифодаланган нарса билан (ёки нарсанинг тасаввури, образи билан) мустаҳкам боғланган бўлиши лозим. Ана шундагина сўз ўзининг вазифасини бажара олади. Агар одам суҳбат ёки маъруза пайтида эшитаётган сўзлари орқали ҳеч нарсани тасаввур эта олмаса бундай сўзлар «Қуруқ товушлар» йиғиндисига айланиб қолади. Бундай айтилаётган сўзлар воқелик билан, воқеликдаги нарсалар билан боғланмайди. Ана шунинг учун биринчи ва иккинчи сигналлар ўртасида ўзаро боғлиқлик ва ўзаро муносабат мавжуд.

### Анализаторлар

Анализ деганда таъсир қилаётган нарсаларни таркибий қисмларга ажратиш, синтез деганда эса қисмларни бирлаштириб бир бутун ҳолга келтириш тушунилади.

Одам ўзига таъсир қилган барча нарсаларни нерв системасининг ёрдами билан даставвал бош мия пўстида анализ қила-

---

<sup>1</sup> М. Воҳидов. Болалар психологияси. —Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 йил.

ди, яъни маълум хусусият ва белгиларга қараб, таркибий қисмларга ажратади. Ундан сўнг ана шу хусусият ва белгилар асосида уни қайтадан бирлаштириб, бир бутун ҳолга келтиради, яъни синтез қилади. Шу нуқтаи назардан нерв системасининг ва хусусан, бош миянинг фаолияти асосан анализ ва синтез қилиш фаолиятдан иборатдир. Организмга таъсир қиладиган кўзғатувчиларни анализ ва синтез қилиш уларни янада чуқурроқ, аниқроқ билиш имконини беради.

Академик И. П. Павлов таълимотига кўра, ташқи муҳит таассуротларини (яъни турли кўзғатувчиларни) анализ қилиш анализатор воситаси билан амалга оширилади. Ҳар бир анализатор одатда уч қисмдан иборат бўлади:

1. Ташқи муҳитдан бўладиган турли таассуротларни қабул қилиб оладиган нерв толалари. Бундай сезувчи нерв толалари организмнинг ҳамма сезги аъзоларида жойлашган бўлиб, улар одатда *рецептор* деб аталади. Турли сезги аъзоларидаги (кўз, қулоқ, бурун каби) рецепторлар кўзғатувчиларнигина қабул қилиб олишга мослашган бўлади. Масалан, кўзнинг тўр пардасига жойлашган рецептор фақат ёруғлик нурларини, рангларни, ички қулоққа жойлашган рецептор фақат турли кучланишдаги ҳаво тўлқинларини, яъни ҳар хил товушларни, бурун бўшлиғига жойлашган рецепторлар турли ҳидларни қабул қилади.

2. Кўзғалишларни рецепторлардан, яъни сезги аъзоларидан марказга етказувчи ва марказдан жавоб реакциясини олиб келувчи икки турли нерв толалари. Анализаторларнинг бу қисми одатда *аффирент* (марказга интилувчи) ва *эфферент* (марказдан қочувчи) нерв толалари деб юритилади. Бу нерв толалари анализаторларнинг чекка қисмларини бош миядаги марказлар билан боғлайди.

3. Бош мия катта ярим шарларининг пўстлоқ қисмида махсус хужайралар гуруҳидан иборат бўлган анализаторларнинг марказий қисми. Анализаторларнинг марказий қисми энг мураккаб ва энг муҳим ҳисобланади.

Дастлабки анализ жараёни рецептордан, яъни ташқи муҳит таъсиротларини қабул қилиб оладиган нерв толаларидан бошланади. Чунки ҳар бир рецептор ташқи муҳитдан организмга бўлаётган сон-саноқсиз ва хилма-хил таассуротлардан (кўзғатувчилардан) фақат ўзига тегишлиларинигина танлаб олади.

Бу махсус таассурот ўтказувчи нерв толалари орқали миёга, анализаторларнинг марказий қисмига юборилади. Анализаторларнинг миёдаги марказий қисмида чуқур анализ қилиниб, сезги аъзоларига тегишли жавоб жўнатилади.

Анализаторларнинг марказий қисмида турли рецепторлардан келган сигналлар (қўзғатувчи) бир-бирига боғлаб бирлаштириб синтез қилинади, яъни ҳар хил қўзғатувчилар бир бутун, яхлит ҳолга келтирилади. Натижада ҳар хил рецепторлардан келган турли белги ва хусусиятлар бирлаштирилиб, бирон нарсанинг образи, тасаввури юзага келтирилади. Бир бутун ҳолда акс эттириш жараёни ана шу тарзда юз беради. Шунинг учун акс эттириш жараёнида анализаторларнинг ҳар учала қисмлари нормал ҳолда ишлаши керак. Агар анализаторларнинг бирон қисми (рецептор ёки марказий қисми) ишдан чиқиб қолса, ҳеч қандай акс эттириш жараёни юзага келмайди.

#### **2.4. Олий нерв фаолиятининг асосий қонуниятлари**

Ҳар бир дақиқада одамнинг миёсига ташқи объектив олам ва ички муҳитдан жуда кўп қўзғатувчилар (ҳар хил нарса ва ҳодисалар) таъсир этиб туради. Бунинг натижасида миёда икки хил жараён, яъни қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари юзага келади. Қўзғалиш жараёни миёдаги нерв марказларини ишга солади, уларни фаол ҳолатга келтиради. Тормозланиш жараёни эса аксинча, миёдаги нерв марказларининг фаолиятини секинлаштириб, тўхтатиб қўяди. Бедорлик вақтида одамга жуда кўп қўзғатувчилар таъсир қилиб, унинг миёсида сон-саноксиз қўзғалиш жараёнларини юзага келтиради. Натижада қўзғалиш жараёни юз берган жойдаги нерв ҳужайралари (нейронлар) жуда кўп энергияни сарфлаб толиқади. Тормозланиш жараёнида нерв марказлари маълум дақиқа ишламайди, бу эса нерв ҳужайраларга энергияни тиклаб олиш имконини беради.

Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари олий нерв фаолиятининг асосий жараёнлари ҳисобланади. Психик жараёнларнинг юзага келишида қўзғалиш жараёни қандай аҳамиятга эга бўлса, тормозланиш жараёни ҳам шундай аҳамиятга эгадир.

## Нерв жараёнларининг иррадиацияси ва концентрацияси

Бош мия катта ярим шарлар пўстлоқ қисмида юзага келган қўзғалиш жараёни бир нуқтада тўхтаб қолмайди. Қўзғалиш жараёни юзага келгандан сўнг атрофига тарқалади. Тормозланиш жараёни ҳам худди шундай бўлади, яъни бош мия катта ярим шарларининг пўстлоқ қисмида юзага келган тормозланиш бир нуқтадагина тўхтаб қолмай, атрофига тарқалади. Бу ҳодиса *иррадиация* деб юритилади. Демак, қўзғалиш жараёни ҳам, тормозланиш жараёни ҳам юзага келгандан сўнг иррадиациялашади.

Бундан ташқари, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари бош мия катта ярим шарлари пўстлоқ қисмининг юзага келган жойида мужассамланиш (тўпланиш) хусусиятига ҳам эгадир. Бу ҳодиса *концентрация* деб юритилади. Бош мия катта ярим шарларининг пўстида юзага келган қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари аввал иррадиациялашади, бирозгина вақт ўтгандан кейин эса концентрациялашади.

Бош мияда юзага келган қўзғалишнинг қатъий концентрацияланиши туфайли дифференцировка (фарқлаш) ҳодисаси рўй беради. Бунда ўхшаш қўзғалувчиларнинг таъсири жуда яхши фарқ қилинади.

Иррадиация ва концентрация жараёнлари орқали жуда кўп психик ҳодисаларнинг физиологик асосларини тушунтириб бериш мумкин. Масалан, идрок қилиш жараёнида даставвал одамнинг тушуна олмаслиги, тасаввуримизнинг ноаниқ бўлиши таъсир этаётган қўзғатувчининг иррадиацияланиши билан боғлиқ. Концентрация эса идрок жараёнининг аниқ ва равшан бўлишининг физиологик асосларидир.

Олий нерв системасининг фаолиятида ўзаро индукция қонуни ҳам жуда катта рол ўйнайди. Ўзаро индукция қонуни қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг муносабатлари билан боғлиқ. Ўзаро индукция қонунига кўра бош мия катта ярим шарларининг муаяйн бир қисми тормозланиш ҳолатида бўлса, атрофдаги бошқа жойларни қўзғалиш ҳолатига келтиради. Ўзаро индукция қонуни нерв марказларида қўзғалиш жараёнининг тормозланиши билан ва аксинча тормозланиш жараёнининг қўзғалиш билан алмашилиб туришини таъминлайди.

Ўзаро индукция қонуни орқали бир қанча мураккаб психик ҳодисаларнинг физиологик асосларини тушунтириб бериш мумкин. Масалан, диққатнинг муайян бир нарсагагина қаратилиши, диққатнинг барқарорлиги, ўткир кузатувчанлик каби психик ҳодисаларни ўзаро индукция қонуни орқали физиологик жиҳатдан тушунтириб бериш қийин эмас. Диққат бирон муайян нарсага қаратилганда бош мия катта ярим шарларининг маълум қисмида юзага келган кучли қўзғалиш ўзаро индукция қонунига биноан атрофидаги бошқа марказларни тормозлаб қўяди. Натижада одам диққат-эътибори билан фақат бир нарсагагина берилиб кетади. Бундай ҳодисани болаларда ҳам кўриш мумкин. Бирор қизиқарли ўйинга ёки ўйинчоққа бутун вужуди билан берилиб кетган бола атрофида нима бўлаётганини мутлақо сезмайди. Бунда ҳам ўзаро индукция қонунига кўра, ўйин туфайли юзага келган кучли қўзғалиш жараёни атрофидаги бўлак марказларни тормозлаб, ишдан вақтинча тўхтатиб қўяди. Ана шунинг учун бола ҳеч нарсани сезмай қўяди.

Демак, ўзаро индукция қонунига кўра, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари ҳам ҳар доим бир-бирига таъсир этиб туради. Олий нерв фаолиятининг бу икки асосий жараёни бир-бирига боғлиқ бўлади. Тормозланиш жараёни қўзғалиш жараёнини юзага келтиради.

## **2.5. Олий нерв фаолиятининг системалилик услубида ишлаши**

Одатда кундалик фаолиятимизда нерв системамизга ташқи ва ички муҳитдан жуда кўп хилма-хил нарса ва ҳодисалар таъсир этиб туради. Бунинг натижасида бош мия катта ярим шарларининг турли қисмларида ҳар хил кучланишга эга бўлган қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари пайдо бўлади. Лекин бош мия катта ярим шарларида ҳар бир онда юзага келадиган қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари ва шу жумладан, турли таассуротлар туфайли ҳосил бўладиган шартли рефлекслар қанчалик кўп бўлмасин, улар бетартиб равишда юзага келмайдилар. Бош мия катта ярим шарларининг ишида, яъни олий нерв фаолиятининг ишида қатъий системалилик мавжуд.

Олий нерв фаолиятининг муайян системалилик услубида ишлаши қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг доимий

ўзаро муносабатлари туфайли бош мия катта ярим шарларида юзага келадиган ҳар бир қўзғалиш ва ҳосил бўладиган ҳар бир шартли рефлекс бош мия пўслоқ қисмидаги ҳамма нерв жараёнлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Миядаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг системали ишлаб туриши қўзғатувчилар таъсирининг ўзгаришига қараб ўзгариб туради. Айрим ҳолларда бош мия катта ярим шарларининг ишлаш принципида жуда қатъий, ҳеч бир бузилмайдиган системалик юзага келиб қолади. Бу қатъий система узоқ вақт таъсир қиладиган қўзғатувчилар туфайли юзага келади. Чунончи, бир қатор қўзғатувчилар одамга узоқ муддат давомида бир хил тартибда таъсир қилиб турадиган бўлса, ана шу тартибда қўзғалиш жараёнларининг юзага келиши мустаҳкамланиб қолади. Агар бир қанча шартли рефлекслар ҳосил қилиниб, улар ҳар кун маълум тартибда такрорланиб турса, бу рефлекслар худди шу тартибда бири-бири билан жуда мустаҳкам бирлашиб кетади. Натижада ўзаро жуда мустаҳкам бирлашган шартли рефлекслар системаси юзага келади. Олий нерв фаолиятининг ишидаги бу ҳодисани академик И.П. Павлов *динамик стереотип* деб атайдди.

Демак, динамик стереотип организмнинг такрорланиб турадиган бир хил ташқи таассуротларга мосланишидан иборатдир. Динамик стереотип юзага келгандан сўнг одатдаги ҳаракатлар зўр бермасдан енгиллик билан бажарилаверадиган ва ҳатто одамга ором бағишлайдиган бўлиб қолади.

Динамик стереотипнинг, яъни қатъий системада мустаҳкам бирлашиб кетган шартли рефлекслар (вақтли боғланишлар) занжирининг аҳамияти жуда ҳам катта. Динамик стереотип тарзидаги шартли рефлекслар бирлашмаси одамнинг хилма-хил малакалари ва мураккаб одатларининг нерв-физиологик асосини ташкил этади. Масалан, ёшлиқдан бошлаб қатъий режимга одатлантирилган бола (эрталаб ўз вақтида турадиган, ўз вақтида нонушта қиладиган, ўз вақтида ўйнайдиган, ўз вақтида овқатланадиган ва ўз вақтида ухлайдиган) ўзининг бутун хатти-ҳаракатлари, юмушларини ташқаридан бўладиган буйруқсиз жуда енгиллик билан бажаради. Бундай қатъий режимга одатлантирилган болаларга ортиқча танбеҳ ҳам берилмайди. Бундай болаларда ҳар кунги қатъий режим таъсири остида мустаҳкам динамик стереотип юзага келиб қолади. Одатда, тартибли болалар хулқ-атворининг сирлари-

дан бири одатланишда, яъни динамик стереотипнинг юзага келишидадир.

Агарда бола қатъий режим билан яшашга одатлантирилмаса, яъни унинг уйқудан туришида ҳам, овқатланишида ҳам, ўйин ва машғулотларида ҳам ва уйқуга ётишда ҳам тартиб, тайин бир вақт бўлмаса, унда қатъий системалилик билан ишловчи динамик стереотип юзага келмайди. Бундай болаларнинг хатти-ҳаракатларида, феъл атворида ҳеч қандай тартиб кўринмайди. Улар тажанг, қайсар ва унча-мунча одамга бўйсунмайдиган, ўзбошимча бўладилар. Ана шунинг учун болага узоқ муддат давомида бир хил таъсир этадиган қатъий режим ва унинг физиологик асосини ташкил этган динамик стереотипнинг аҳамияти жуда катта.

Динамик стереотип тарзидаги шартли рефлекслар (вақтли боғланишлар) системаси фақат бевосита қўзғатувчиларнинг таъсири остидагина эмас, балки сўзларнинг таъсири остида ҳам юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, динамик стереотип тарзидаги вақтли боғланишлар иккинчи сигналлар системаси доирасидан ҳам юзага келадилар. Агар психологик ва физиологик жиҳатдан анализ қиладиган бўлсак, хат-савод чиқаришнинг (болаларни ўқиш ва ёзишга ўргатишнинг) асосида жуда кўп миқдорда динамик стереотип тарзидаги шартли рефлексларни ҳосил қилиш ётади.

## **2.6. Инсон онги ва унинг тарихий тараққиёти**

Одам онги психологияси юксак даржада ташкил топган материянинг яъни миянинг маҳсулидир. Шу сабабли одам онги ижтимоий ҳаёт шароитига боғлиқ ҳолда тараққий этади. Онг аввалдан жамият маҳсулидир ва инсон умуман дунёда яшар экан онг шундай бўлиб қоларверади. Демак, инсон онги инсоннинг ўзи билан бирга, деярли бир вақтда майдонга келган. Инсоният тараққиёти ҳайвонот олами тараққиётидан кескин фарқ қиладиган тараққиётнинг янги босқичидир.

Чунки одам жуда қадим замонларда ҳайвонот олаמידан ажралиб, ижтимоий меҳнат билан шуғулланадиган мавжудотга айлана бошлади. Бунинг натижасида психик акс эттиришнинг янгича формаси онг майдонга келди. Инсондаги барча психик акс эттиришнинг кўринишлари яхлит тарзда ягона тизимга бирлашган.

Онг бу шахс сифатидаги инсоннинг барча психик жараёнлари, ҳолатлари ва хусусиятларининг бирлигидир. Шунинг учун инсоннинг онги мавжуд оламини акс эттирибгина қолмайди, балки уни яратади. Яъни дунё инсонни қаноатлантирмайди ва инсон ўз таъсири билан уни ўзгартира олади.

Онг билишнинг барча формалари ва инсоннинг кечинмалари ҳамда ўзи акс эттирган нарсага бўлган муносабатларининг йиғиндисидан иборатдир. Инсондаги барча психик ҳодисалар онглидир, зотан уни онг намоён этади, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бир хил даражада англанган бўла олмайди. Одамнинг тараққий этишида меҳнат ҳал қилувчи рол ўйнаган. Меҳнат бутун инсоният ҳаётининг биринчи асосий шартидир ва шу даражадаги асосий шартки, биз маълум маънода одамнинг ўзини ҳам меҳнат вужудга келтирди деб айтишга ҳақлимиз. Чунки меҳнат инсон ва табиат орасидаги ўзаро таъсирининг алоҳида кўриниши бўлиб, унда инсон онгли равишда қўйган мақсадини амалга оширади. *Меҳнат фаолияти* инсоннинг ҳайвонларга хос табиатга мослашиши эмас, балки уни ўзгартиришдир. Инсон ва табиат орасидаги боғловчи бўғин бу унинг меҳнат қуролидир. Биргалликда меҳнат қилиш пайтида алоҳида инсонларда бир-бирига нимадир айтиш эҳтиёжи туғилиб борган. Тилни шакллантирган бу ҳаётий эҳтиёж онгинг тараққиётига бевосита таъсир кўрсатувчи куч тариқасида тушунчаларни яратган. Айни пайтда меҳнат инсоннинг ўз-ўзини англашини ҳам тараққий эттирган<sup>1</sup>.

Ўз-ўзини англаш ҳар бир кишида ўзининг жамоа ва жамиятдаги ҳаракатлари ва ҳолатлари билан ўйнайдиган ролини акс эттиришдир. Ўз-ўзини англаш бу шахс онгининг чўққисидир. У болада «мен» ва «мен эмас»ни қарама-қарши қўйишдан бошланади ва тезда «ўзим»га ўтади. Ана шундан эса шахснинг шаклланиши бошланади. Сўнгра ўз-ўзини англаш ўзининг «мен»ни англаш сифатида хотира билан бойийди ва *шахс талабларининг даражасини белгилаган ҳолда «хоҳлайман»* дан «қила оламан»га ўтади. Ниҳоят, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари учун хос босқич «бажаришим керак»га ўтиб, унинг онгида етакчи аҳамиятга эга бўлиб қолади.

---

<sup>1</sup> К.К. Платонов, Г.Г. Голубев. Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 йил. 31-32 бетлар.

Ўз-ўзини англашнинг ўзгаришлари ўсмирлик ёшида айниқса кескин бўлади. Агар бола ўйиндагина тенгдошлари ичида ўзининг ким бўлиш истагини намоён қилса, ўсмир эса ўз тенгдошлари орасида ўз номининг эътироф этилишига эришади, катталардан эса ўзининг шахсиятини, ўзининг мустақиллигини тан олишларини талаб қилади ҳамда ўзига ёш болага қилгандек муомала қилишганларидан жуда оғринади.

Ҳар бир ўқувчида ўз-ўзини англашнинг тараққий топиши педагогларга боғлиқ.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими жараёнида ўқувчида ўз-ўзини англашни муваффақиятли ривожлантириш учун қуйидаги шартлар зарур:

а) ўқувчилар таълим унумдорлигини оширишнинг ижтимоий аҳамиятини англашлари;

б) бутун ўқув жамоаси ҳамда ҳар бир ўқувчининг машғулоти ва ишлардаги ташкилотчилиги ва аниқлиги, ўқувчи ва жамоанинг биргаликдаги ишни самарали бажаришдан икки томонлама манфаатдорлиги;

в) ҳар бир ўқувчининг жамоада ўзининг ўқув ишларидан қониқиш ҳисси.

Машғулотларнинг биринчи кунлариданоқ ҳар бир ўқувчи худди шу билим юртида ҳаётини мустақилликка эриша олишини, жамоа ичида ва жамиятдаги қадрини сеза билиши муҳим, токи у тенгдошлари орасида ўзининг тенглик имконига ишонч ҳосил қилсин, ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан ўзига бўлган эзгу муносабатларни кўрсин, ўзини мустақил шахс деб ҳис этсин.

#### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Нерв системасининг тузилиши ҳақида тушунча беринг.
2. И.П. Павлов таълимотини тушунтиринг.
3. Олий нерв фаолиятининг асосий қонуниятларини тушунтиринг.
4. Онг ва руҳий олам ҳақида тушунча беринг.
5. Рефлекслар фаолиятини тавсифланг.

#### Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996.

2. **И. А. Каримов.** Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5 жилд. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
3. **И. А. Каримов.** Маънавий юксалиши йўлида. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
4. **И. А. Каримов.** Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар. “Тафаккур” журнали, 2-сон 1998.
5. **Э. Ғозиев.** Умумий психология. Психология мутахассислиги учун дарслик. 2-китоб. –Тошкент.: 2002.
6. **В. Каримова.** Психология. А. Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти. –Тошкент: 2002.
7. **К.К. Платонов, Г.Г. Голубев.** Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 й.
8. Психология курси. М.В. Гамезо таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 1972.
9. **М. Воҳидов.** Бола шахси ва унинг шаклланиши. –Т.: «Ўзбекистон», 1972.
10. **Э. Ғозиев.** Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.
11. **М.Г. Давлетшин, С.М. Тўйчиева.** –Т.: Умумий психология (ўқув қўлланма).
12. **Э. Ғозиев, А. Жабборов.** Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси. –Тошкент: 2003.

ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС ВА УНИНГ МУҲИМ  
МУАММОЛАРИ

3.1. Шахс ҳақида тушунча

Шахс бу жамиятдаги ўзининг ўзлигини англовчи, унинг лаёқатли аъзоси сифатидаги инсоннинг психологик қиёфасидир. Психологик қиёфа шахснинг алоҳида хусусиятлари билангина эмас, балки умумий сифатлари – характери ва қобилиятлари билан йўналганлиги, эътиқоди таъсири остида бўлган психик жараёнлар ва ҳолатларнинг ўзига хослигини белгиловчи туғма зеҳн ва тажрибадан ташкил топади.

Одам шахси ҳаминша аниқ ижтимоий муносабатлар асосида таркиб топади. Демак, шахс-ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборатдир. Чунки одам ҳаммавақт маълум бир жамиятда яшайди. Жамиятдан, яъни одамлар жамоасидан ташқарида яшайдиган, одамлар жамияти билан боғлиқ бўлмаган биронта одам йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар мураккаб характерга эгадир. Улар иқтисодий ва сиёсий, социал ва маънавий алоқаларни ҳам ўз ичига олади. Буларнинг ҳаммаси мужассам ҳолда одамни шахс сифатида шакллантиради.

«Шахс» сўзи нимани англатади? Жамиятнинг аъзоси ҳисобланган ва онг эгаси бўлган ҳар бир индивидуал одам шахсдир. Шахс ҳамма вақт муайян шахсий, фақат ўзигагина хос бўлган мураккаб индивидуал сифатлар ва мураккаб хусусиятлар бирикмасининг эгасидир.

Одам шахс бўлиб туғилмайди, балки социал тараққиёт жараёнида шахс сифатида шаклланиб боради. Шахс психологиясини аниқ тарихий шароитлардан, ўзи мансуб бўлган жамиятдан, ундаги эгаллаган мавқеидан ажратиб олган ҳолда тушуниш ҳам мумкин эмас.

Демак, шахс тушунчаси кенг ва кўп қирралидир. Шахсни у ёки бу аспектда ўрганиш билан бир қанча гуманитар фанларнинг шуғулланиши бежиз эмас. Жумладан, тарихий материализм (шахсни синфлар ва умумий жамият таркибда олиб ўрга-

нади), сиёсий иқтисод (шахсни ижтимоий муносабатлар системасида моддий бойликлар ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи сифатида ўрганади), педагогика (инсон тарбиясининг ташкилий томонлари, принциплари, услублари йўллари ва воситалари таркибида ўрганади) кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, социология, тарих, санъатшунослик, тиббиёт, ҳуқуқшунослик ва бошқа фанлар ҳам ҳар томондан, турли алоқа ва муносабатларда ўрганади.

Психология эса шахснинг психик хусусиятлари, ҳолатлари ва жараёнларининг, шунингдек уни ўрганиш ҳамда шаклланишининг қонуниятларини кўриб чиқади. Шу сабабли психологиянинг шахсга берадиган таърифи уни ўрганувчи барча фанлар учун умумий бўлган таърифни аниқлаштиради. Шахс онгли, ақлли, тилга эга бўлган ва меҳнат фаолиятига қобилиятли инсондир. Қисқа қилиб айтганда, шахс бу онгли зотдир. Инсоннинг маънавий камолоти учун, унда ижтимоий ва психологик сифатларни, қобилиятлар ва характерни, эмоционал туйғу ва иродавий сифатларни шакллантиришда унинг турмуш шароитлари ва тарбиясини ҳал қилувчи аҳамияти ҳақидаги шахснинг кадр-қиммат қондаси психология учун муҳим аҳамиятга эгадир. Миллий психологиямиз вакиллари ҳам тарбия ва ташқи шароитларнинг инсон камолотидаги ҳал қилувчи родини таъкидлабгина қолмай, балки шароитларни ижтимоий тарзда ўзгартириш заруратини кўрсатиб ўтган эдилар.

«Одамнинг ҳақиқий маънавий бойлиги унинг мутлоқ ҳақиқий муносабатлари бойлигига, яъни унинг турмуш ва меҳнат шарт-шароитларига боғлиқ бўлади, – деб ёзган эди машҳур рус психологи К.К. Платонов. – Бу эса одам психологияси ва унинг маънавий турмуш бойлиги аввало уни ўраб турган меҳнат жабҳалари билан алоқадор бўлган турли-туман ва энг муҳим ижтимоий унумли меҳнатда намоён бўлади»<sup>1</sup>.

Ватанимиз тарихида узоқ давом этган мустабид тузум миллионлаб халқимизнинг эрку эътиқодига восита бўлиб эмас, балки оғир зулм сиртмоғи ва инсон кадр-қимматини камситиш гарови бўлиб хизмат қилиб келди. Бу камситиш одамларни асоратга солди, шахсни нормал ривожланиш имкониятлари-

---

<sup>1</sup> К.К. Платонов. Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 йил, 33-бет.

дан маҳрум этиб келди, чунки, меҳнат эркинлиги ва тенглиги мавжуд бўлган жамиятдагина шахс эркинлиги ва ривожланиши бўлиши мумкин. Шахс психологиясини ўрганишда ҳозирги замон фани талаби нуқтаи назаридан шахснинг психологик тузилишига қараб чиқиладиган бўлса, ҳар хил позицияларда умумийлик ва хусусийлик томонлари белгиланади.

Шахснинг структураси (тузилиши)ни аниқлашда унинг ижтимоий мавжудот сифатидаги одамнинг антогинетик ҳаёти давомида юзага келадиган ҳамда ўз хусусиятлари, муносабатлари ва хатти-ҳаракатлари билан узлуксиз ўзаро муносабатда бўладиган, ўзини-ўзи бошқарадиган динамик (яъни ўзгарувчан) функционал система эканлигини ҳаммавақт назарда тутиш лозим.

Дидактик режани олганда шахснинг барча хусусиятлари, муносабатлари ва хатти-ҳаракатлари шахснинг ҳаёт фаолиятида маълум ролни бажарувчи ва ҳар бири мураккаб психологик тузилмадан иборат бўлган ҳамда шартли равишда тўртта ўзаро мустақкам боғланган функционал босқичларга бирлаштирилади.

1. Бошқарув тизими.
2. Стимуллаштириш тизими.
3. Стабилизациялаш тизими.
4. Индикациялаш тизими.

Шахснинг янги шу социал-психологик аҳамиятга эга бўлган барча сифатлари ижтимоий тараққиётнинг юксак онгли фаолиятчиси сифатидаги хулқ-атвори ва ҳатти ҳаракатларни белгилайди.


Шахснинг интеллекти деганда, фикр юритиш фаолияти ривожланишининг муайян босқичи тушунилади. Бу босқич унга янги-янги билимлар эгаллаш, бу билимлардан ўз ҳаёти ва фаолияти жараёнида самарали фойдаланишни таъминлайди. Шахс интеллектининг ривожланишни кўрсатувчи асосий баҳо мезони билимларнинг чуқур умумлашган ва ҳаракатда бўлганлиги, ҳис-туйғу тажрибасининг тасаввур ва тушунчалар даражасида интеграция ва генерализация қилинишидир. Шахсни тараққиётга чорлаб, ҳаракатга келтирувчи асосий куч бу унинг ҳаёт жараёнида орттирган эҳтиёжларидир. Бироқ, одамнинг умумий маданияти ўсиши билан теварак-атрофдаги ҳаёт тўғрисидаги билимлар системаси ортиб бориши ҳамда теварак-ат-

рофдаги ҳаётга муносабати ўзгариши билан эҳтимолилари ҳам ўзгаради ва такомиллашиб боради.

«Педагоглар учун шахс даражасининг икки хусусияти алоҳида аҳамиятга эга. Биринчидан, бу босқичларнинг I-схемада берилган *секин асталик билан ижтимоийлашиш* хусусиятидир. Иккинчидан, *бу босқичларнинг тобора мураккаблашиб бораётган шаклланиш турлари билан қонуний бағлиқлигида*дир. Ахир тарбия умуман шахс шаклланишининг ҳамда унинг олий босқичининг юксак хоссаси сифатида таълимсиз бўлиши мумкин эмас. Таълим эса фақат *тренировка* учун зарур ва етарли бўлган *такрорлашларни талаб қилувчи машқлар* асосида амалга оширилади»<sup>1</sup>.

I-жадвал

### Шахс таркиб топиши қўйи босқичларининг ижтимоийлашуви




Ўқувчилар фаолиятидаги ташқи кўринишга кўра бир хил камчиликлар шахснинг тўртта босқичидан бирига жойлашган турли сабабларнинг оқибати бўлиши мумкин. Чунончи, ўқувчининг «эътиборсизлиги» оқибатида келиб чиққан бахтсизлик ҳодисаси аслида интизомсизлик, эҳтиётсизлик каби маънавий сифатларининг, мазкур ишни бажаришда диққатнинг тақсим-

<sup>1</sup> Қаранг: 1. Ковалев А.Г. Психология личности. - М.: 1965 ва 1971. 2. Платонов К. К. Адаский Б.И. Об изучении и формировании личности учащего. - М.: 1966. 3. Платонов К.К. Проблемы способностей. - М.: 1972, 63-84 бетлар.

лаш ва жалб этиш кўникмаларининг ҳамда билимнинг йўқлиги, мазкур ўқувчига хос бўлган бу жараённинг хусусияти сифатида диққатнинг беқарорлиги, нерв жараёнларининг инертлигини белгиловчи диққатни кўчириш қийинлигининг натижаси бўлиши мумкин.

Шахс босқичининг турли хил алоҳида асосий тўртта ва ёнма-ён жойлашган хусусиятлари билан бир қаторда, ўқувчи шахсига онд муҳим белгиларининг индивидуал ўзига хос уйғунлиги ҳам борки, улар шахснинг *характер* ва *қобилият* каби умумий сифатларини белгилайди.

2-жадвал



### Характер ва қобилиятлар таркиб топадиган шахс даражаси асосий тузилишларининг қуйи босқичлари

№ №	Қўлима ёзувлари	Қўли ёзиқлар, дин қўли ёзиқлари	Интеллектуал ва амалиётим факторларининг ўзаро муносибати	Абстракт даражаси			Тарбия шартининг ўзига хос турлари	Анализининг саррали даражаси
				Амалдорлик	Амалдорлик	Амалдорлик		
1	Ўқувчи	Ўқувчи Дўхтурлар Иккиликлар Қўлима ёзувлар Қўлима ёзувлар	Билмиш ва даражаси	Табриқ ва амалдорлик қўлима ёзувлари	Амалдорлик ва амалдорлик	Ўқувчи ва амалдорлик қўлима ёзувлари	Ўқувчи	Ўқувчи ва амалдорлик
2	Табриқ	Ўқувчи Қўлима ёзувлар Қўлима ёзувлар	Интеллектуал ва амалиётим факторларининг ўзаро муносибати	Амалдорлик ва амалдорлик	Ўқувчи ва амалдорлик	Ўқувчи ва амалдорлик	Ўқувчи	Ўқувчи ва амалдорлик
3	Ўқувчи	Ўқувчи Ўқувчи Ўқувчи Ўқувчи Ўқувчи	Интеллектуал ва амалиётим факторларининг ўзаро муносибати	Ўқувчи ва амалдорлик	Ўқувчи ва амалдорлик	Ўқувчи ва амалдорлик	Ўқувчи	Ўқувчи ва амалдорлик
4	Ўқувчи	Ўқувчи Ўқувчи Ўқувчи Ўқувчи	Интеллектуал ва амалиётим факторларининг ўзаро муносибати	Ўқувчи ва амалдорлик	Ўқувчи ва амалдорлик	Ўқувчи ва амалдорлик	Ўқувчи	Ўқувчи ва амалдорлик

### 3.2. Шахснинг дунёқараши, эҳтиёжлари ва эътиқоди

Шахснинг камол топиши учун зарур бўлган мустақил шарт-шароит, истиқлол имкониятлари маънавий шаклланишдан, барча кишиларнинг, ўсиб келаётган ёш авлоднинг мактабларда, ўрта-махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаларидан етарлича билим олиши ва ўтмиш аждодларимизнинг маданий-маънавий бойликларини асраш учун кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат. Бундай шарт-шароитларни Мустақил Ватанимиз халқимизга истиқлол имкониятларини яратиб бериш орқали вужудга келтирди. Тараққиёт талаблари билимнинг турли соҳаларида кўплаб соғлом эътиқодли, дунёқараши бир қадар кенг мутахассис ёшларни тарбиялаб етиштиришни талаб қилмоқда. Шу муносабат билан Республикаимизнинг аҳоли таркибида ўқувчи ёшларнинг салмоғи ошиб бормоқда. Жойларда қурилаётган кўпдан-кўп умумий ўрта таълим мактаблари, коллеж ва акаде-

мик лицейлар фикримизга исбот бўла олади. Ёшлар салмоғининг ўсиб бориши, табиийки уларнинг Ватан тақдири учун масъулиятини оширади. Тарих тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳар бир миллатнинг мустақил ижтимоий тараққиёти илгарилаб борган сари, шахсга, унинг интеллекти, дунёқараши, соғлом эътиқоди, билими, профессионал ва маънавий сифатлари, ташаббуси ва уюшқоқлиги олдига қўйиладиган талаблар ҳам тобора ўсиб боради. Инсон эркинлиги ва мустақиллигининг кенгайиши, демократик тамойилларининг инсон манфаатига хизмат қилиши, шахснинг жамият олдидаги масъулиятини ошириши тақозо этади. Шахснинг дунёқараши ва маънавий эътиқодига янгидан-янги вазифалар қўйиб боради.

Илмий дунёқараш ва мустаҳкам ғоявий эътиқод бўлмаса, шахснинг маънавий камол топиши тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Истиқлолимиз яратган дунёқараш ёшларнинг ҳаётга қарашларига инқилобий йўналиш беради, ақл-идрокнинг қудратли кучига, инсониятнинг порлоқ келажагига ишонч бағишлайди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кушлариданоқ Президентимиз И.А.Каримов ўзининг қатор асарлари орқали бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини ёрқин мисоллар асосида таҳлил қилиб берди. Ҳар бир мустақил мамлакатда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам мустақил тузумдан мустақил ривожланиш даврига ўтишнинг мазмунига эркинлик ва тенгликни, шахснинг дунёқараши ва соғлом эътиқодини сингдириш мураккаб жараён ичида кечади. Мустақил Ватанимиз эса ўзининг тарихан қисқа даврида бир қатор изчил тараққиёт босқичларига эга бўлди.

Хуллас, дунёқарашнинг бўлиши ҳам шахснинг муҳим белгисидир. Психологик таърифга кўра, дунёқараш одамнинг табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги қарашлари, тасаввурлари ва тушунчалари системасидир. Ҳақиқий дунёқараш фаннинг ютуқларига ва инсониятнинг кўп асрлик тажрибасига асосланади, у ҳеч қандай диний таассуф, хурофотларга, реакцион қарашларга тобе бўла олмайди. Мустақил Ватанимиз ёшлари истиқлол берган имкониятдан оқилона фойдаланиб, дунёқарашнинг ўзига хос қонуниятларини билиб олиш ва ўз фаолиятларида амалга ошириш билангина чекланиб қолмай, бу дунёқарашни ўз дунёқарашлари деб, бирдан-бир чинакам дунёқараш деб билмоқдалар. Чунки бу дунёқараш ёшларимизнинг барча эҳтиёжларини ва юксак талабларини тўла қондиришга хизмат


қилади. Дунёқараш кенг маънода олганда дунё, табиат, жамият ва онг ҳақидаги қарашларнинг умумлашган тизимидир.

Материалистик ва идеалистик, прогрессив ва реакцион, илғор ва қолоқ дунёқараш бўлиши мумкин.

Шахснинг эътиқоди ва идеаллари унинг дунёқарашига узвий равишда боғлиқ бўлади, улар дунёқараш билан белгила-нибгина қолмасдан маълум даражада дунёқарашга қўшилиб кетади. «Эътиқод ва идеаллар муайян дунёқараш асосида ҳосил бўлиш билан бирга бу дунёқарашни шакллантиради ҳам». <sup>1</sup>

4-жадвал

### Шахснинг асосий эътиёжлари



Ушбу бобда кўриб чиқилган эътиёжлар ва фаолият мотивлари, қизиқиш ва майллар, дунёқараш, эътиқод ва идеаллар шах-

<sup>1</sup> Психология курси. М.В. Гамезо таҳрири остида. -Т.: «Ўқитувчи», 1972, 75-бет.

снинг психологик тавсифини бутунлай қамраб ола олмайди. Шахснинг асосий психологик хусусиятига темперамент, қобилият ва характер ҳам кирадики, булар мазкур қўлланманинг махсус бобларида ўз ифодасини топади.

5-жадвал

Ҳозирги замон шахснинг умумий хусусиятлари тузилиши  
(Э. Фозиев методи асосида)



**Баркамол инсонни баҳолаш  
(Э. Ғозиев методи асосида)**

6-жадвал

**I. Шахс ҳақида умумий тushунча**

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_

жинси \_\_\_\_\_ ёши \_\_\_\_\_

иш ва ўқиш жойи \_\_\_\_\_

**I. Шахснинг йўналганлиги**

Т/р	Фазилатлар номи	Кучсиз	Ўртача	Кучли	Ўрта кучли
1	2	3	4	5	6
1.	Иймон эътиқодлилиқ	1	2	3	4
2.	Собитқадамлилиқ	1	2	3	4
3.	Ҳамжамиятлиқ	1	2	3	4
4.	Беғаразлиқ	1	2	3	4
5.	Ҳақгўйлиқ	1	2	3	4
6.	Камтарлиқ	1	2	3	4
7.	Адолатлилиқ	1	2	3	4
8.	Инсонпарварлиқ	1	2	3	4
9.	Фидоийлиқ	1	2	3	4
10.	Ватанпарварлиқ	1	2	3	4

7-жадвал

**II. Шахснинг умумий хусусиятлари**

1	2	3	4	5	6
1.	Мулоқотмандлиқ	1	2	3	4
2.	Ташаббускорлиқ	1	2	3	4
3.	Ҳаракатчанлиқ	1	2	3	4
4.	Зукколик	1	2	3	4
5.	Синчковлиқ	1	2	3	4
6.	Меҳнатсеварлиқ	1	2	3	4
7.	Қатъиятлиқ	1	2	3	4
8.	Қулайлилиққа интилувчанлиқ	1	2	3	4
9.	Мустақиллиқ	1	2	3	4
10.	Ўзини бошқарувчанлиқ	1	2	3	4

## III. Шахнинг ўзига хос хусусиятлари

1	2	3	4	5	6
1.	Ўзгаларнинг психологик хусусиятлари ва ҳолатларини тез илғашга қобиллик	1	2	3	4
2.	Ўзгалар ички кечинмалари ва ҳисларини ўзиникидай қабул қилишга мойиллик	1	2	3	4
3.	Ўзга кишилар хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворини таҳлил этишга қобилиятлилиқ	1	2	3	4
4.	Ўзини хаёлан ўзганинг ўрнига қўя билиш уқувчанлиги	1	2	3	4
5.	Ўзгаларнинг шахсий хусусиятларини инobatга олган ҳолда уларга оқилона муносабат билдиришга лаёқатлилиқ	1	2	3	4
6.	Шахслараро муносабатларни пайқай олувчанлик	1	2	3	4
7.	Илгор тажрибаларни осон уқиб олишга зеҳнлилиқ	1	2	3	4
8.	Вазият қатнашчилари билан умумий тил топишга зукколик	1	2	3	4
9.	Шахслараро муомалада шахсий позицияга эгалиқ	1	2	3	4
10.	Хулқ, фаолият ва муомалада одоблилиқ	1	2	3	4

## IV. Ижтимоий таъсир этувчанлик

1	2	3	4	5	6
1.	Бошқа эътиқодли ки- шиларга, ўзига хос омил- ларга ва мантиқий далил- лашга таъсир ўтказишга топқирлик	1	2	3	4
2.	Ўзининг ҳиссиёт ва эмо- цияси билан ўзгаларга таъ- сир этишга уқувчанлик	1	2	3	4
3.	Ишда ва ўқишда муваффа- қиятга эришувда ўзига ишонч уйғотувчанлик	1	2	3	4
4.	Ўзига ва ўзгаларга нис- батан талабчанлик	1	2	3	4
5.	Воқеликнинг муҳим ва номуҳим, ижобий ҳамда салбий томонларига хо- лисона баҳо берувчанлик	1	2	3	4
6.	Танқидий фикрларни манти- қан баҳолашга бўлган қобиллик	1	2	3	4
7.	Танқидий фикрларга нисбатан беғаразлик	1	2	3	4
8.	Вазият ва шароитни тўғ- ри чамалашда мантиқий мукаммаллик	1	2	3	4
9.	Фикр алмашишда нутқий қобилиятлилиқ	1	2	3	4
10.	Миллий ғоя ва миллий мафкурага садоқатлилиқ	1	2	3	4

## V. Ташкилотчиликка қобилиятлилик

1	2	3	4	5	6
1.	Ташкилотчиликка нисбатан эҳтиёжни сезишлик	1	2	3	4
2.	Ташкилотчилик фаолиятини суиистеъмол қилмаслик	1	2	3	4
3.	Фаолият моҳиятига мустақил кира билишлик	1	2	3	4
4.	Ўз зиммасига жавобгарлик ва масъулият туйғусини олишлик	1	2	3	4
5.	Ташкилотчилик фаолиятини завқ-шавқ билан адо этишлик	1	2	3	4
6.	Ташкилотчилик жараёнида узидан қониқиш ҳиссини инъикос қилишлик	1	2	3	4
7.	Ташкилотчиликни уддалашга бўлган лаёқатлилик	1	2	3	4
8.	Вазият ва шароитга нисбатан ташкилотчиликда муваффақиятлилик ёки барқарорлик	1	2	3	4
9.	Ташкилотчиликда тезкорлик ва самарадорлик сифатларида уйғунлик	1	2	3	4
10.	Ташкилотчиликда ижодийлик ва ақл заковатлилик	1	2	3	4

## VI. Ташкилотчиликка қобилиятлилик

1	2	3	4	5	6
1.	Ташкилотчиликка нисбатан қобилиятлилик: а) кўпгина фаолият турларига б) фақат ягона фаолият турига	1	2	3	4
2.	Фаолият иштирокчиларининг ёш давлари бўйича ташкилотчилик қобилиятида тафовутчанлик: а) ўзидан катта ёшдагиларга б) ўзининг тенгқурларига	1	2	3	4
3.	Шахслараро муносабатга муносабатлилик: а) дистанция (бевосита шаклига) б) контакт (бевосита ) в) ҳар иккаласи ҳам	1	2	3	4
4.	Фаолиятни бошқариш услуби бўйича: а) ҳаракатли давомий б) фаол жонли в) сусткаш, хотиржам	1	2	3	4
5.	Бошқарув психологиясига кўра: а) демократив б) либерал в) автократ	1	2	3	4

### 3.3. Миллий психологияни ривожлантириш муҳим ижтимоий муаммо сифатида

Миллий психологияни ривожлантириш масаласи ҳозирги замон психологиясининг жуда муҳим ва ниҳоятда актуал муаммоларидандир. Бу муаммо ўз моҳияти жиҳатдан маданий-маърифий ва ижтимоий характерга эга. Шу сабабли бу масалани ривожлантиришда бир-бирига қарама-қарши бўлган жуда кўп оқимлар, йўналишлар майдонга келганлигини биламиз. Инсон шахсининг ривожланишини тушунтиришда майдонга келган биринчи оқим *биогенетик* концепция бўлса, иккинчи оқим *социогенетик* концепциядир. Миллий психологиянинг ривожланиши ҳақида гапиришдан олдин «ривожланиш» тушунчасига кенгроқ таъриф бермоғимиз лозим. Ривожланиш бу ҳаракатланиш, ўзгариш деганидир. Лекин ҳар қандай ҳаракатланиш, ўзгариш ҳам ривожланиш бўлавермайди.

«*Ривожланиш*» илгарилаб, оддийдан мураккабга, пастдан юқорига қараб борадиган ўзгаришдир, ўз навбатида бу инқирозга, регрессга, деградацияга қарама-қарши бўлган жараён дир. Ривожланиш қонуни умумий характерга эгадир. Табиат, жамият ишлаб чиқариш усуллари, ўзгариши билан кишиларнинг ижтимоий ҳаёт формалари ривожланади. Шу жараёнда инсон психикаси ҳам ривожланиб боради. Хуллас, ушбу мавзунинг мақсади ва вазифасини тушунтиришда психологларнинг қўйидаги мулоҳазалари диққатга сазовордир: «Мустақил Ўзбекистонда қисқа фурсатларда амалга оширилган миллий психологияни ривожлантириш ҳақидаги туб ислохотларни муҳим ижтимоий муаммо сифатида сезгирлик билан идрок қилишлари ва уларга муносабатлар, шубҳасиз фуқароларнинг янгича қарашларида аниқроғи дунёқарашларида намоён бўлади. Ушбу дунёқарашнинг мазмунини ташкил этувчи илғор ғоялар яхлит халқ манфаатларини ифода этгани сабабли ҳам улар миллий психологиянинг моҳиятини ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий психология ёки прогрессив илғор ғоя маълум тарихий вазиятларда, ижтимоий муаммолардан келиб чиқиб пайдо бўлади. Лекин унинг ўзи гинетик жиҳатдан ўзидан аввал мавжуд бўлган ўлмас ғояларга, миллий қадриятларга таянади. Масалан, ўзбек халқи тари-

хига назар ташлайдиган бўлсак, миллий психологиянинг ривожланиши халқ эътиқоди ва тафаккурининг сайқаллашувига сабаб бўлган ўлмас қадриятлар халқ маънавиятига тааллуқли нодир мерос бўлганки, улар бугунги истиқлол даврида давлат ва жамият қурилиши учун маънавий-мафкуравий омил ролини ўйнамоқда»<sup>1</sup>.

Президент Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий психологиясини ривожлантириш ва унинг тараққиёт йўли ҳақида шундай деган эди: «Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожеали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш танлаб олинган йўлимизнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир. Одамларнинг онги ва турмушига ўнлаб йиллар мобайнида, кўпинча зўравонлик йўли билан сингдирилган психологик асоратларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас. Бунинг учун ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга барҳам бериш билан жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига одамларни ўзини ишонтириш, ҳаракатга келтирувчи кучларни ва миллий психологиянинг рағбатлантирувчи омилларини ривожлантириш мумкин»<sup>2</sup>.

130 йилдан зиёд давом этган мустамлакачилик шароитида миллий психологияни деярли йўқотган, турли шаклларда мутасил давом этиб келаётган тазйиқу таъқиблардан, ҳар қандай ижтимоий ларза ва компаниябозликлардан зада бўлган халқимизнинг орзу интилишлари айнан ана шундай йўлни тақозо этар эди. В.Каримова бу ҳақда шундай таъкидлайди: «Соф миллий психологик ривожланиш маъносида янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий психологик механизм бу ижтимоий установакалардир. Бир шахннинг атроф-муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички

---

<sup>1</sup> Психология курси. М.В. Гамезо таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 1972, 46-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод ва мафкура. –Т.: «Ўзбекистон», 1996 й, 40-41 бетлар.

ҳозирлик сифатида одамдаги дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категориядир»<sup>1</sup>.

## Эҳтиёжлар ва фаолият мотивлари

Шахснинг муҳим белгиси фақат одамга хос эҳтиёжларнинг борлигидир. Эҳтиёжлар одамнинг кун кўриши ва яшаши учун зарур хусусиятлардир. Демак, бирон нарсага бўлган муҳтожлик эҳтиёж дейилади. Энг буюк, энг онгли мавжудот одамзоднинг катта кашфиётларидан бири ҳам одамларга хос бўлган эҳтиёжнинг шаклланганлиги бўлиб, улар бу мукамал дунёда ўзининг руҳи, тафаккури ва меҳнати билан яратилганлигини англаб етганлигидир. Шунинг учун инсон эҳтиёжини икки томондан, биринчидан, ўз ички руҳий оламидан, иккинчидан, тафаккури ва амалий мотивларидан, яъни ташқи оламдан излаб келади.

Асрлар ўтиши билан руҳий олам эҳтиёжлари кўпроқ инсониятнинг дунёвий муаммоларига айланиб боради. Психология етук инсон эҳтиёжларини руҳдан, маънавийдан, одамнинг чексизликка интилишидан қидиради. Психологияда эҳтиёжларни ўрганиш таълимотига кўра, тўғри дунёқараш, маънавий фикрлаш, тўғри сўзлаш, тўғри яшаш, тўғри роҳатланиш эҳтиёжнинг етуклик омилларидир. Ҳайвонлар психикасининг пайдо бўлиши ва ўсиб тараққий қилишини юксак даражада ривожланган психиканинг, яъни фақат инсонга хос бўлган онгнинг илк тарихи арафаси деса бўлади.

Демак, юқорида айтганимиздек, инсон онг эгаси бўлганлиги туфайли ҳодисаларнинг ўзаро сабаблари, қонуниятлари боғланишларини ва бу боғланишларнинг натижаларини очиб билади, ўз олдига муайян мақсадлар қўяди ва шу мақсадларга яраша иш кўради. Юқорида биз одам онги, психикаси юксак даражада ташкил топган материянинг, яъни миянинг маҳсули эканлиги ҳақида гапирдик. Шунинг учун инсон онги ижтимоий ҳаёт шароитига боғлиқ ҳолда тараққий этиб бораверади. Демак, онг даставвалданоқ жамият маҳсулидир ва инсон умуман дунёда яшар экан, онг шундай бўлиб қолаверади.

---

<sup>1</sup> Каримова В.К. Психология. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Тошкент: 2002, 69-бет.

Эҳтиёжлар муҳтожликни қондиришга алоқадор бўлган таас-  
суротларга нисбатан юқори даражадаги қўзғалувчанликда на-  
моён бўлади. Юқорида айтганимиздек, эҳтиёжлар ҳайвонларда  
ҳам бор. Аммо ҳайвонларда фақат биологик туғма эҳтиёжлар  
бўлади. Бу овқатланиш, насл қолдириш кабилардан иборат,  
холос. Одамда эса биологик эҳтиёжлардан ташқари, яна юксак  
эҳтиёжлар – билиш эҳтиёжлари, социал эҳтиёжлар, маънавий,  
эстетик ва шу каби эҳтиёжлари мавжуд. Улар келиб чиқиш жи-  
ҳатидан ҳаёти давомида ҳосил қилинган бўлиши ҳам, табиий  
туғма бўлиши ҳам мумкин.

Моддий эҳтиёжларга аввало озиқ-овқатга, кийим-кечакка,  
уй-жойга бўлган эҳтиёжлар, шунингдек ишлатиладиган маъ-  
лум меҳнат қуролларига, алоқа воситалари (асбоб-ускуналар,  
машиналар, компьютер, китоблар) кабилардан фойдаланиш-  
да ҳосил қилинган эҳтиёжлар киради. Маънавий эҳтиёжларга  
бошқа кишилар билан муомала қилиш, меҳнат қилишга бўлган  
эҳтиёжлар, маданий эҳтиёжлар киради. Ҳар қандай эҳтиёжнинг  
характерли хусусияти унинг ҳамиша аниқ мўлжалга йўналти-  
рилганлигидир, аниқ йўналиш эҳтиёжни қондириш усуллари  
ва воситаларига боғлиқ ҳолда ўзгариши ҳам мумкин. Инсон  
эҳтиёжлари англаб олиш даражасига, яъни уларнинг инсон  
миясида акс эттириш даражасига кўра, ҳаракатга ундовчи куч  
ёки фаолият мотивлари сифатида юзага чиқади. Шу жиҳатдан  
эҳтиёжнинг ривожланиши инсон шахсининг ривожланишини  
таъмин-лайдиган шарт-шароит бўлиб ҳисобланади. Агар  
ўқитувчи ўз фанини ўргатиш жараёнида ўқувчисида эҳтиёж  
тарбиялай олган бўлса, шунинг ўзи унинг кўп жиҳатдан му-  
ваффақияти учун асос бўла олади, ҳеч бўлмаса ўқувчига рағ-  
батлантирувчи муҳим муносабатни қўллаш ёки қандайдир  
чора-тадбирлар кўришга зарурат қолмайди.

Эҳтиёжларнинг ўсиб бормаслиги шахс ривожининг тўхтаб  
қолиши, баъзан унинг таназзулга юз тутиши демакдир. Инсон  
ўзининг барча хатти-ҳаракатлари ва юриш-туришларини бе-  
восита пайдо бўлган, ҳеч қандай қийинчиликсиз қондирили-  
ши мумкин бўлган эҳтиёжларга бўйсундиришини нормал ҳол  
деб бўлмайди. Чунки одам ҳар бир дақиқада турлича эҳтиёж  
сезиши, дам олишни, қизиқроқ китоб ўқишни, касал ётган  
дўстини кўришни ва навбатдаги машғулотга боришни исташини  
мумкин. Бу эҳтиёжлар баъзи қарама-қаршиликларга дуч кели-

ши мумкин. Ўз хатти-ҳаракатларини янада муҳимроқ эҳтиёжларни қондиришга бўйсундириш учун муайян даражада ирода кучи ва оқилона мулоҳаза керак бўлади. Шундай қилиб, эҳтиёжларни ривожлантириш муаммоси ўсиб келаётган ёшларни тарбиялашдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Одамдаги хилма-хил эҳтиёжларнинг ўсиши ва қондирилиши учун зарур бўлган ҳамма имкониятларни меҳнат ва фақат меҳнат яратиш бера олади. Жамиятнинг асосий иқтисодий қонуни бутун инсониятнинг доимо ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини максимал даражада қондиришдир.

### **3.4. Шахс дунёқараши ва эътиқодини ўзгартирувчи психологик омиллар**

Биз янгиланаётган, ижтимоий ҳаёт қонунларига асосланган миллий психологиямизни яратиш учун нималарга асосланишимиз керак?

Энг аввало тарихий хотирани, миллий ифтихор ва миллий ғурурни, миллий руҳиятимизни ривожлантиришимиз зарур. Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк аждодларимиз халқимизнинг миллий ифтихоридир. Шу каби буюк зотларнинг асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этилган бой маънавий руҳияти туфайли халқимиз эътиқодли, мағрур яшади. Ана шу миллий дунёқараш, миллий эътиқод, миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Ниҳоят, ҳақиқий миллий психологияни яратишда бугунги психолог ва педагогларимизнинг дунёқараши, онги, шуури, тафаккури, қолаверса, миллий маданияти ва эътиқодли қандай бўлиши керак, деган саволга аниқлик киритишга тўғри келади.

Инсон тафаккури тарихий тараққиёт маҳсулидир. Одамзод дунёқараши дастлаб элементар меҳнат фаолияти билан чамбарчас боғланган эди. Бу конкрет амалий тафаккур эди. Кейинчалик дунёқараш шаклланган сари тафаккур конкрет тафаккурдан абстракт тафаккур сари ва амалий тафаккурдан назарий тафаккур сари тараққий қилиб борди.

Тарихий дунёқарашнинг муайян босқичида илмий тафаккур таркиб топди, воқелик ана шу илмий тафаккур ёрдами билан тўлароқ, чуқурроқ, аниқроқ билиб олинди. Одамнинг

дунёқараши воқеа-ҳодисалар ўртасидаги муҳим алоқа ва муносабатларни, табиат ва ижтимоий ҳаёт қонунларини ўзининг дунёқараши ёрдами билан олади. Инсоннинг дунёқараши энди фан, санъат, мураккаб технология ҳам яратади. Одамлар илмга асосланган дунёқараш яратишга интиладилар ва шунга ҳаракат қиладилар. Тараққий қилаётган дунёқараш фан-техника ва санъат эса ўз навбатида кишилар онгининг ўсишига, уларнинг маънавий дунёқарашига таъсир этади. Одамлар тафаккури тараққиётининг олий босқичи диалектик ва илмий дунёқарашдир.

Одам ўзининг дунёқараши орқали тарихий тараққиёт жараёнида табиатни ўзига аста-секин бўйсундиради, уни ўзига хизмат қилишга мажбур этади, лекин дунё одамни қаноатлантирмайди ва одам ўз дунёқараши билан ҳатто жамиятни ўзгартиришга ҳаракат қилади. Унга тарихий тараққиёт жараёнида узоқ курашлар йўли билан инсон ижтимоий муҳитнинг стихияли таъсиридан қутилади, ижтимоий дунёқараш қонунларини секин-аста билиб олиб, жамиятга уюшган ҳолда таъсир кўрсата бошлайди, инсон жамиятнинг тараққиётини муайян йўлга сола бошлайди. Мустақил Ватанимизда кишиларнинг дунёқараши эркин меҳнати зўр ижодиёт эканлигини таъкидлаш керак. Энди Мустақил Ватанимиз кишилари мустабид тузум кишилари эмас. Истиқлолимизнинг ғалабаси кишиларнинг янги маънавий қиёфаси ва ғоявий дунёқарашида яққол кўриниб туради.

Энди истиқлол эгаларининг маънавий қиёфаси аввало ўз меҳнатларига мустақил жамиятимиз учун муҳим иш деб ва Ватан олдидаги муқаддас бурч деб онгли муносабатда бўлишларида кўриниб туради. Ватанимиз кишиларнинг дунёқараши, миллий ва маънавий қиёфаси Ўзбекистон халқлари психологик тузулмасининг ҳамма энг яхши хусусиятларидан, яъни ана шу халқларнинг тарихий тараққиёт жараёнида мустабид тузум ва террорчиликка қарши курашда қарор топган миллий хусусиятларидан озиқланади, келажакда ҳам шу хусусият ва хислатларни ўзига сингдиради.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳаёт шароити ўзгарган мустақил мамлакатимизда ёшлар оммасининг тафаккурида ҳам катта ўзгаришлар рўй бераётганини, илгари қизил империя тузуми, зулми остида бўлган кишиларнинг онги ва дунёқарашида қан-

дай ўзгаришлар бўлаётганлигини бугунги кунда очиқ-ойдин кўриб турибмиз. Бугун миллий истиқлол ғояларини шахс онгига сингдириш психологик муаммо сифатида одам дунёқарашини ва онгининг келиб чиқиши, тарихий тараққиёти ва ижтимоий эътиқодини шакллантириш билан шуғулланади. Бу фан одам онги ва шахсининг ривожланиш масалаларини ҳамда унинг тарихий тараққиёт босқичларини ўрганади ва ўргатиб боради. Шахсининг руҳий потенциал имкониятлари биринчи марта бизнинг мустақил мамлакатимизда истиқлол шароитининг имкониятлари яна бир марта шуни исбот этдики, инсон қобилиятлари ва истеъдодларининг камол топиши, дунёқарашини ва эътиқодининг ўзгариши ижтимоий ҳаёт формаларига боғлиқдир. Истиқлолга эришган халқимизнинг онги бирданига шу тариқа ўзгармайди, албатта. Мустақил жамиятимиз ўз бағрида яшаётган ҳар бир кишидаги барча дунёвий тушунчалар, маънавий эътиқодларининг юзага чиқиши учун чексиз имкониятлар очиб берди.

«Хўш, маънавий эътиқодсизлик энг аввало нималарда намоён бўлади. Эътиқодсизлик ҳар қандай муқаддас ахлоқий қоидалар, ҳуқуқий нормаларни емиради. Сўз билан иш бирлигининг узилишига олиб келади. Эътиқодсизликнинг асосида билимсизлик ётади. Билими саёз кишида эътиқод, иймон, диёнат юзаки бўлади»<sup>1</sup>. Собиқ тузум даврининг сўнгги 20-30 йиллар ичида «жадаллаштириш» деган дастур эълон қилиниб, жамият ҳаётида кечиши лозим бўлган ёинки кечаётган жараёнлар сунъий равишда тезлаштирилгани, бу номақбул сиёсат охир-оқибатда тузумнинг зўриқиши ва таназзулига сабаб бўлганлигини бошимиздан кечирдик. Бу ўз навбатида билими паст кишилар сонининг ортиб бориши, ёшларнинг жисмонан заифлашиб бораётганлиги билан психологик боғлиқдир.

Маънавий қашшоқликнинг энг муҳим кўринишларидан бири ва энг даҳшатлиси мустақил фикрлаш маданиятининг йўқлигидир. Мустақил фикри йўқ киши кўрқоқ бўлади. Чунки кўрқоқлик билан эътиқодсизлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Эътиқодсизлик инсон онгининг заифлигидан далолат берса, кўрқоқлик инсоннинг амалий фа-

---

<sup>1</sup> Иванов П.И. Умумий психология. —Тошкент: «Ўқитувчи», 1967, 83-бет.

олиятида содир бўлади. Бола тарбиясида, ёшларни илм ёки бир ҳунар олишга йўналтиришда уларнинг психологик имкониятлари (лаёқати, хоҳиш-истаги ва мойиндликлари)ни инобатга олмасдан йўналиш берилса, маънавий эътиқодни ҳам заиф бўлиб шаклланади. Улар енгил-елпи яшашга, меҳнат қилмасдан пул топишга интиладилар. Онги ва кундалик фаолиятида ҳукмронлик қилаётган бундай кайфият таъсирида қолган ёшлар, ҳатто нопок йўллардан ҳам қайтмайдилар, ўз эътиқодига қарши иш қиладилар. Ижтимоий адолат принципларини тушунмайдилар. Ҳатто давлат, жамият механизминини заифлаштирадилар. Хуллас, одамлардаги нймон-эътиқодга зарба беради.

А. Чориев ўзининг “Мулоқот” журналида чоп этилган “Инсоннинг маънавий қиёфаси” номли мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Хўш, эътиқодни қандай тарбиялаш мумкин? Кучли ироданинг муҳим сифатларидан бири эътиқодлилиқдир. Эътиқодлилиқ одамнинг вазиятни тезда баҳолаб, ўз вақтида асосли, ўйланган ва мустаҳкам қарор қабул қилиши, ҳеч қандай иккиланмасдан, уни бажаришга киришишдан иборатдир. Киши ўз ҳаёти жараёнида турли хил масалаларни ҳал қилади. Уларнинг баъзи бирлари ўзининг мураккаблигига кўра одамдан шошилмай, қатъий эътиқод билан жиддий ва батафсил атрофлича ўйлаб иш кўришни талаб қилса, бошқалари жуда тез ва тўғри қарор қабул қилиб, онгли эътиқод билан ишга киришишни талаб қиладди. Эътиқодли киши ҳеч қачон саросимага тушмайди, мавжуд имкониятлардан биронтасини танлашда иккиланиб ўтирмайдди. Саросимага тушиш ҳолати кўпинча қатъиятсиз ва эътиқодсиз кишиларда учрайди. Эътиқодсиз киши доимо ҳардамхаёл бўлади, вақт ҳар қанча етарли бўлишига қарамай, бирон қатъий қарорга кела олмайди ёки қарорга келса ҳам уни тез-тез ўзгартиради, ўз қарорини тўғрилигига ўзи шубҳа билан қарайди. Бундай кишилар ҳатто бирор қарорга келган тақдирида ҳам уни бажаришга киришиш учун кўпинча ўзларини мажбур қила олмайдилар»<sup>1</sup>. Биз келажакда мактаблар, ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълим муассасалари, ҳатто олий ўқув юртларида таълим олаётган талаба ва ўқувчи ёшларни шахс сифатида шакл-

---

<sup>1</sup> А. Чориев. «Мулоқот» журнали. Инсоннинг маънавий қиёфаси. 1994 йил, 4-сон.

лантириш, энг аввало уларнинг дунёқараши ва эътиқодини тарбиялаш учун юқорида келтирилган талаблар асосида тарбиялашга катта эътибор беришимиз керак.

#### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Психологияда шахс муаммосига таъриф беринг.
2. Шахс эҳтиёжлари ва фаолият мотивлари ҳақида тушунтиринг.
3. Шахснинг дунёқараши, эътиқоди ва идеаллари нималардан иборат?
4. Миллий психология нима?

#### Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати

1. И.А. Каримов. Юксак маънавият энгилмас куч. –Тошкент: «Маънавият», 2008.
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби, 5-жилд. –Т.: «Ўзбекистон» 1997.
4. И.А. Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
5. Ў.Аббасов. Миллий ғоя: Маънавий омиллар. –Т.: «Маънавият», 1999.
6. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. –Т.: 1993.
7. В.М. Каримова. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. –Т.: «Университет». 199.
8. В.М. Каримова. Тарғиботнинг психологик услублари. –Т.: «Маънавият», 2001.
9. Н. Боймуродов. Раҳбар психологияси. –Т.: «Янги аср авлоди», 2007.
10. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.
11. А.Жабборов. Педагогик психологиянинг этник асослари. –Тошкент: 2006.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

### ПСИХИК ЖАРАЁНЛАР ЁКИ ШАХСНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТЛАРИ

#### ДИҚҚАТ

##### 4.1. Диққат ҳақида умумий тушунча

Диққат шахснинг фаоллигини ҳамда унинг объектив борлиқдаги предмет ва ҳодисаларга танловчи муносабатини белгилайди. Диққатда одам психикасининг мослаштирувчи вазифаси намоён бўлади: агар диққат бўлмаса одамда аниқ мақсадга қаратилган амалий фаолият ҳам бўлмайди.

Диққат муайян шароитларда ва вазиятларда мўлжал олиш имконини беради. Бундай шароитларни ҳисобга олиш одам амалга ошираётган фаолиятнинг онгли равишда кечишини ва унинг сермахсул бўлишини таъмин этади. Ҳар қандай масаланинг ва ҳар қандай ҳаётий вазифанинг ҳал қилиниши одамдан ўз диққатини ана шу масаланинг мазмунига ҳамда уни бажариш учун қилинадиган ҳаракат усулларига қаратишни талаб қилади.

Демак, диққат қолган барча психик жараёнлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Унинг ўзига хослиги шундан иборатки, у акс эттириш формаси сингари психик фаолиятнинг мустақил тури эмас, балки бошқа психик жараёнларнинг уюшган фаоллигидир.

Диққат – психик фаолиятнинг шундай ташкил қилинишидирки, унда маълум идрок, тасаввур, фикр ёки ҳиссиётлар иккинчи ўринга ўтувчи ёки бутунлай англанилмайдиганларидан кўра аниқроқ англанади. Шунингдек, шахснинг ҳаракат, фикр, тасаввур ва кечинмалари ҳам диққатнинг объекти бўла олади.

Диққатнинг таърифидан кўриниб турибдики, у, биринчидан онг банд бўлган нарсага йўналганлиги билан, иккинчидан тўпланганлиги, яъни англанганликнинг аниқлиги билан характерланади. Диққат фаоллигига кўра ихтиёрсиз (суст) – унинг пайдо бўлишида одамнинг мақсади қатнашмайди ва ихтиёрий (фаол) – одамнинг мақсадига кўра, ўзи ирода кучини ишлати-

ши туфайли пайдо бўладиган икки турга ажратилади. «Ихтиёрсиз диққат диққатнинг қуйи формаси бўлиб, одатда қўзғатувчиларнинг анализаторлардан бирортасига таъсир этиши натижасида содир бўлади. У мўлжал олиш рефлекс қонуниятига кўра пайдо бўлади ва одамлар ҳамда ҳайвонлар учун умумийдир.

Ихтиёрсиз диққат таъсир этувчи қўзғатувчи ҳамда бу қузғотувчиларнинг одамни илгариги тажрибаси ёки психик ҳолатига мувофиқ келиши туфайли пайдо бўлиши мумкин. Таълим ва тарбия жараёнида шаклланувчи ҳамда фақат одамга хос бўлган ихтиёрий диққат анча мураккабдир. Унинг характерли хусусияти шундаки, у объектга ният ва қўйилган мақсад таъсирида йўлланади. Ихтиёрий диққатнинг психологик хусусияти уни кўп ва кам иродавий зўр бериш, жиддийлик (танглик) билан бирга бўлишидадир, бунда ихтиёрий диққатнинг узоқ сақланиши толиқишига, кўпинча жисмоний зур беришдагидан кўра кўпроқ толиқишга сабаб бўлади. Шунинг учун ўқитиш даврида ихтиёрий диққатнинг кучли тўпланганлиги ортиқча давомли бўлмаслиги лозим.

«Диққатнинг кучли» концентрациясини диққатни анча осонроқ ёки анча қизиқарлироқ ҳаракат турларига ўтказиш йўли билан, камроқ зўриқишни талаб қиладиган ёки зўр диққат берилишини талаб қилувчи ишга ўқувчиларда ўта қизиқиш уйғотиш билан алмаштириб туриш фойдалидир»<sup>1</sup>. Демак, диққатимиз бирор нарсага қаратилиб, шу нарса устида сақланиб турар экан, шу билан гўё онгимиз доираси торайгандай бўлиб қолади. Бу пайтда бошқа нарсалар унинг ичига кира олмайди. Агарда одамда диққат қобилияти шундай бўлмаса эди, унинг барча руҳий кучлари, онги сочилган ва тартибсиз бир ҳолда бўлар эди. Одам ҳеч қандай иш билан шуғуллана олмас эди. Унинг онги бир нуқта устида жамланиб туролмасди. Диққат одамдаги идрок этиш, эса қолдириш, фикр юритиш каби психик жараёнларнинг сифатли бўлишини таъминлайди.

Хуллас, диққат таълим-тарбия соҳасида, айниқса катта аҳамиятга эга. Ўқиш материални муваффақиятли ўзлаштириш аввало диққат кучи билан белгиланади.

---

<sup>1</sup> К.К.Платонов, Г.Г.Голубев. Психология. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1982 й. 77 бет.

Баъзи ўқувчиларнинг дарсдан орқада қолиб боришлари уларнинг ақл-идрок ёки хотиранинг заифлигидан эмас, балки диққатнинг бўшлигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ўқитишни сифатли қилиш учун ўқитувчи аввало ўқувчиларнинг диққатини тургун уюштириш тўғрисида ўйламоғи зарур.

Машҳур рус педагогларидан К.Д. Ушинский диққатнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида гапириб, бундай деган эди: «Диққат руҳий ҳаётимизнинг шундай ягона бир эшигидирки, онгимизга кирадиган нарсаларнинг барчаси шу эшик орқали ўтиб киради»<sup>1</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, шу диққат эшигидан ташқарида қолган нарса онгимизга бориб етмайди. Одам бирон нарсага зўр диққат билан киришган пайтда унинг ташқи қиёфасида, масалан кўз қарашида, қош ҳаракатларида айрим ўзгаришлар юзага келади. Диққатнинг ана шу ташқи аломатлари га қараб одам айни чоғда диққатини бирор нарсага қаратаётганини ёки қаратмаётганини аниқлаш қийин эмас. Масалан, диққатимиз бирон нарсага жиддий қаратилган пайтда барча ортиқча ҳаракатлар тўхтаб, организм қимирламай қолади ва ҳатто нафас олишда ҳам ўзгариш рўй беради, бундай ҳолатда нафас олиш баъзан сусайиб, баъзан чуқурлашиб туради.

#### **4.2. Диққатнинг физиологик асослари ва ташқи аломатлари**

Одамга ҳар дақиқада таъсир этиб турувчи кўзгатувчилар турли рефлексларни юзага келтиради. Чунки ҳар қандай рефлекс организмнинг ташқи таъсирига берадиган қонуний жавоб реакциясидир.

Демак, диққат мия пўстидаги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларига боғлиқ. Шу жараёнларнинг бир-бирига муносабати индукция қонуни деб аталади. Буни академик И.П. Павловнинг қуйидаги сўзларидан очиқ ойдин кўришимиз мумкин: «Мия ярим шарларининг оптимал қўзғалишга эга бўлган қисмида, – дейди И.П. Павлов, – янги шартли рефлекслар энгиллик билан ҳосил бўлади ва дифференцировкалар (таркибий элементларга ажратсак) муваффақиятли равишда пайдо бўлади.

---

<sup>1</sup> К.Д. Ушинский. Педагогика курси программасининг проекти. – Т.: Учпедгиз, 1998, 109-бет.

Шундай қилиб, оптимал (энг қулай равишда) қўзғалишга эга бўлган жойни, айна чоғда бош мия ярим шарларининг суст қўзғалган бошқа қисмлари бундай хусусиятга эга эмас. Уларнинг айна чоғдаги функцияси, жуда нари борса тегишли қўзғовчилар асосида илгари ҳосил қилинган рефлексларни бир тартибда қайта тиклашдан иборатдир. Натижада нерв марказларининг бир қисми кучли ишлайди ва шу қўзғалишни вужудга келтирган нарса онгимиз марказида туриб равшан билинади, бошқа таассурот ё бутунлай сезилмайди, ё унинг бизга таъсири сезилар-сезилмас бўлиб қолади. Демак, нерв марказларининг бир жойида пайдо бўлган қўзғалиш унинг атрофидаги нерв марказларининг ишини яна кучайтиради ва онгимизнинг бир ерга тўпланиб туришини таъмин этади. Бунда кўринган психик ҳодиса диққат дейилади».<sup>1</sup>

Рус олими Ухтомский диққатнинг физиологик асосини доминанта принципи билан изоҳлайди. Доминанта принципига мувофиқ, миёдаги нерв марказларидан бири доимо қўзғалган ҳолатда бўлиб, бошқа нерв марказлари устидан ҳукмронлик қилади, уларнинг кучини ўзига тартади. Шу марказларнинг қўзғалиши ҳар хил ички ва ташқи сабаблар билан вужудга келади. Чунки қорин очган пайтда диққат асосан овқатга тааллуқли бўлган нарсаларга – овқат ҳидига, идиш-товоқларнинг тақир-туқирларига қаратилади ва бу диққатни бошқа нарсадан, масалан, китоб мутолаа қилишдан четга тартади. Аммо бу ҳукм суриб турувчи нерв маркази ўз кучини йўқотиб, ўша пайтда кўпроқ қўзғалган бошқа нерв марказига тобе бўлиши мумкин, бу эса психологик нуқтаи назардан диққатнинг иккинчи бир нарсага ўтишини кўрсатади. Демак, нерв марказларининг бири қўзғалиб, бошқалари бунинг натижасида тўсилиб туриши, бири ҳукмронлик қилиб, бошқалари бунга тобе бўлиши галма-гал ўзгариб турар экан. Бу диққатнинг бир нимага қаратилганлигини ва бир нима устида барқарор бўлишини белгилайди.

---

<sup>1</sup> И. П. Павлов. Полное собрание сочинений. III том, 1-китоб, 277-278 бетлар.

### 4.3. Диққатнинг турлари ва унинг асосий хусусиятлари

Диққатимизнинг йўналиши хусусиятлари мазмунига қараб, уни ташқи ва ички диққатга ажратиб ўрганамиз. Онгимиздан ташқарида мавжуд бўлиб, бир нарса устида тўпланган диққат *ташқи диққат* дейилади. Осмондаги самолётни кузатиш, девордаги расмларни кузатиш, пахта терадиган машинани кузатиш каби психик фаолият (диққат) бунга мисол бўла олади. Туйғу-ҳис, орзу-ҳавас, фикр ва тасаввур каби ички кечинмаларга қаратилган диққат *ички диққат* дейилади. Ички кечинмаларни таҳлил қилиш, ўзинни тута билиш, нафсни тийиш, интизомга бўйсунуш каби ҳолатлар ички диққатни жалб қилади.

Диққат вужудга келишидаги психик фаоллик даражасига қараб, у ихтиёрсиз, ихтиёрий, иштиёқли ёки кўниккан турларга ажратилади.

*Ихтиёрсиз диққат* деб, тўсатдан таъсир этиб, бирон сабаб туфайли, бизнинг хоҳишимиздан ташқарида ҳосил бўладиган диққатга айтилади. Ихтиёрсиз диққат муайян бир мақсадга қаратилмайди ва уни бирон ерга тўплаб туриш учун зўр бериш талаб этилмайди. Масалан, тўсатдан эшитилган шовқин беихтиёр диққатимизни ўзига жалб қилади. Бирор жойда пайдо бўлган оғриқ ҳам диққатимизни ўзига тортади, аммо атрофимиздаги ҳамма буюм ва ҳодисалар диққатимизни ўзига жалб қилавермайди.

Одатда ихтиёрсиз диққат ташқи ва ички ҳолатларга боғлиқ равишда турли сабаблар билан вужудга келади. Кишига турлича таъсир этадиган, ўзининг ранги, овози, ҳаракати ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб кўзга ташланадиган нарсалар беихтиёр диққатимизни ўзига тортади.

Масалан, қорамтил муқовали китоблар орасида сариқ муқовалиги диққатимизни ўзига дарров жалб қилади, шунингдек, жимжит уйда тўсатдан пайдо бўлган шовқин ёки аксинча, бир неча вақт давом этиб турган шовқин бирданига босилиб сукунат пайдо бўлса, бу ҳам диққатимизни ўзига жалб қилади.

Кишида пайдо бўладиган талаб, эҳтиёжлар, организмдаги ўзгаришлар, масалан чанқаш, оғриқ, кўнгил ғашлиги каби ҳолатлар ҳам диққатимизни жалб этиши мумкин. Шунингдек,

турли туйғу-ҳислар, хусусан, қизиқиш, ихтиёрсиз диққатга сабаб бўлади. Ихтиёрсиз диққатнинг нерв-физиологик асосини ориентировка (мўлжал) ёки текшириш рефлекси таъкил қилади. Чунончи, теварак-атрофимиздаги нарсаларнинг салгина ўзгариши бизда дарҳол ориентировка рефлексини юзага келтиради. Бошқача қилиб айтганда, «нима гап» деган маънода атрофимизга разм сола бошлаймиз.

Шунингдек, турли ҳис-туйғулар, хусусан қизиқиш ихтиёрсиз диққатга сабаб бўлади. Қизиқарли роман, кинофильм, қизиқарли суҳбат диққатимизни ўзига беихтиёр тортади. Шунинг учун диққатнинг бу хили яна *эмоционал диққат* ҳам дейилади.

*Ихтиёрий диққат* қатъий мақсад асосида йўналтирилган диққатдир. Диққатнинг бу тури ўзини мажбур қилиб, зўр бериб онгни бир фаолият устида тўплаб туришликни билдиради. У ироданинг иштирокини талаб этади. Шунинг учун ҳам баъзан у иродавий диққат дейилади. Масалан, илмий асарни мутолаа қилиш, оғир бир ишни бажариш, зўрлаб диққатни бир ерга тўплаш ҳам иродавий диққатни талаб қилади.

Иродавий диққатнинг келиб чиқишига меҳнат сабабчи бўлган, чунки меҳнат мақсадга қаратилган ва муайян бир натижа, маҳсулот берадиган онгли фаолиятдир. Меҳнат учун чидамли ва мустаҳкам диққат зарурдирки, бунинг учун ирода ишга солинади. Меҳнатга халақит берадиган, диққатни чалғитиб юборадиган, меҳнатга алоқаси бўлмаган туйғу ва таъсиротларга йўл қуймаслик учун ҳаракат қилинади. Инсонларда меҳнат билан бирликда пайдо бўлган бу қобилият ихтиёрсиз диққатдан сифат эътибори билан фарқ қилиб, у диққатнинг энг юксак кўринишидир. Ўқиш, камолотга интилиш, Ватанни севиш, онгли интизом кабилар ихтиёрий диққатни талаб этади. Шунингдек, жиддий китоб мутолаа қилиш, илмий мавзуда маъруза эшитиш, кишини чарчатиб қўяди, чунки бу иш чидамли, ихтиёрий диққатни тақозо этади. Мақсадимизга эришиш учун зарур бўлган, аммо ўзининг мазмуни билан бизни бевосита қизиқтирмайдиган ишни бажаришга ўзимизни мажбур қилар эканмиз, биз бу ишни оғир бир ишдай ҳис қиламиз. Бундай иш иродавий диққатнинг иштироки билан бажарилади.

Аммо бу ҳамиша шундай бўлавермайди. Яъни ўзимизни мажбур қилиб, зўр бериб бирор ишга киришганимиздан кейин

шу иш бизни қизиқтириб қўйса, биз унга берилиб кетамиз, унинг машаққатини сезмасдан бемалол ишлаймиз. Баъзи ишлар бизга бошида жуда оғирдай кўринса ҳам, уни бошлаб юборсак бир неча вақтдан кейин завқ билан ишлай бошлаганимизни ўзимиз пайқамай қоламиз. Шундай пайтдаги диққатни иштиёқли ёки кўниккан диққат деб аташ мумкин.

У ўзининг психологик эътибори билан ихтиёрсиз ва ихтиёрий диққат турларидан фарқ қилади. Кўниккан диққат ихтиёрий диққатдан бошланиб ихтиёрсиз диққатга айлангандай енгиллик билан ўтадиган бўлса ҳам уни ихтиёрсиз диққатга айнан тенг деб бўлмайди. Иштиёқли ёки кўниккан диққат тасодифий бир нарсага эмас, балки муайян мақсадга қаратилади ва муайян бир натижага олиб боради. Диққатнинг бу тури айниқса ўқитишда катта аҳамиятга эга, дарс ўзлаштириш ихтиёрий-мажбурий диққатни талаб этади. Чунки ўқиш нафақат жиддий меҳнат, балки кўп машаққатли ишдир. Шунинг учун у иродага суянади. Аммо ўқишни фақат ихтиёрий диққат асосидагина ўтказиш ўқувчиларни тез чарчатиб қўяди. Шу сабабли ўқишга қизиқтириш, дарсни қизиқарли қилиб ўтиш керак. Аммо бу дарсни қизиқчиликка, эрмакка айлантириш керак, деган гап эмас балки ишнинг ўзига қизиқтириш демакдир.

### **Диққатнинг асосий хусусиятлари**

Диққат мураккаб психологик жараён бўлиб, унинг бир қанча ўзига хос хусусиятлари бор. Улардан асосийлари диққатнинг турғунлиги, кучи ва барқарорлиги, диққатнинг кўлами, диққатнинг бўлинувчанлиги, диққатнинг кўчувчанлигидир. Диққатнинг ана шу хусусиятлари устида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Диққат турли одамларда, бир одамда турли вақтда, турли вазият, турли хусусиятлар ва шу билан бирга психик жараёнларнинг кечиши билан турлича бўлади. Баъзи одамларнинг диққати кучли ва барқарор бўлса, баъзилариники кучсиз ва беқарор бўлади.

Диққатнинг кучи ва барқарорлиги деб, одам ўз диққатини бирон нарса ёки ҳодисага узоқ муддат давомида муттасил қаратиб тура олишига айтилади. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Диққатимиз кўпинча тўлқинсимон, яъни гоҳо кучайиб, гоҳо пасайиб, тебраниб

туради. Чунки диққатимизни бир ерга йиғиб, уни соатнинг тиклашига қаратсак, унинг овози гоҳ қаттиқ, гоҳ секин эшитилади. Оқ рангли буюм устидаги кичкина қора доғга тикилиб қараб турсак диққатимиз тахминан 4-5 дақиқадан кейин чалғиб кетади. Аммо бир иш жараёнида диққатимизнинг турғунлиги шу иш устида тўхтовсиз тўпланиб туриши 10-20, ҳатто 40 дақиқача бора олади. Албатта, сурункасига 40 дақиқа давом этадиган диққат иродавий барқарорликни ҳам талаб этади. Диққатнинг кучли ва барқарор бўлиши иродадан ташқари яна бир қанча сабабларга ҳам боғлиқдир<sup>1</sup>.

*Биринчидан* диққат қаратилган нарсанинг хусусиятлари, биз учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигига, *иккинчидан*, диққатимиз қаратилган нарса билан амалга ошириладиган фаолиятимизга, *учинчидан*, нерв системасининг айрим хусусиятларига боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси объектив, яъни бизнинг ирода-миз билан боғлиқ бўлмаган сабаблардир. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги, албатта субъектив, яъни одамнинг айна чоғдаги ҳолати билан ҳам боғлиқ. Масалан, айнан бетоб бўлиб ёки кайфияти тушиб турган одамнинг ёки бошига бир оғир ташвиш тушган одамнинг диққати кучли ва барқарор бўла олмайди. Баъзи касб эгалари учун диққатнинг кучи ва барқарорлиги жуда муҳимдир. Айниқса ўқитувчилар, пахта қатор ораларида ишлайдиган механизаторлар, шофёрлар, босмахона ҳодимлари стенаграфистлар ва бошқалар.

**Диққатнинг кўлами.** Одамлар ўз диққатларининг кўлами жиҳатидан ҳам бир-бирларидан фарқ қиладилар. Яъни айна замонда идрок қилинадиган нарсаларнинг сони диққатнинг кўламини белгилайди. Диққатнинг кўлами кенг ёки тор бўлиши мумкин. Диққатнинг бу хусусиятини текширмоқ учун одатда тахистаскоп<sup>2</sup> номли махсус асбобдан фойдаланилади. Бу асбобнинг тузилиши содда бўлиб, у тикка қилиб қўйилган тахта ўртасида махсус механизм орқали очилиб ёпиладиган экрандан иборатдир. Экраннинг орқасига 5-6 ҳарф, рақам ёки майда буюмлар қатор қўйилади ва экран жуда тез (дақиқанинг 1/10 давомида) очиб ёпилади. Мана шу вақт ичида

<sup>1</sup> М. Воҳидов. Болалар психологияси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 йил, 128-129 бетлар.

<sup>2</sup> Юнонча тахис – «тез», «скелео» – кўраман деган сўزلардан олинган.

ўқувчи қанча кўп нарсани бирданига идрок қила олиши текширилади. Масалан, буюмларнинг 4-5 тасини айтиб бера олса, унинг диққат кўлами (ҳажми) шунчалик кенг, аксинча, пайқамай қолган нарсаларнинг сони қанча кам бўлса диққатнинг идрок кўламини шунча тор деб ҳисобланади. Шуниси ҳам борки, бир қатордаги ҳарфлардан одатда 3-4 таси, айрим ҳолларда 6 таси равшан қабул қилинади. Бунда одам диққати доирасига қанча нарсани сиғдира олса, ана шунга қараб диққатнинг кенг ёки торлиги аниқланади. Аммо тахистаскоп билан кўрсатилган узун бир сўз, масалан, «демократия» сўзи, бирданига бутунлигича қабул қилинади, чунки бу куруқ ҳарфлар, тизмаси бўлмасдан, балки маъноли сўздир. Ўрни келганда шунини ҳам айтиш керакки, бу сўзнинг маъносини тушунмаган бир киши унинг бир неча ҳарфларинигина пайқаб олоғи ёки уни бошқа бир сўзга ўхшатиб ўқимоғи мумкин. Бундай ҳолат кишининг билим савиясига ва тажрибаси (апперцепцияси)га боғлиқ бўлиб, диққатнинг кўламига тааллуқли эмас. Диққат кўламининг кенг бўлиши, одам идрок қилаётган нарсаларни атрофлича ва чуқур акс эттирилишида ҳамда билиш жараёнларининг сифатли бўлишида катта аҳамиятга эгадир.

*Диққатнинг тақсимланиши.* Одам диққатининг яна икки хусусияти бор, яъни диққат марказлашган ёки тақсимланган бўлиши мумкин. Фақат бир нарса устида тўпланиб турган диққат марказлашган диққат дейилади. Масалан, ўқувчиларнинг ёзма ишларни текшириб ўтирган ўқитувчи ёки қайчи билан бирон нарсани қирқаётган тикувчининг диққати марказлашган ёки бир нуқтага жамланган бўлади. Диққатимиз бир нарса устида марказлашар экан, онгимиз доираси тораёгандек бўлади ва биз ўша пайтда бошқа нарсаларнинг таъсирини сезмаймиз. Буни *концентрациялашган* (тўпланган) диққат ҳам деб айтамыз.

*Тақсимланган диққат.* Бирон иш жараёнида бирданига бир қанча нарсаларга қаратилган диққат тақсимланган диққат демакдир. Кундалик ҳаётимиз учун диққатнинг тақсимланиши ғоят катта аҳамиятга эга. Баъзи касблар диққатни тақсимланишини талаб этади. Масалан, машина ёки трактор ҳайдовчининг, кўп станокда бирданига ишловчининг диққати айни замонда шу ишга боғлиқ бўлган бир қанча

меҳнат жараёнларига баробар қаратилмоғи керак. Шунинг учун янги давр, янги педагогик технология, ўқитувчилар олдига ўқитишнинг қатор мураккаб муаммоларини кўндаланг қўймоқда.

Дарс бераётган ўқитувчининг диққати табиий тақсимланади. Ўқитувчи янги ноанъанавий, замонавий технология талаблари асосида дарс ўтар экан, у диққатини аввало бераётган дарс мазмунига, ўқувчиларнинг дарсни қандай идрок қилиб ўзлаштириб боришларига, ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги савол-жавоб – «фикрлар ҳужуми»нинг самарадорлигига тақсимлай олиши лозим. Ўқитувчи бирон ўқувчини доска олдига чақирар экан, у синфда ўтирган бошқа ўқувчиларга ҳам диққатини тақсимлай олиши зарур.

Моҳир ўқитувчиларнинг диққати одатда яхши тақсимланиш хусусиятига эга бўлади. Бу хусусият иш тажрибаси давомида ҳосил қилинади ва янада шаклланиб боради. Маълумки, ҳали тажрибасиз ёш ўқитувчилар дастлабки йиллар дарс берганда бутун диққатини бераётган дарсга қаратиб қўйиб, синфдаги болаларнинг қандай қилиб дарсни тинглаб ўтирганликларини яхши пайқамайди. Демак, диққатни тақсим қила билишлик, машқ қилиш, тажриба тўплаш ва педагогик маҳоратни орттириб боришга боғлиқ экан.

*Диққатнинг кўчувчанлиги.* Диққатнинг кўчиши бу фаолият мақсади-нинг ўзгариши билан диққатнинг бир объектдан иккинчисига ўтиши демакдир. Демак, диққатнинг бир нарса устида тўпланиб туриши мумкин бўлганидек, унинг кўчиб туриши ҳам мумкин. Масалан, ўқувчи диққатини радио тинглашдан газета ўқишга, сўнгра дарс тайёрлашга кўчириши мумкин. Диққат кўчишининг физиологик асоси аввал ишлаб турган мия пўсти қисмларининг тормозланиш ва янги оптимал қўзғалиш ўчоқларининг пайдо бўлишидир. Бу кўчишнинг тезлиги маълум даражада нерв жараёнларининг ҳаракатчанлигига боғлиқ. Мактабда ўқувчилар дарс давомида диққатларини бир хил машғулотдан иккинчисига кўчириб туради. Аммо диққатнинг бу хусусиятини унинг четга чалғиб кетиши ва қўнимсизлиги билан аралаштириб юбориш ярамайди. Бу ишни қилиб бўлиб, унинг кетидан навбатдаги бир ишга онгли равишда ўтилса, бу диққатнинг *ихтиёрий кўчиши* дейилади.

Аксинча, тўсатдан пайдо бўлган биронта таассурот натижа-сида диққатимиз чалғиб, бошқа бир нарсага қаратилса бу диққатнинг *беихтиёр кўчиши* деб айтилади.

Шуниси ҳам борки, диққатнинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз кўчишида одам томонидан сарф қилинадиган куч ҳам бирдай бўлмайди. Одатда ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққатга жуда тез ва осонлик билан ўтаверади. Масалан, китоб ўқиб ўтирган пайтимизда ёқимли мусиқа овози эшитилиб қолса, диққатимиз дарров шунга ўтиб кетади. Аммо ихтиёрсиз диққатни ихтиёрий диққатга кўчириш зўр беришликни, ўзини мажбур қилишни талаб қилади ва секинроқ ўтади. Танаффус пайтида эркин ўйнаб юрган ўқувчиларнинг диққатини дарҳол дарсга жалб қилиш қийин бўлади. Уларнинг ихтиёрий диққатларини жалб қилиш учун бироз вақт талаб қилинади. Аммо меҳнатнинг унумли бўлиши учун ўқувчи диққатини дарров қарата билиш ўқитувчининг педагогик санъатига боғлиқдир. Агар диққатимиз кўчирилиши лозим бўлган нарсалар ўртасида маълум жиҳатдан мазмунли боғланиш бўлса, диққатимиз осонлик билан кўчади. Айниқса, одамнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган нарсаларга диққат энгиллик билан кўчади. Диққатнинг ана шу хусусиятлари туфайли одам атрофдаги муҳитга, ундаги турли-туман ўзгаришларга тез мослаша олади.

*Диққатнинг паришонхотирлиги.* Энди одамлардаги диққатнинг паришонхотирлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг психологик жиҳатини қуйидагича таърифлаш мумкин:

Диққат шахс хусусиятига, яъни диққат паришонхотирликка айланар экан, демак энди у инсон маънавий ҳолатининг энг юқори даражасининг шаклланишига таъсир қилади. Маънавий жиҳатдан тарбияланган диққат бу одамнинг ўзи ўзлаштирган маънавий талабларга мувофиқ эгаллаган ихтиёрий диққатдир. Бундай ҳолатда маънавий-ахлоқий талаблар диққатнинг кўчувчанлик ва интенсивлик стимули хизматини ўтайди. Юқори даражада тарбияланган диққат-эътиборли киши ёрдамга муҳтож одам олдидан бефарқ ўтиб кета олмайди, маънавий-ахлоқий томондан тарбияланмаган киши эса бировга ёрдам бермайди. Диққат-эътиборсизлик деб аталувчи диққатнинг нотўғри ташкил этилишини текшириб чиқиш ҳам амалий муҳимдир.

У ўзини уч типга бирлаштирувчи турли формаларда бўлиши мумкин.

Диққат-эйтиборсизлик ёки паришонхотирликнинг *биринчи тури* шахснинг фаолияти жараёнида ҳар нарсага чалғийверишда ва диққатнинг интенсевлиги (тезлиги) паст бўлганда, объектдан объектка, ҳеч бирида тўхталмай жуда осон ва бехтиёр тарзда кўчувчанликда юзага келади. Паришонхотирликнинг бу тури образли қилиб энгил диққат дейилади. У ёш болаларга хос бўлиб, ўсмирларда ва катта ёшдаги кишиларда ҳам учраши мумкин.

Паришонхотирликнинг *иккинчи тури*, аксинча диққатнинг юқори интенсевлиги ва қийин кечиши билан фарқланади. У кўпинча жуда интенсив ва барқарор, бироқ асосан ички йўналган диққатга одатланган шахсларда учрайди. Бундай паришонхотирлик уйдан хабар олган ва доимо шу ҳақда ўйлаётган ўқувчиларда пайдо бўлиши мумкин.

Паришонхотирликнинг *учинчи тури* диққатнинг интенсевлигида ифодаланади ва одатда, қаттиқ чарчаган ҳолларда юзага келади. Паришонхотирликнинг бу тури бош мия пўстидаги нерв жараёнлари кучи ва ҳаракатининг донмий ёки вақтинча сусайиши, тонуснинг сусайиши туфайли содир бўлади. У диққатнинг жуда паст концентрацияси ва ундан ҳам камроқ кўчувчанлиги билан ифодаланади. Бироқ ҳатто энг барқарор ва кам чалғийдиган диққат ҳам ўз интенсевлигига кўра ўзгаришсиз қолмайди. Бу ўзгаришлар тажрибанинг кўрсатишича, баъзи ҳолларда бир минутда 10 марта бўлиши мумкин, одатда эса камида ҳар 5 секундда бўлади. Демак, энг кучсиз диққат одатда тарқоқ диққат, паришон диққат дейилади. Диққат ҳаддан ташқари кучли бўлганида ҳам алоҳида паришонликни кўриш мумкин. Энг кучли диққатда онгимиз диққат қаратилган нарсага батамом тўпланади ва кам чалғийди ёки ҳатто бошқа кучли қўзғовчилар таъсир қилиб турганда ҳам сира чалғимайди. Одам бирор нарсага жуда берилиб кетганида вазиятни унутиб қўяди, теварак - атрофдагиларнинг гапи қулоғига кирмайди, ўзининг одатланган иш ҳаракатларини сезмай қолади. Диққат кучли бўлган вақтда одамнинг паришон бўлиб қолишини ҳар бир киши ўз тажрибасидан ёки бошқа одамларда кўрганларидан яхши билади. И.П.Павлов бундай паришонликнинг физиологик асосини қуйидагича кўрсатиб

берган: «Ўйга чўмиб кетганимизда, бирор ишга жуда берилганимизда, теварак-атрофда бўлаётган нарсаларни кўзимиз кўрмайди, кулоғимиз эшитмайди бу яққол манфий индукциянинг юз беришидир»<sup>1</sup>. Бунинг маъноси, бош мия пўстининг бир қисмида содир бўлган қўзғалиш пўстининг бошқа қисмларини тормозлайди, демакдир. Ҳар бир кишининг диққати амалий фаолият жараёнида тарбия қилиш ва ўз-ўзини тарбиялаш йўли билан ўсиб паришонхотирликдан маълум даражада кучли ва барқарор диққат бўлиб бориши мумкин.

#### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Диққат ҳақида умумий тушунча беринг.
2. Диққатнинг физиологик асосларини тушунтиринг.
3. Дарс жараёнида ўқувчилар диққатининг чалғиб туриш сабабларини изоҳлаб беринг.
4. Таълим жараёнида диққатнинг муҳим хусусиятлари.
6. Дарсда диққатнинг барқарорлиги, кўлами, тақсимланиши, кўчиши, паришонхотирлиги ва диққатни тарбиялаш усуллари ҳақида гапириб беринг.

#### Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати

1. М. Раҳмонова. Таълимда диққатнинг роли. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1963 й.
2. М. Воҳидов. Болалар психологияси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982.
3. Э. Ғозиев. Психология (Ёш даврлар психологияси). –Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.
4. Э. Ғозиев. Ўқувчиларни умумлаштириш усулларига ўргатиш ва уларнинг ақлий тараққиёти. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1983.
5. В. Каримова. Психология А. Қодирий помидаги халқ мероси наشريёти. –Тошкент: 2002.
6. Умумий психологиядан амалий машғулотлар. Проф. А.И. Шчербаков тахрири остида. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1984.
7. Б.И. Иванов. Умумий психология. –Тошкент: «Ўқитувчи» 1967 й.
8. Э.Ғозиев, А.Жабборов Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси. –Тошкент: 2003.
9. М.Г. Давлетшина, С.М. Тўйчиева. Умумий психология. –Тошкент: 2002 й.

---

<sup>1</sup> И.П. Павлов. Полное собрание сочинений. –М.: III том.

10. Олий педагогик ўқув юртларининг ўқув жараёнига педагогик технологияларни тадбиқ этишнинг илмий асослари. (Республика илмий-методик конференциясининг материаллари). –Тошкент: 2000.
11. Р.С. Немов. Психология. –М.: 1998.
12. Н.В. Басова. Педагогика и практическая психология. –М.: «Феникс», 2000.
13. В.М. Каримова. Аудиторияда баҳс-мунозарали дарсларни ташкил этишнинг психологик техникаси. –Т.: 2000.
14. Психология курси. Проф. М.В. Гамезо таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 1972.
15. Л. Бекназарова, А. Жабборов. Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг психологик хусусиятлари. –Тошкент: «Фан», 2008.

## БЕШИНЧИ БОБ

### СЕЗГИЛАР

Органларимизга таъсир этадиган айрим нарса ва ҳодисалар образларининг миямизда бевосита акс этиш фаолиятига *сезгилар* дейилади. Биз сезгилар ёрдамида предметларнинг рангини, шаклини, катта ёки кичиклигини аниқлаймиз.

Сезгилар содда психик жараён бўлишига қарамай, барча билимларимизнинг асосий манбаи ҳисобланади. Чунки нарса ва ҳодисалар акс этишининг кўпчилик қисми сезишдан бошланади. Агар сезгиларимиз бўлмаганда биз теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттиришдан ва уларни билишдан маҳрум бўлган бўлар эдик.

Моддий оламни акс эттиришда сезгиларимизнинг аҳамияти жуда катта. Сезгиларимиз бўлмаса, биз предметларнинг ҳеч қандай шаклини, ҳаракатнинг ҳеч қандай хусусиятини била олмаймиз. Шунинг учун ҳам идрок, хотира, хаёл, тафаккур каби мураккаб психик жараёнлар сезгиларимиз асосида ҳосил бўлади.

#### 5.1. Сезгилар. Уларнинг турлари, вазифалари ва хусусиятлари

Энди сезгиларнинг энг муҳим турларини кўриб чиқамиз. Инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида *кўриш сезгиларининг* роли бениҳоя катта. Кўриш ҳодисасини вужудга келтирувчи физик сабаб ҳар хил узунликда бўлган электромагнит тўлқинларидир. Одамнинг кўзи 390 миллимикрондан 800 миллимикронгача узун электромагнит тўлқинлари таъсиротини сеза олади. Кўз мураккаб тузилган сезги аъзоси бўлиб, у кўз косасида жойлашган ва махсус кўз мушаклари ёрдами билан ҳар томонга бурила олади. Кўз соққасининг учта асосий пардаси бор. Унинг ташқи пардаси оқ тусда бўлиб, шу парданинг олдинги қисми тиниқдир. Оқ парданинг ички томонини томирли парда қоплайди. Шу пардада қон томирлари кўп бўлиб, кўзни қон билан таъмин этади. Томирли парданинг олдинги қисми **рангдор** парда деб аталади, у тиниқ парданинг орқасидадир. Рангдор пардада пигмент (кўзга тус берувчи модда) бор

бўлгани учун кўзнинг ранги шунга боғлиқдир. Рангдор парданинг ўртасидаги қора тешик кўз қорачиғи дейилади. Кўз қорачиғининг махсус мушаклари бўлиб, у торая ва кенгая олади. Унинг бундай ҳаракати ёруғлик кучига боғлиқ. Ёруғлик заиф бўлса, у кенгаяди ёки аксинча бўлади. Кўз қорачиғининг орқасида тиниқ кўз гавҳари ётади. Кўз гавҳари махсус мушаклар ёрдами билан тарангланиши ёки бўшашиши мумкин, натижада у шаклини ўзгартириб ясси ёки қобариқ бўлиб қолиши мумкин. Бир нарсани яқиндан туриб кўрганда кўз гавҳари қобариқ шаклга киради ёки аксинча бўлади. Кўз гавҳари ёруғлик нурларини синдириш вазифасини ўтайди. Кўз соққасининг ички пардаси тўр парда дейилади. Тўр парда кўз соққасининг орқа томонидан кирадиган кўз нервининг жуда ингичка толалари ва нерв ҳужайраларидан тузилади. Нерв толалари ёруғликни сезувчи махсус ҳужайралар билан бошланади, улар таёқча ва колбача<sup>1</sup> шаклида бўлганликларни учун улар таёқча ва колбачалар деб юритилади. Тўр пардадаги шу нерв толаларининг сони 150 миллионгача боради. Колбачалар 7 миллион бўлиб, улар худди кўз қорачиғининг қаршисида жуда зич тўпланадилар, шу жой сариқ доғ деб аталади ва бу тўр парданинг ёруғликка энг сезгир қисмидир. Суратлари кўз гавҳари томонидан сариқ доққа тушириладиган буюмларни жуда равшан кўрамыз. Таёқчаларнинг сони 130 миллионгача боради. Улар кўз соққасининг ён томонларини қоплайдилар. Тўр пардада ёруғлик сезувчи шу толалар бутунлай учрамайдиган жой ҳам бор, бу кўриш нерви чиқадиган жойдир. Бу жой кўр доғ деб аталади.

Ёруғлик турлари тиниқ парда орқали кўз қорачиғидан ўтиб, кўз гавҳарида синиб, унинг орқали тўр пардага таъсир қилади. Буларда кимёвий реакция тариқасида ҳосил бўлган таъсирот кўриш нерви орқали миянинг кўриш марказларига бориб етади ва натижада кўриш ҳодисаси пайдо бўлади. Аммо таёқча ва колбачаларнинг вазифаси ҳам бирдай эмас. Колбачалар ёруғлик ва ранг кўришга мосланган. Товуқ каби фақат кундузи кўрадиган парранда ва ҳайвонларнинг кўзида колбачалар бор, аммо таёқчалар йўқ. Аксинча, кўршапалак, бойқуш кабиларнинг кўз

---

<sup>1</sup> Колба таги кенг шиша бўлиб, асосан химия лабораторияларида ишлатилади.

тўр пардасида фақат таёқчаларгина бўлиб, улар кундуз вақтида кўрмайди. Тўр пардасида шу икки хил нерв толалари бўлган ҳайвон ва одамлар кечаси ҳам кундузи ҳам кўрадилар.

Кўзимизга кўринадиган ҳар бир нарсанинг ўзига хос ранги бор. Фақат жуда тиниқ нарсаларнинггина ранги йўқ, шунинг учун ҳам улар кўзга кўринмайди.

Аммо биз сеза оладиган ранглар асосан икки хилга ажратилади.

Уларнинг биринчи тури ахроматик ранглар дейилади. Булар оқ, қора ва кулранглардир. Агар буюмнинг юзи ҳамма тўлқинларни баравар акс эттирса, у ахроматик рангли бўлади. Қора ва оқ ранглар аралашмасидан кулранг ҳосил қилинади. Ахроматик ранглар бир-биридан фақат очиқлик даражаси билангина фарқ қиладилар. Рангларнинг очиқлик даражаси буюм юзининг ёруғлик нурларини қанчалик акс эттиришига боғлиқ. Буюмнинг юзига қанчалик нур акс эттиролса, ранги шунча очиқ бўлади ёки аксинча бўлади. Масалан, оқ қоғоз устига тушадиган нурнинг 60-85 ҳиссасигача акс эттиролади, аммо қора духобанинг юзи эса унинг фақат 0,003 ҳиссасинигина акс эттиради.

**Хроматик ранглар** нурнинг ойна призмада синишидан ҳосил бўладиган қизил, кўнғир, сариқ, яшил, ҳаворанг, кўк ва бинафша ранглардир. Бу асосий рангларнинг турли даражада аралашмасидан 150 тача ҳар хил туслар ҳосил қилинади.

Ёруғлик нурлари ҳар хил узунликда бўлган электромагнит тўлқинлардан иборатдир. Буюмнинг юзи айрим узунликда бўлган тўлқинларнинггина акс эттириб, бошқаларини сингдирса, у маълум рангга эга бўлади. Чунончи, узунлиги 630-800 миллимикрон бўлган электромагнит тўлқинларидан қизил ранг ҳосил қилинади, узунлиги 570-590 миллимикронгача бўлганидан сариқ ранг, узунлиги 500-570 миллимикронгача яшил ранг, узунлиги 430-480 миллимикронгача бўлганларидан кўк ранг ҳосил қилинади. Шу ранглар бошқача қилиб спектр ранглари деб ҳам аталади. Хроматик ранглар очиқлик, ранг тони ва тўлиқ даражалари билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, пушти рангли гуллар шу рангнинг очиқлик даражаси (оттенкалари) билан бир-биридан фарқ қиладилар. Асосий спектр рангларини бир-биридан ажратадиган сифатлар **ранг тони** дейилади. Ранг тонига қараб, қизил, кўк, яшил ва ҳоказо рангларни фарқ қиламиз. **Ранг-**

нинг тўқлиги ранг тонининг қанчалик аниқлиги билан белгиланади. Рангнинг тўқлиги шу рангнинг тонини белгилайдиган узунликдаги тўлқинларнинг қанчалик акс эттирилишига боғлиқ. Масалан, қизил лоланинг ранги тўқ қизил ёки баҳордаги ўт-майсанинг яшил ранги тўқ яшил ранглاردир.

**Ранглар аралашмаси.** Ёруғлик нури мураккаб тузилган бўлиб, у асосий спектр ранглари аралашмасидир. Ранглар аралашмасининг маълум тартиби бўлиб, бу ранглар аралашмаси қонунари деб юритилади ва кўк ранглар аралашмасидан оқ ранг ҳосил қилинади. Шу жуфт ранглар, яъни қизил ва яшил, сариқ ва кўк ранглар қўшимча ранглар деб аталади. Иккинчи қонунга мувофиқ, қўшимча ранглардан ташқари хоҳлаган спектр ранглари ни аралаштириш орқали шу ранглар орасида бўлган бир рангни ҳосил қилмоқ мумкин. Масалан, қизил ва кўк аралаштирилса, бинафшаранг ҳосил қилинади.

**Кўриш назарияси.** Кўриш сезгилари анча мукамал текширилган. Кўриш учун хизмат этадиган нерв ҳужайраларининг бир хили, яъни таёқчалар жуда сезгир бўлиб, улар жуда заиф ёруғ таъсири остида ҳам қўзғоладилар. Шу сабабли улар инсонга кечаси кўриш имкониятини ҳам берадилар. Таёқчаларда махсус пурпур деб аталадиган модда бор. Шу модда жуда заиф ёруғ таъсири билан ҳам кимёвий реакция бериб, таёқчаларни қўзғатади. Аммо хроматик рангларни ва ёруғни колбачаларгина сеза олади. Рангларни кўриш ҳодисаларини уч рангни кўриш назарияси изоҳлайди. Бу назарияни буюк рус олими Ломоносов 1756 йилда биринчи марта баён қилган эди. Юз йилдан кейин бу назария физикада тафсиллий ишлаб чиқилди. Шу назарияга биноан, колбачаларда қизил, яшил ва бинафша рангларни сезадиган уч хил модда бор. Ҳар қайсиси ўзига махсус узунликдаги тўлқинлар таъсири билан қўзғалиб, махсус ранг сезгисини вужудга келтиради. Аммо одамда улар нур ёруғи таъсири билан ҳар хил даражада қўзғаладилар, шу сабабли ҳар хил ранглар сезгиси пайдо бўлади. Борди-ю улар бир даражада қўзғалсалар, ахроматик рангни кўриш пайдо бўлади. Шу назариянинг тўғрилигини исбот қилмоқ учун дальтонизм<sup>1</sup> номли ҳодисани далил қилиб келтириш мумкин. Баъзи

---

<sup>1</sup> Дальтон номли инглиз кимёгари шу камчиликни ўзида сезиб, баён қилгани учун бу ҳодиса унинг номи билан юритилади.

бламлар қизил рангни ё яшил рангни ажрата олмайдилар. Демак, уларда шу рангларни кўришга хизмат қиладиган модда кам ишлайди ёки бутунлай бўлмайди. Шундай одамлар ҳам учрайдики, улар фақат кулранг, оқ, қора рангларнигина кўрадилар, ammo хроматик ранглاردан бирини ҳам кўрмайдилар. Бундан кўринадики, уларда шу уч моддадан биттаси ҳам йўқ. Шу сабабли машина ҳайдаш, сигналлар бериш каби касбларга ва денгиз флотига олинадиган одамларнинг кўзи пухта текширилади.

### Кўриш сезгиларига хос хусусиятлар

Ҳар хил узунликда бўлган электромагнит тўлқинларининг кўзга таъсири тўхтаса ҳам, шу таъсиротдан ҳосил қилинган образларнинг изи кўзда бир неча дақиқа сақланиб туради. Бу ҳодиса қолдиқ образлар деб аталади. Кинофильмнинг узлуксизлиги шу хусусиятга боғлиқ. Икки сурат орасидаги қоронғи жойлар олдин келган суратдан ҳосил қилинган таассуротнинг кўзда сақланиб қолиши билан сезилмай қолади. Айрим суратлар тўхтовсиз, туташиб кетавергандай кўринади. Кўзимизга хос бўлган шу хусусиятни қуйидагича оддий тажриба билан исботлаш мумкин: Кечаси кўзни бир-икки минутча юмиб, сўнгра бир-икки секундча ёниб турган чироққа тикилиб қарасак ва яна кўзимизни юмиб, уни қўлимиз билан бекитсак, қора устида ёруғ чироқ образи пайдо бўлади ва анчагина кўзимизга кўриниб туради. Бундай ҳодиса мусбат қолдиқ образ деб аталади. Қизил бўёқни доира олиб, унга бир неча дақиқа тикилиб туриб сўнгра оқ қоғоз юзига боқсак, унда яшил рангли доира кўрина бошлайди. Бу манфий қолдиқ образ деб аталади. Бунга сабаб шуки, қизил рангли сезувчи модда чарчаб, сезгирлигини йўқотади, шунинг учун оқ қоғоз юзидан келувчи оқ нур таркибида бўлган қизил нурлар сезилмай, унинг ўрнига яшил рангни сезиш пайдо бўлади. Маълумки, яшил ранг қизил рангга қўшимча рангдир. Яшил рангли доирага тикилиб туриб, кейин оқ қоғоз юзига қаралса, аксинча, қизил доира пайдо бўлади. Бошқа рангларга нисбатан ҳам ана шундай ҳодиса рўй беради. Яна шуниси ҳам борки, бир ранг ўзининг атрофидаги рангларга ҳам таъсир кўрсатиб уларни қўшимча ранг тусига айлантиради. Чунончи, қизил устида ҳамма ранг яшил

тусга, сариқ устида кўк тусга кира бошлайди, қора устида оқаради ва ҳоказо. Бундай ҳодиса бир вақтли ранг контрасти деб аталади.

## Кўз ўткирлиги

Узоқдаги ёки майда буюмларни равшан кўриш қобилияти *кўзнинг ўткирлиги* дейилади. Кўзнинг ўткирлиги ҳар хил даражада бўлиши мумкин. Буни аниқлаш учун махсус жадваллардан фойдаланилади. Одатда баландлиги 7 миллиметрга барабар босма ҳарфларни 5 метр масофадан туриб энг камида учтасини аниқ кўриш кўзнинг ўткирлигини исботлайди. Агар бундай жадвалдаги ҳарфларнинг учдан ками айтилса, бу ҳол кўзнинг заифлигидан дарак беради. Мактабда бундай болани олдинги партага ўтирғизиш керак.

**1. Органик сезгилар** – ташналикни, оч-тўқликни, соғломлик ёки касаллик, тетиклик ёки чарчаганликни сезишдан иборатдир. Бу сезгилар умуман организмнинг ҳаётий жараёнларига боғлиқ равишда, ошқозон, нафас олиш, қон айланиш ва шу каби бошқа бадан аъзоларимизнинг ҳолати билан вужудга келади. Бу хилдаги сезгиларнинг физиологик сабаби шуки, бадандаги биронта ўзгариш ички аъзоларда жойлашган алоҳида нерв учларигича таъсир қилиб, уларни қўзғатади. Бу таъсирот мияга бориб етади ва бадандаги ҳолатлардан дарак беради. Демак, баданимизга боғлиқ ҳолатларни шу хилдаги сезгилар орқали биламиз.

**2. Тери сезгиси.** Теримиз воситаси билан биз текканни (тактил), температурани ва оғриқни сезамиз.

**А. Текканни сезиш** ёки тактил сезгилар, теримизга тегиб турган нарсани унинг силлиқлигини ёки ғадур-будурлигини ҳис этишдир. Теримизга тегиб турган нарса терида жойлашган алоҳида нерв учларига бориб, уларни қўзғатади. Бундан олинган таассурот мияга бориб етади ва шу нарсанинг хусусиятидан дарак беради. Шу нерв учларининг сони бир миллионгача боради, аммо улар бутун теримиз сатҳида барабар тақсимланмасдан, балки баъзи қисмларида зич тўпланиб, баъзи қисмларида эса сийрак учрайдилар. Чунончи, бармоқ учлари ва лабларда улар зич жойлашган, лекин елка, орқа ва кўз соққасида бундай нерв учлари кам, шунинг учун бу қисмларда тери сез-

гиси заиф. Бармоқ учлари эса, аксинча, жуда сезгир бўлиб, бу бармоқларимиз билан тегиб турган буюмларнинг силлиқлигини, ғадур-будурлигини ва бошқа хусусиятларини яхши билиб олиш ва қўл билан ҳар қандай нозик ишларни бажариш имкони ятини беради. Бу сезгирлик айниқса бармоқларимизни ҳаракатлантириб, буюмни пайпаслаганимизда кучаяди. Масалан, ипак, духобанинг яхшироқ силлиқлигини ёки дарахт пўстининг ғадур-будурлигини пайпаслаш орқали яхшироқ сезиб оламиз. Нозик ишларни қўл билан бажарадиган мутахассис одамларда бу сезгирлик жуда кучли тараққий қилган бўлади. Қўлнинг шу каби сезгирлиги меҳнат маҳсули бўлиб, тарихий тараққиёт давомида ривожланган.

*Б. Ҳарорат сезгиси* иссиқ-совуқни ҳис этиш демакдир. Ҳарорат сезгиси ҳарорати ҳар хил даражали буюмларнинг теримизга бевосита урилиб туришидан пайдо бўлади. Теримизга тегиб турган буюмнинг ҳарорати, теримизга нисбатан пастроқ бўлса совуқни, баландроқ бўлса иссиқни сезамиз.

Ҳарорат даражасини сезадиган алоҳида нерв учларининг бир хиллари фақат совуқдан келадиган таъсиротни сезади ва уларнинг сони теримизда ярим миллионгача боради; иккинчи хиллари эса фақат иссиқни сезади ва буларнинг сони ўттиз минггача етади. Бу нерв учлари ҳам теримиз сатҳида тенг баравар жойлашмасдан, баъзи қисmlари, масалан, бел, орқа, кўкрак ва қорин сатҳида зич аммо баданимизнинг кўпроқ очиқ юрган қисmlарида камроқ жойлашадилар. Совуқ организмдаги ҳаёт жараёнлари учун кўпроқ хатарли бўлганлигидан уни сезувчи нерв учлари ҳам кўпроқ тараққий қилганлиги табиийдир.

Тери сезгиси (ҳарорат сезгиси, оғриқ сезгилари)га боғлиқ нерв учларининг қандай тартибда жойлашганликларини уларнинг бир-биридан фарқини ва сезгирлик даражаларини кўрсатадиган махсус асбоб *эстеziометр*<sup>1</sup> дейилади. Бу асбоб тузилиши билан циркульга ўхшайди. Унинг учи билан терига тегиб, сезгига хос бўлган асосий хусусиятлар аниқланади. Аммо қалам учи билан кўз қовоқларига ёки қўлнинг сиртига секин-секин тегизиб кўриш орқали ҳам буларнинг фарқини пайқаб олиш мумкин,

---

<sup>1</sup> Юнонча “эстеziос” – сезги деган сўздан олинган; *эстеziометр* – «сезги ўлчагичи» демакдир.

яъни қалам учи совуқ сезувчи нерв учларига келиб қолса, совуқ сезилади ва ҳоказо.

*В. Оғриқ сезгилари* ички ва ташқи аъзоларимизда биронта ўзгаришга боғлиқ бўлган хавфли ҳолатларни онгимизда акс эттириш демакдир. Оғриқ сезгиларидан дарак берадиган алоҳида нерв учлари бутун аъзоларимиз ва теримиз сатҳида жойлашган бўлиб, уларнинг миқдори тахминан тўрт миллионгача боради. Бундай нерв учлари айниқса кўз соққасининг тиниқ пардасида, бетда ва орқада зич жойлашган, аммо оёқ товонида, хусусан бармоқ учларида ва кафтда улар жуда кам. Қўл бармоқларида уларнинг кам бўлиши тарихий сабаблар билан яъни, одамнинг меҳнат фаолияти билан белгиланади. Бу қисмларда тери сезгиси жуда кучли бўлса ҳам оғриқни сезиш қобилияти заиф. Шунинг учун ҳам одам ҳар қандай иш қуролларини маҳкам ушлаб, чаққонлик ва куч билан меҳнат қила олади.

Умуман, ҳар қандай қўзғовчининг таъсири ҳаддан ошса ҳам оғриқни ҳис этиш пайдо бўлади. Қуёшга қарасак, кўзимиз унинг ёруғига чидай олмай оғрийди, баланд овоздан қулоқ оғрийди ва ҳоказо.

**3. Мускул - ҳаракат сезгилари** бадан аъзоларимизнинг ҳаракатини, мувозанатини, мушакларнинг бўш ва таранглигини ҳамда оғир-енгилни, қаттиқ-юмшоқни ҳис этиш демакдир.

Бадан аъзоларимиз ҳаракатини сезадиган алоҳида нерв учлари мушак, бўғин ва пайларда жойлашган бўлиб, ҳолатнинг ўзгаришидан пайдо бўладиган қўзғалишни мияга олиб боради ва бундан бизга дарак беради. Шунинг учун биз баданимиз, оёқ-қўлимиз ва бошқа аъзоларимиз ҳаракатини, вазиятини биламиз. Танамизнинг мувозанатини билишга ёрдам берадиган аъзо **вестибуляр**<sup>1</sup> сезги аъзоси дейилади. Бу аъзо қулоқ ичидаги ярим доира шаклида бўлган каналларда жойлашган. Бу каналларда эндолимфа деб аталадиган суюқ модда бор. Шу суюқ моддага алоҳида сезувчи нерв учлари жойлашган бўлиб, улар бош ва баданнинг қимирлашидан ҳаракатга келган эндолимфанинг таъсири билан қўзғалади ва танамизнинг вазиятидан дарак беради.

Шу сезги туфайли танамизнинг мувозанати тартибга солиниб турилади. Қулоқнинг бу қисми касал бўлиши натижасида

---

<sup>1</sup> Лотинча “вестибулярис” – даҳлиз деган сўздан олинган.

мувозанатни сезиш ҳам тартибсизланади ёки бутунлай йўқолади, яъни одам ўз танасининг текислигини яхши сақлай олмайди. Шунинг учун ҳам қулоққа эҳтиёт бўлмоқ ва уни касалланишдан сақламоқ керак.

Қулоғи зарарланган кишиларни учувчиликка олмайдилар. Умуман, баъзи касблар ва санъат турлари мушак-ҳаракат сезгиларининг мукамал ва ўткир бўлишини тақозо этади. Масалан, баландликка чиқиб ишловчи бинокорлар, дорбозлар, акробат ва балет санъаткорларида бу қобилият жуда яхши ривожланган бўлиши керак.

4. Ҳид билиш сезгилари ҳар қандай нарсаларнинг ҳидини онгимизда акс эттириш демакдир. Одам тўрт юз мингга яқин турли ҳидни сеза олади.

Ҳидни сезувчи майда нерв учлари бурун бўшлиғининг ички ва юқори қисмидаги шиллиқ пардада жойлашиб, шу парданинг тахминан 250 кв миллиметр гача барабар қисмида ёйилиб кетадилар. Фақат заррачалари ҳаво билан бурун бўшлиғига кириб, унда кимёвий реакция берадиган буюмларнинг ҳидинигина сезиш мумкин. Бундай реакцияни бермайдиган буюмларни ҳиди йўқ деймиз. Кимёвий реакция йўли билан таъсирланган нерв учлари шу таъсирни миянинг чакка қисмига етказиб, маълум ҳиддан дарак берадилар.

Умуман, ҳидни сезувчи нервлар жуда ўткирдир. Чунончи, бир грамм атир мойининг йигирма беш миллион ҳиссасини сезиш мумкин. Аммо одамнинг ҳаётида ҳид сезгилари катта рол ўйнамайди, шунинг учун ҳам у одамда унчалик ривож топмайди. Бироқ айрим соҳаларда унинг жуда ўткир бўлиши ва яхши тараққий этиши талаб қилинади. Масалан, кимё, парфюмерия, озиқ-овқат саноатига тегишли нарсаларнинг сифат ва навлари ҳидлаш орқали ҳам аниқланади.

Ҳидни сезиш ошқозон ва нафас олиш йўлларини зарарли моддалар таъсиридан сақлайди ва огоҳлантиради.

5. Маза сезгилари аччиқ, нордон, шўр ва ширин таъмларни онгимизда акс эттириш демакдир.

Мазани сезувчи майда нерв учлари тил ва танглайнинг шиллиқ пардасидаги алоҳида там сўрғичларида жойлашадилар.

Сувда ёки оғизда эриган моддалар шу нерв учларига кимёвий реакция йўли билан таъсир кўрсатади. Шу йўл билан нерв

учларида пайдо бўлган қўзғалиш миянинг чакка қисмига ўтиб, мазани билиб олишга сабабчи бўлади.

Шу нерв учларидан тилнинг учиди жойлашганларида кўпроқ ширинни, тилнинг ёнларидагилари аччиқни, тилнинг томоққа яқин қисми эса асосан нордон ва тахирни яхшироқ сезиб олади. Тилнинг ўрта қисми там сезмайди.

Маза ва ҳид сезгилари бир-бирига чамбарчас боғланган бўлиб, бир-бирига таъсир кўрсатади. Қаттиқ тумов вақтида овқатнинг ҳиди сезилмагани учун унинг мазаси ҳам йўқдай кўринади.

Шу икки сезги организмни зарарли моддалардан огоҳ этади.

Баъзи касблар учун, масалан, озиқ-овқат саноати ва ошпазлик соҳасида шу икки сезгининг яхши тараққий қилган бўлиши талаб этилади. Масалан, дегустаторлар<sup>1</sup> вино ёки чойнинг навини, сифатини ҳидлаб ва тотиб жуда аниқ билиб оладилар. Демак, бу қобилиятни ҳам камолотга етказиб, халқ хўжалигини ривожлантириш хизматида фойдаланиш мумкин.

6. Эшитиш сезгилари ҳар қандай товуш, мусиқий тон ва шовқинларни онгимизда акс эттириш демакдир. Эшитишга мосланган аъзо қулоқ бўлиб, у уч қисмдан иборатдир. Унинг ташқи қисми қулоқ супраси, эшитиш йўли ва унинг охирида тараиғ тортилган қулоқ пардасидан иборат: ички қисмида учта эшитиш суякчаси бўлиб, овоз тўлқини таъсири билан ҳаракатга келадиган қулоқ пардаси билан бирга тебранадилар. Бу суякчалардан энг охиригиси ички қулоққа тегиб туради ва қулоқнинг ички қисмидаги алоҳида суюқликни туртиб тебратади. Ички қулоқ кичкина бўшлиқдан иборат бўлиб, унда спиралга ўхшаб ўралган чиғаноқ бор. Чиғаноқнинг эшитиш нерв толаларидан тузилган бир бўлаги Кортий органи деб аталади. Бу толалар рояль симларига ўхшайди ҳамда уларнинг миқдори 22 мингтагача боради. Бу нерв толалари маълум тартибда жойлашиб, уларнинг узунлиги ҳам турличадир. Улар ҳам рояль симлари каби, ҳар қандай овоздан тебранмас, балки ўзларига мосланган овозлардангина титрайдилар, яъни уларнинг айрим туркумлари маълум тезликда тебранадиган овоз тўлқинидан таъсирланиб, шу таъсирни мия пўстидаги эшитиш марказига берадилар. Натижада эшитиш ҳодисаси пайдо бўлади. Махсус таж-

<sup>1</sup> Лотинча «дегустаре» – таъм кўриш деган сўздан олинган.

рибалар йўли билан маълум бўлганки, шу нерв толаларининг бир туркуми бузилса, шунга мосланган овозларни эшитиш қобилияти ҳам йўқолади. Эшитиш сезгиларини вужудга келтирувчи қўзғовчи овоз чиқарадиган жисмлар тебранишидан ҳосил қилинадиган ҳаво тўлқинларидир. Ҳаво тўлқинининг бир секунд ичида тебраниш тезлиги герц билан белгиланади. Одам қулоғи 16 герцдан 22 минг герцгача бўлган тебранишларни сеза олади.

Муסיқий тонлар тўлқинининг текис ритмли тебранишидан, шовқин эса унинг тартибсиз тебранишларидан пайдо бўлади. Оғзаки нутқда мусиқий (унли) ва шовқинли (унсиз) товушлар аралашиб кетади.

Товуш бир қанча тонлардан тузилади. Шу тонлардан бири асосий тон бўлиб, овознинг кучи ва баландлигини белгилайди. Бошқа тонлар унга қўшилган бўлиб, улар **обертонлар** дейилади. Обертонлар бир хил баландликда бўлган, ammo ҳар хил мусиқа асбоблари, масалан, рояль, дутор, ғижжакдан чиқадиган овозларга хос хусусиятларни белгилайди. Овозларнинг шу каби фарқлари тембр дейилади. Тембр овоз тўлқинининг тебраниш шаклига боғлиқ. Одамларнинг овози ҳам тембр хусусияти билан фарқланади.

Товуш тўлқинининг тебраниш амплитудаси (баланд-пастлиги) овознинг қаттиқ-секинлигини белгилайди. Товуш тўлқинининг тебраниш тезлиги овознинг баландлиги йўғонлигини белгилайди. Товушлар бирикиб, оҳангдошликни, товушлар уйғунлигини вужудга келтиради. Ҳар хил баландликда бўлган икки ёки бир қанча товушлар айна вақтда эшитилса, биз уларни бир-биридан фарқ қилмасдан, мураккаб бир товуш деб эшитамиз. Оҳангдош бириккан товушларни яхши ажратиш учун мусиқий қобилиятга эга бўлмоқ керак. Товушларнинг бирикиш даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Шу сабабли уларни **консонанс** ва **диссонанс** деб ажратадилар. Тебраниш миқдори жиҳатидан бир-бирига 2:1 (октава) ва 3:2 (квинта) муносабатда бўлган товушлар энг маҳкам бирикадилар.

Бир-бирига маҳкам боғланмаган оҳангсиз товушлар бирикмаси **диссонанс** деб аталади.

Инсонлар учун эшитиш сезгилари катта аҳамиятга эга, чунки нутқни ўзлаштириш товушларни яхши эштиш ва уларни ажратишга боғлиқ. Она тилимизда ишлатиладиган товушлар-

ни кичик ёшдан эшитиб, уларга одатланиб қоламиз, шунинг учун уларни бир-биридан ажрата биламиз ва тўғри талаффуз қиламиз. Аммо чет тилидаги товушларни бошда ажрата олмаймиз, уларни талаффуз этишда қийналамиз, чунки уларга қулоғимиз ўрганмаган.

Кичик ёшдан қулоғи чала эшитган болалар ҳам баъзи товушларни ажрата олмайдилар, шунинг учун баъзи сўзларни равшан, дона-дона қилиб айта олмайдилар ва хато қилиб ёзадилар.

Эшитиш сезгилари ҳам одамнинг касбига қараб тараққий этади. Масалан, мусиқа билан шуғулланувчиларда, чет тиллардан дарс берувчиларда ва умуман тилчиларда, мусиқа асбобларини ясовчиларда бу қобилият айниқса юксалади.

## 5.2. Адаптация ҳодисаси ва сезги аъзоларининг ўзаро таъсири

Сезиларли меъёрадаги чегаралар профессионал тажриба ва машқ қилганлик даражаси, чарчаш (умумий ёки маълум анализатор) ва саломатликнинг ҳолатига боғлиқ бўлади. *Адаптация - анализатор сезгирлигининг унга узоқ таъсир этувчи қўзғатувчи таъсирида ёки улар таъсирининг йўқлигида ўзгариши* муҳим аҳамиятга эгадир. Адаптация туфайли анализаторлар ташқи муҳитнинг ўта ўзгарувчи шароитларига мослашиши мумкин. Адаптация жараёни секин-аста юзага келади ва ҳар хил анализаторларда турлича содир бўлади.

*Ёруғлик адаптациясида* ёрқин нур таъсирида кўзнинг ёруғликка сезгирлиги камаяди, қоронғи бинодан қуёш нури ёритиб турган цехга чиқилганда кўзнинг «ўрганиши» учун 3-5 минут талаб қилинади. Қоронғилик адаптацияси ёруғ хонадан яхши ёритилмаган хонага ўтилганда бир неча ўн минутларни талаб қилади.

Бир бутун организм адаптацияси сингари анализаторлар адаптацияси температура шароитларига мослашиш, спортчининг мослашуви («второе дыхание» ва бошқалар) биологик адаптацияга киради. Бундан ташқари уни ўз ичига олувчи адаптациянинг мураккаброқ *ижтимоий-психологик адаптация* тури ҳам мавжуддир.

Анализаторлар сезгирлигининг ўзгариши фақат ташқи муҳит шароитларининг таъсиридангина эмас, балки киши ўз ички

ҳолатининг таъсирида ҳам юз бериши мумкин. Сезгирликдаги кескинлашув томонга бундай ўзгариш *сенсбилизация* дейилади. Сенсбилизациянинг икки тури: *физиологик* (юзни совуқ сув билан ювиш кўриш анализаторларининг сезгирлигини оширади) ва *психик* турлари мавжуд.

### Сезги аъзоларининг ўзаро таъсири

Бир сезги аъзосининг сезгирлик даражаси бошқа сезги аъзоларининг таъсири остида ўзгариши, яъни унинг сезгирлигининг пасайиши ёки кучайиши мумкин. Бундай ҳодиса *сезги аъзоларининг ўзаро таъсири* дейилади. Сезги аъзоларининг бу хусусияти уларнинг нерв системаси орқали бир-бири билан боғланганлик натижасидир. Шу масалани айниқса рус олимлари кўп марта текшириб аниқлаганлар. Академик Лазеровнинг исбот қилишича, кўзга ёруғ тушса, бунинг таъсири билан қулоқ яхшироқ эшита бошлайди. Шунинг учун ҳам конверт берилганда, залда чироқ ўчирилмайди ва натижада мусиқа чолғуси яхшироқ эшитилади. Аммо бўшгина электр токи билан қўлга таъсир кўрсатиш эса эшитиш қобилиятини пасайтирар экан. Иссиқ кўз сезгирлигини пасайтиради, аммо шу пайтда бет ёки бўйинни салқин сув билан ювиш натижасида кўзнинг сезгирлигини кучайтириш мумкин. Кравков ва бошқа рус олимлари шуни аниқлаганларки, қоронғида яхши кўриш учун олдин кўзга қизил рангли ёруғ билан таъсир кўрсатиш керак. Натижада кўзнинг сезгирлиги ошади. Айниқса, ҳарбий ишда бу қоида-нинг амалий аҳамияти катта.

Мусиқа овозларининг бадан аъзоларимизга, мушак системасига қандай таъсир кўрсатганлиги ҳаммага маълум. Мусиқа овози таъсири билан чарчаганлик ҳам сезилмай, ҳаракатлар енгил ва чаққонроқ бўлади, юриш ўнғайроқ бўлади. Бунинг сабаби шуки, мусиқа овозлари ички қулоққа ўтиб, чиганоқдаги суюқликни ритмик титратадилар ва нерв учларини қўзғатадилар, бунинг таъсири мушакларга ўтиб, уларни таранглаштиради. Бунинг натижасида бадан аъзоларида алоҳида енгиллик, чаққонлик пайдо бўлгандай ҳис қилинади. Умуман, сезги аъзоларимизнинг сезгирлик даражаси анча баланд бўлиши мумкин. Бу нерв системасининг ва сезги аъзоларининг саломатлигига ва бизнинг амалий фаолиятимизга боғлиқдир.

Биз дунё билан даставвал сезги орқали танишамиз, фақат сезги орқали дунёда турли-туман нарсаларнинг сифат ва хусусиятларини билиб оламиз. Шунинг учун ҳам сезги аъзоларимизни ривожлантиришга, уларнинг сезгирлигини оширишга катта аҳамият беришимиз лозим.

### 5.3. Сезгиларнинг ривожланиши

Ҳозирги давр болалари илгаригилардан анчагина фарқ қилади. Буни амалиётчи психологлар, илғор педагогик технология билан шуғулланувчи ўқитувчилар ҳам тасдиқлаши табиий.

Тўғри, ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, психик жараёнлари (сезги идроки ва бошқа) шўхликлари ўша-ўша, бироқ уларнинг билимга бўлган иштиёқлари ҳаддан ташқари даражада кўп ахборот билан таъминланганлиги бугунги кун ўқувчисининг психологик жиҳатдан (сезги ва идрокнинг ривожланганлиги ва соғломлиги) таълим-жараёнида янада ҳушёр ва ҳозиржавоб бўлишини ҳаётнинг ўзи талаб этаяпти. Энди ўқувчиларни руҳий жиҳатдан саломатлигисиз таълимда самардорликка эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг тафаккури сезувчи ва идрок қилувчи органлари замоннинг тараққиёт талабларига жавоб берадиган даражада ривожланган бўлиши керак. Акс ҳолда ўқувчилар ўқитувчининг дарсини тўлиқ идрок қила олмайди. Яхши идрок қилиш учун эса ўқувчида бир қанча сезги органлари тўплами ривожланган бўлишини талаб этилади. Шунинг учун ҳам қуйида ўқувчилар сезги органларининг ривожланиш қонуниятларига тўхталиб ўтамиз.

Сезиш қобилияти болалик чоғидан ривожланиб боланинг жамияки сезги аъзолари она ҳомиласидаёқ ўса бошлайди ва унинг дунёга келиши билан ишга тайёр бўлади. Бироқ бу аъзоларнинг мукамал ишлаши ва етилиши миянинг етилишига, бутун марказий нерв системасининг мустаҳкамланишига боғлиқ. Янги туғилган боланинг айниқса тери сезгилари бошқа сезгилардан яхши ўсганлигини кўриш мумкин. Чунончи, бундай бола ҳароратнинг фарқига боради, совуқ қотса йиғлайди, иссиқ жойда тинчланади.

Тери туйғуси ўсганлигини шундан билиш мумкинки, агар боланинг юзига ёки лабларига салгина урсангиз, у дарров

қимирлай бошлайди ва оғзи, лабларини эмганда қандай қилса, шу тариқа ҳаракатлантиради.

Боланинг мушак ва ҳаракат сезгиларининг ҳам анча тараққий қилганлигини кўриш мумкин. Масалан, чақалоқнинг оёқ-қўллари маҳкам ўраб қўйилса, у ҳаракатларининг тўсиб қўйилганлигини ҳис қилади, бунга ёқтирмаслигини унинг юз ифодаларидан кўриш мумкин, бунда унинг юзи қизаради, қошларини чимиради ва аксинча, уни ўз эркига қўйсангиз, оёқ-қўлларини ҳаракатлантириб яйраб ётади.

Шунингдек, чақалоқ қорни оч-тўқ эканлигини сеза билади. Янги туғилган бола маза, тамни ҳам сеза олади, аччиқ билан шириннинг фарқига боради. Ўн саккиз соатлик боланинг кетросин томизиб берилган сўрғични оғзидан дарров чиқариб ташлагани тадқиқотлардан маълум бўлган.

Чақалоқ ҳидлашни билмаса ҳам, бурнига кирган ҳидни сезади, бунга жавобан лабларини қимирлата бошлайди. Чақалоқда ҳам там-ҳид сезгилари бир-бирига жуда боғланган бўлиб, дастлаб у асосан ўзининг овқатига тегишли ҳидларни ажратади. Бир ҳафталик болага сигир сутини берганларида у сутни она сутидан фарқ қилиб, юзини терс ўгирганлиги махсус тажриба билан аниқланган.

Аммо боланинг қулоғи биринчи кунларда ҳали эшитмайди, чунки унинг қулоғи она қорнидалик чоғида махсус суюқлик билан тўла бўлиб, шу суюқлик тарқалиб кетмагунча бола ҳатто баланд овозларни ҳам сеза олмайди. Одатда, бир ҳафталик бола қаттиқ овозни эшитади, бундан чўчиб тушади. Аммо уч ҳафтадан кейин ҳам у эшитмайдиган бўлса, бунинг сабабини билиш учун тиббиёт ходимига мурожаат этмоқ зарур. 2 ойлик гўдак овоз келаётган томонга қарай бошлайди. Айрим ҳолларда ҳатто 5-6 ойлик болаларнинг ҳам мусиқани ёки алла ва ашулани завқ билан тинглаганликлари маълум.

Кўриш сезгилари энг кейинги навбатда ривожланади. Бунинг сабаби шундаки, кўз энг мураккаб тузилган сезги аъзоларидан бўлиб, янги туғилган болада у ҳали тамом етишган бўлмайди. Боланинг кўз қорачиғи дарров ишлай бошлайди, яъни ёруғдан кенгайиб, қоронғида тораяди. Аммо бола ҳали равшан кўра олмайди, чунки кўз соққалари бир-бирига мосланиб ҳаракат қила олмайди. Маълумки, янги туғилган боланинг кўзи бири очиқ, бири юмулган ҳолда ёки ғилай бўлади, чунки

унинг ҳаракатини идора қиладиган махсус мушаққал ҳали етарли ўсиб мустаҳкам бўлмайди. Лекин икки ойлик гўдакнинг кўзи шунчалик ривожланадики, у бир нарсага тикилиб қарай бошлайди ва буюмларнинг ҳаракатига мосланган ҳолда, уларни кузата олади. Психолог олимлар 5 - 6 ойлик боланинг рангларни ҳам ажрата- олишларини аниқлаганлар. Ўша ёшданоқ болалар ранг-баранг ўйинчоқ ёки рангли буюмларга кўпроқ қизиқадилар, одатда ҳаммадан ҳам кўпроқ қизил рангни сезади.

Хуллас, сезиш қобилияти янги туғилган болаларга хос бўлиб, бутун болалик даврида ривожланиб боради ва тўлиқ шаклланиб улгуради. Бироқ бунинг учун болага тўғри тарбия бериш зарур, унинг сезги аъзоларига, хусусан қулоқ ва кўзига эҳтиёт бўлмоқ керак. Маълумки, болаликда кўп учрайдиган ҳар қандай касалликлар боланинг қулоғи ва кўзига таъсир қилади. Болани бундай касалликлардан сақлаш ва касаллик аломатларини сезилса тўғри даволаш керак. Мамлакатимизда болалар сезги аъзоларини шакллантириш учун турли ранг-баранг ўйинчоқлар ишлаб чиқарилади, сифатли китоблар нашр этилади ва сезги, идрок аъзоларининг ўткирлигини оширишга мўлжалланган ўйинлар уюштирилади. Ясли ва мактабгача таълим муассасаларида улар учун қулай шароитлар яратилади, ўқувчилар учун ўқувчилар саройи ва мактабда ҳар хил тўғараклар ташкил этилади. Ёш авлодни соғлом ва тетик ўстиришда ота-оналарга ёрдам бериш учун махсус маслаҳатхоналар уюштирилади ва оммабоп адабиётлар нашр этилади.

Илғор педагогик технологиялар ва унинг таълим-тарбия жараёнига қўйган талаби, юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёни табиийки ҳар бир ўқувчининг психологик жиҳатдан соғ-саломат бўлишини тақозо этмоқда. Дунёда кечаётган глобаллашув жараёни бевосита таълим тизимига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бугун жаҳоннинг бошқа бир минтақасидаги кичик бир янгилик ёхуд илмий ўзгариш бутун жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, Республикамиз таълими ва ўқув тарбия жараёнига кириб келаётган ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари бевосита ўқувчиларимиз билим самарадорлигининг ошишига хизмат қилиши билан бирга уларнинг психик дунёқарашини соғломлаштириш ва ривожлантириш билан ҳам

аҳамиятлидир. Табиийки, мактаб таълим-тарбия жараёнини тўғри ва илмий асосда ташкил қилиш учун, энг аввало ўқувчининг ўзига хос психологик ҳолатларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Зотан, ҳар бир бола ўзига хос феъл-автор эгаси. Бунда эса ҳар бир ўқувчига индивидуал муносабатда бўлиш, уларнинг психологик дунёсини ўрганиш орқали тарбиявий таъсир кўрсатиш энг самарали усулдир.

12-жадвал

Сезгининг пайдо бўлиш схемасини қуйидагича кўрсатиш мумкин:



Демак, мактаб ўқувчиси сезги органларини яхшироқ ривожлантиришнинг шарт-шароитларини яратиш учун педагог, аввало, турли ёш даврларида анализаторлар ривожланишида содир бўлувчи қонуний ўзгаришларни яхши билиши ҳамда ҳисобга олиши, иккинчидан, анализаторларнинг нормал ишлашини таъминловчи тегишли шарт-шароитлардан хабардор бўлиши, бу шарт-шароитларни ҳисобга олиши ва яратиши, учинчидан эса ҳар қайси сезгини ривожлантиришга имкон берувчи машқларни билиши, бинобарин, бундай машқларни уюштира олиши зарур. Мана шу санаб ўтилган вазифаларнинг энг муҳим ўринлари устида қисқа-қисқа тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, таълим жараёнида кўриш сезгиларининг аҳамияти каттадир. Иш пайтида кўзни китобдан (дафтардан, чизмадан) 20-25 см оралиқда тутиш нормал ҳолат ҳисобланади. Аммо бу шартга ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам риоя қилавермайди, бунга айрим ҳолда ўқувчиларнинг шунчаки эҳтиётсизликлари сабаб бўлса, бошқа ҳолларда уларнинг кўзи ё яқинни, ё узоқни яхши кўра олмаслиги сабаб бўлади.

Кўзнинг яқинни ёки узоқни яхши кўриш ҳодисаси кўз соққаси шаклининг ўзгариши оқибатида (кўз соққаси тухумсимон шаклда чўзинчоқроқ бўлса, кўз яқиндаги нарсаларни яхши кўрадиган бўлади, аксинча, кўз соққаси яссилашса, одам узоқни яхши кўра олади) ёки кўз гавҳарининг эластиклиги йўқолиши натижасида юз беради. Кўз гавҳари эластиклигининг издан чиқиши кўзнинг узоқдаги нарсаларга нисбатан ўткирлашувига олиб келадик, бу ҳол қарилик касали деб ҳам юритилади. Кўз соққаси шаклининг ўзгариши туғма ҳам бўлиши мумкин, бироқ ётган ҳолда китоб ўқиш ёки столда ишлаб ўтирган пайтда бошни ортиқча мункайтириш ҳам кўз соққаси шаклини ўзгартириши мумкин, чунки бундай ҳолат кўз соққаси қон томирларига керагидан зиёд қон қуйилишига ҳамда қон босимининг кучайишига олиб келади. Психологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, равшан кўришнинг энг яқин нуқтаси одамда ёши улғайиб бориши билан кўзнинг аккомодация қобилияти ўзгариши ҳисобига, аниқроғи, кўз гавҳари эластиклигининг аста-секин заифлашуви ҳисобига ўзгариб борар экан. Масалан, равшан кўришнинг энг яқин нуқтаси 10 ёшда кўздан 7 см, 20 ёшда 10 см, 30 ёшда эса 14 см узоқда бўлади. Демак, кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг бошни мункайтириб ўқиши ёки ёзиши унинг китоб ёки дафтардаги барча ёзувларни яхши кўришига унча халал етказмаса ҳам, кўзни бу тарзда ёзувга яқин тутиш, юқорида айтиб ўтганимиздек, кўз соққасининг шаклини ўзгартиришдан ташқари, пировардида кўзнинг аккомодация мускулларини зўриқтиради, ўқувчини толиқтиради, бош оғриғи ва турли нерв касалликларига ҳам олиб келади.

Кўзнинг аккомодация механизмлари зўриқиши ва бунинг барча оқибатлари хона ичи етарли даражада ёритилмаган шароитда ҳам юз беради<sup>1</sup>.

Майда ва олисдаги нарсаларни кўра олиш қобилияти кўзи ўткирлик деб аталади. Болалар ва ўсмирларнинг кўзи анча ўткир бўлади, ёш улғайган сари кўз ўткирлиги заифлашиб боради. Одам чарчаганда кўзнинг ўткирлиги кескин пасаяди, майда буюмларни кўздан кечиришда тикилиб қараш олисдаги нарсаларга нисбатан кўз хиралигини кучайтиради.

---

<sup>1</sup> Психология курси. М.В. Гамезо таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи» 1972, 107-110 бетлар.

Болада эшитиш органларининг ривожланиши у тахминан 12 ёшга етганида батамом тугалланади. 14-19 ёшлар ўртасида эшитиш сезгирлиги ниҳоят даражада ривожланади.

Эшитиш органига таъсир этувчи товушлар ўрта қулоқда ўнларча марта кучаяди, бу эса одамда товуш сезгирлигининг юқори даражада ўсиши шартларидан биридир. Ўрта қулоқда жойлашган ноғора парда зарарланса, товуш кучаймайди, натижада эшитиш сезгирлиги кескин пасайиб кетади. Жуда кучли товушлар таъсири ҳам, шунингдек, ҳарорат тебранишининг кескин ўзгариши ҳам эшитиш сезгирлигига халал етказиши мумкин. Эшитиш органининг тузилишида деярли фарқ бўлмаслигига қарамай, эшитиш сезгисининг одамда ривожланган бўлиши, шу жумладан, куйларни айириш қобилиятининг ўсиши батамом ва тўла машқ қилишга боғлиқдир.

Тери сезгиси одамда 20-25 ёшга етгунга қадар мунтазам равишда ўсиб боради, бироқ тери сезгисининг тез ва юксак даражада ривожланиши анализаторларнинг машқ қилишига боғлиқдир. Шу ерда бир характерли мисол келтирамиз. Чунончи, онадан туғма кўр, гаранг ва соқов бўлиб дунёга келган рус аёли О.И. Скороходова омма ўртасида чиқишларидан бирида микрофонни қўлга олар экан, унинг чанг эканлигини билдирган (бу билан учрашув ташкилотчиларини қаттиқ хижолатга қолдирган), ҳолбуки микрофон устига қўнган чанг кўз илғамас даражада эди. Бу гаплар тебранишларни сезиш, таъм-маза ва ҳид сезгиларини ривожлантиришга ҳам тааллуқлидир. Кўзи кўр болаларнинг ўзларига таниш кишиларни «қадам ташлашидан» (вибрация) ёки турли буюмларни ҳидидан бехато таниб олишлари тасодифий ҳодиса эмас. Гимнастика, сузиш, бокс, сакраш (шу жумладан, сувга сакраш, трамплиндан сакрашлар) билан мунтазам шуғулланиш вестибуляр аппаратнинг ва шу билан боғлиқ равишда, мувозанат сезгиси ҳамда гавданинг фазодаги ҳолатини сезиш қобилиятининг муваффақиятли ривожланишига имкон яратади.

Энг сўнгги тадқиқотлар ҳаракат анализаторининг фаолияти билан юрак-томир системаси, овқат ҳазм қилиш органлари фаолияти ва ички органларнинг бошқа функциялари ўртасида шартли рефлекс боғланишлари мавжудлигини кўрсатиб берди.

Мактаб ўқувчиларининг ўқув фаолиятларини ташкил қилишда турли сезги органларида рўй берувчи адаптация ҳоди-

сасини ҳар доим ҳисобга олиш керак. Бундай ҳодиса сабабли ўқувчилар хона ичи етарли даражада ёритилмаганини, уйдаги ҳавонинг димлигини сезмай қоладилар ва ҳ.к. Аммо бундай «мослашиш» гарчи ўқувчиларнинг ўзига сезилмаса ҳам, уларни толиқтириб қўяди ва бинобарин, уларнинг иш қобилиятини пасайтириб юборади. Шунинг учун ҳам мактабда гигиена нормаларининг бажарилишини синф хонасида ҳамиша соф ҳаво бўлишини, хона ичи нормал, етарли даражада кучли ва шу билан бир вақтда, тарқоқ нур билан ёритилишини кузатиб бориш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ортиқ даражада кучли, ёрқин нур, шовқин-суронлар, кучли оғриқ, қорин очлиги, совуқ қотиш, исиб кетиш, чанқаш ва шу каби ҳолатлар ўқувчиларнинг иш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади, чунки ўқувчилар анализаторларининг сезгирлигини сусайтириб юборади. Бу ҳол ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини уюштиришда албатта ҳисобга олиниши зарур. Шу туфайли синфда дарсга алоқасиз, айниқса кучли қўзғовчилар бўлмаслиги керак ёки бўлганда ҳам, ниҳоят даражада кам қолдирилиши лозим.

#### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Воқеликни психик акс эттириш формаларидан бири бўлмиш сезгиларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат ва уларнинг бошқа психик жараёнлар билан ўзаро боғлиқлиги нимада кўринади? Бу ҳақда билганларингизни мисоллар билан тушунтириб беринг.
2. Сезгиларнинг турларини, сезгирлик ва унинг чегараларини тушунтириб беринг.
3. Нима сабабдан ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчиларининг кўриш ва эшитиш сезгиларига хос хусусиятларини билиши зарур? Бу хусусиятлар нимада ифодаланади ва сиз ўқитадиган фан бўйича ўқув иши жараёнида уларни қандай ҳисобга олиш керак?
4. Сезгиларни амалий мисолларда кўрсатиб беринг.
5. Синф хонаси деворларини, парталар ва бошқа жиҳозларни қандай фанга ва қайси ёшда тавсия этилади ва бунинг сабаби нимада?
6. Анализаторнинг турли қисмларида зоҳир бўлувчи нерв жараёнларини тушунтириб беринг.
7. Сезгиларнинг асосий қонуниятлари нимада кўринади?
8. Ўқувчилардан бирортасининг эшитиш бўйича абсолют сезгирлигини аниқланг. Бунинг учун текшириб

кўрмоқчи бўлган кишингизни стулга ўтиргизиб, ундан кўзларни юмишни илтимос қилинг, шундан сўнг соатни унга томон яқинлаштира боринг. Текшириш ўтказилаётган соатнинг товушини эшитиш биланоқ бу ҳақда билдириши лозим. Хатога йўл қўймаслик учун тажрибани бир неча марта такрорланг. Текшириш ўтказилаётган киши ҳар сафар «Эшитдим» деган заҳоти, у билан соат ўртасидаги масофани ўлчаб чиқинг. Кўп марта ўтказилган ўлчовлар асосида ўртача масофани аниқланг. Шартли (чизиқли) бирликлардаги бу масофа текшириш ўтказилган шахснинг эшитиш бўйича абсолют сезгирлик даражаси ҳам бўлади. Яна бошқа киши билан текшириш ўтказилса, одатда бошқа миқдор келиб чиқади. Текшириш ўтказилган кишилардан бири соатни илғаб олади. Шулардан қайси бирида абсолют сезгирлик даражаси юқори эканлигини айтиб беринг.

#### **Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати**

1. **И.М. Сеченов.** Органы чувств. Осязания как чувство, соответствующее зрению. Орган слуха физиологические очерки. Танланган асарлар. 1 том. –М.: ФА, 1952.
2. Умумий психология. Проф. А. В. Петровский таҳрири остида қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри. –Т.: «Просвещение», 1977 й.
3. **Э.Ғозиев.** Психология. –Т.: «Ўқитувчи», 1994 й.
4. **Муҳаммедов Д.Ш.** Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: 2004.
5. Психология курси. Проф. М.В. Гамезо таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 1972 й.
6. Умумий психология (Ўқув қўлланма) М.Г. Давлетшин, С.М. Тўйчиева. –Тошкент: 2002.
7. Умумий психологиядан амалий машғулотлар. Проф. А.И. Шчербаков таҳрири остида. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1984 й.
8. **П.И. Иванов.** Умумий психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1963 й.
9. Ёш психологияси ва педагогик психология. Проф. М.Г. Давлетшин таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 1974 й.
10. **Э. Ғозиев, А. Жабборов.** Фаолият ва хулқ атвор мотивацияси. –Тошкент: 2003.

ИДРОК

6.1. Идрок ҳақида умумий тушунча

Идрок воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг сезги органларимизга таъсир қилиши туфайли онгимизда яхлит равишда акс этишидир.

Идрок жараёнида нарсанинг яхлит образи ҳосил қилинишига сабаб шундаки, одамда ҳаёт давомида мураккаб комплекс қўзғовчилар таъсири туфайли жуда кўп мустаҳкам муваққат боғланишлар вужудга келган бўлади. Шунинг учун идрок нарсаларнинг фақат айрим хусусият ҳамда сифатларини акс эттирувчи сезгидан фарқ қилиб, доимо яхлит ва предметлидир. Идрок бир қатор анализаторлардан келувчи сезгиларни бирлаштиради. Инсон идроки ҳайвонлар сезгилари комплексидан фарқ қилиб, идрок қилинаётган нарсани тушунишни ўз ичига олади. Масалан, бургут одамдан кўра анча узоқни кўради, бироқ инсон кўзи буюмларда бургут кўзидан кўра кўпроқ нарсаларни кўради. Итнинг ҳид билиш қобилияти инсонникига нисбатан анча нозикдир, бироқ у инсон учун турли буюмларнинг маълум белгилари бўлган ҳидларнинг юздан бирини ҳам фарқлай олмайди.

Идрок тўлиқ ва чала, чуқур ва юзаки, аниқ ва хато ёки иллюзияли, тезкор ва суст бўлиши мумкин. Буларнинг бари сезги органларининг сезгирлигига, олдин эгаллаган тажриба ва билимларга, кузатишнинг диққат-эътиборлигига, идрок қилувчининг қобилиятлари ва ақлий ўсганлигига, изчил идрок қилиш ҳамда идрок қилинаётган объектнинг турли томон ва хусусиятларини баҳолай билишига боғлиқ бўлади.

«Кишилар ўртасидаги индивидуал фарқларнинг муҳим хусусияти идрок қилиш тезлиги ўртасидаги фарқдир, яъни қўзғатувчининг ўзини деярли аниқ идрок этилиши учун таъсир вақтининг энг кам бўлишидадир». Қўзғатувчи қанчалик мураккаб бўлса, унинг идрок қилиниш вақти шунчалик кўп бўлади. Идрок қилиш тезлиги машқ қилиш натижасида ошиб боради. Идрок қилиш тезлиги чарчаш, касаллик ва зўриқиш таъсири-

да пасаяди. Идрок қизиқишга ҳам боғлиқдир. Бирорта қийин ёки мураккаб ишни муваффақиятли бажариш натижасидаги иш қанчалик қийин ва масъулиятли бўлган бўлса, қувонч ҳиссиёти шунчалик кучли, кейингиларини идрок қилиш қобилияти шунчалик юқори бўлади. Идрок доимо констант (яъни доимий)дир. Бевосита билиш ундан олдинги тажриба билан тўлдирилади, шунинг учун ҳам у доимо анланган бўлади ва уни сўз билан у ёки бу даражада тўлиқроқ ифодалаш мумкин. Идрок танловчандир, яъни яхлитнинг зарурроқ бўлган деталлари аниқроқ идрок қилинади. Онгнинг фаоллиги идрокнинг танловчанлигида намоён бўлади<sup>1</sup>.

Идрокнинг танловчанлиги идрок қилинаётган нарсаларнинг объектив хусусиятларига ҳам, субъектив ҳолат, жумладан апперцепцияга ҳам боғлиқдир.

Апперцепция идрокнинг инсон психик ҳаётининг умумий мазмуни, унинг тажрибаси, қизиқиши, йўналганлигига боғлиқдир.

Идрокни сезги турларидан биронтасининг унда устунлигига қараб кўриш, эшитиш, маза ва бошқа хилларга қараб ҳам бўлишга ўрганганмиз. Лекин идрок ҳаминша турлича сезгилар ва сезги органларининг ўзаро алоқаси ҳамда ўзаро таъсир кўрсатиши асосида юзага келади. Яъни идрокнинг сезгидан фарқи шундаки, сезгида битта сезги аъзоси қатнашса, идрок қилганимизда бир қанча сезги аъзолари қатнашади ва шундан биттаси асосий бўлади.

Идрок қилиш диққатга ҳам боғлиқ. Аммо диққат бир нарсага ихтиёрий ёки ихтиёрсиз жалб қилинмоғи мумкин. Шунинг учун ҳам идрок қилишнинг ҳам ихтиёрий, ҳам ихтиёрсиз кўриниши бор. Ихтиёрсиз идрок қилиш бизда тўхтовсиз бўлиб турадиган психик ҳолатдир, чунки атрофимиздаги ҳар қандай буюм ва ҳодисаларни кўрмасдан, эшитмасдан, уларни ҳис қилмасдан яшайолмаймиз.

Олдимизга қўйилган мақсадга мувофиқ ажратилган нарсаларни миямизда акс эттириш ихтиёрий идрок қилиш дейилади.

Китоб ўқиш, маъруза эшитиш, масъулият билан бировнинг гапини тинглаш бунга мисол бўла олади. Идрок қилиш жараё-

---

<sup>1</sup> К.К. Платонов ва бошқалар. Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982.

нининг физиологик асоси буюм ва ҳодисаларнинг таъсири билан сезги аъзоларида пайдо бўладиган алоҳида нерв қўзғалишининг мия пўстига бориб, унинг кўп қисмларига ёйилиши ва уларнинг ўзаро боғланишидан иборатдир. Шунинг учун ҳам идрок қилиш мураккаб ва яхлит жараёндр.

## 6.2. Идрокнинг физиологик асослари

Юқорида айтганимиздек идрокда ҳамиша турли сезги органлари воситаси билан идрок ҳосил қилинади. Демак, идрокка асос бўлган физиологик-психологик жараёнларда ҳам қўзғалиш жараёнлари бор, яъни ташқи оламдаги нарсаларнинг сезги органларимизга кўрсатган таъсири билан шу сезги органларида бошланиб, сўнгра марказга элтувчи нервлар орқали бош мия ярим шарларининг пўстига бориб етадиган қўзғалиш жараёнлари бор. Ташқи оламдаги предмет ва ҳодисаларнинг қандай анализатор орқали акс эттирилишига ёки бунда анализаторлардан қайси бирини энг муҳим ўрин тутганига қараб, кўриш, эшитиш, ҳаракат, тери, там ва ҳид билиш воситаси билан идрок қилиш турларига ажратилади.

Шартли рефлексларни ўрганиш мақсадида қилинган тажрибалар шуни кўрсатдики, агар анализаторга биронта якка қўзғовчи эмас, балки бир қанча қўзғовчилар (масалан, муайян бир темп билан бериладиган бир қатор қўзғовчилар) мунтазам таъсир қилиб турса, бундан туғиладиган реакция ҳар бир қўзғовчининг ўз хусусиятига қараб эмас, балки бу қўзғовчиларнинг ўзаро қандай боғланишига, ўзаро нисбатига хос бўлган хусусиятларга қараб туғила бошлайди. Масалан, қилинган тажрибалардан баъзиларида аниқ белгиланган тартиб билан минутига бир неча марта тўхтаб-тўхтаб қўнғироқ чалинган. Бунда туғилган рефлекснинг қўнғироқ овозининг қандайлигига эмас, балки овозини узук-юлуқ эшитилишига боғлиқ ҳолда туғилганлиги маълум бўлган. Чирокни дам ёндириб, дам ўчириб қилинган тажрибада ҳам шундай ҳодиса юз берган: рефлекснинг туғилишига ёруғнинг сифати эмас, балки қўзғовчиларнинг бир-бири билан муайян тартибда боғланиши сабаб бўлган, яъни ёруғликнинг ранги ўзгарса ҳам, аммо чирок боягидай маълум бир тартибда дам-бадам ўчириб-ёндириб турилса, рефлекс давом этаверар-

кан. И.П. Павлов рефлекснинг бу хилини *муносабат рефлекс*и деб атаган.

Муносабат рефлексларини текшириш натижасида аниқланган айрим қўзғовчилар ўртасидаги бу боғланишлар идрок жараёнида муҳим рол ўйнайди. Бундай боғланишларнинг эшитиш анализаторида пайдо бўлиши, оҳанг таркибига кирадиган товушларнинг абсолют баландлиги ва кучидаги фарқлардан қатъий назар, товушларнинг бир-бирига нисбатидан оҳангни таниб олишга имкон беради. Бундай боғланишларнинг кўриш анализаторида ҳосил бўлиши, предметларнинг катта-кичиклиги, ранги ва бошқа сифатларидан қатъий назар, фигура контурларини топиб олишга имкон беради. Шундай қилиб, предметларни яхлит ҳолича идрок қилиш таркибига қўзғовчиларнинг бир-бирига нисбатини идрок қилиш кирар экан.

Бир анализатор доирасида содир бўладиган жараёнлардан ташқари, анализаторларнинг ўзаро боғланиши ниҳоят катта аҳамиятга эгадир. Муваққат боғланишларнинг идрок жараёнидаги ролини кўрсатиш учун нарсаларнинг катта-кичиклигини кўз билан кўриб идрок қилишни мисол қилиб олса бўлади.

Нарсаларнинг катта-кичиклигини идрок қилиш, аввало, нарсанинг кўздаги тўр пардасида акс этган суратининг катта-кичиклигига боғлиқдир. Узунлиги икки баравар ортиқ бўлган предметнинг кўз тўр пардасида акс этган сурати ҳам икки баравар узун бўлади. Бироқ бу биз кўраётган нарсаларнинг биздан узоқлиги баравар бўлгандагина шундай бўлади. Оптика қонунларига мувофиқ, кўз тўр пардасидаги суратнинг катта-кичиклиги предмет билан кўз орасидаги масофанинг ўзгаришига қараб ўзгаради. Масалан, узунлиги икки баравар ортиқ бўлган бир нарса икки баравар узоқроқ жойда турса унинг сурати узунлиги икки баравар кам, аммо икки баравар яқинроқ жойда турган нарсанинг суратига тенг баравар бўлади. Шундай бўлгач, биз турли масофада турган нарсаларнинг катта-кичиклигини қандай қилиб аниқ билиб оламиз?

Кўз билан кўриб идрок қилиш жараёнида кўз соққасининг ҳаракати муҳим рол ўйнайди. Кўзни узоқдаги нарсадан яқиндаги нарсага бурганда кўзнинг кўриш ўқлари бир-бирига яқинлашиб қолади ва кўз соққаси қаншар томон бурилади. Аксинча, кўзни яқин турган предметдан узоқ жойда турган нарсага бурганда, кўриш ўқлари бир-биридан узоқлашади ва кўз соқ-

қаси ташқи томон бурилади. Кўз соққасининг бурилишлари кўз мускулларининг қисқариши ва бўшашиши билан содир бўлади. Бунда пайдо бўладиган ва лекин бизга одатда билинмайдиган ҳаракат сезгилари нарсанинг катта-кичиклигини идрок қилишда муҳим рол ўйнайди.

Нарсалар яқинлашган ва узоқлашганда кўз гавҳари формасининг ўзгариши ҳам катта ахамиятга эга. Бу ҳам алоҳида кўз мускулининг қисқариши ва бўшашиши билан содир бўлади, бу ҳол одатда бизга билинмайдиган сезгилар билан боғлиқдир.

Нарсаларнинг катта-кичиклигини кўз билан кўриб идрок қилиш кўзнинг тўр пардасидан, шунингдек, кўзни бир нуқтага тўғрилайдиган мускуллардан ва масофага мосланиб кўз гавҳарининг бўртигини ўзгар-тирадиган мускуллардан туғилувчи нерв қўзғалишлар ўртасида ҳали чақалоқлик чоғидан бошлаб пайдо бўладиган мустаҳкам боғланишлар туфайли содир бўлади. Мия пўстида ҳосил бўладиган ва кўриш идрокларининг негизини ташкил қиладиган нерв боғланишлар ҳаётимизнинг дастлабки ойларидан бошланиб, кўп вақтлар давом этган тажриба йўли билан секин-секин ҳосил бўлиб боради.

Нарсаларнинг катта-кичиклигини кўз билан кўриб идрок қилишнинг асосини ташкил қилган нерв боғланишлар чиқиб келиш жиҳатдан шартли рефлекслар қаторига киради. Шартли рефлекснинг бу мураккаб хили жуда ёшлик чоғлардан бошлабоқ ҳосил бўладигани, бу ёшда буюмларнинг ҳақиқий катта-кичиклиги билан буюмни ушлаш, пайпаслаш йўли билан ҳам танишилади. Шундай қилиб, тери туйғуси кўриш идрокларига мадад бериш ролини бажаради.

Нарсаларнинг катта-кичиклигини кўз билан кўриб идрок қилишни мисол келтиришдан аниқ бўлганидек, идрокнинг асосини ташкил этувчи барқарор нерв боғланишларнинг ҳосил бўлиши туфайли объектив дунёнинг шундай хоссаларини билишга имкон туғиладигани, айрим сезгилар бундай хоссаларни билишга ожизлик қиладигани.

## Апперцепция қонуни

Теварак-атрофдаги нарсаларни мияга қабул қилиш, уларни ойна каби содда акс эттириш эмас, балки инсон миясига уларнинг қандай мазмуңда акс эттирилиши инсоннинг бутун тажрибасига боғлиқ бўлиб, мазмуни шунинг билан белгиланади. Идрок қилиш характерининг шахсга боғлиқ бўлиши *апперцепция* дейилади. Шахснинг бутун ҳаёти, турмуш тарзи, унинг тажрибаси, амалиёти, билим ва маданий савияси, манфаати, қизиқиш-ҳаваси, маънавияти, дунёқараши ва касби буларнинг ҳаммаси унинг апперцепциясини белгилайди. Шунинг учун ҳам бир ҳодиса ёки буюмни турли кишилар турлича қабул қиладилар. Бир нарсанинг ўзига турли кишилар турлича кўз билан қарайдилар ва ҳар ким уни ўзича, яъни ўзининг апперцепциясига мувофиқ онгида талқин эттиради. Бир киши бир нарсани юзаки идрок қилса, бошқа биров бунинг моҳиятини чуқур тушуниб идрок қилади.

Масалан, А.Қаҳҳорнинг «Хотинлар» номли асарида чол Асқарота ўзбек хотин-қизларида пайдо бўлган янги ғоявий-сиёсий фазилатларни уларнинг манбаи юксак ватанпарварлиги эканлигини қандай фаҳмлаб олганлигини қўйидагича тасвирлайди: «Одамзоднинг фёъли шундайки, бор нарса аста-секин йўқолса ҳам пайқайди, лекин йўқ нарса аста-секин пайдо бўлса, унча пайқамайди. Асқар ота ўйлаб қараса, хотинлар суҳбат қўрини очиб юборипти, кўзини очиб қараса, ўз қишлоғида бўлак жойларда кўргани, билгани хотинларнинг нимадан иборат эканликларига яхши разм солмаган ва уларнинг камолотини пайқамаган экан. Эндиликда «мунглик», «муштипар» сингари сўзлар қовушмай қолган бу хотинлар ҳеч бири қилаётган ишига, касби-кориға сабаб тирикчилик деб қарамайди. Буларда қандайдир бир ички дард бор. Шундай ички дард, кундалик тирикчиликдан юксакроқ бир сабаб бўлмаса ҳеч қандай қонун, ҳеч қандай шахсий манфаат буларни бир хилда ишлашга мажбур қила олмайди».

Асқарота колхоздаги хотин-қизлар меҳнатига бошқача нуқтаи назардан қараб, бундан чуқур маъно олади, ватан шарафига жон куйдириб, катта завқ билан меҳнат қилаётган ўзбек хотин-қизларини тақдирлайди.

Кишиларнинг синфий чиқиши ва мафкураси уларнинг идрок қилишларига таъсир кўрсатади.

Сиёсий онги ўсган, порлоқ истиқболни кўз ўнгида тутган кишилар жамиятда пайдо бўладиган янгиликларни кўриб, чуқур қаноат ҳосил қилганларида, бизнинг мафкуравий душманларимиз эса буларни кўриб ичлари куяди.

Кишиларнинг апперцепцияси унинг ёшига, олган тарбиясига, шахсий ҳаётининг ўзгаришига ҳам боғлиқ. Чунончи, ёшлигимизда ўқиган китобларни улғайгандан кейин, билим ва ғоявий-сиёсий савиямиз кўтарилгандан кейин яна бир марта ўқиб кўрсак илгари пайқалмаган нарсалар ҳозир эътиборимизни ўзига жалб қилиб, бизни қойил қолдиради. Демак, бир нарсани ҳаётимизнинг ҳар хил даврларида ҳар хил идрок қилар эканмиз.

Шундай қилиб, одамларга баҳо берганимизда, уларни тарбиялаганимизда апперцепция қонунларини албатта эътиборга олиш зарур ва шунга қараб тўғри муомала қилиш керак.

Ўқувчиларнинг ўқиш материални қандай миёда олиб қолишлари, уларнинг апперцепциясига, яъни ўқувчилардаги дастлабки билим, тасаввур ва тушунчалар бойлигига боғлиқ, уларнинг ўша вақтдаги руҳий ҳолатларига ҳам боғлиқ бўлади.

Шунинг учун ҳам моҳир ўқитувчи янги материални ўргатиш олдидан, ўқувчиларнинг бунга нисбатан апперцепциясини аниқлаб олади, уларнинг бунгача ҳосил қилган тажриба ва билимларига суянади.

## Идрок иллюзиялари

Иллюзия деб, янглиш ва нотўғри идрок қилишни айтамыз. Яъни иллюзия борлиқнинг нотўғри акс эттирилишидир. Уларни физиологик ва психологик сабаблар келтириб чиқариши мумкин. Жисмоний сабаблар келтириб чиқарган иллюзияга стакандаги чойга солинган қошиқни синиқ деб идрок қилгани мисол бўла олади.

Агарда кўзимизнинг тагига ён томондан бармоғимизни бироз ботирсак, кўриб турган предметимиз иккита кўринади. Бу физиологик сабаб учун мисолдир. Контраст натижасида бўладиган нотўғри кўриниш психологик сабаб учун мисолдир: оқ фондаги кулранг доимо қора фондагидан кўра тўқроқ кўринади. Шунингдек, психологик иллюзиянинг вертикал чизиқлар узунлигини горизонтал чизиқлар узунлигига нисбатан ортиқ баҳоланишининг амалий аҳамиятини айтиб ўтиш лозим.

«Иллюзиялар фақат идрокдагина эмас, балки хотира, тафаккур, умуман акс этишнинг барча формаларида бўлади. Шундай бўлсада идрокдаги иллюзиялар кўпинча предметларнинг ҳажмлари параллеллиги ва бир-бирдан узоқлигини аниқлашдаги хатоликларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун аниқлик талаб қилинадиган жойларда туриш идроки ўлчов сабаблари билан ўлчаб текширилиши лозим»<sup>1</sup>.

Ҳаракатни идрок қилиш фазо вақтдаги ўрин алмашувларни идрок қилиб бўлиб, ҳаракатни баҳолаш вақт интервалларини идрок қилишга боғлиқ бўлади, чунки фазодаги ҳар қандай ҳаракат тезлиги ва йўналиши билан характерланади. Бу ишлаб чиқариш ишида, масалан, ишлаб турган механизмнинг ҳаракатланиб турган қисмларини кузатишда катта аҳамиятга эгадир. Бу вақтда ҳаракатнинг турли томонлари – шакли, йўналиши, тезлиги кўлами идрок қилинади. Бироқ, ҳаракатнинг ҳамма томонларини ҳам кўриб сезиб олиш ва тўғри баҳолаш мумкин эмас. Анчагина секин ҳаракат, масалан, соат стрелкасининг юриши бевосита кўриб идрок қилинмайди.



(1)



(2)

Идрок бизнинг қизиқишларимиз ҳамда иродамиз билан қай даражада боғлиқлигига қараб ихтиёрсиз ва ихтиёрийга ажратилиши мумкин. Ихтиёрий идрок кузатишда яққол кўринади.

Узунлиги бир хил бўлган тўғри чизиқларнинг четларига икки хил бурчаклар чизилса иллюзия ҳодисаси юз беради. Биринчи чизилган бурчаклари ташқарига қараган чизиқ, иккинчи чизилган бурчалари ичкарига қараган чизиқдан калтароқ кўринади аслида иккала чизиқнинг узунлиги бир хил.

<sup>1</sup> Платонов К.К. Голубев Г. Г. Психология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1982, 141-бет.

### 6.3. Идрок қилиш турлари

Теварак-атрофдаги нарсаларни идрок қилиш сезги аъзоларимиз орқали вужудга келади, шу сабабли идрок қилиш турлари ҳам эшитиш, кўриш, таъм, ҳид, тери ва бошқа сезгиларга қараб ажратилади. Албатта, бирон нарсани идрок қилар эканмиз, ўша вақтда бир қанча сезги аъзоларимиз таъсирланади, бироқ булардан биттаси устун турмоғи мумкин, идрок қилиш турлари ҳам шунга қараб ажратилади. Чунончи, гулзор ичига кириб, гул ҳидига эътибор берсак буни ҳидни идрок қилиш турига киритамиз, ранг-баранг гулзор манзарасини томоша қилсак, буни кўриш турига, концерт эшитиб ўтирганимиздаги идрок жараёнини эшитиш турига киритамиз ва ҳоказо.

Бундан ташқари яна фазо, вақт ва ҳаракатни ҳам мияда акс эттириш жараёнлари мавжуддир. Шунга кўра, идрок асосий уч турга – фазо идроки, вақт идроки ва ҳаракат идрокига ажратилади.

**Фазони идрок этиш.** Маълумки, фазонинг уч ўлчови – баландлиги, кенлиги ва узоқлиги бор. Теварак-атрофимиздаги барча нарсаларнинг махсус шакллари, катта-кичиклиги бўлиб, уларнинг ҳаммаси фазонинг маълум нуқталарини ишғол қилиб бир-биридан узоқ-яқин, ўнг ёки чап томонда, баланд ёки пастда жойлашади. Фазонинг уч ўлчовини ва ундаги буюмларнинг ана шу хусусиятларини миямизда акс эттириш психологияда фазони ёки маконни идрок қилиш дейилади.

Кундалик тажрибамиз шуни исбот қиладики, биз бу хусусиятларни кўриш, тери ва мушак-ҳаракат сезгилари орқали идрок этамиз. Одатда биз фазони кўз орқали идрок этамиз ва миямизда акс эттираемиз. Аммо қоронғида буюмларнинг шаклини, қандай жойлашганликларини, катта-кичиклигини ҳамда масофани тери ва мушак-ҳаракат сезгиларимиз ёрдами билан билиб оламиз. Кўрлар эса фазони асосан шу икки сезги орқалигина идрок қиладилар. Биз буюмларнинг фазодаги муносабатларини, уларнинг шаклларини асосан кўз орқали билиб оламиз.

Кўзимиз тўпла-тўғри қараганида, агарда кўринадиган буюмлар ўртасидаги кўриш бурчаги эллик градусдан кам бўлмаса, кўзимиз айна вақтда икки ёки бир қанча буюмни бирдангина кўра олади. Аммо кўриш бурчаги кичкина бўлса, икки буюм

ёки икки нуқта бир бўлиб кўринади. Шунинг учун ҳам узоқлашган икки ёки бир-неча буюм бирлашиб кетиб, бир буюм бўлиб кўринади.

Яқин ва узоқ масофадаги буюмларнинг сурати тўғридан-тўғри тўр пардасига тушганда, кўз гавҳари бўртиқ ҳолга ёки ясси ҳолга келиши мумкин. Яқин турган буюмларга қараган вақтда кўз гавҳари бўртиқ, узоқлашган буюмларга қараганда эса у чўзилиб, ясси шаклга киради. Кўз гавҳарининг ва умуман кўзнинг аниқ кўриш учун ана шундай уйғунлашуви **аккомодация** дейилади.

Кўзнинг аккомодацияси айниқса фазонинг учинчи ўлчовини, яъни узоқ масофани, чуқурликни, рельефни кўришда катта аҳамиятга молик. Бироқ фазонинг учинчи ўлчовини бир кўз воситаси билан (яъни монокуляр) етарли даражада аниқ ва равшан кўриб бўлмайди. Буни бинокуляр, яъни икки кўз воситаси билан яхшироқ ва мукамалроқ кўрамиз. Чунончи, 2-3 метр масофа узоқликда кўз олдимизда горизонтал чўзилган ипга бир кўз билан қараб турганимизда, шу ипнинг орқа ёки бу томонига юқоридан туриб бир нарса отилса, унинг қайси томонидан тушаётганини айтиб бера олмаймиз, шунингдек, бир кўзимизни юмсақ, нина кўзига ип ўтказишда ҳам қийналамиз. Икки кўз билан эса, биз буни тез уддалай оламиз.

Бинокуляр кўришга хос бўлган бир неча хусусиятлар бор.

Икки кўзимиз билан тикилганимизда, буюмнинг сурати айни вақтда икки кўзда пайдо бўлади. Шу сабабдан икки кўриш чизиғи ҳам ҳосил қилинади. Кўриш чизиқларининг бир-бирига муносабати масофага боғлиқдир.

Агарда бирор буюмга яқиндан тикилиб қарасак, кўриш чизиқлари биз фиксация қилган нуқтада кесилади. Бундай вазиятда кўзларимиз бир-бирига яқинроқ, яъни қаншар томон бурилади. Кўриш чизиқларининг бир-бирига яқинлашуви **конвергенция** дейилади. Аксинча, узоқ масофадан туриб, бирор нарсага тикилиб қараганимизда эса кўриш чизиқлари бир-бирига деярлик параллел ҳолатга келади. Кўриш чизиқларининг ана шундай ҳолати, яъни кўзларнинг ташқи томон бурилиши **дивергенция** дейилади. Шуниси ҳам борки, аккомодация, конвергенция ва дивергенция каби кўз ҳаракатларидан алоҳида ҳаракат сезгиси ҳосил қилинади. Чунки бундай вазиятда кўзнинг

ҳаракатини идора қилиб турадиган мушаклар ё таранглашади, ё бўшашади. Бу сезгилар масофани билишда кўмаклашадилар.

Аммо рельефни, буюмларнинг ҳажмини кўриш анча мураккаб ҳодисадир.

Бир нуқтани ёки бир буюмни кўраётганимизда унинг сурати ҳар қайси кўзимизнинг тўр пардасига якка-якка тушади. Аммо бундан қатъий назар, биз буюмни иккита эмас, балки битта қилиб кўраемиз.

Бу ҳодисанинг сабаби шундаки, буюмдан акс этган нурлар икки кўзимизга барабар тушади. Кўз соққаларининг тўр пардасида бирида ўнг, иккинчисида чап томонда, сариқ доғдан тенг узоқликдаги нуқталар мос нуқталар дейилади. Кўзимиз билан тикилган буюмдан акс этган нурлар шу мос нуқталарга тўғри келса, буюм ҳамишагидай битта бўлиб кўринади.

Ҳаракатни идрок қилиш. Ҳаракат деб, буюмнинг фазода жой алмаштиришини тушунамиз. Буюмларнинг жой ўзгартиришлари маълум вақт ичида ўтади, яъни ҳаракат тез ёки секин бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳаракатни фазо ва вақт билан birlikда олиб, миямизда акс эттирамиз. Чунончи, юраётган машинани кўрар эканмиз, биз унинг бирор нуқтага нисбатан бўлган масофаси ўзгарганлигини (яқинлашишини ёки узоқлашишини) ва бунинг тез ёки секин ўтаётганини ҳам кўраемиз.

Ҳаракатни асосан кўриш орқали биламиз. Ҳар қандай мавжуд буюм томон кўзимизни югуртирганимизда кўзимизнинг тўр пардасида ҳаракатланувчи буюмнинг сурати пайдо бўлади.

Ҳаракатни тез ёки секин деб айтар эканмиз, бу унинг объектив тезлигига ҳамда ҳаракатланувчи буюмнинг кўзимиздан узоқ-яқин бўлишига боғлиқ. У биздан қанча узоқ бўлса, унинг ҳаракати ҳам шунча секиндек кўринади. Бу ҳодиса кўриш бурчагининг ўзгариши натижасида юз беради. Кўриш бурчаги қанча зўрайса, ҳаракат шунча тез ва аксинча, у қанчалик кичрайса, ҳаракат шунча секин ўтаётгандай ёки буюм ҳаракат қилмагандай кўринади. Чунончи, булутсиз осмонда ойнанинг ҳаракатини сеза олмаймиз, яъни уни бир неча вақтдан кейин осмоннинг бошқа нуқтасида кўрсак ҳам, унинг ўз ҳаракатини кўра оламиз. Биз ҳаракатни теримиз орқали ҳам акс эттирамиз. Чунончи, кўзимиз билан кўрмасак ҳам, бўйнимизда юрган чумолининг ҳаракатини сезамиз. Ҳаракатни овоз, шовқин орқали

ҳам билиб оламиз. Ҳаракатни миямизда акс эттиришда шахсий тажриба ҳам катта рол ўйнайди.

**Вақтни идрок қилиш.** «Ҳар қандай борлиқнинг асосий шакллари, – деб ёзади К.К. Платонов, – замон ва макондир. Борлиқнинг замондан ташқари мавжудлиги, борлиқнинг маконсиз мавжудлиги сингари, беҳуда гапдир»<sup>1</sup>. Ҳар қандай ҳақиқий борлиқ сингари вақт ҳам кишининг онгида акс эттирилади. Аммо вақтни одам объектив ва субъектив акс эттиради. Вақтнинг ўтишини объектив билишда одам махсус асбобдан, яъни соатдан, шунингдек, қуёш, ой, юлдузлар каби ҳамиша бир хилда ва бир текисда ҳаракатланувчи нарсалардан фойдаланади.

Аммо бу ерда вақтни психологик, яъни субъектив акс эттириш ҳақида гапирамиз.

Одатда, биз ҳозирги пайтни, ўтмишни ва келажак вақтни ажратамиз. Бироқ, ўтмиш вақтни биз эслаймиз, келажак вақтни ўйлаймиз, ҳозирги пайтни эса бевосита идрок қиламиз.

Бир иш билан шуғулланаётган пайтимизни ҳозирги вақт деб тушунамиз. Дарс тинглаб ўтирар эканмиз, психологик нуқтаи назардан, ўша вақтнинг давомини ҳозирги пайт деб ҳис қиламиз. Кўпинча вақтни ва унинг ўтмишини ҳамма бирдай идрок қилавермайди. Ҳозирги пайт бизга секин ёки тез ўтаётгандай кўринади. Чунончи, баъзан бир ўқувчига дарс жуда тез ўтиб кетаётгандек сезилади, бошқа бир ўқувчига эса дарс вақти жуда ҳам секин ўтаётгандай туюлади. Ўқувчиларнинг бири «вой, вақт ўтиб кетдим», деб ҳайрон бўлса, иккинчиси «қўнғироқ қачон чалинар экан» деб вақтнинг тезроқ ўтиб кетишини истайди.

Вақтнинг баъзан жуда зериктириб секин ўтиши, баъзан эса жуда тез ўтишининг сабаби психологик нуқтаи назардан қуйидагича изоҳланади:

Бизнинг вақтни ҳис этадиган алоҳида сезги аъзомиз йўқ. Биз уни бутун онгимиз билан идрок этамиз. Бироқ вақтни тез ёки секин ўтаяпти деб гапирар эканмиз, бу ўша пайтда онгимизнинг нимага қаратилганлиги ва кечираётган туйғуларимизга боғлиқдир.

Агарда диққатимизни ишга эмас, балки вақтнинг ўзига қаратсак, вақт жуда секин ўтаётгандай кўринади ва бизда бундан зерикши ҳамда тоқатсизланиш ҳисси пайдо бўлади. Чунки

---

<sup>1</sup> К.К. Платонов. Психология. –Т.: «Ўқитувчи», 1982 йил, 87-бет.

ўшандай ҳолатда онгимиз доираси жуда чекланиб, унда вақтни ўйлашдан бошқа биронта фикр қолмайди, аксинча, ўша пайтда диққатимиз ишнинг ўзига қаратилса, вақт тез ўтгандай сезилди, чунки иш давомида бизнинг онгимизда ҳар қандай фикр, тасаввур ва бошқа мураккаб психик кечинмалар пайдо бўлиб туради. Агарда биз бирорта дарснинг мазмунига қизиқмасдан, унинг тамом бўлишини сабрсизлик билан кутиб, ҳа деб соатга қараб ўтирсак, вақт тўхтаб қолгандай, жуда секин ўтаётгандай туюлади. «Тикилган қозон қайнамас» деган халқ мақоли ҳам бунга мисол бўла олади. Аксинча, бизни қизиқтирган, хурсанд қилган, ҳар хил таассурот қолдирадиган бир иш, бир воқеа жуда тез ўтаётгандай кўринади, чунки бундай ҳолда биз вақтнинг ўзига эътибор бермаймиз.

Шуниси ҳам борки, ўтмиш вақтни эслаганимизда ўша вақт ичида қанча кўп таассурот олган бўлсак, у шунча узоқ вақтдай кўринади, чунки бу вақтнинг ҳар бир дақиқаси маълум бир психологик кечинмага боғлиқ. Чунончи, биронта қизиқарли экскурсия ёки саёҳатда вақт жуда тез ўтиб кетаётгандай сезилса ҳам, кейин уни хотирлаб гапирсак, у узоқ вақтдай кўринади. Аксинча, касал бўлиб, бир ой касалхонада ётсак, ўша вақт жуда зериктиради, чунки касалхонадаги таассуротлар бир хилда, жуда чекланган бўлади. Кейин бу вақтни ўйласак, у қисқа вақтдай туюлади. Чунки унинг ҳар бир дақиқаси янги бир маъно, яъни бир таассурот қолдирмаган, ундан олинган таассуротни бир-икки гап билан тасвирлаб қўя қоламиз.

Вақтни идрок қилишда ҳам одамлар бир-биридан фарқ қиладилар. Одатда ҳеч бир нарсага қизиқмайдиган, онги ўсмаган кишиларга вақт секин ўтаётгандай сезилади ва улар тез-тез зерикадилар. Бундай одамлар ҳақида академик Павлов шундай ёзади: «зерикиш кўзи очиқ ҳолда ухлаш демакдир».

Маданият вақтни секундлаб ҳисоблашдан бошланади. Замоноамиз кишиларининг ҳаёти мазмундор, қувноқ ва ижодий меҳнатда ўтади. Шу сабабли бизнинг ҳаётимизда вақт жуда қадрли ва биз уни бекор нобуд қилмаймиз. «Вақтнинг қадрини билмаган ўз қадрини билмайди», деган халқ мақоли бежиз эмас, албатта. Вақтнинг қадрига етишни кичик ёшдан тарбияламоқ керак. Бунинг учун болаларни режа билан ишлашга, билим ва маданий савияларини ошириш, ҳар қандай ижодий қизиқниш ҳавас уйғотиб, уларнинг бекор зерикиб юришларига йўл

қўймаслик керак. Маданий ва мазмундор ҳаёт кечираётган ҳозирги замон кишилари вақтдан тўғри фойдалана билиш йўли билан меҳнатни маҳсулдор қиладилар.

### Константлик ҳодисаси

Буюмларнинг шакли, ранги ва катта-кичиклигини онгимизда акс эттиришда константлик<sup>1</sup> ҳодисаси рўй беради. Константлик ҳодисаси шундан иборатки, буюмни идрок қилиш шароити ўзгарса ҳам, унинг онгимиздаги ҳақиқий образи ўзгармайди.

**Ранг константлиги.** Буюмнинг рангини биз ҳаммиша бир тусда кўрамиз. Ваҳоланки, ундан келадиган нурлар ёруғлик даражасига қараб ўзгариб туради. Чунончи, уйда ётган ва қуёш нури остида ётган икки кўмир парчасини, уларда ҳар икки шароитда акс этган нурлар таркиби ва миқдори ҳар хил бўлса ҳам, биз доимо қоп-қора деб кўрамиз. Оқ қоғоз электр чироғи билан ёритилса ҳам, ёки у яшил барглар соясида ётса ҳам, барибир биз уни оплоқ деб кўрамиз, ҳақиқатда эса бу икки вазиятда ҳам қоғоз юзида акс этадиган нурларнинг физик таркиби ўзгаради.

**Катта-кичиклик константлиги.** Бизга маълумки, бирор буюмдан узоқлашсак, унинг кўзимиз тўр пардасидаги сурати кичраяди, яқиндан туриб қарасак зўраяди, аммо шу буюмнинг образи бу билан ўзгармайди. Масалан, шу китобнинг ўзини 20 сантиметр ва бир метр масофадан туриб кўрилса ҳам, унинг катта-кичиклиги ўзгарганлиги сезилмайди. Ҳолбуки, унинг кўз тўр пардасидаги сурати ўзгаради, яъни уни бир метр масофадан кўрганимизда тўр пардасига тушадиган сурати 5 карра кичраяди. Албатта, бундай константликнинг чегараси бор. Биз билан буюм ўртасида масофа қанча узая борса, буюмнинг кўриниши ҳам шунча кичрая боради. Масалан, самолётдан пахта қаралса, ердаги нарсалар жуда кичкина бўлиб кўринади.

**Шакл константлиги.** Буюмнинг шаклини акс эттирадиган сурат кўз тўр пардасида турлича ўзгариб турса ҳам, биз буюмнинг шаклини тўғри кўрамиз. Чунончи, стол устида турган пиёлани биз ҳаммиша доира шаклида кўрамиз. Аммо унга ёнидан туриб ёки бошимизни турлича буриб қарасак, унинг тўр

<sup>1</sup> Лотинча «константа» – доимий миқдор деган маънони англатади.

пардасидаги сурати ҳам ўзгариб, чўзилиб, тухум шаклига кирди. Лекин бундан қатъий назар, унинг тўғри образи онгимизда доимо сақланиб туради. Пиёланинг устидан туриб худди марказига тикилгандагина унинг доира сурати тўр пардасига туша олади. Шунингдек, ҳаракатсиз буюмларнинг акси кўз соққамиз билан бирга ҳаракатланиб турса ҳам биз уларнинг тинч ҳолатини тўғри кўрамиз.

Бир куй ҳар хил мусиқа асбоби билан чалинса ёки бир ашула ҳар хил овоз билан айтилса ҳам биз уни барибир шу куйнинг ўзи деб биламиз.

Бизни ўраб олган кундалик муҳитга мувофиқлашиш ва дунёни англашда константлик ҳодисаси катта аҳамиятга эга. Агар бу ҳодиса бўлмаганида идрок қилиш шароитининг ўзгариши билан, чунончи, бошимизнинг сал бурилиши, қимирлаши, ёруғлик даражасининг ўзгариб туриши, буюмларга нисбатан масофанинг ўзгариб туриши билан, айтиб бериш буюми биз ҳар гал бошқа бир буюм деб акс эттириб уни танимас эдик. Нарсалар аллақандай тўхтовсиз ўзгариб турадиган, гоҳо чўзилиб, гоҳо тус ва рангларини ўзгартиб, милтиллаб турар эди. Константлик ҳодисаси миянинг муҳитни акс эттиришга уйғунлашуви ва идрок қилиш жараёнига илгари ҳосил қилган тажрибамизнинг таъсир кўрсатиши билан изоҳланади.

#### **6.4. Идрок қилишнинг сифати ва уни белгиловчи шартлар**

Теварак-атрофдаги буюм ва ҳодисаларни англашнинг биринчи босқичи уларни сезги аъзолар ёрдами билан бевосита миямизда акс эттиришдир. «Билимнинг ҳаммаси тажрибадан, сезгилардан ва идрок қилишдан ҳосил қилинади» деб тушунтиради рус психологлари.

Сезиш ва идрок қилиш йўли билан ҳосил қилинган образлар, яъни ҳақиқий нарсаларнинг миямиздаги акси аниқ, тўғри ва мукамал ёки ноаниқ, хира, чалакам-чатти бўлиши мумкин. Психик ҳаётимизнинг мазмундорлиги, бойлиги ва аниқлиги даставвал шу образларнинг сифатига боғлиқдир. Бу умуман бизнинг ҳар бир соҳадаги фаолиятимизга таъсир кўрсатади, уни мазмундор ва маҳсулдор қилади. Шунинг учун ҳам идрок қилиш жараёнининг, хусусан унинг ўқиш жараёни-

да сифатли бўлишига катта эътибор бериш лозим. Ўқиш материаллари дарс ва ҳар қандай малака ҳамда кўникмалар даставвал сезги аъзоларимиз ёрдами билан мияга қабул қилинади. Хира, ноаниқ, чала идрок қилинган ўқиш материаллари яхши ўзлаштирилмайди. Ўқиш жараёнида дарснинг тез, тўлиқ ва аниқ идрок қилинишини таъмин этмоқ учун қуйидаги шартларга эътибор бериш зарур.

*Нерв системаси ва сезги аъзоларнинг соғлом ва бақувват бўлиши, идрок қилишнинг сифатини белгилайди.* Маълумки, сезиш ва идрок қилиш сезги аъзоларимизнинг фаолияти билан боғлиқдир. Шу сабабли бу жараённинг сифати сезги аъзоларимизнинг иши ва уларнинг қандай аҳволда бўлишига боғлиқ. Ўқитиш ишида ўқувчиларнинг кўз ва қулоқлари айниқса катта рол ўйнайди. Ўқувчилар ичида қулоғи яхши эшитмайдиган ёки кўзи яхши кўрмайдиганлари ҳам учрайди. Ўқитучи, айниқса қуйи синф ўқувчилари ҳақидаги тиббиёт ходими берган маълумотномага асосланиб, уларнинг сезги аъзолари қандайлигини аниқлаб олмағи зарур. Сезги аъзоларида бирор нуқсон бўлган ўқувчилар биринчи қатордаги парталарда, ўқитувчига ва синф доскасига яқинроқ ўтириши керак. Баъзи сезги аъзолардаги камчиликлар айрим ўқувчиларнинг дарсдан улгуриб боролмаслигига сабаб бўлади-ю, аммо ўқитувчи бундан беҳабар қолади ёки бунга эътибор бермайди.

Одам дунёдан асосан кўз ва қулоқ орқали таассурот олади ва тажриба тўплайди. Шунинг учун ҳам шу аъзоларнинг болалик чоғидан соғ-саломат бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларни зарарланишдан эҳтиёт қилиш жуда зарур. Сезги аъзолари нерв системасининг жуда муҳим бўлаклари бўлганидан, нерв системасини мустаҳкам ва соғ-саломат бўлиши шарт.

Мияси зарарланган одамларнинг сезги аъзолари ҳам ўз вазифасини яхши бажара олмайди ёки бутунлай ишдан чиқади. Шунинг учун ҳам нерв системасига зарарли бўлган таъсирларда болалик чоғидан эҳтиёт бўлмоқ керак (масалан, болаларга тамаки чекиш, алкоғолли ичимликлар ичиш, ухлатадиган «дори» ичириш ярамайди).

*Кузата билиш ва уни ривожлантириш.* Дунёни мияда акс эттиришда кузата билиш қобилияти катта аҳамиятга эга. Дунёни англашнинг биринчи босқичи бевосита кузатишдан бошлади.

Идрок қилиш жараёнининг фаол кўриниши бўлмиш кузатиш мураккаб жараёндир.

**Кузатиш** мақсадга йўналтирилган, режали уюштирилган ва натижа берадиган фаол идрок қилиш демакдир. Кузатиш қобилияти кузата билиш ёки кузатувчанлик дейиладики, бу одамнинг энг муҳим сифатли хислатларидан бири бўлиб, унинг донолигини ва зийраклигини белгилайди, уни билимдон ва тажрибали қилади. Халқ ижоди, ҳикматли сўзлар ва топишмоқлар ана шундай кузата билиш маҳсулидир. Чунончи, Эргаш Жуманбулбул ёки бошқа хат-саводни билмаган халқ шоирлари ижодининг чуқур мазмунли ва реалистик бўлиши уларнинг теварак-атрофдаги муҳитни кузата билиш натижасида вужудга келган донолиги билан изоҳланади.

Фақат эшитиш ва кўришгина кифоя қилмайди, балки эшита билиш ва кўра билиш керакки, бу буюмларнинг ички хусусиятларини, уларнинг энг муҳим аломат ва хоссаларини тасодифий белгиларидан ажрата билиш, унинг турлича ўзгаришларини пайқаб олиш, бошқа буюмлардан фарқини ёки ўхшашлигини топа билиш, булар хусусида туғилаётган саволларга жавобни шу буюмларнинг ўзидан билиб олишдан иборатдир. Кузата билиш буюм ва ҳодисаларнинг кўзга ташланмайдиган, аммо муҳим ва нозик томонларини идрок қилишдир. Кузата билиш идрок сифатини таъмин этиб, одамнинг ҳар бир соҳадаги фаолиятини унумли ва самарали қилади, унинг маҳоратига маҳорат қўшади, янгиликларни ижод қилишга асос бўлади. Мустақил Ватанимиз ижодкорлари, Меҳнат Қаҳрамонлари, истеъдодли санъат арбоблари ҳозирги жамиятда тарбияланган янги маънавий хислатларни тасвирлайдиган ёзувчиларда, шоирларда бу қобилият жуда тараққий қилган бўлади.

Ўз ишининг кўзини яхши билган ўқитувчи ҳам синфда ўтирган болаларда пайдо бўлган ўзгаришлардан уларнинг психологик хусусиятларини, феъл-атворини жуда тез пайқаб олади ва шунга мувофиқ амал қилади, тегишли усуллардан фойдаланади. Болаларнинг психологик ҳолатларини кузата билмаган ўқитувчи одам ўқитувчилик касбига лойиқ одам бўла олмайди, чунки баъзан айрим ўқувчиларда пайдо бўлган ўзгаришни пайқаб олиб, ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмаса, бунинг таъсири ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Кузата билиш қобилиятини кичкина ёшдан ўстириш керак. Бунинг учун болаларда туғиладиган саволларга эринмай жавоб бериш, теварак-атрофдаги нарсаларга уларнинг диққатини жалб қилиш, уларга тегишли савол ва вазифалар топшириш, табиатшунослик ишларини уюштириш ва меҳнатга одатлантириш лозим. Кузатилаётган нарсаларни бир-бирига таққослаш, фарқини ва ўхшаш томонларини топиш, буюмнинг битта хусусиятини кўп томонлама ажратиш, уни турли шароитда синаб кўришга ўргатиш лозим. Кузатиш натижаларига эътибор беришга ўргатиш катта аҳамиятга эга, бунинг учун болаларга мақсадни уқдириш керак. Чунончи, ўқитувчи, фарз қилайлик, бир гулни олиб келиб болаларга кўрсатиб, кейин уни олиб қўйиб, «қани, болалар, гулнинг расмини чизинглар» деса, ўқувчилар бир оғиздан «Вой, унинг расмини чизиш кераклигини олдиндан билганимизда, биз уни яхшилаб кўрган бўлардик» дейишлари турган гап. Шунинг учун ҳам бирор буюм ёки ҳодисани идрок қилишдан олдин ундан кутилган мақсад аниқ бўлса, кузатиш сифатли чиқади ва кузата билиш қобилияти ривожланади.

Ҳар бир соҳада янгиликка интилиш ва у асосида маънавийтимизни бойитиш ва тобора ривожлантириш мақсадини кўзда тутган истиқлол кишиларида кузата билиш қобилиятини ўстириш замонимизнинг муҳим вазифасидир.

## 6.5. Болаларда идрок қилишнинг ривожланиши

Теварак-атрофдаги буюм ва ҳодисаларни идрок қилиш қобилияти боланинг сезги аъзоларига боғлиқ равишда ўсиб, унинг фаолияти ва таълим-тарбияси туфайли такомиллашади.

Бола дунёга келиши биланоқ теварак-атрофини мукамал идрок эта олмайди. Икки ойлик бола нарсаларга тикилиб қарай бошлайди ва 3-4 ойлигида бирорта овоз эшитса, бошини шу томонга буради, овоз манбаини қидиради. Демак, ўша пайдан эътиборан, у буюмларни идрок қила-бошлайди. Лекин 4-5 ойлик боланинг идрок қилиши етарлик даражада онгли бўлмасдан, у теварак-атрофидаги нарсаларнинг озгина бир қисмини идрок этади. Бу ёшда ҳали идрок образлари тарқоқ ҳолда бўлиб, бир-бирига мантиқий равишда боғланмайди. Аммо бола нарсаларни қўли билан ушлаб, улар билан турлича

амаллар қила бошлаганидан кейин, хусусан ўзи юра бошлаганидан сўнг, нутқни эгаллаш муносабати билан нарсаларни мукамалроқ идрок қила бошлайди. Мустақил юриб кетгандан кейин бола ҳар қандай нарсаларнинг олдига бориб, уларни қўлига олиб ёки улар билан бошқача амаллар қилиб, онгли идрок қилинаётган нарсалар доирасини кенгайтира боради. Уч яшар боланинг ақли анча ўсади, шу билан бирга унинг идроки ҳам кенгайди. Бунинг исботи шуки, бу ёшда болалар «бу нима», «бунинг оти нима», «нега шундай» деб жуда кўп саволлар бера бошлайдилар. Аммо кичик ёшдаги болалар тез таъсирланувчан ва эмоционал табиатлидир-лар, яъни улар ҳар қандай ёқимли ва ёқимсиз туйғуларга жуда тез берилиб кетадилар. Шу сабабли улар буюмларнинг шаклига, рангига ҳаракат ва овозига кўпроқ эътибор бериб, жуда жонли ва катта завқ билан идрок қиладилар, бутун диққатларини шу нарсага тўплайдилар. Натижада болалар кўпинча буюмларнинг шундай арзимайдиган майда-чуйда томонларини ҳам кўрадиларки, катталар буни пайқамасликлари ҳам мумкин. Масалан, мактабгача тарбия ёшидаги болалар расм кўрганларида шундай синчиклаб кўрадиларки, улар пайқамаган ҳеч бир майда-чуйда нарса қолмайди, аммо шу билан бирга улар, албатта, буюмнинг ички хусусиятларини, энг муҳим аломатларини ҳали ажрата билмайдилар. Бунинг учун уларда ҳали билим ва тажриба кам.

Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг ҳаётида ўйин ҳукмронлик қилади ва ўйин туфайли боланинг идроки ҳам ривожланади, чунки бола ўйинга алоқаси бўлган буюмга кўпроқ эътибор бериб қарайди ва ўз ўйинида атрофдаги ҳаётни акс эттиради. Ўйин, расм чизиш ва шунга ўхшаш машғулотлар туфайли болада кузата билиш қобилияти ҳам ривожланади.

Мактабгача ёшдаги боланинг иродаси ва тафаккури ҳали етарли даражада ўсмаган бўлади, диққати чидамсиз ва тез-тез ўзгариб туради, унинг идрок қилиши асосан ихтиёрсиз характерга эга. Ҳар бир нарса унинг диққатини ўзига жалб қилаверади. Бу ёшда катталар унинг олдига бирорта мақсад қўйиб, унинг диққатини шу мақсад учун керак бўлган нарсага қаратадилар.

Ясли ва мактабгача тарбия ёшида фазони идрок этиш, узоқ-яқинни фарқ қила билиш, нарсаларнинг катта-кичиклигини ва

шакллари тўғри акс эттириш қобилияти анча ривожланади. Фазо хусусиятларини идрок этишда хусусан, болаларнинг ҳаракати катта рол ўйнайди. Чунончи, 2-3 яшар болалар зинадан чиқиб-тушишни, стол-стулнинг тагида ўтиришни, стулнинг орқасидаги оралиққа бошини киритишни, бир нарсанинг тепасига чиқиб олишни, ариқдан сакраб ўтишни, чуқурликка тушиб кўришни севадилар.

Мана шу нарсаларни қилиб кўриш туфайли улар фазо ва унинг хусусиятлари ҳақида тажриба тўплайдилар.

Аммо уларнинг вақтни идрок этишлари ҳали ҳам заиф бўлади, яъни улар вақтнинг давом этишини, унинг тез ёки секин ўтишини мияларида акс эттира олмайдилар, умуман одатда, тоқатсиз бўладилар, кеча, бугун, эрта деган сўзларни идрок этишда қийналадилар.

Мактабгача тарбия даврининг охирида болаларда катта ўзгаришлар пайдо бўлиб, уларнинг тажрибаси кенгайган бўлади, тафаккур ҳам шунчалик ўсган бўладики, шу асосда уларга системали таълим-тарбия бериш имконияти вужудга келади.

Мактаб ёшида ихтиёрий идрок қилиш қобилияти мустаҳкамланиб боради. Чунки ўқиш, дарс ўзлаштириш учун диққатни ихтиёрий равишда идора қила билиш, яъни уни берилган вазифа устида тўплаб туриш, ўқитувчининг гапига қулоқ солиш, ўқитувчи кўрсатадиган нарсаларга эътибор бериш, доскага ёзилган нарсани айнан кўчириб олиш, ўз хатоларини пайқаб олиш талаб этилади.

Мактаб ёшидаги бола ўз олдига бир мақсад қўйиб, шу мақсад учун керак бўлган буюмларни излайди, уларнинг хусусият ва ҳар хил томонларини синчиклаб текширади, яъни унда анализ ва синтез қобилияти ривожланиб боради.

Билим орттириш, айниқса китоб ўқиш, ҳар қандай машғулотлар, жараёнида олиб бориладиган ишларда иштирок қилиш, хусусан янгича дунёқарашни тарбиялаш болаларда кузата билиш қобилиятини ривожлантиради, теварак-атрофдаги буюм ҳамда ҳодисаларни тўғри ва мукамалроқ идрок қилишга ҳаракатлантиради. Таълим-тарбиянинг вазифаларидан бири болаларда ҳар нарсага эътибор бериб кузата билиш қобилиятини шакллантиришидир.

## 6.6. Идрок қилиш жараёнида кузата билиш ва унинг самарадорлиги

Идрокнинг алоҳида бир тури *кузатишдир*. *Кузатиши маълум бир мақсад ва ният билан қилинган режали идрокдир*. Кузатиш – бир нарсани идрок қилиш жараёнида *ўрганши ва текширишидир*.

Кузата билиш қобилияти фаолиятнинг ҳар хил соҳаларида жуда фойдали бўлган қимматли жараёндир. Бу ўринда кузатишнинг санъаткор ёки илмий тадқиқод ишларида фаолият кўрсатадиган ходимлар фаолиятини таққослаб ўтсак, бирмунча тушунарли бўлади. Кузатиш қобилияти кишида бирданига тез пайдо бўлмайди, у тарбиялаб ўстирилади. Бу қобилиятни ҳосил қилиш учун кузата билишнинг сифати нимага боғлиқлигини, унинг шарт-шароитлари нималигини билиш жуда фойдалидир. Бу шарт-шароитларнинг энг муҳимлари билан танишиб чиқайлик.

Яхши кузата билишнинг энг биринчи шarti шуки, аввало кузатишдан *мурод нималиги аниқ бўлиши керак*. Киши ўз олдига аниқ бир вазифани қўймай туриб, «муман» кузатиш билан шуғулланиш мумкин эмас. Бировга серқатнов кўчанинг муюлишида туриб кузатинг, десангиз, бу одамнинг ақли соғлом бўлса, сиздан нима мақсад билан ва нимани кузатай деб сўрайди, яъни кузатишдан мақсад нима ёки бошқача айтганда, кузатишнинг вазифаси нима дейди. Кузатувчи кишининг ўз олдига қўйган вазифаси у ўз диққатини бир нуқтага тўплайди, диққат ва эътибор қилиш лозим бўлган нарсани кўрсатади. Кузата билиш қобилияти яхши ўсган деб, ўз идрокини қўйган вазифаларга буйсундира олган кишини айтамыз.

Кузатиш мумкин қадар *тула ва тафсилотли* бўлиши керак. Лекин кузатишнинг тўлалиги бирталай маълумотлар тўплашдан иборат эмас. Бирон табиат кузатувчиси мактаб ҳовлисида қандай дарахтлар борлигига диққат қилса ва яқиндаги бир дарахтда қушнинг уяси борлигини пайқаса, бу билан унинг кузатиши мақсадга қаратилган деб бўлмайди.

Кузатишнинг мақсадга қаратилган бўлиши учун *кузатувчининг олдига қўйилган вазифалар нуқтаи назаридан у муҳим бўлган нарсаларга диққат қилиши шартдир*. Кузатишнинг тафсиллий бўлишини ҳам шу маънода тушуниш керак. Яхши кузата билган одам, бошқаларнинг назари эътиборидан қочиб қоладиган майда-чуй-

даларга диққат қилиб, уларни пайқай олади, лекин кераги борми-йўқми – майда-чуйданинг ҳаммасига диққат қилавермай, балки кузатишдан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар нуқтаи назаридан муҳим бўлганларига диққат қилади.

Кузатишнинг муваффақиятли бўлиши кузатилмоқчи бўлган нарса тўғрисида *аввал олинган билимга, тажрибага жуда* қаттиқ боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бир нарсани яхши кузата билувчи, бу нарса тўғрисида кўп билими бўлган киши тажрибали мутахассис кишидир.

Агроном экилган уруғларнинг навини, тупроқнинг ҳосилдорлигини, фойдаланиш мумкин бўлган агротехника усуллари қанчалик яхши билса, унинг янги кўкариб чиқаётган ўсимликларни кузатиб бориши шунчалик муваффақиятли бўлади. Кузатишни яхши билиш учун унга яхши *тайёрланмоқ* керак. Билим кишига анча чуқур ва бамаъни фикр қилишга имкон беришдан ташқари, нарсаларни чуқурроқ идрок қилишга ҳам имкон беради, кўп билган одам кўп нарсанинг фаҳмига етади. Ўсимликларни яхши билган ботаник арзимаган бир ўтда анча хислатлар топади, ҳолбуки ботаника илмидан бехабар бўлган одам бу ўтда диққат қилгулик ҳеч бир нарса тополмайди.

*Кузатиш тартибли ва режаси* бўлиши керак. Агар саккиз-тўққиз ёшли мактаб боласига уйдаги нарсаларни бирма-бир айтиб чиқ, дейилса бола уйнинг ҳали у бурчагидаги, ҳали бу бурчагидаги нарсаларни олиб, аввал кўзига нима кўринса шунинг номини айтаверади. Боланинг бу қилиғи тартибсиз ва режасиз кузатишнинг бир мисолидир. Бундай қилганда нарсаларнинг ҳаммасини тўла айтиб чиқиш мумкин эмаслиги аниқ. Катта одамга бундай юмуш таклиф қилинса, катталар кўпинча бошқача қиладилар. Катта одам аввало кузатишнинг режа ва тартибини белгилаб олади, яъни масалан: «эшиқдан бошлаб, аввал девор тагидаги нарсаларни атаб чиқаман», деб ўзига хаёлий режа қилиб олади ёки «аввал стол, шкаф, диван каби катта нарсаларни айтиб чиқаман, сўнгра, улар устидаги нарсаларни айтаман, бундан кейин, деворга осилган нарсаларни айтаман» дейди. Топширилган юмуш қийинроқ ва бамаънироқ бўлса, кузатишнинг режаси ҳам шунга яраша мураккаброқ бўлади. Кузата билишдан тажрибаси зўр бўлган кишиларда, одатда, узоқ замонлар ичида ҳосил қилинган кузатиш тартиби бўлади ва у орттирилган маҳоратнинг кўринишидир.

Кузатишнинг муҳим аломати, идрок билан *фикрнинг фаол ишлаши* ўртасидаги боғланишдир. Шунинг учун ҳам кузатиш баъзида «фикр қилувчи идрок» ёки «ўйловчи идрок» дейилади.

Кузатиш вақтида фикрнинг фаол ишлаши кузатилган нарсаларни бир-бирига *таққослашда* жуда аниқ ва равшан кўрилади. Бир нарса бошқа бир нарса билан солиштирилса, унинг моҳиятини билиш, унинг қайси хил нарсалардан эканлигини ва хусусияти нималигини тушуниш осон бўлади.

Кузатиш масаласида айтиб ўтилиши лозим бўлган яна бир нарса кузатишнинг натижаларини яхши *баён қилишдир*, бу ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Агарда одам олиб борган кузатишларидан кейин ҳисобот бериши лозимлигини, кўрган ва эшитганларини баён қилиб бериш лозимлигини билса, бунда кузатишнинг тўла ва мазмунлилийги ошади. Бунинг сабаби шуки, одам кузатишни бошлагандан кейин, ҳисоб беришга кузатиш вақтидаёқ бирмунча амалий тайёргарлик кўриб, идрокнинг мазмунини сўз қолипига солиб пишитиб қўйишга ҳаракат қилади. Яъни кўрган ва эшитган нараларига аниқ бир ном беришга, уларнинг хоссаси ва хусусиятларини баён қилишга ҳаракат қилади. Бу эса идрок қилган нарсаларимизнинг маъносини тўла тушунишга, нимаким муҳим бўлса, шунга диққат билан эътибор қилишга, аниқ ва тўғри кузатишга мажбур этади. Баъзи одамларда саёҳат қилганда, музей ва кўргазмаларга, театр томошасига борганда ҳамда биронта ажойиб воқеани кўрганда ва кўрган эшитганларини ошна-оғайниларига ёки қариндошларига гапириб бермоқчи бўлиб, фикрларида буни ўйлаб қўйиш одати бор, бу одат одамнинг кузатувчанлиги бошқаларига қараганда ниҳоятда фойдалидир.

Кишининг яхши кузатувчи бўлмоғи учун тўла ва аниқ идрок қилишга моҳирлиги кифоя қилмайди. Бундан ташқари, идрок натижаларини кўп жиҳатдан фаҳмлаб олиш, идрок қилган нарсаларини моҳирона баён қила билиш маҳоратига ҳам эга бўлмоғи керак. Оддий кузатишдан идрок шу хусусияти билан фарқ қиладики, кузатишда иккинчи сигнал системаси биринчи сигнал системасига қараганда муҳим рол ўйнайди. Кузатиш бошдан охиригача биринчи ва иккинчи сигналлар системаси ўртасидаги ўзаро уйғун муносабатга асосланган психологик жараёнدير.

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Идрокнинг умумий таърифини айтиб беринг.
2. Идрокнинг физиологик асослари деганда нимани тушунаси?
3. Идрокнинг яхлитлиги, англаган бўлиши, айрим нарсаларга қаратилиши ва константлигини тасвирлаб беринг.
4. Фазони, вақтни ва ҳаракатни идрок қилишга мисоллар келтиринг.
5. Идрокнинг ривожланиши ва ўқувчиларда куза гувчанликни тарбиялаш ҳақида гапириб беринг.

### Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати

1. Б.Г. Аванъев и Е.Ф. Рыбалко. Особенности восприятия пространства у детей. –М.: «Просвещение», 1964.
2. Н.Н. Волков. Восприятие предмета и рисунка. –М.: РСФСР ПФА нашриёти, 1950.
3. В.А. Крутецкий и Н.С. Лукия. Психология подростка. 2-нашри. –М.: «Просвещение», 1965.
4. Э.Ғозиев. Умумий психология. II-китоб. –Тошкент: «Университет», 2002.
5. Э.Ғозиев. Психология (Ёш даврлар психологияси). –Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.
6. В.Каримова. Психология. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Тошкент: 2002.
7. М.Г. Давлетишин, С.М. Туячиева. Умумий психология. –Тошкент: 2002.
8. М.В. Воҳидов. Болалар психологияси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 й.
9. Я.М. Файзиев. Э.Х. Эшбоев. Умумий ва табиий психология. –Тошкент: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003 й.
10. Умумий психологиядан амалий машғулотлар. Проф. А.И. Шчербаков таҳрири остида. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1984.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### ХОТИРА

#### 7.1. Хотира тўғрисида умумий тушунча

Мавжуд дунёнинг акс эттирилаётган таъсири, кечинмалари, фикр ва мулоҳазаларни амалга оширилган ҳаракатлар хотира-мизда ўзига хос из қолдиради, уларнинг хотирада жамғариллиши тажриба асосида бўлиб, инсон ўзининг «Мен»ини англаши билан бойиб боради. Хотира ўқувчининг янги маълумотлар олишини, ўқишни ҳамда профессионал маҳоратни эгаллашни таъминлайди.

К.К.Платонов хотирага шундай психологик таъриф келтиради: «Хотира бу таъсиротларни психик акс эттиришдан иборат бўлиб, у эсда олиб қолиш, эсда сақлаб туриш ва кейинчалик қайта эсга тушириш ёки илгари идрок этилган, бошдан кечирилган нарсаларни қайта танишдан иборат психик жараёндир. Хотира туфайли одам ўтмиш авлод кишилари, жамғарган тажрибани эгаллаши, ўзининг шахсий тажрибасини амалий фаолиятда қўллаши, ўз билим, малака ва кўникмаларини бетўхтов кенгайтириши мумкин»<sup>1</sup>.

Хотиранинг ҳар қандай кўриниши энг аввало эсда олиб қолишни, яъни идрок қилинган материални қайд қилишни, сўнгра бу эслаб қолинган материални онгда маълум бир давргача (кўпинча жуда узоқ муддатга) сақлашни талаб қилади. Демак, эсда қолдириш ва сақлаш, эсга олиш ва таниш хотирада бўладиган асосий жараёнлардир. Бир нарсани эсда сақлаш учун уни хотирада сақлаш шартдир. Эсга олиш ва таниш бўлса бир объектнинг эсда қолганлигининг натижасидир ёки унинг хотирада қайта тикланишидир.

Қандай бўлмасин тасаввурларни, фикрларни, сўзларни, ҳисларни ва ҳаракатларни эсимизда сақлаганимизда ҳамиша биз уларни бир-бири билан муайян тартибда боғланган ҳолда эси-

---

<sup>1</sup> К.К. Платонов. Г.Г. Голубев. Психология. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1982 й.

мизда сақлаб қоламиз. Бирор хил боғланишлар ҳосил бўлмай туриб, бир нарсани на эсда сақлаб бўлади, на таниб ва на эслаб бўлади.

Биров «фалончанинг юзи жуда яхши эсимда қолди, қачон кўрсам дарров танийман» дейди. Бу нима дегани? Бунинг маъноси шуки, шу одамнинг юзи билан унинг номи ўртасида (ёки унинг сифатига оид бўлган бошқа биронта аломати ўртасида) маҳкам алоқа боғланиб, бу одамни кўрганда унинг номи эсга келади демакдир.

Хуллас кундалик тажрибамиз кўрсатадики, бошимиздан ўтган таассуротнинг ҳаммаси ҳам эсимизга тушавермайди, яъни кўрган, эшитган ва ўйлаган нарсаларимизнинг бир қисми унутилади. Демак, унутиш жараёни ҳам хотирага тааллуқли. Шундай қилиб, хотира эсга олиб қолиш, эсда сақлаш, қайта эсга тушириш ва унутишдан иборат бўлган психик жараёндр.

Шундай қилиб, хотира фаолиятининг асоси ҳамиша ҳар хил ассоциатив боғланишлардан иборатдир. Қуйида биз хотира фаолиятининг асосидаги психофизиологик ассоциациларни кўриб чиқамиз.

## 7.2. Ассоциация боғланишлари ва хотиранинг психофизиологик асослари

Ҳар қандай шароитда объектлар айна бир вақтда ёки бирин-кетин идрок қилинса, тасаввур қилинса ёки уланилса, улар ўртасида боғланиш пайдо бўлади, кейин бу объектлардан бири идрок ёки тасаввур қилинса бошқалари ҳам эсга келади.


Мана бу қонун *ассоциация қонуни* дейилади. Ассоциацияларнинг психофизиологик асоси муваққат нерв боғланишлар ҳосил бўлиш механизмидан иборат бўлиб, бу механизмни И.П. Павлов ҳайвонларда бўладиган шартли рефлексларни текшириш муносабати билан очиб беради.

Ассоциация тегишли психик жараёнлар айна бир вақтда ёки бирданига кетма-кетига такрорлансагина юз беради. Шартли рефлекслар ҳосил бўлишининг асосий қондаси ҳам шундайдир. Итда биронта қўзғатувчига нисбатан шартли рефлекс пайдо қилдириш учун, масалан, қўнғироқ чалганда оғиздан сўлак келишдан иборат бўлган рефлекс пайдо қилиш учун, ҳар гал қўнғироқ чалганда, итга овқат бериш ва буни бир неча бор так-

рор қилиш керак бўлади. Бошқача айтганда, қўнғироқ чалиш билан овқат бериш бир неча марта айна бир вақтда ёки кетма-кетига такрорланмоғи керак, яъни қўнғироқ чалинганда, овқат берилмоғи керак. Шундай қилиб, айна бир вақтда *воқе бўлиши* ассоциациялар ҳосил бўлиши учун ҳам, шартли рефлекслар ҳосил бўлиши учун ҳам энг биринчи шартдир.

13-жадвал

#### Хотиранинг маҳсулдорлиги




Шартли рефлекслар ҳосил бўлиши учун ҳам, ассоциациялар ҳосил бўлиши учун ҳам керак бўлган муҳим шартларнинг иккинчиси *такрорландир*. Қўнғироқ чалганда шартли рефлекс туғилиши учун қўнғироқ чалган ҳамано овқат қанча кўп марта бир-бирига тўғри келса, шартли рефлекс шунча мустаҳкамланади. Ассоциациялар ҳосил бўлишида ҳам шу ҳолни кўрамиз. Масалан, телефон номерининг эсда қолиши учун уни бир неча марта такрорлаш шарт. Бир чет тили сўзининг маъноси эсда маҳкам ўрнашиб қолиши учун, уни мумкин қадар гапириш, такрорлаш, уни матнда кўпроқ ўқиш, кўпроқ эшитиш ва кўпроқ гапириш керак бўлади.

Шартли рефлекс билан ассоциация асосини ташкил қилган нерв боғланишлари, ка гта мия ярим шарларининг пўстида содир бўлган икки психик ва физиологик жараён мавжуд бир маҳалда бўлганда вужудга келганда ҳамда бу боғланиш такрорланиш натижасида мустаҳкамланади. Шу тариқа ҳосил бўладиган боғланишларни И.П. Павлов муваққат боғланишлар деб атади. «Муваққат нерв боғланишлар, – деб ёзади И.П. Павлов, – ҳайвонлар оламида ва бизнинг ўзимизда ҳам энг универсал физиологик ҳодисадир. Шу билан бирга у психик ҳодиса ҳам-

дир, у турли-туман ҳаракат, таассурот ё бўлмаса харфлар, сўзлар ва фикрлар ўртасида пайдо бўладиган боғланишлардирки, бу боғланишларни психологлар ассоциация деб атайдилар».

14-жадвал

#### Мантиқий эсда олиб қолишнинг босқичлари



И.П. Павлов ва унинг шогирдлари томонидан қилинган текширишлар туфайли нервлар ўртасида бу хил боғланишларнинг қандай пайдо бўлиши тўғрисидаги асосий қонунлар аниқланди. Шундай қилиб, ассоциацияларнинг физиологик асослари ҳозир етарли даражада батафсил ўрганилгандир.

### 7.3. Хотира турлари

Хотира инсоннинг ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида қатнашиш туфайли унинг намоён бўлиш шакллари, ҳолатлари, хусусиятлари, шарт-шароитлари, омиллари ҳам хилма-хил кўринишга эгадир.

Одатда хотиранинг турларига ва уларни муайян турларга ажратишда энг муҳим асос қилиб, унинг характеристикасини эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, қайта эсга тушириш, эслаш, таниш сингари жараёнларни амалга оширувчи фаолиятнинг хусусиятларига боғлиқлиги олинади.

Умумий психологияда хотира профессор Э. Ғозиевнинг фикрича 5 та муҳим мезонга мувофиқ равишда турларга, кўринишларга ажратилади:

1. Руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра хотира қуйидаги турларга бўлинади:

- а) ҳаракат ёки мотор ҳаракат хотираси;
- б) образли хотира;
- в) ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси;
- г) сўз мантиқ хотираси.

2. Руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан:

- а) ихтиёрсиз;
- б) ихтиёрий;
- в) механик.

3. Руҳий фаолиятнинг давомийлигига кўра:

- а) қисқа муддатли хотира;
- б) узоқ муддатли хотира;
- в) оператив (тезкор) хотира.

4. Руҳий фаолият қўзғатувчисининг сифатига кўра:

- а) мусиқий; б) эшитиш хотираси.

5. Руҳий фаолиятнинг инсон йўналишига қараб:

- а) феноменал хотира;
- б) касбий хотира.

**1. Ҳаракат хотираси.** Инсон фаолиятининг ҳар бир турида руҳий фаолликнинг у ёки бу кўринишлари устунлик қилиши кузатилади. Масалан, ҳаракат, ҳиссиёт, идрок, ақл-заковат каби руҳий фаолиятнинг кўринишлари мавжуддир. Ана шу руҳий фаоллик турларининг ҳар бири тегишли ҳаракатларда ва уларнинг маҳсулотларида ўз ифодасини топиб, ҳаракатларда, ҳиссий кечинмаларда, туйғуларда, образларда, тимсолларда фикр ва мулоҳазаларда акс этади. Буларнинг барчасига хизмат қилувчи хотиранинг ўзига хос турларига нисбатан психология фанида илмий тушунчалар тариқасида ном берилган: ҳаракат, ҳиссиёт, образли ва сўз - мантиқ хотира.

Хуллас, турли ҳаракатлар ва уларнинг бажарилиш тартиби, тезлиги, изчиллиги эсга тушириш, умуман меҳнат кўникмалари хотиранинг шу турига тааллуқли.

**2. Асосий хотира жараёнлари.** Эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш хотиранинг асосий кўринишларидир.

Энди буларнинг ҳар қайсисини алоҳида кўриб чиқамиз.

**Эсда қолдириш** идрок қилинган нарсаларнинг онгимизда маҳкам сақланиб қолиши демакдир. Эсда қолдиришнинг қуйи-

даги турлари ажратилади: ихтиёрий ва ихтиёрсиз эсда қолдириш, ассоциатив (механик) ва мантиқий (онгли) эсда қолдириш.

*А. Ихтиёрий эсда қолдириш* деганда, маълум мақсадни рўёбга чиқариш учун ақлий ҳаракатларга суянган ҳолда психологик кучимизни сарф этиб ва алоҳида усуллардан фойдаланиб, махсус эсда қолдиришдан иборат хотира жараёнини тушунамиз. Бу фаолиятни одатда бевосита онг бошқаради.

Таълим ва тарбия олиш, ҳунар ва малака эгаллаш жараёни ихтиёрий эсда қолдиришга ва кишининг иродасига боғлиқдир. Ихтиёрий эсда қолдириш айниқса ўқувчилар ҳаётида катта рол уйнайди. Чунки ўқиш, билимни ўзлаштириш асосан ихтиёрий эсда қолдиришни талаб этади. Ўқиш материални яхши, пухта ўзлаштириш учун ўқувчи қунт билан ўқийди ва ҳар хил таълимий усуллардан фойдаланади.

*Б. Ихтиёрсиз эсда қолдириш* Э. Ғозиевнинг тадқиқот натижаларига кўра, хотира тараққиётида иккита кетма-кет босқичларни эътиборга олиш зарур. Ихтиёрсиз хотиранинг турмушда ва меҳнат фаолиятида катта ўрин эгаллашини ҳар ким ўз шахсий тажрибасидан билади. Ихтиёрсиз хотиранинг муҳим хусусиятларидан бири, махсус мақсадимиз, ақлий, асабий, иродавий зўр беришсиз ҳаётий аҳамиятга эга бўлган кенг кўламдаги маълумот, хабар, ахборот, таассуротнинг кўпчилик қисмини акс эттиришдир. Масалан, ўқиган романларимизнинг, эшитган марокли суҳбатларимизнинг мазмунини ва ҳаяжонли воқеаларни, ҳодисаларни кучли таъсир кўрсатганлиги учун диққатимизни беихтиёр ўзига жалб этган нарсаларни биз шундай эсда қолдирамиз ва кўпинча бундай таассуротлар хотирамизда умрбод сақланиб қолади.

Аmmo ихтиёрсиз эсда қолдириш кўп ҳолларда тасодифий бўлгани учун бу хил хотира билим ўзлаштиришда муҳим рол ўйнамайди. Биз яшаётган тезкор ҳаётда, глобал тараққиётнинг турли йўналишида, ижтимоий ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида шундай мураккаб билим ва малакалар талаб этиладики, уларни зўр бермасдан осонгина ўзлаштириб бўлмайди. Улар ихтиёрий эсда қолдиришни тақозо этади.

*В. Онгли (мантиқий) эсда қолдириш* материалнинг мазмунига тушуниб, онгли эсда олиб қолиш демакдир. Механик эсда қолдириш учун материални бир неча марта такрорлаш шарт, натижада у айнан эсда қолади. Мантиқий эсда қол-

дириш эса маъносини тушуниш асосида бўлгани учун материалнинг мазмуни, маъноси эсда қолади. Аммо одамнинг кундалик ҳаёти ва фаолияти учун хотиранинг ҳар икки ҳили ҳам катта аҳамиятга эга. Айниқса ўқиш, ўқитиш жараёнида буларнинг аҳамияти катта. Масалан, мумтоз адабиётларда берилган шеърни ўрганиб олиш учун албатта унинг мазмунини тушуниб олиш керак, аммо бу кифоя қилмайди. Шеърда берилган сўзларнинг маълум тартибда бир-бирига боғланишларини ҳам тушуна билиш талаб қилинади. Бунинг учун шу сўзларни бир неча марта такрорлаш йўли билан уларнинг бир-бирига қандай боғланишлари пухта эсга олиб қолинади, бунда бир сўзни эсга тушириш билан бошқалари ҳам эсга тушаверади. Махсус тажрибалар йўли билан шундай бир психологик қоида аниқланганки, фақат механик хотира асосидагина ўзлаштирилган материал кўп такрорлашни талаб қилади.

Аммо шундай бўлса ҳам тез унутилади. Аксинча материалнинг мазмунига тушуниб, мантиқий эсда қолдириш мустаҳкам бўлади. Масалан, 80 сўздан тузилган шеърни ёдлаб олиш учун 8 марта қайтариш кифоя қилган бўлса, маъносиз бўғинлардан тузилган 80 сўзни эсда қолдириш учун 80 марта, яъни 10 марта кўпроқ такрорлаш талаб қилинар экан.

Демак, ҳар қандай рақам, географик номлар, тарихий воқеаларнинг йилларини ва шу сингари механик хотира асосида ўзлаштириладиган материалларни ҳам мантиқий эсда қолдириш орқали ўрганиш лозим. Мантиқий хотира айниқса таълим-тарбия орқали, билим ва тажриба орттириш туфайли ривожланиб боради.

3. *Хотирада қайтадан тиклаш ва унинг турлари.* Ўтмишда идрок қилинган нарсаларни кечирилган туйғу, фикр ва ҳаракатларни эсга тушириш демакдир. Идрок қилинган нарсаларнинг онгимизда тикланган образлари *тасаввур* деб аталади. Тасаввур хотира маҳсулидир, яъни ўтмишда кўрган, эшитган нарсаларнинг образини кўз олдига келтиришдир. Қайтадан тиклашнинг асосий кўринишлари таниш ва эслашдир.

*Эслаш* – буюм ва ҳодисаларнинг ўзларини қайта идрок қилмасдан, уларнинг образларини онгимизда тиклашдир. Масалан, биз ўтган воқеаларни, кечирилган туйғу-ҳисларни, ўзлаштирилган билимни ана шу йўл билан эсга тушираемиз. Эслаш яна

ихтиёрсиз ва ихтиёрий турларга ажратилади.

*Ихтиёрийсиз эслани* ҳар қандай сўз ва тасаввурларнинг ўз-ўзича хотирага келиши демакдир. Бу асосан ёндошлик, ўхшашлик ва қарама-қарши боғланишлар (ассоциациялар) билан вужудга келади, яъни бир фикр ёки тасаввур ўзига боғлиқ бўлган бошқа фикр ва тасаввурларни уйғотади. Масалан, «мактаб» деган сўз ўқитувчилар, ўқувчилар, парта, дафтар, дарслик ва ҳоказоларни тасаввур қилишга сабаб бўлади.

*Ихтиёрий эслаш* мақсад учун керак бўлиб қолган бирорта хотира материални махсус эсга тушириш демакдир. Масалан, ўзлаштирган билимни, тарихий воқеаларни, уларнинг йил ва ойларини, ўқитувчининг берган дарсини ана шундай хотирага келтирамиз. Ўқишнинг самарадорлиги ихтиёрий эсда қолдириш ва ихтиёрий эсга туширишга боғлиқ. Хотиранинг бу томонлари айниқса ўқиш жараёнида мустаҳкамланади ва ривожланади.

*7. Эсда олиб қолиш ва унутиш.* Биз хотирамизда қолган ўзлаштириш материални бир неча вақт ўтгандан кейин ҳам хотирлай оламиз, чунки у онгимизда сақланиб туради. Эсда олиб қолиш нерв системасида, мия ярим шарларида мустаҳкамланган нерв боғланишлари ва нерв системасининг пластиклиги билан изоҳланади, яъни миямиз ўтмишдаги таассуротни қайтадан тиклашга тайёр туради. Шу сабабли хотирада қолган материал аниқ, мукамал ва осонлик билан тез эсга тушмоғи ёки қийинчилик билан секин, чала, ноаниқ, аранг эсга тушмоғи мумкин. Материални чала, чигал ва ноаниқ хотирлаш – *унутиш* деб аталади. Унутиш бирор материални эсга туширишда қийналиб қолишдир.

Биз бирор кишининг хотирасига баҳо берар эканмиз, унинг материални тез, секин, қисман ёки бутунлай, эсдан чиқаришини назарда тутамиз ва шунга қараб, унинг хотирасига яхши ёки ёмон деб баҳо берамиз.

Физиологик жиҳатдан унутиш ҳодисаси мия пўстининг айрим бўлаклари ўртасида «очилган йўллар»нинг ёки шартли боғланишларнинг узилиши билан изоҳланади. Унутиш ҳодисасида психологик қоидалар борлиги аниқланганки, ҳозир ўзлаштирилган материал шу оннинг ўзида эслатилса, унинг кўп қисми унутилгани маълум бўлади, бир неча вақт ўтгандан кейин эсланса материалнинг кўп қисми эсга тушади, унутиш кам

бўлади. Шу сабабли талаба ёки мактаб ўқувчиларининг имтиҳонларга тайёрланишида айна имтиҳонлар арафасида эмас, балки анча олдин киришиш психологик тайёргарлик жиҳатдан анча тўғри бўлади. Унутишнинг олдини олиш учун энг аввало материални такрорлаш унинг мазмунини тушуниб олишга аҳамият бериш ва хотирани сифатли қилиш учун нималар шарт эканлигини билмоқ лозим.

*5. Хотира типлари.* Ҳамманинг хотираси бирдай бўлавермайди. Ҳар кимнинг ўзига хос хотира хусусиятлари бор. Ҳар кимнинг хотирасидаги фарқ хотиранинг кучида ифодаланади. Шунинг учун одамлар хотираси кучли, хотираси заиф каби тоифаларга бўлинади. Ҳар бир кишининг кундалик фаолияти, касби олган таълим-тарбияси ва ўз қизиқишлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам хотира типларга бўлинади.

Хотира ҳажми жиҳатдан кенг ва тор ҳажмли хотира типларига бўлинади. Биринчи типдаги кишиларнинг хотираси идрок қилинган нарсаларнинг кўп қисмини сақлаб қолади ва бой мазмунли бўлади. Иккинчи типдаги кишиларнинг хотираси аксинча жуда кам нарсани олиб қолиш билан характерланади. Кишилар яна аниқ ва мукамал хотирлаш жиҳатидан ҳам бири-биридан фарқ қиладилар. Баъзи кишилар хотирада қолган нарсаларни тўла-тўқис, тартибли ва жуда аниқ эсга тушира оладилар. Баъзи кишилар эса чала, чалкаш ва ноаниқ хотирлайдилар, кўп янглишадилар.

Эсда қолдириш ва унутиш тезлиги даражасига қараб ҳам хотирани қуйидаги типларга ажратиш ўринлидир:

Эсда қолдириш тезлиги		Эсдан чиқариш тезлиги
1- тез эсда қолдиради	—	Секин унутади
2- секин эсда қолдиради	—	Секин унутади
3- тез эсда қолдиради	—	Тез унутади
4- секин эсда қолдиради	—	Тез унутади

Бу типлардан энг яхшиси биринчи типдир, чунки бундай шахслар материални бир-икки кўриб чиқиш биланоқ, уни мустаҳкам эсда олиб қоладилар ва узоқ вақтгача унутмайдилар. Аммо бу типдаги хотира камроқ учрайди. Иккинчи типдаги шахслар материални кўп куч сарф этиб, кўп такрорлаб, ҳар

хил усуллардан фойдаланиб ўзлаштирадилар ва мустаҳкам эсда тутадилар. Аъло ва яхши ўқувчиларнинг кўп қисми шу типларга киради. Улар ўқишнинг аҳамиятига тушунган, ўқишга ихлос қўйган ва муваффақиятли ўқиш усулларини билиб олган бўладилар. Учинчи типдаги шахслар материални дарров эсда олиб қоладилар, уни ўқитувчилар оғзидан чиқиши биланоқ илиб олгандай, тез ўзлаштирадилар, аммо жуда тез эсдан ҳам чиқариб қўядилар. Бундай ўқувчиларга материални тез-тез такрорлаб туриш ҳақида тегишли маслаҳатлар ва айрим топшириқлар бериб туриш, берилган вазифининг қандай бажарилишини текшириб бориш керак. Хотиранинг энг заиф типидир – тўртинчиси. Бу типдаги ўқувчилар секинлик билан ўзлаштириш-ганларини дарров эсдан ҳам чиқариб қўядилар, улар кўп куч, кўп вақт сарф қилсалар ҳам меҳнатлари натижасиз қолади. Хотиранинг бу типиди ўз вақтида мактабга кирмаган, таълим-тарбиядан орқада қолган болаларда учрайди ёки биронта касалга мубтало бўлган кишиларда бўлиши мумкин. Тажриба кўрсатганидек, бундай шахсларни даволаш, уларга ёрдам кўрсатиш ва тўғри таълим-тарбия бериш натижасида уларнинг хотираси тузалади ва мустаҳкамланади.

Хотира типларини яна сезги аъзоларининг ролига қараб ҳам бир нечта гуруҳга ажратадилар. Улар: **кўриш, эшитиш ва ҳаракат (моторик) типларидир.**

Баъзи шахслар материални ўз кўзлари билан кўрсалар уни осонроқ ва тезроқ эсда олиб қоладилар ва материални хотирлаганларида ҳам унинг кўринишини, масалан, ёзма шаклини эслайдилар. Бу **кўриш типидир.** Бошқалар эшитиш орқали тезроқ ўзлаштириб оладилар. Булар **эшитиш типига** киради. Баъзи шахслар эса қўл мускулларини ва лабларини ҳаракатлантириб, яъни уни ёзиб олиш, шивирлаб гапириш каби ҳаракатлар орқали осон ва тезроқ эсда қолдирадилар, булар **ҳаракат (моторик) типидир.**

Аммо шу хилдаги «соф типлар» кам учрайди, кўпинча бу типлар аралаш ҳолда кўринади, яъни кўриш ҳаракат типиди, эшитиш ҳаракат типиди, кўриш – эшитиш типиди ҳолида кўринади.

Хотиранинг бу типлари ҳам асосан турмуш, касб ва маҳоратга боғлиқ. Мактабларимизда ҳар хил ўқитиш ва тарбия методларидан фойдаланиб, хотиранинг ҳамма томонлари ри-

вожлантирилади, шу билан бирга ўқувчиларнинг хотирасига хос шахсий (индивидуал) хусусиятлар ҳам назарга олинади.

### **Хотирани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш**

Турмушнинг ҳар бир соҳасида ва айниқса ўқишда кўп нарсаларни эсга олиб қолиш ва эсга тушириш талаб қилинади. Янги материални, зарур бўлиб қолган билим-малакани тезлик билан эсда олиб қолиш ва хотира материални тез ва тўла-тўқис эсга тушириш хотиранинг мустаҳкам ва кучли эканлигини кўрсатади. Хотиранинг бу сифатлари нимага боғлиқ бўлишини қуйидаги хотира қонуниятларидан билиб олиш мумкин.

1. **Мақсаднинг қатъийлиги ва аниқлиги.** Мақсадни қатъий ва аниқ қўйиш материалнинг мустаҳкам эсда қолишига сабабчи бўлади. Исбот қилинганки, мақсад бу тарзда қўйилмаса, материал ёдда қолмайди ёки ўзлаштириш суст боради. Аммо «мен шу материални, албатта, ёдлаб олишим керак» деган мақсад қўйилса, у тез ва мустаҳкам эсда қолади.

Материални доимо эсда сақлаб қолиш ёки уни қисқа вақт учунгина билиш мақсади ҳам катта рол ўйнайди. Шу нарса исбот қилинганки, ҳажми ва оғирлиги баробар бўлган икки хил материал (масалан, шеър)ни ўрганиб олиш вазифасини ўқувчиларга топшириб, булардан биринчисини эртага, иккинчисини эса бир ҳафтадан кейин айтиб беришлари ҳақида уларни огоҳлантирганлар. Аммо уларни бир ҳафтадан кейин эмас, балки икки ҳафта ўтказиб сўраганларида, материалнинг биринчисига кўра, иккинчиси мустаҳкамроқ эсда қолганлиги маълум бўлган. Баъзи ўқувчилар дарсни эртага ўқитувчига айтиб берип мақсадидагина ўзлаштирадилар. Бундай билим мустаҳкам бўлмайди ва тез унутилади. Шу сабабли дарсни ўзлаштиришда уни доимо эсда сақлаб туриш мақсади билан ишга киришиш ва буни одат қилиш лозим.

2. **Диққатнинг аҳамияти.** Хотиранинг мустаҳкам ва сифатли бўлиши диққатнинг қанчалик фаол ва кучли бўлишига ҳам боғлиқ. Диққатни бир нуқтага тўплай олмаслик, қунт билан ишлай олмаслик хотиранинг сифатини пасайтиради ва материални эсда сақлаб қолиш учун кўп вақт сарф қилишни талаб этади. Чала диққат билан ўн марта такрорлашдан кўра, диққатни мустаҳкам тўплаб, бир-икки такрорлаш тез ва яхши нати-

жа беради, вақт ва куч кам сарф қилинади. Хотираси бўшлигидан шикоят қилувчи кишиларнинг кўпинча диққатлари бўш ва тарқоқ эканлиги аниқланган. Бу эса иродага боғлиқ. Иродаси бўш кишилар ўз диққатларини уюштира олмайдилар, зўр бериб, чидам билан ишлай олмайдилар, қўйган мақсадларига эриша-олмайдилар. Ирода ва диққатнинг мустаҳкамлиги ҳам ўзлаштиришнинг сифатини белгилайди.

3. **Ўзлаштириладиган материалнинг маъносига тушунишнинг аҳамияти.** Материалнинг маъносига тушунмасдан, уни қуруқ такрорлай-вериш усули, яъни механик равишда ёдлаш энг натижасиз ноқулай усул бўлиб, унга кўп вақт ва кўп куч сарфланади. Материалнинг маъносига тушуниб, яъни унинг мантиқий асосини тушуниб ўзлаштириш осонроқ ва мустаҳкамроқ бўлиб, бу усул билан эса қолдирилган материал унутилмайди. Онгли ўзлаштириш учун материал устида пухта диққат билан фаол ишлаш керак. Материалнинг энг муҳим қисмини бошқа қисмлардан фикран ажратиб, уни маълум режага солиш ва даставвал унинг муҳим асосий қисмини ўзлаштириш ва сўнгра қолган қисмларини ўрганиш керак. Демак, материални онгли ўзлаштириш учун уни даставвал ана шундай тартибда ишлаб чиқиш, сўнгра уни такрорлаш йўли билан хотирада мустаҳкамлаш лозим.

4. **Такрорлашнинг аҳамияти ва унинг энг яхши усуллари.** «Деҳқон бўлсанг шудгор қил, мулла бўлсанг такрор қил» деган мақол бор. Ҳақиқатдан ҳам ўзлаштирилиши лозим бўлган материални такрорламасдан эса сақлаб қолиш мумкин эмас. Материалнинг мазмуни ва маъносини тушуниб олгандан кейин уни такрорлашга ўтиш керак. Бусиз материал эса қолмайди. Аммо такрорлашнинг энг яхши усули материални ҳа деб ўқий-вермасдан, бир-икки марта ўқиб чиқиб, уни китобга қарамасдан ўз ичида қайтариш ёки гапириб беришдир. Бу усул жуда яхши натижа беради, чунки у диққатни фаоллаштиради ва кам вақт олади. Бу усул **фаол такрорлаш** дейилади.

Китобдан бошни кўтармасдан, уни кетма-кет ўқий бериш механик эса қолдиришга суянади ва уни миёда то мустаҳкам қолгунча такрорлайверишни талаб этади. Бу усулни эса **сул такрорлаш** дейилади. Шунинг учун материалнинг мазмуни билан танишиб бўлгандан кейин уни дарров ўз-ўзига айтиб бериш ва қийналиб қолган жойларда китобга қараб ўзлашти-

риш усулига одатланиш жуда муҳим.

Шуниси ҳам борки, оз вақт ичида кетма-кет такрорлашдан кўра, орасида бироз вақт ўтказиб такрорлаш яхшироқ натижа беради. Бир шеърни бирданига эса қолдириш учун 16 марта такрорлаш талаб қилинган. Худди шу шеърнинг ўзини орадан вақт ўтказиб, уни кунига икки мартадан такрор қилиб бориш эса фақат 8 марта такрорлашни талаб қилган. Шу сабабли ўтган материални имтиҳон олдида тухтовсиз такрорлашдан кўра, уни ўқув йили давомида вақти-вақти билан қайтариб бориш яхшироқ натижа беради.

5. **Материалнинг ҳажми.** Тез ва мустаҳкам эса қолдиришда материалнинг катта-кичиклиги, яъни ҳажми ҳам маълум аҳамиятга эга. Материал (достон, адабий парча)нинг ҳажми катта бўлмаса уни бутун ҳолича бирданига ўзлаштириш маъқулдир. Катта материални эса аввало бошидан охиригача кўриб чиқиб, мазмуни билан танишиш, кейин уни тўлиқ маъно берадиган мантиқий бўлақларга тақсим қилиш ва ҳар бир бўлағини айрим ўзлаштириш, сўнгра уни яна бир марта сурункасига кўздан кечириш энг маъқул усулдир. Маълум бўлишича, материалнинг мазмунига эътибор бермасдан, уни тасодифий парчаларга бўлиб ўрганиб олиш учун 45 марта такрорлаш керак бўлган. Худди шу материалнинг ўзини мантиқий ва тугал маъно берадиган парчаларга тақсим қилиб ўрганиш учун фақат 12 марта такрорлаш кифоя қилган.

6. **Материални идрок қилиш усуллари ҳам хотиранинг сифатига таъсир кўрсатади.** Ўзлаштириш учун зарур бўлган материални аввало идрок қилиш, яъни уни кўриш, эшитиш керак. Аниқ, тўғри ва мукамал идрок қилинган материал яхши ўзлаштирилади. Маълумки, материални қабул қилишда қанча кўп сезги аъзолари иштирок қилса, материал ҳам шунча яхши эса қолади. Материални мустаҳкам ўзлаштириш учун уни ҳам эшитиш, ҳам кўриш, унинг расмини солиб олиш, схемасини чизиш йўли билан идрок қилиш керак. Бунда ҳаракат аъзолари айниқса, муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли ўқиш материали устида ҳар қандай ёзиш-чизиш машқлари катта аҳамиятга эга ва шу йўл билан ўзлаштирилган материал унутилмайди.

Шуни ҳам эса тутмоқ керакки, материал қай равишда идрок қилинган бўлса мияга шу равишда сингиб қолади. Шу сабабли ўзлаштириладиган материалнинг тартибли, системали,

тўғри, равшан бўлиши ҳамда ўзлаштирилиши лозим бўлган сўзларнинг аниқ талаффузи, тўғри ёзиб олиниши катта аҳамиятга эга. Савод чиқариш даврида ва чет тилларни ўрганишда имло ёзишдан кўра, китобдан айнан кўчириб ёзиш маъқулдир.

**7. Материални ўзлаштириш учун энг қулай пайтни билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.** Ўқиш материални ёдда олиб қолиш учун энг ўнғай вақт кечки вақтдир. Кечқурун ўзлаштирилган материал янги бир материал ёки бошқа таъсиротлар билан аралашиб, чалғиб кетмайди. Кечқурун ўрганиб олган материал эрталаб яна бир-икки марта такрорланса, у жуда мустаҳкам сақланиб қолади. Аммо қийин масалаларни ечиш, мураккаб материал устида ишлаш ва ижод қилиш учун эрталабки вақт энг қулай вақтдир.

Шуниси ҳам борки, ўқишда ҳар хил фанларга оид турлитуман материалларни ўзлаштириш керак. Буларнинг хотирада аралашиб кетиб, бир-бирини сиқиб чиқармаслиги учун қуйидаги қоидага риоя қилмоқ лозим. Бир-бирига ўхшаш фанларни кетма-кет ўқиш маъқул эмас. Агар бир кунда тарих, адабиёт ва алгебра фанларидан дарс тайёрлаш керак бўлса, аввал адабиёт дарсини, кейин алгебрани ва сўнгра тарих дарсини тайёрлаш маъқул. Бир дарсни тайёрлаб бўлгандан кейин 5-10 минут дам олиш керак.

**8. Кишининг тажрибаси, қизиқиши ва эҳтиёжлари ҳам хотиранинг сифатига ва мазмунига таъсир қилади.** Маълумки, янги материални ўзлаштириш учун уни эски материалга боғлаш лозим. Илгариги билимларимизга ҳеч боғланмаган янги материал қийинчилик билан ўзлаштирилади. Шунинг учун ҳар қандай йўллар билан, яъни китоб, газета, журналлар ўқиш, экскурсияларга чиқиш, музей ва кўрғазмаларга бориш, тўғаракларда иштирок этиш орқали тажриба орттириш фикр доирасини кенгайтиришда катта аҳамиятга эга. Чунки одамнинг билими ва тажрибаси қанча бой бўлса, унинг онгида ҳар қандай ассоциатив ва мантиқий боғланишлар учун қулайлик ҳам кўп бўлиб, материал ҳам тез ва мустаҳкам ўзлаштирилади. Албатта, кишининг қизиқиши ва эҳтиёжларига, унинг мақсади ва касб-корига боғлиқ нарсалар, айниқса кишининг бевосита фаолияти учун зарур бўлган материал тез ва мустаҳкам эсда қолади ҳамда ёдидан чиқмайди.

Маълумки, киши нимага ихлос қўйса, шунини мустаҳкам эсда

қолдиради.

Ўқувчиларда мактабда ўтиладиган фанларга қизиқиш туғдириш, уларни билимга ҳаваслантириш орқали ўқувчиларнинг хотирасини кенгайтириш ва кучайтириш мумкин. Демак, бу билан дарсни ўзлаштириш-нинг сифатини ҳам ошириш мумкин.

Юқорида айтилганларни яқунлаб, шуни кўрсатиб ўтиш зарурдирки, хотирани қандайдир сунъий машқ қилиш орқали ўстириш мумкин эмас. Яхши ва кучли хотира шахснинг ҳар тарафлама камолотга етиши маҳсулидир. Мактабдаги таълим-тарбия талабларига мувофиқ, ўсмир шахсни ҳар тарафлама юксалтириш туфайли унинг хотираси кенгайтирилади ва бойи-тилади.

#### 7.4. Хотиранинг ривожланиши

Маълумки, психик жараёнларнинг ҳамма турлари болалик чоғидан ривожлана бошлайди ва уларнинг бу ривож асосан боланинг яшаган муҳити, фаолияти ва олган таълим-тарбиясига боғлиқ бўлади.

Хотира бола ҳаётининг биринчи кунлариданоқ ўса бошлайди. Энг аввал боланинг хотираси шартли рефлекс шаклида кўрина бошлайди. Чақалоқ бешик билан қўлга олишнинг фарқига боради. Шу билан бирга болани қўлга олсалар, у дарров сут эмиш учун бошини буриб, оғиз-лабларини қимирлата бошлайди. Демак, бола «қўлга олиш» ва «эмиш» каби ҳаракатларни бир-бирига боғлаб, қўлга олиниши билан эмизишни ҳам талаб этади. Яъни шу ҳаракатларни бир-бирига боғлаб, эсда қолдирган бўлади. Бола алла айтиб ухлатилса, у буни ҳам эсда сақлаб қолади ва кейин алласиз ухламайдиган бўлиб қолади. Икки ойдан кейин чақалоқ ўзи кунда кўриб юрган киши ва буюмларнинг образларини ҳам эсда қолдириб, уларни танийдиган бўлиб қолади. 3-4 ойлик чақалоқ бегона ёки кам кўринадиган кишилардан бегонасирайди. Кўрмаган бир жойга олиб борилганда теварак- атрофни кўздан кечириб йиғлай бошлайди. Демак, у бунгача кўриб ва одатланиб қолган нарса билан ҳали кўрмаган, янги нарсаларнинг фарқига боради. Танимаган янги нарсадан бегонасирайди, аксинча, таниш нарсалардан хурсанд бўлади. Буларнинг ҳаммаси хотирага тегишли ху-

сусиятлардир.

Бола бир нарсадан қўрқса ёки бир нарсага қўлни тегизиб, уни оғритиб қўйса, шундан пайдо бўладиган ёқимсиз туйғуларни ҳам эсда сақлаб қолади ва шу нарсаларни такрор кўрганида йиғлай бошлайди ёки қўлини яна тегизмаслик учун эҳтиёт юзасидан қўлини олиб қочади.

5-6 ойдан кейин эса бола айрим сўзларни маълум нарсаларга боғлай бошлайди, шу нарсанинг отини эшитиш билан унинг ўзини ҳам кўзи билан қидира бошлайди, ўзининг отини билиб олади.

Демак, хотиранинг ҳамма турлари, яъни ҳаракат, туйғу, образли ва сўз-маъно хотиралари кичик ёшданоқ, боланинг ўсиб мустақамланиб бораётган мияси ва катталардан оладиган тарбияси асосида ривожланиб боради, боланинг ўйин фаолияти, ўқиш меҳнати жараёнида ва нутқи орқали тараққий топади. Аммо ҳар хил ёшдаги болаларнинг диққатига хос бўлган хусусиятлар бор.

Боғча ёшдаги болалар кўпинча кўрган ва эшитганларини ихтиёрсиз эсда қолдирадидлар. Кичик ёшдаги болалар бирорта материални эсда сақлаб қолиш вазифаси ёки мақсадини қўя билмайдилар. Одатда, болалар диққатини жалб этган, уларга кучли таъсир кўрсатган, жуда қизиқтирган, кўзга ташланадиган буюм ва ҳодисаларни беихтиёр ва енгиллик билан эсда сақлаб қоладилар.

Кўпинча боғча ёшидаги болалар бир эшитган шеър, қўшиқ ва эртақларини қайта-қайта айтиб беришни талаб этадилар, уларни такрор эшитишдан зерикмайдилар. Аммо уларнинг бу талаби шу материални, албатта, ёддан билиб олиш учун эмас, улар буни эшитиб хурсанд бўлишни хоҳлайдилар, унинг мазмунига ёки шеърнинг вазни ва қофияли бўлишидан завқланадилар, такрор эшитавериб, уларни ёддан ҳам билиб оладилар. Боғча ёшидаги болага бир эртақни такрор-такрор ҳикоя қилиш керак, бу боланинг хотира ва тасавурларини мустақамлайди.

Рус психологи Истомина ўтказган тажрибага биноан, 3-5 яшар болаларни бир неча сўзни ёддан билиб олишга мажбур этилса, улар буни яхши ва тез била олмайдилар, уларнинг буни ўрганиб олишга тоқати бўлмайди. Аммо худди шу сўзлар ўйинга аралаштирилса, улар тез ўзлаштириб оладилар. Демак, боғ-

ча ёшида, шунингдек, кичик мактаб ёшида ҳам бехатиёр жуда олиб қолиш ҳукм суради ва бу болаларнинг қизиқишига боғлиқ бўлади. Шунинг учун кичик мактаб ёшидаги болаларда ўқил материалга қизиқишни тугдириш катта аҳамиятга эга. Аммо ихтиёрий эса қолдириш 6-7 яшар болаларда, хусусан мактаб ёшидаги болаларда, ривожлана бошлайди. Албатта, биз кичкина боланинг диққатини бир нарсага жалб этиб ёки унга бир иш буюриб, бир нарса қилишни тайинлаб, шуларни эса тутишни талаб этамиз. Демак, бирор нарсани эса сақлаб қолиш мақсадини унинг олдига ўзимиз қўямиз. Аммо мактабда ўқиш, асосан, ихтиёрий эса қолдиришни, яъни фақат дарсга тегишли материални онгли равишда зўр бериб ўзлаштиришни талаб этади. Мактабда ўқувчи бола ўқитувчи топширган вазифани бажаради, уни ўрганиб олади. Шунинг учун мактабда ўқиш жараёнида боланинг иродаси, диққати мустаҳкамланиб боради, шу асосида ихтиёрий эса қолдириш қобилияти ҳам борган сари ўсиб боради.

Одатда, болаларда механик хотира, катталарда эса онгли, мантиқий хотира кучли деган фикр кўп тарқалган. Аммо бу тўғри эмас. Албатта, кичкина болаларнинг билими ва тажрибаси кам, сўз бойлиги етарли эмас, шунинг учун улар кўп нарсаларнинг маъносига тушунмасдан ўзлаштириб олишга мажбур бўладилар. Кўп вақтларда бир сўзнинг маъносини ўзларича тушунадилар. Шунинг учун уни ўринсиз ишлатиб, катталарни ё ҳайрон қолдирадилар, ё кулдирадилар. Аммо бола ўз тушунчасига мос материални онгли, мантиқий равишда ўзлаштиради.

Одатда 5-синфгача ўқувчилар дарслик материални айнан айтиб берадилар, лекин шунга асосланиб, боланинг хотираси механик хотира деб хулоса чиқариш ярамайди. Кўпинча дарслик материали қисқача таъриф ва баёлотлардан иборат бўлиб, уни ёддан билиб олиш қулай бўлгани учун, ўқувчилар уни айнан ўзлаштирадилар. шу билан бирга агар ўқитиш методик ва педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган бўлса, унинг маъносини ҳам тушунадилар. Бироқ уни ўзгартириб, «ўз сўзлари» билан айтиб беришда қийналадилар. Бунинг сабаби уларнинг хотираси механик бўлишида эмас, балки сўз бойлиги, билим ва тажрибанинг ҳали етарли бўлмаслигидадир. Эҳтимол, ироданинг ҳам етарли кучли бўлмаслигидадир, чунки ўз сўзи би-

лан айтиб бериш учун кўпроқ куч сарф қилиш керак, ёш болаларнинг бунга тоқатлари етмайди. Аммо V-VII синфларда ўқувчилар дарслик материални сўзма-сўз эмас, балки ўз сўзлари билан баён қила оладилар ва уни ўзлаштирганда ҳам қулай усуллар қидириб, ёппасига эмас, балки энг муҳим жойларини ажратиб, қолган қисмларини қисқартириб, маълум режа асосида эсга олиб қолишни биладилар. Аммо мантиқий, онгли хотиранинг асоси тарбия самараси эканлигини унутмаслик керак. Болаларнинг мантиқий хотирасини, фикрлаш қобилиятини, маданий савиясини ўстиришга ҳаракат қилинмаса, ўқитувчилар бунга етарли эътибор бермасалар, ўқувчиларнинг мантиқий хотираси суст ўсади ва билим юзаки ўзлаштирилади. Бундай билим эса ўқувчиларнинг тажрибасини орттирмайди, онгини кенгайтирмайди ва юзаки билимдан амалиётда ҳам тўла фойдаланиб бўлмайди. Тажриба шуни кўрсатдики, ўзбек болалари учун рус мактабларда ўқиш айниқса, онгли ва мантиқий ўзлаштиришни талаб этади. Маъносига чуқур тушунмасдан, қуруқ ёдлаб ўқиш фойдасиз ўқишдир. Лекин мактаб ва оналарнинг вазифаси болаларга тегишли маслаҳатлар бериб, дарсни тўғри ўзлаштириш усулларини кўрсатишдир, чунки ўқувчилар одатда бундай усулларнинг борлигини билмайдилар, ортиқча куч ва вақт сарф қилиб меҳнатларини оғирлаштирадилар. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи юқорида баён қилинган хотира қоидаларини билмоғи керак.

Эсга тушириш ҳам ҳар хил ёшдаги болаларда турлича кўринадди. Болаларда энг аввал таниб олиш қобилияти ривожлана бошлайди, яъни кичкина болалар бир кўрган ва эшитган нарсаларини такрор кўрган ва эшитганларида таниб, эсга туширадилар. Шунингдек, кичик ёшдаги болаларда ассоциация (боғланиш) йўли билан эсга туширишни ҳам кўриш мумкин. Масалан, бирорта ўйинчоқ ёки ширинликнинг олиб берилган жойини кўриб қолиб, кейинчалик шу жойдан ўша нарсаларни яна олиб беришни талаб қилишни 1 ёш 4-5 ойлик болаларда кўриш мумкин.

Икки яшар болада тасаввурлар захираси анча кенгайган бўлади ва бу бола кўрган-эшитган нарсаларнинг образларини кўз олдида келтириб эслай олади. Лекин боғча ёшидаги бола асосан хотирасида сақланиб қолган нарсаларни тасодифий сабаблар билан беихтиёр эсига туширади. Аммо бу ёшда ҳам ота-

оналар боланинг ихтиёрий эсга тушириш қобилиятини ривожлантириш учун ҳаракат қилиб, боладан шеър айтиб беришни ёки кўрган, эшитганларини гапириб беришни талаб этиб, худди талаб этиладиган маълум материалнигина эсга туширишга уни мажбур этадилар.

Ихтиёрий эсга тушириш айниқса мактаб ёшида, ўқиш муносабати билан ривожлана бошлайди. Чунки ўқиш ихтиёрий эсда қолдиришни ва эсда қолган материални керак бўлиб қолганда ихтиёрий эсга туширишни тақозо қилади.

Маълум бўлганидек, хотиранинг аҳамияти ва қиймати шундаки, биз аллақачон идрок қилган, билиб олган нарсаларни кўп вақт ўтгандан кейин ҳам эсимизга тушира оламиз, ҳатто аллақачон унутилган нарсаларни ҳам эсимизга туширишимиз мумкин.

Аммо биз фақат материалнинг ўзинигина эмас, балки шунга дахлдор барча нарсаларни ҳам, масалан, уни қачон, қаерда ўзлаштирганимизни ҳам айтиб бера оламиз. Яъни шунинг «тарихи»ни ҳам эсимизда сақлаб қоламиз. Шунинг учун ҳам биз ўз ҳаётимизда бошимиздан кечирган воқеаларни, ўз таржиман ҳолимизни биламиз. Хотиранинг шу тури одатда 5-6 ёшдан бошланади. Шунинг учун 5-6 ёшгача бўлган воқеаларнинг энг кучли таассурот кўрсатганларинигина эслай оламиз. Лекин эсимизда қолган шу бир воқеагача нима бўлган ва ундан кейин нима бўлганини айтиб бера олмаймиз. Демак, кетма-кет, тартибли «тарихий» воқеани эсга тушириш қобилияти анча кейин пайдо бўлар экан. Масалан, 5-6 яшар бола «мен ёзда акам билан далага борганимда у ерда тракторни кўрдим» деб гапира бошлади. Шу ёшдан бошлаб болалар ўз ҳаётларида бўлиб ўтган воқеаларни кетма-кет, қайсиси олдин, қайсиси кейин ўтганлигини била бошлайдилар. Аммо хотиранинг бу тури мантиқий фикрлай билиш, анча кенг тажриба тўплаш асосида 10-11 ёшда яхши ўса бошлайди ва болалар тарихий воқеалар келажagini, яъни тарих дарсларини ҳам тушуна оладилар. Боланинг хотираси ҳажм жиҳатдан ҳам секин-аста кенгая боради.

Миллий мактабларда бериладиган таълим-тарбиядан мақсад ёшларни ҳар томонлама етук, билимли, маданий кишилар, баркамол авлод қилиб етиштиришдир. Бунинг учун фанларнинг асосларини онгли, сифатли, мустаҳкам ўзлаштириш ва

ўзлаштирилган билимни аниқ, тўлиқ эсга тушириб, ундан амалий фойдалана билиш лозим. Мактабларимизнинг вазифаси ўқувчиларда фанларга қизиқиш уйғотиш ва уларни ўзлаштиришнинг энг қулай ва оптимал йўлларини ўқувчиларга ўргатишдир. Бунинг учун турли ёшдаги болаларнинг хотирасига хос бўлган психологик ва индивидуал хусусиятларни ва хотира типларини билиш лозим.

### 7.5. Хотирани тарбиялаш йўллари

Юқорида айтганимиздек, хотира нерв системасининг ўсиши билан бирга, тарбия ва турли педагогик фаолият таъсири (ўйин, ўқиш, меҳнат) ҳамда нутқ воситаси билан алоқа қилиш жараёнида ўсиб такомиллашиб боради.

Хотира таълимнинг ҳам асосий шартидир, шу билан бирга, хотиранинг ўзи ҳам, асосан таълим-тарбия жараёнида ўсиб боради. «Хотира ўсишининг нерв-физиологик асоси мия пўстида шартли рефлекслар нерв боғланишларнинг аста-секин кўпайиб ва мураккаблашиб боришидир. Биринчи шартли рефлекслар тахминан икки хафталик чақалоқда овқатланишга боғлиқ бўлган қўзғовчилар асосида ҳосил бўлади. Беш ойлик чақалоқда шартли рефлекслар боғланишлар энди ҳамма анализаторларнинг иштирокида ҳосил бўла бошлайди ва бу билан хотира жараёнларининг пайдо бўлишига имконият туғдирилган бўлади»<sup>1</sup>.

Юқори синф ўқувчиларида хотира ўсмирлар хотирасига нисбатан анча ривожланган ва такомиллашган бўлади. Юқори синф ўқувчисининг хотираси кичик мактаб ёшидаги ўқувчи хотирасига қараганда ёмонроқдир деган фикр ҳозирги кунга қадар ҳукм суриб келар эди, лекин бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Ўқувчиларнинг ёши улғайган сари, уларнинг билимлари кенгайиб боради бинобарин янги нерв боғланишларнинг вужудга келиши имкониятлари ҳам ортади. Бундан ташқари юқори синф ўқувчилари эсда қолдириш соҳасида анчагина малакаларни ҳам эгаллайдилар, демак, уларнинг хотираси анча пухта ва онгли бўлиб боради. Шунинг учун юқори синф ўқувчиларини ўз хотиралари-

<sup>1</sup> И.П. Иванов, Умумий психология. – Тошкент. «Ўқитувчи», 1976 й. 207 б.

ларини ўз хотираларининг бой имкониятларидан фойдаланишга масъулият билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, уларга билимларни ўзлаштириш жараёнларида зарур кунлик режим ҳамда гигиена талабларига риоя қилиш одатини сингдириш оила ва мактаб олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўрта мактабнинг юқори синфларидаёқ, айниқса ихтисослаштирилган таълим жараёнида ўқувчиларда касбга оид хотира ривожлана бошлайди, бундай хотира катта ёшдаги одамда унинг меҳнат фаолияти жараёнида камолотга эришади. Хар бир касбхунар одамда хотира ишининг қайта шаклланишига мазкур фаолият соҳасига оид хотиранинг мослашишига имкон яратиб боради. Хотиранинг энг яхшиси мантиқий (маъно) хотирадир. Мантиқий хотиранинг ўсишида қандай психологик омиллар сабабчи бўлади?

*Биринчидан*, кишининг психик ҳаёти ижтимоий ҳаётнинг қайси йўналишига қараб шаклланганлигига, яъни нималар билан қизиққанлигига боғлиқдир. Мантиқий хотиранинг психологик хусусияти шундаки, бунда одам ҳамма нарсани баравар даражада эсда қолдиравермай балки кўпроқ унинг учун муҳим, керакли ва мароқли бўлган нарсаларнигина эсда сақлаб қолади. Шунинг учун кишининг қизиққан нарсалари қанча кўп, маънодор ва ранг-баранг бўлса, унинг хотирасидаги мантиқий бойлик ҳам шунча кўп, ранг-баранг ва маънодор бўлади. Кишининг нималарни кўпроқ эсда тутиши унинг нималар билан кўпроқ қизиқишига боғлиқдир.

*Иккинчидан*, маъно хотирасининг ўсиши кишининг *билим савиясига* боғлиқдир. Билими кўп ва ҳар томонлама бўлган одам эсида қолдириш лозим бўлган янги материал учун бир қанча ҳар хил маъно боғланишлари топа олади, фикр қила оладиган одам эсида қолдирмоқчи бўлган материални яхши ва чуқур тушунади. Яхши тушуниш эса маъно хотирасини ўстирадиган асосий шарт эканини биламиз. Одатда, кишининг хотираси қанча яхши бўлса, билими ҳам шунча кўп бўлиши мумкин, деб ўйлайдилар. Бу, албатта, тўғри, лекин бунинг акси бўлиши мумкинлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак, яъни бунда тескари муносабат бўлиб, кишининг билими қанча кўп бўлса, билими кўп бўлган соҳада хотираси ҳам яхши бўлиши мумкин.

*Учинчидан*, эсда қолдиришда *саранжомлик* хотирани ўсти-

ришдаги муҳим шартлардан биридир. Фактларни анчайин тўплашга эмас, балки билимлар системасини ҳосил қилишга эришиш керак. Хотирадаги саранжомлик дейилганда, эсда қолдирилиши керак бўлган материални бир маъно берадиган тартибга солиб, режа билан билиб олишга одатланишни назарда тутамиз. Баъзи ҳолларда, яъни материал етарли даражада изчил ва системали баён қилинмаган, тушуниб олиш қийин бўлган ҳолларда, материални бир маъно берадиган қилиб тартибга солишга дарров эришиб бўлмайди, бу иш анча зўр беришни талаб қилади. Аммо бу иш кўп натижа беради. Эсда қолдиришда маълум бир тартиб ва система бўлиши эсга олинадиган нарсанинг хотирада маҳкам сақланиб қолишига жуда катта ёрдам беради. Хотирада сақланиб қолган материалнинг тартибга солинган бўлиши ўз навбатида уни тез эсга туширишга ёрдам беради. Хотирасини ўстирмоқчи бўлган киши, аввало, материални эсга олиб қолишда ҳам, уни эсга туширишда ҳам ўзини системага, саранжомликка одатлантириши керак.

Ниҳоят, бир нарсани эсда қолдириш ва уни узоқ эсда сақлаш чоралари ҳамда унутувчанликка қарши курашиш йўллари тўғрисида юқорида параграфларда батафсил баён қилинган тадбирларни яхши билиш йўли билан ҳам хотирани ўстирса бўлади. *Киши ўз хотирасини ўстириши учун ҳамини ўзида эсда қолдириши, эсда сақлаш ва эсда сақлаган нарсаларни тез-тез эсга тушириши қобилиятини тарбиялаб ўстириши керак.*

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Билиш жараёни сифатида хотиранинг энг муҳим хусусиятларини ва сезгилар, идрок, тафаккур, шунингдек, шахс сифатлари билан алоқасини таърифлаб беринг. Мисоллар келтиринг.
2. Унутишнинг физиологик ва психологик сабаблари нимадан иборат? Ўқувчилар муҳим ва керакли ўқув материални унутмасликлари учун ўқитувчи нимани ёдда тутиши ва амалда нима иш қилиши керак?
3. Ўсмирлар ва катта ёшдаги ўқувчилар хотирасининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат? Ўқитувчи ўрта ва юқори синфларда иш олиб борган пайтда ўқувчилар хотирасининг қандай сифатларини ўстиришга кўпроқ эътибор бериши керак?
4. Сизга илгаридан таниш бўлмаган иккита шеър бери-

лади. Уларнинг ҳажми ўртачароқ бўлсин. Ёдлаш учун биғта шеърни кетма-кет тўрт марта такрорланг, иккинчисини ёд олишда эса такрорлашни эсга тушириш билан алмашлаб беринг. Икки хил усул билан эсда қолдириш натижаларини бир-бирига таққосланг. Пировардида бу икки усулдан қайси бири самаралироқ эканлиги ҳақида ўз фикрингизни айтинг.

**Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати**

1. Л.В. Запков. Память. –М.: Учпедгиз, 1949.
2. А.А. Смирнов. Проблема психологии памяти. –М.: «Просвещение», 1996.
3. К.К. Платонов, Г.Г. Голубев. Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982.
4. Э.Ғозиев. Умумий психология. II-китоб. –Тошкент: «Университет», 2002.
5. Психология курси, М.В. Гамезо таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 1972.
6. М.Г. Давлетшин, С.М. Тўйчиева. Умумий психология. –Тошкент: 2002.
7. Л.Бекназарова, А.Жабборов. Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг психологик асослари. –Тошкент: «Фан», 2008 й.

ТАФАККУР

8.1. Тафаккурнинг умумий таърифи

Инсон тафаккури узоқ табиий ва тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу бутун инсониятнинг ҳозирги кунгача босиб ўтган тарихий йўлидир. Аммо инсоният аниқ шахслардан иборатдир. Ҳар қайси шахс маълум ижтимоий-тарихий даврда орттирган тафаккури орқали маълум сиёсий-маънавий, иқтисодий шароитда шаклланади, ўзининг индивидуал ҳаётини кечириб, онгли психологик имкониятларини жумладан, тафаккурини, ҳис-туйғуларини қўшиб ўзи учун тарихий давр яратади. Биз қўлингиздаги амалий психология ўқув қўлланмасида ана шу даврнинг инсон тафаккури билан боғлиқ психологик жараёнларини кўриб чиқамиз.

Дунёда шундай нарсалар ва ҳодисалар мавжуддирки, биз уларни ўйлаш, фикр юритиш йўли билангина чуқур билиб оламиз. Чунончи, ер тагидаги бойлик захираларини, сувнинг химик бирикма эканлигини, об-ҳавонинг икки-уч кундан кейин қандай бўлишини тўғридан-тўғри сезиш ёки идрок этиш йўли билангина билиб ололмаймиз. Ҳақиқий билимга эга бўлиш учун табиат ва жамият ҳодисалари ўртасидаги зарурий илмий муносабатларни, уларнинг нима сабабдан ва қандай пайдо бўлиш ва ўзгариш қонунларини англаш, тушуниб етиш лозим. Бунга фақат бевосита сезги ва идрок қилиш йўли билангина эмас, балки мулоҳаза қилиш ва фикран хулоса чиқариш йўли билан эришишимиз мумкин.

«Воқелик тафаккурда идрок ва тасаввурлардагига қараганда чуқурроқ ва тўлароқ акс этади. Бинобарин, тафаккур инсоннинг шундай ақлий фаолиятидирки, бу фаолият воқеликни энг аниқ, тўғри, тўлиқ, чуқур ва умумийлаштириб акс эттиришига (билишига), инсоннинг тагин ҳам оқилона амалий фаолият билан мушоҳада қилишига имкон беради. Демак, тафаккур инсон ақлий фаолиятининг юксак формасидир. Тафаккур атрофдаги оламни билиш қуролидир ва инсон оқилона амалий фаолияти-

нинг вужудга келиши учун шартдир», деб таъкидлайди П.И.-Павлов.<sup>1</sup>

Бош мия пўстининг бирон-бир участкаси эмас, балки унинг бутун пўсти амалга ошираётган фаолият тафаккурнинг нерв-физиологик негизини ташкил этади.

Тафаккурнинг биринчи муҳим белгиси умумлашганликдир. Яъни тафаккур натижасида инсон шундай *маълумотларга* эга бўладики, бу *маълумот* турли объектлардан олинган кўп миқдордаги маълумотларни қайта ишланган ҳамда шу объектларнинг энг муҳим хислатларини қисқача «ихчамлаштирилган» шаклдаги йиғиндисидан иборат бўлади.

Тафаккур фақат инсонгагина хос бўлган субъектив психик жараён тарзидаги идеал образни яратади. Бу ўринда тафаккур фақат бир одам ва унинг замондошларинигина эмас, балки ўтмиш авлодларнинг ҳам тажрибаларининг қайта ишланиши натижасидир.


Тафаккурнинг иккинчи белгиси борлиқнинг билвосита акс эттирилишидир. Бу тафаккур анализаторларга бевосита таъсир қилмайдиган ҳамда фақат бевосита белгилари туфайлигина англаш мумкин бўлган нарсаларни аниқлаш ва тушунтириш имконини беради, деган маънони англатади. Одамнинг тафаккури, ҳар бири бир сўз ёки бир нечта сўзлар билан ифодаланувчи тушунчалар воситасида амалга ошади.

Тушунча борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг умумий, бироқ муҳим хусусиятларининг акс эттирилишидир. Ҳар бир тушунча объектив оламнинг умумлаштирилган образидир.

Тафаккур билимга, янги билимларни эгаллаш эса тафаккурга таянади. Бироқ бу ўзаро алоқада тафаккур муҳимроқ рол ўйнайди. Ҳозирги тезкор тараққиёт шароитида ўқитишнинг вазифаси ўқувчиларни фақат маълум билимларга ўргатиш эмас, балки биринчи навбатда фикр юритишга, жонли мушоҳада қилишга ўргатиш эканлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Амалда тасдиқланган билимларнинг йиғиндиси ишончнинг асоси бўлиб, у ўз навбатида эътиқодга асосий психологиянинг йўналиши бўлиб киради.

---

<sup>1</sup> Иванов П.И. Умумий психология. --Тошкент: "Ўқитувчи", 1974, 243-бет



*Тасаввур ва тушунчаларнинг ўзаро элементлар алоқаси, шу алоқа туфайли пайдо бўлган тасаввур ёки тушунча бошқаларини келтириб чиқариши ассоциялар дейилади.* Ассоцияларсиз тафаккур бўлмайди. Ассоциялар бир-бирига яқинлиги, ўхшашлиги ва контрастлигига кўра уч турга ажратилади. Агарда пайдо бўлаётган ассоциялар инсон олдида турган тафаккур вазифасига бевосита тааллуқли бўлмаса, тафаккур мақсадга йўлланган жараён ўрнига фикрларнинг мақсадга йўлланмаган оқимига айланади. У одамни масалани ҳал қилишдан четга олиб чиқиши мумкин.

*Ҳукм – тафаккурнинг предмет ва ҳодисаларнинг у ёки бу белгиларига кўра алоқаларини акс эттирувчи энг содда актдир.* Ҳукм тафаккур акти тарзида меҳнат фаолиятида, иш вақтида туғилган бирор саволга жавоб беради. Ҳукм тушунишнинг асосидир. Психология учун махсус қизиқиш уйғотадиган нарса ҳукмнинг нотўғри тушунишга олиб келувчи хатоларидир. Тафаккурнинг мураккаб формаси бир неча ҳукмлардан чиқариладиган янги ҳукмдан ташкил толувчи хулоса чиқаришдир.

## Фикр юритиш операциялари

Тафаккур қилиш жараёни П.И. Ивановнинг фикрича, бирор психик элементларнинг шунчаки бир-бири билан алмашиши тарзида воқе бўлмасдан, балки алоҳида ақлий операциялар биз идрок қилаётган ёки тасаввур қилаётган нарсалар (объектлар) устида, биз умумийлашган ва абстракт тушунчаларга эга бўлган объектлар устида ақлий ҳаракатлар қилиш тарзида воқе бўлади.

Яъни тафаккур қилиш тезкор жараёндир. Масалан, одамда бирон-бир қийинчилик ечимини топиш эҳтиёжи туғилса, бир муҳим нарсани тушуниб олиш, бирор масалани ечишга зарурат туғилса, тафаккур жараёни одатда шундан бошланади. Бошқача қилиб айтганда, тафаккур ҳамиша савол қўйишдан бошланади. Биз бировга бекордан-бекорга «ўйлаб кўр», «фикрингни айт», деганимиз билан фикрни фаол ишга солиб бўлмайди. Фикрни ишлатиш учун одамнинг олдида ўйлаб, фикр юритиб ҳал қилиниши зарур бўлган аниқ бир муаммо бўлиши керак ва бу муаммони ҳал қилиш зарур бўлган кучли эҳтиёж бўлиши лозим. Шунинг учун ўйлаш қобилияти бор бўлган соғлом одамнинг биринчи аломати ҳақиқатдан қўйилган муаммонинг қанчалик мураккаб ва зарурлигини кўра билишдир. Мустақил фикр қилиб ўрганмаган одам учун ҳаётда гўё ҳеч қандай муаммонинг ўзи йўқ, унинг назарида ҳамма ўз-ўзидан англашилиб турганга ўхшайди. Кишининг билими, салоҳияти, тасаввурлари шаклланиб эҳтиёжлари ошган сари, аввал осон бўлиб кўринган ишларда ҳам янги-янги муаммолар борлиги маълум бўлади ва бу муаммолар фикримизни уйғотади, мустақил фикр қилиш йўлини кўрсатади. Шуниси ҳам борки, муаммони «кўриш»нинг ўзи одам учун кифоя қилмайди.

Масаланинг нимадан иборат эканлигини, уни қандай усуллар, йўллар билан ҳал қилиш зарурлигини обдон ўйлаш, англаш керак бўлади. Муаммони тушуниш, аввало масалани ўртага қўйиш демакдир, бунинг учун аввало одамнинг фикри анча ишлаши керак. Масала тўғри қўйилган бўлса, уни ечишга биринчи қадам босилгандир. Муаммонинг ўзи оддий ёки мураккаблигига қараб ҳар хил фикрий йўллар билан ҳал қилинади. Турли муаммоларни ҳал қилганда, фикрлашнинг энг кўп учрайдиган тури фараз қилишдан, яъни масаланинг қандай

йўсинда ечилиши тўғрисида мўлжал қилишдан, сўнгра бу фарзларни текшириб кўришдан иборатдир. Кўп масалаларни ечишда ақлий эксперимент деган нарса, яъни бажариладиган турли ишларнинг қандай натижага олиб боришини билиш учун уларни мияда бажариб кўриш жуда муҳим рол ўйнайди. Техникага, конструкцияга доир турли масалаларни ҳал қилишда ақлда қилинадиган экспериментларнинг аҳамияти жуда каттадир. Ақлда эксперимент қилиб кўришнинг аҳамияти шахмат ўйинида жуда яққол кўринади. Масалан, шахмат ўйновчи юришни ўйлаб, ҳамма йўллари ақлда пишитиб чиқади: «мен бундай юрсам, у бундай юради, кейин мен бундай юраман» ва ҳоказо.

Ақлда эксперимент қилиш учун хаёл билан тафаккурнинг бирга ишлаши шартдир, чунки, бир томондан, ҳамма ҳолатларни мумкин қадар аниқ ва тушунарли тасаввур қилмоқ керак бўлса, иккинчи томондан, тузилган ҳар бир ҳолатдан қандай натижалар келиб чиқишини ўйлаб, бир хулосага келиш лозим бўлади. Ҳар бир масалани тўғри ечиш учун лозим бўлган шарт тегишли билимга эга бўлишдир.

Билимли бўлиш ва бор билимдан фойдаланиб, уни ишлата билиш фикрнинг самарали ишлаши ва ўсиши учун зарур бўлган шартдир.

## Таққослаш

«Таққослаш инсоннинг ижтимоий фаолиятида, билимларнинг ўзлаштирилишида, воқеликни тўлароқ акс эттиришда бир-бирига ўхшаш жиҳатлар тафовутини, шунингдек, бир-биридан фарқ қиладиган томонлар ўртасидаги ўхшашликни топишдан иборатдир. Таққослаш шундай бир тафаккур операциясидирки, бу операция воситаси билан объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва бир-биридан фарқи аниқланади», деб ёзади Э.Ғозиев ўзининг “Умумий психология” номли китобида.<sup>1</sup>

Таққослаш тўғрисида К.Д. Ушинскийнинг ҳам ажойиб фикри бор. У таққослашнинг жуда муҳим аҳамияти борлигини

---

<sup>1</sup> Э. Ғозиев. Умумий психология. II китоб. – Тошкент: «Университет», 2002, 139-бет.

уқтириб бундай деган эди: «Таққослаш ҳар қандай тушунишнинг ва ҳар қандай тафаккурнинг асосидир. Оламдаги нарсаларнинг ҳаммасини таққослаб кўриш йўли билан билолмасак бошқа йўл билан била олмаймиз, агар биз ҳеч нарса билан солиштиришимиз ва фарқини билиб олишимиз мумкин бўлмаган бирон янги нарсага дуч келганимизда эди (бошқа шундай нарса бор бўлса), у ҳолда биз шу нарса тўғрисида ҳеч қандай фикр ҳосил қила олмаган бўлар эдик ва унинг тўғрисида бирор сўз айта олмаган бўлар эдик».

Нарсаларнинг ўхшашлиги ёки тафовути дастлаб бевосита сезгиларда ва идрокларда акс этади. Таққослаш фикр қилиш жараёни бўлиб, бу жараён идрок қилинаётган нарсаларнинг ўхшашлиги ёки тафовутини аниқлаш лозим бўлганда ёхуд сезгиларда ва идрокда бевосита акс этмаган ўхшашлик ва тафовутни топиш лозим бўлган ҳолларда воқе бўлади.

«Агар сиз, – деб ёзади К.Д. Ушинский, – ташқи табиатнинг бирор нарсасини равшан тушуниб олишни истасангиз, унинг ўзига жуда ўхшаш бўлган нарсалардан фарқли тафовутини топинг ва унинг ўзидан жуда узоқ бўлган нарсалар билан ўхшашлик томонларини топинг. Ана шунда сиз шу нарсаларнинг энг муҳим ҳамма белгиларини пайқаб оласиз, демак, шу нарсани тушуниб оласиз»<sup>1</sup>.

Кузатиш ва тажрибаларнинг кўрсатишича, ўша мустабид тузум (қарамлик) даврида ўқувчиларнинг фикрлаш доираси, турмуш тарзи ва миллий тараққиёти, онги, қандай шароитда бўлган. Миллий анъаналар, эркинлик, мустақиллик, ўз мулкига эгалик туйғуси қандай бўлгану сўнгги 14-15 йил ичида Ўзбекистонимизнинг миллий тараққиёти, эрки, эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари қандай кўринишда ривожланаяпти? Бу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ана шу ижтимоий жараёнларни ҳар томонлама таққослаш қобилиятига эга. Бугун ёшларимиз ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса сўнгги пайтларда энг ўткир ва долзарб масалага айланиб бораётганини ўсмир йигит-қизларимиз яққол таққос-

<sup>1</sup> К.Д.Ушинский, Избранные сочинения. II том. 1939 йил, 436-бет.

лаши мумкин. Улар «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун» деган маъноли фикрларни ўзга мамлакатлар, ёшлари тақдирига таққослаб хулоса чиқара олади.

Ёки айрим кишиларни бир-бирига таққослаб, уларнинг қобилиятларида, характерида, дунёқарашларида тафовут ёки ўхшашлик борлигини топа оламиз. Демак таққослаш деганда бир ёки бир қанча нарсаларнинг сифат ва хусусиятларини бир-бирига таққослаб уларнинг фарқи, ўхшашлиги ёки айнан тенглиги аниқланади.

Одатда зеҳнли, зийрак, кузатувчи киши, юзаки қараганда бир-бирига ўхшаган нарсалар ўртасидаги фарқни ёки бир-биридан кескин фарқ қилгандек кўринган нарсалар ўртасидаги ўхшашликни тез таққослай олади.

## **8.2. Тафаккур турлари ва ақлнинг муҳим сифатлари**

Ҳар бир алоҳида олинган одамнинг тафаккур жараёнида биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг роли ҳар хил бўлиши мумкин. Бу ҳол кишининг фаолиятига, характериға, фикр юритувчи одамнинг мураккаб вақтли боғланишлар тизимиға, ҳаётда орттирган тажрибасиға ҳамда бошқа бир қатор психологик факторларға боғлиқдир. Шу муносабат билан тафаккурнинг конкрет-амалий, конкрет-образли ва абстракт каби асосий турлари фарқлаб олинади.

*Конкрет-амалий тафаккур* тафаккурнинг оддий турни бўлиб, у амалий ҳаракатға бевосита қаратилган яққол ҳаракатли тафаккурдир. Бундай тафаккур мактабгача ёшдаги болаларға хосдир, лекин катта одамларда ҳам анализ ва абстракциялар йўқлигида олдиндан мавжуд бўлган тажрибаға таяниб, иш кўрилган ҳолларда амалий тафаккурдан фойдаланадилар. Масалан, йиғма-сочма моддалардан фойдаланган ҳолда проектлаштириш шу каби амалий ишлар билан бирға қўшиб бажариш керак бўлади.

*Конкрет-образли тафаккур* инсон маълум вазифаларни ҳал қилишдан олдин ўз фаолиятиға нарса ва ҳодисаларнинг асосан хотирасида сақланиб қолган образлари орқали иш кўриш билан характерланади.

Образли тафаккур – яққол, ҳаракатли тафаккурға нисбатан анча мураккаб ва ихчамроқ, умумлашгандир. Бироқ, у бирор-

та кўргазмали образ билан ифодаланмаган. объектив борлиқнинг мураккаб жараёнларини акс эттиришга қодир эмас.

*Абстракт тафаккур.* Тафаккурнинг бу тури даставвал ҳар хил назарий масалаларни ечиш билан боғлиқдир. Лекин у кундалик ҳаётда ҳам кенг қўлланилади. Ўсмирлик давридаёқ ва айниқса катта мактаб ёшида болаларнинг фикр юритиши кўпроқ абстракт тафаккурга айланиб боради. Тафаккурнинг юқорида кўриб чиқилган ҳамма турлари ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Киши ақлини ўстириш ва тарбиялашда ақлнинг бир қанча айрим сифатларини эътиборга олмоқ керак. Бу сифатларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. *Ақлнинг танқидчилик сифати*, яъни ақлнинг ишини қаттиқ тергаб, ҳар бир қилинган фаразни ҳар жиҳатдан яхши мулоҳаза қилиб, бу фаразларни ёқловчи ҳамда уларни рад қилувчи ҳар бир далил ва исботни яхши амаллай билиш, фаразларни ҳар томондан ўйлаб, мулоҳаза қила билишдир. Ақлда танқидчилик сифати бўлмаган одам бир масалани ҳал қилаётганда, ақлига дафъатан келган ҳар бир фикрни тўғри ва узил-кесил фаҳмлаб, масалани ечдим, деб ўйлайверади. Ақлнинг танқидчилик сифатини кўрсатадиган аломат, ўзининг қилган ҳар бир эҳтимолига текширилиб кўрилиши лозим бўлган фараз деб қараш ва бу синаш ҳамда текшириш натижасида нотўғри чиққан эҳтимолларидан қайта билиш, бошлаган иши масаланинг шарт ва талабларига мувофиқ келмаганлиги маълум бўлгач, бу ишдан дарров қайта билишдир. Танқидчилик сифатига эга бўлган ақл саранжом-саришталик, расо ақлдир.

Хаёли бой бўлган кишилар ўз ақлларининг танқидчилик сифатини оширишга айниқса кўпроқ ҳаракат қилишлари керак. Хаёл бой бўлиб, бунинг устига ақл ҳам жуда саранжом-саришталик ва расо бўлса, ижодий фаолиятнинг замини шудир. Танқидчилик сифати баланд бўлган ақл билан идора қилинмаган хаёл, кишини амалга ошмайдиган, бажариб бўлмайдиган ҳар хил ишлар билан беҳуда овора бўлиб юрадиган, қуруқ хаёлпараст қилиб қўяди.

2. *Ақлнинг эпчиллиги*, ақлнинг бу сифати, турли хом хаёллардан ва сийқа фикрлардан озодлигидир. масаланинг шартти вазият ўзгарганда дарров янги йўл ва тадбирлар топа олишдир.

Ақл эпчиллигининг аломати фақат унинг сийқаликдан ва бу сийқаликнинг ақлни бўғадиган таъсиридан озодликдангина иборат бўлмап, балки бир масалани ҳал қилаётганда ҳар хил усуллар билан уриниб кўриш, нотўғрилигини, бир карра маълум бўлган йўлларни сира такрор қилмаслик ҳам ақл эпчиллигини кўрсатадиган аломатдир. Кўп кишиларнинг масалаларни яхши еча олмаганликларининг сабаби кўпинча шуки, кўп вақтда улар бирор масалани ҳал қилмоқчи бўлганларида, даставвал бирданига ақлларига келган йўлнинг натижасизлигини неча марта амалда кўриб билган бўлсалар ҳам, яна шу йўлни ҳадеб қайтараверадилар. Бунда ақл тор доирага кириб қолади. Яъни одам ақлини бир карра кирган йўлдан бошқа йўлга сололмай қолади.

3. *Фикрнинг кенглиги.* Ақлнинг бу сифати масаланинг ўзига алоқадор бўлган бошқа майда-чуйда, аммо муҳим томонларини ҳам назарда тутган ҳолда, масаланинг умуман ҳаммасини қамраб олиш қобилиятидан иборатдир.

Мураккаб бир масалани яхши ҳал қилиш ҳамиша бу масаланинг ҳамма томонини қанчалик бирданига фаҳмлай ола билишга, масаланинг бир томонига алоқадор бўлган нарсаларни назарда тутганда, унинг бошқа томонлари тақозо қилган шарт ва шароитларни, талаб ва чеклашларни ҳам қанчалик тўла эътиборга ола билишга боғлиқдир. Математикага оид қийин масалаларни ечганда бўладиган хатоларнинг кўпи масаланинг ҳамма томонларини бирданига фаҳмлаб ола билмаслик натижасида туғилади.

4. *Фикрнинг илдамлиги.* Ақл билан ечиладиган масалаларни илдам ечиш тўғрисида фаолиятнинг ҳар хили турли талаб қўяди. Олим билан харбийлар ишини солиштириб кўрсак, бу нарса дарҳол маълум бўлади. Ньютоннинг миясида бутун олам тортишиш қуввати тўғрисидаги қонуннинг асосий фикрлари туғилгач, кейин бу қонунни қатъий суратда исбот қилгунича орадан 16 йил ўтди. Дарвин «Турларнинг пайдо бўлиши» деган асарини ёзиш учун 20 йил вақт сарф қилиб, тайёргарлик кўрди.

Фикрнинг илдамлиги, албатта, олим учун ҳам ниҳоятда қийматли сифатдир, лекин шундай бўлса ҳам, масалан, учувчига қараганда, оддий шароитда олимнинг фикр қилишга фурсати анча кўпдир. Учувчи кўп ҳолларда тезлик билан иш кўриш-

ни талаб қилади, шунинг учун суст фикр қилувчи киши яхши ўқувчи бўла олмайди.

Фикрнинг илдамлиги, ақлнинг бошқа сифатларининг юксак даражада ўсганлиги натижасидир. Фикр илдамлиги билан фикрнинг шошма-шошарлиги ўртасидаги фарқ ҳам шундадир, юзаки қараганда, фикрнинг илдамлиги билан шошма-шошарлиги ўртасида фарқ йўқдек кўринади, фикрнинг шошма-шошарлиги унинг илдамлигига тамомилла қарама-қарши бўлган бошқа бир сифатдир.

Фикрнинг илдамлиги керак бўлганда ақлнинг барча кучини бир ерга тўплаш ва фикрни жуда югуртириб ҳаракатга келтириш қобилиятига боғлиқдир, сўнгра, фикрнинг илдамлиги унинг кенглигига ва тезлигига ҳам боғлиқ. Фикр кен бўлса, масаланинг ҳамма томонларини бирданига кўришга имкон беради. Фикрнинг илдамлиги яна фикрнинг эпчишлигига ҳам боғлиқдир; фикр эпчиллиги эса, масалани ҳал қилишда нотўғрилиги бир карра исбот бўлган янглиш йўллارни такрорламасликка имкон беради, сўнгра фикрнинг илдамлиги танқидчилик қобилияти юксаклигини талаб қилади. Фикрнинг танқидчилик қобилияти ўткир бўлса, фаразларнинг тўғри нотўғрилигини дарров айиришга ва яроқсизларини дарров чиқариб ташлашга имкон беради.

Ақлнинг шошма-шошарлиги бунинг акси бўлиб, фикрнинг бир хил ялқовлиги натижасидир. Кишининг фикри ялқов бўлса, ақлни астойдил ишлатиб ўтирмай, ҳали бу, ҳали у чорага тутиниб, бу муаммодан тезроқ қутулишга ҳаракат қилади; фикр ялқовлиги пухта текширилмаган фаразларга ишониш, обдон ўйламасдан, чала ўйланган қарорлар қилиш йўлига бошлайди. Фикрнинг шошма-шошарлигига қарши қаттиқ курашиш ақлнинг яхши сифатларини ўстириш учун амалга оширилиши жуда лозим бўлган бир шартдир.

### Анализ ва синтез

*Анализ* – нарса, ҳодиса ёки тушунчаларни фикран қисмларга ажратиш ва унинг айрим қисм, белги ёки хусусиятларини ажратиш кўрсатишдир.

Анализ жараёнида бутунни унинг қисмларига, унинг элементларига бўлган муносабати аниқланади. Масалан, биз бирон масалани ечишга киришишда аввало унинг шартларини анализ қилиб оламиз.

Болаларни саводга ўргатишда анализ кўп қўлланилади, яъни гап сўзларга, сўзлар эса бўғин ва товушларга бўлинади. Она тили ва чет тилидаги нутқни идрок қилиш ҳамда тушунишда анализнинг роли жуда каттадир. Бунда биз бутун нутқ оқимини жумла, гапларга бўламиз, сўзларни ажратиб кўрсатамиз, айрим грамматик қурилишларни топамиз ва ҳоказо. Ёки столни анализ қилганимизда биз унинг туси, оғирлиги ва бошқа шу каби белгиларини билиб оламиз. Сувнинг тиниқлигини, оғирлигини, буғланишини, температурасини, зичлигини ҳам фикран ажратиш мумкин. Одам анатомиясини ўрганаётганимизда суякларнинг бир-биридан фарқини, меҳнат вазифасини бир-бири билан таққослабгина қолмасдан, анализ ҳам қилиб ўрганамиз.

*Синтез* анализнинг акси ёки тескараси бўлган тафаккур жараёнидир. Синтез дастлаб нарса ва ҳодисаларнинг қисмларини бир бутун қилиб қўшишда кўринади. Чунончи, айрим деталлардан фикран бирор-бир механизм конструкция қиламиз, товуш ва ҳодисалардан бўғинлар, бўғинлардан сўзлар, сўзлардан эса гап тузамиз.

Анализ билан синтез ҳамиша бирликда ўтади. Буюк алломалардан бири анализ ва синтезга шундай таъриф беради: «Тафаккур онгимиз қаратилган объектларни таркибий элементларга ажратишдан иборат бўлганидик, зоти бир бўлган элементларни бир бутун қилиб қўшиш синтездир. Анализ бўлмаса, синтез ҳам бўлмайди. Фикран анализ ва синтез нарса ва ҳодисалар билан амалий иш бажариш асосида юзага келади. Бу ҳол болаларда айниқса, яққол кўринади. Улар бирон нарсани фикран анализ ва синтез қилишдан аввал, уни амалда бажарадилар. Бунда улар нарсаларнинг ўзи ёки уларнинг кўрсатмали тасвиридан фойдаланадилар. Мактаб ёшигача бўлган болалардаёқ биз уларнинг ўйинчоқларни қисмларга бўлишларини, кубиклардан ҳар хил нарсалар қуришларини ва бошқа шу хил ҳаракатларини кузатамиз. Кичик мактаб болалари ёддан санашни билиб олгунга қадар аввалига санаш таёқчалари, бармоқ ва бошқа нарсалар ёрдамида иш кўрадилар. Катта ёшдаги киши ҳам бирор нарса ва ҳодиса билан биринчи марта дуч келганида амалий иш бажариши зарур бўлади»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Психология курси. М.В. Гамезо таҳрири остида. -Т.: «Ўқитувчи». 1972 йил, 160 бет.

*Абстракциялаш* – шундай фикр юритиш жараёнидирки, бунда тафаккурда акс этаётган бир ёки бир нечта объектларнинг бирор белгиси (хусусияти, ҳаракати, ҳолати, муносабати) шу объект ёки объектлардан фикран ажратиб олинади. Бу жараёнда объектдан ажратилган бир белгининг ўзи тафаккурнинг мустақил объекти бўлиб қолади. Абстракция одатда, анализ жараёнида ёки анализ натижасида содир бўлади.

Буюмларни бир-бири билан таққослаш чоғида ҳам абстракциялаш жараёни содир бўлади. Бирон муайян жиҳатлар ҳамisha бир-бири билан таққосланади, буюмлар ёки ҳодисаларнинг мавжуд белгиси (тусига, шаклига, ҳаракатларнинг тезлигига ва шу кабилар)га қараб, улар бир-бири билан таққосланади. И.П. Павлов фикр қилиш фаолиятида абстракциянинг алоҳида аҳамияти борлигини таъкидлаб, бундай деган эди: «Умумийлаштиришга кенг имконият очиб берган сўзнинг алоҳида хусусияти булмиш абстракция туфайли биз воқеликка бўлган муносабатимизни вақт, макон, сабабият каби умумий тушунчалар формасига солганмиз».

Нутқ тил бўлгандагина абстракция қилиш мумкин. Сўз бўлмаса ҳеч бир тушунчани ифодалаб бўлмайди.

*Умумийлаштириш* – тафаккурда акс этган бир туркум нарсаларнинг ўхшаш, муҳим белгиларини шу нарсалар тўғрисидаги битта тушунча қилиб, фикрда бирлаштириш демакдир.

Психолог Э. Ғозиев бу масалани бир қадар бошқачароқ талқин қилади. Жумладан, у: «психологияда умумлаштиришнинг кенг қўлланиладиган икки тури: тушунчали умумлаштириш ва ҳиссий - конкрет умумлаштириш юзасидан кўпроқ фикр юритилади. Тушунчали умумлаштиришда предметлар объектив муҳим белги асосида умумлаштирилади. Ҳиссий конкрет умумлаштиришда эса предметлар топшириқ талабига биноан ташқи белги билан умумлаштирилади», деб ёзади. Психологлар нотўғри умумлаштиришнинг (Н.А. Менченская, Е.Н. Кабанова, Меллер) ҳиссий конкрет умумлаштиришдан тафовути борлигини ҳамisha таъкидлаб келмоқдалар. Ўқувчи ва талаба баъзан предметларни муҳим бўлмаган белгисига асосланиб нотўғри умумлаштирадилар, ваҳоланки, топшириқ шартида бу талаб улар олдига мутлақо қўйилмайди. Лекин

бу назариянинг ҳимоячилари нотўғри умумлаштиришни алоҳида тур деб ҳисоблайдилар»<sup>1</sup>.

Умумлаштириш тафаккурнинг абстрактлаштирувчи фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Абстрактлаштириш сингари умумийлаштириш ҳам сўз ёрдами билан ҳосил бўлади. Ҳар қандай сўз якка бир нарсани ёки ҳодисани эмас, балки ўхшаш якка-якка объектларнинг кўпчилигини ифодалайди.

Фикрдаги абстрактлаштириш ва умумийлаштириш жараёнлари иккинчи сигнал системасининг ўзига хос механизмларига таянади. «Нутқ сигналлари (сўз) туфайли, – дейди И.П. Павлов, – нерв фаолиятининг янги принципи абстрактлаш ва шу билан бирга, олдинги системанинг беҳисоб сигналларини умумийлаштириш вужудга келадикки, бунда ҳам ўз навбатида ана шу умумийлаштирилган янги сигналлар тагин анализ ва синтез қилинаверади»<sup>2</sup>.

*Конкретлаштириш* – муайян умумий туркумга кирувчи қисман нарса ҳақидаги фикрдир. Конкретлаштириш умумийни конкрет фактлар орқали кўрсатишда, умумлаштирилган назарий билимлардан мисоллар келтиришда намоён бўлади. Конкретлаштириш билимларни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг муайян қонуниятларни қанчалик ўзлаштирганликлари, уларнинг шу қонуниятларга оид мисоллар, фактлар келтира билишларида кўзга ташланади. Ўқувчилардан мунтазам равишда шунини талаб этиш керакки, улар якка ва айрим фактларни умумлаштириш ҳамда хулоса чиқаришнинг ўзи билан чекланиб қолмай, балки умумий қоидаларни тегишли айрим фактлар, конкрет мисоллар ёрдамида исбот ҳам қила билсинлар.

Юқорида кўриб чиқилган ҳамма тафаккур жараёнларининг барчаси мужассамлашган тақдирда одам, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятларини билиб олиш, яъни уларни тушуниш имкониятига эга бўлади.

---

<sup>1</sup> Э. Ғозиев. «Умумий психология». II-китоб. – Тошкент: 2002, 143 бет.

<sup>2</sup> И.П. Павлов. Полное собрание сочинений. III том, 2-китоб.

## Ҳукм ва хулоса чиқариш

Тафаккур қилиш жараёнида айрим фикр юритиш жараёнларидан бизда пайдо бўладиган фикрлар ҳукм тариқасида шаклланади. Ҳукм бирор нарса ҳақида бирор нимани тасдиқлаш ёки инкор қилиш демакдир.

Ҳар бир ҳукм икки тушунчанинг бир-бирига боғланишидан ҳосил бўладики, бунда бир тушунчанинг маъноси иккинчи тушунча ёрдами билан аниқланади. Масалан: «Квадрат» «Минерал» десак бунда ҳукмнинг йўқлигини кўраемиз. Аммо квадрат деган тушунчани томонлари тенг тўғри бурчакка боғласак, унинг мазмунини аниқлаб олган бўламиз. Минералнинг содда жисм эканлигини инкор қилиб, унинг бир хусусиятини, яъни унинг кимёвий тузилиши жиҳатдан мураккаблигини аниқлаб оламиз.

Ҳукмни ташкил қилувчи тушунчалар конкрет, яъни яққол образли бўлиши мумкин. Масалан, «Мактабнинг биноси икки қаватли». Бу конкрет ҳукмдир.

Аммо «романтизм адабий оқимдир» дейиш абстракт ҳукмга мисол, чунки бу ҳукм абстракт (яққол образсиз, фақат сўз билан ифода қилинган) умумий тушунчалардан тузилган. Биз бирор нарса ҳақида аниқ билимга эга бўлсак, бунинг тўғри бўлиш бўлмаслиги ҳақида ҳукм этоламиз. Агарда ҳукм тасдиқ ёки инкор қилинадиган нарса ҳақиқатга мувофиқ бўлса, ҳукм тўғри чиқади ва аксинча, ҳақиқатга мос бўлмаса, бундай ҳукм нотўғри, хатодир. «Темир металдир» – тўғри ҳукм. «Минерал содда жисм» – нотўғридир. Ҳукм қатъий, гумон ноаниқ бўлиши мумкин. Масалан, «Темир эҳтимол металдир», «Бу метал бўлмаслиги мумкин» ва ҳоказо.

Психологик таълимот нуқтаи назаридан, ҳукмда ифода этиладиган нарса бизга жуда ишончли, инобатли ва албатта тўғри, ҳақиқий деб ёки инобатсиз, шубҳали, гумонли бир нарса деб ҳис қилинади.

Бу албатта, шахснинг билими, маданий савияси, мафкура-си, касбига боғлиқ. Масалан, саводсиз кишига ернинг ўз ўқи атрофида ҳаракат қилиши ишончсиз, шубҳалидек туюлади.

Илмий далилларга ва фанга суянган, ижтимоий тажриба билан исбот қилинган ҳукмлар ҳақиқий ҳукмлардир. Илмий далиллар ва ижтимоий тажриба билан исбот қилиниши мум-

кин бўлмаган, диний тасаввур ва хурофотларга суянган ҳукмлар нотўғри ҳукмлардир. Масалан, «туш ғойибдан хабар беради», «қиёмат бўлади» ва ҳоказолар нотўғри ҳукмлардир.

Ҳукмларнинг бир-бирига мантиқий боғланиши муҳокама ёки мулоҳаза деб аталади.

**Хулоса чиқариш.** Икки ёки бир қанча ҳукмни бир-бирига боғлаб, янги бир ҳукмни келтириб чиқаришдан иборат бўлган тафаккур жараёни хулоса чиқариш деб аталади. Бир-бирига боғланиб кетадиган ҳукмлар асос, бундан ҳосил бўладиган янги ҳукм хулоса дейилади. Масалан, фанларнинг ҳаммаси фойдалидир. Мисол учун,

Психология – фан (асос).

Демак, психология ҳам фойдалидир (хулоса).

Хулоса чиқариш қуйидаги турларга ажратилади:

**А. Индуктив<sup>1</sup> хулоса чиқариш** хусусий факт ва ҳодисалардан умумий хулоса чиқариш демакдир. Масалан, темир, аш, қўрғошин аш у сингариларнинг иссиқдан кенгайишини кузатиб, шу асосда барча жисмларнинг ҳам иссиқдан кенгайишлари ҳақида умумий хулоса чиқарилади.

Темир иссиқдан кенгайди.

Қўрғошин иссиқдан кенгайди.

Кумуш иссиқдан кенгайди.

Буларнинг барчаси жисмдир.

Демак, жисмларнинг ҳаммаси иссиқдан кенгайди.

**Б. Дедуктив<sup>2</sup> хулоса чиқариш** умумий қоида ёки умумий ҳукмдан хусусий хулоса чиқариш демакдир. Бу индукциянинг тескарисидир. Масалан, жисмларнинг ҳаммаси иссиқдан кенгайди. Олтин жисмдир. Демак, олтин ҳам иссиқдан кенгайди.

**Индукция ва дедукция** бир-бирига боғланади ва уларнинг асослари тўғри бўлса, бундан келиб чиқадиган хулосалар ҳам тўғри чиқади. Геометрияни ўқишда асосан дедукциядан фойдаланилади, чунки теоремани ечганда умумий қоидадан келиб чиқадиган хусусий қоида қилинади. Табиат, она тили

---


<sup>1</sup> Индукция бир нарсага олиб бориш деган маънони билдирадиган латинча сўз.

<sup>2</sup> Дедукция бир нарсдан чиқариш деган маънони билдирадиган латинча сўз.

дарсларида кўпроқ индукциядан фойдаланилади, яъни айрим фактларни кўриб чиқиб, шу асосда умумий бир ҳоҳда аниқланади.

16-жадвал

**Нерв системаси тиллари ва темпераментларининг ўзаро нисбати**



Э.Ғозиев ҳукмларнинг қуйидаги турларга бўлиб ўрганишни тавсия қилган: «Бирликдаги нарсалар ҳодисалар ва воқеликнинг миқдорига, уларнинг бирор ҳукмда акс эттирилган алоқа муносабатларига қараб, ҳукм қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

1. Тасдиқловчи ёки инкор этувчи ҳукм. Ҳукмларнинг ушбу асосларга таяниб бўлиниши, сифатга қараб бўлиниши деб аталади.

2. Якка, жузъий, хусусий ва умумий ҳукм. Ҳукмларнинг бундай белгиларга биноан бўлиниши миқдорга қараб бўлиниш дейилади.

3. Шартли, айирувчи ва қатъий ҳукм сингари кўринишлар мавжуд бўлиб, ҳукмларнинг муносабатга қараб бўлиниши деб аталади.

4. Ҳукм тахминий кўринишга эга бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳукмда акс эттириладиган нарса ва ҳодисалар белгисининг нечоғлик муҳим бўлинишига ёки воқеликка мос келиш-келмаслигига боғлиқ. Масалан, «Эртага ёмғир ёғиши мумкин», «Пахта топшириш режаси тўлиб қолса керак»<sup>1</sup> ва ҳ.к.

<sup>1</sup> Э.Ғозиев. Умумий психология II-китоб. –Тошкент: «Университет», 2002 йил.

Ҳукмларда тасдиқланган ёки инкор қилинган нарсалар, ҳодисалар, аломатлар ҳукмнинг мазмунини ташкил қилади.

Нарса билан белгининг алоқаси (боғлиқлиги) акс эттирилган ҳукм *тасдиқловчи ҳукм* дейилади. Масалан, «Алишер Навоий буюк ўзбек шоири ва мутафаккиридир», «Тинчлик энг олий неъмат», «1975 йил Тошкент метроси ишга тушган санадир» ва ҳоказолар тасдиқловчи ҳукмдир.

### Ўқувчиларда тафаккурнинг ўсиши

Ўрта мактаб, ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув муассасаларида таълим олаётган ўқувчи ёшлар тафаккурининг ўсиши анча мураккаб жараён бўлиб, у узоқ вақт давом этади. Ўқувчи ёшларда тафаккур уларнинг ҳаётида учровчи турли хилдаги зиддиятларни ҳал қилишда такомиллашиб боради.

Ўқувчининг янги эҳтиёжлари (бу эҳтиёжларнинг туғилиши ўз навбатида ҳаёт ва фаолият, ижтимоий муҳит талабларига ва бошқа сабабларга боғлиқдир) билан уларни қондириш имкониятлари ўртасида содир бўлувчи зиддиятлар одам ҳаёти ҳамда фаолиятининг асосий зиддиятларидан ҳисобланади.

Таълим мактабда бериладиган билимларни ўзлаштириш жараёнида кузатувчанлик, хотира ва хаёл ўсиб бориши билан мактаб ёшидаги болалар тафаккурига материал бўладиган нарсалар доираси кенгая боради, болаларда мантиқий тафаккур ва танқидий фикрлаш ўсиб боради. Таълим жараёнида тафаккур катта ўсиш йўлини конкрет тафаккурдан абстракт - назарий тафаккурга ўсиш йўлига ўтади. Ўқувчилар муҳокама юриши йўли билан тўғри хулосалар – дедуктив ва индуктив хулосалар чиқаришни ўрганадилар. Масалан, улар математика машғулотларида доимо умумий қоидаларга асосланиб хулосалар чиқарадилар, тил дарсларида ўзлаштириб олинган қоидаларни имлонинг айрим ҳолларига татбиқ қилишга тўғри келади ва ҳоказо. Ўқувчилар бир қанча мисоллар асосида (албатта, ўқитувчининг ёрдами билан) грамматика ва арифметикага доир қоидалар чиқариш йўли билан индуктив хулоса чиқариш йўллари эгаллаб оладилар. Юқори синфларнинг ўқувчилари тиббиёт, физика ва химия фанларини ўрганиш жараёнида умумийлаштирилган анча кенг хулосаларни ўзлари мустақил равишда чиқарадилар.

Юқори синф ўқувчилари индукция ва дедукцияни эгаллаб бориш натижасида кузатишлар ва тажрибаларга асосланиб туриб, айрим ҳодисаларнинг сабабларини мустақил қидириб топиллари, сўнгра эса табиатнинг айрим қонунларини ҳам фаҳмлаб олишлари мумкин. Юқори синф ўқувчилари айрим ҳодисаларни изоҳлаётган вақтларида ўзларига маълум бўлган қонунларни амалда қилиб кўрсатадилар.

Мактаб ўқувчилари билимларни ўзлаштира борганлари сари, турли қоидаларни асослашни, исботлашни, рад қилишни, текшириб кўришни ҳам ўрганиб борадилар. Жумладан, улар мисоллар, фактлар, умумий қоидалар ва аксиомалардан далиллар тариқасида фойдаланишни ўрганадилар. Ўрта мактаб ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари бошқа кишиларнинг мураккаб муҳокамаларидаги, шунингдек, ўзларининг ҳам муҳокамаларидаги зиддиятларнинг, мантиқсизликнинг асосланмаган жиҳатларини очиб бера оладилар. Она тили, математика машғулоти танқидий, исботли тафаккур учун айниқса катта аҳамиятга эга. Ўрта мактаб ўқувчилари ижтимоий тарихий фанларга доир машғулотларда исботлайдиган ва рад қиладиган далиллардан ҳар доим фойдаланадилар. Бизнинг мустақил ватанимизда ўқитиш жараёнида уларда назарий тафаккур билан бирликда амалий тафаккур ҳам ривожлантирилади.

Бунга аввал шу йўл билан эришиладики, мактабда кўпгина фанларни (масалан, физика, химия, ботаника, зоология фанларини) ўқитиш ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини қишлоқ ва халқ хўжалиги амалиётида татбиқ қилишлари билан боғлаб олиб борилади.

Истиқлолимиз шарофати билан мактабларимизга, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларига янги педагогик технология назарияси кириб келди. Шунинг учун ҳам ҳозир мактаб ва ўқув муассасаларида компьютерлаштириш, автоматлаштириш, коммуникация, техника ва ишлаб чиқаришнинг профессионал малакалар таълимоти, айниқса, катта ўрин олиб ривожланмоқда. Шу сабабли мактабларимиз ўқувчиларида конструктив техника тафаккурининг ўсиш ва ривожланишига ҳам ёрдам бериши лозим. Ўқувчиларимизнинг техника масалаларига ва ихтирочиликка, санъат ва қишлоқ хўжалиги масалаларига қизиқишлари ва уларда мана шундай

қизиқишнинг кўплиги амалий тафаккурнинг ривожланиши-ни шакллантиради.

Таъкидлаш жоизки, ўқувчи ёшлар тафаккурини, ижтимоий онгини ривожлантириш ҳаётий мажбуриятга айланмоқда. Чунки юқорида айтганимиздек, иқтисодиётда, ижтимоий ҳаётда ҳар кунини, ҳар сонияда жиддий ўзгаришлар юз бераётир. Ана шу ўзгаришларга ижобий ёндошиш ҳар бир ўқувчидан маънавий масъулият ва изланувчан бўлишни талаб этади. Бу фикрнинг замирида дунёқараши кенг, рақобатбардош, халқаро андозалар билан беллаша оладиган даражадаги ўқувчи ёшларни тарбиялашга эътибор қаратилмоқда. Шу боис ҳозирги кунда мактаб ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим ўқув юртларида ўқиётган ўқувчиларнинг тафаккурини шакллантириш жуда муҳимдир.

### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Тафаккур жараёни сезги, идрок ва бошқа психик жараёнлардан қандай фарқ қилади?
2. Тафаккурнинг умумий таърифи.
3. Фикр юритиш жараёнлари нима?
4. Тафаккур турлари ва ақлнинг муҳим сифатлари нима?
5. Ҳукм ва хулоса чиқаришни тушунтириб беринг.
6. Ўқувчиларда тафаккурнинг ўсиши.
7. Мангиқий масалаларни ечишнинг асосий босқичларини конкрет мисолларда таҳлил қилинг.
8. Тушунчанинг тасаввурдан фарқи ва улар ўртасидаги ўзаро боғланиш нимадан иборат? Мисоллар келтиринг.

### Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати

1. **Каримов И.А.** Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: «Маънавият», 2008.
2. **П.И. Ивалов.** Умумий психология. –Т.: «Ўқитувчи», 1967 й.
3. **Э. Ғозиев.** Умумий психология. I китоб. –Тошкент: «Университет», 2002 йил.
4. **Э. Ғозиев.** Умумий психология. II китоб. –Тошкент: «Университет», 2002 йил.
5. **К.К. Платонов.** Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 йил.
6. Умумий психологиядан амалий машғулотлар. **Б. Мамажонов, А. Сайдуллаев** ва бошқалар. –Т.: «Ўқитувчи», 1978 йил.
7. **В.А. Артёмов.** Конспект лекций по психологии. Издательство ХГУ имени А.М. Горького.

8. Умумий психологиядан амалий машгулотлар. Проф. А.Н. Шчербаков таҳрири остида. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1984.
9. В. Каримова. Психология. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Тошкент: 2002 йил.
10. М.Т. Давлетшин, С.М.Тўйчиева. Умумий психология (ўқув қўлланма). –Тошкент: 2002 й.
11. Э. Ғозиев. Психология (Ёш даврлар психологияси). –Тошкент: «Ўқитувчи», 1994 й.
12. В.А. Крутицкий, Н.С. Лукин. Психология подростка. «Просвещение», 1965 й.
13. М.Н. Шердаков. Мышление школьников. –М.: Учпедгиз, 1963 й.
14. П.Я. Гальперин. Развитие исследований по формированию умственных действий «Психологическая наука в СССР». I том. –М.: РСФСР ПФА нашриёти, 1959.
15. П.А. Шверев. Обобщение ассоциаций в учебной работе школьника. –М.: РСФСР ПФА, 1959.

## ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

### НУТҚ

#### 9.1. Нутқ ҳақида тушунча

Нутқ умуминсоний ҳодисадир, лекин ҳар бир одамда индивид сифатида якка шахснинг нутқи бўлиб кўзга ташланади. Ҳар бир шахс нутқининг ўзига хослиги биринчи навбатда шахснинг тилни (луғат бойлиги, грамматика, фонетика ва бошқа) қанчалик эгаллай олганлигига боғлиқдир. Нутқнинг индивидуал хусусиятлари унинг тузилишида, талаффуз этилишида ва бошқа шу кабиларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам нутқ ва тафаккур бир-бири билан табиий равишда боғланади. Нутқ тафаккур қуролидир, чунки биз фикр қилиш учун сўздан фойдаланамиз, фикримизни сўз билан ифода қиламиз, нутқ ёрдами билан ўз фикримизни бошқаларга маълум қиламиз ва бошқаларнинг фикрини билиб оламиз. Нутқнинг шу икки вазифаси бир-бирига қаттиқ боғланган, шу сабабли нутқни кишиларнинг ўзаро алоқа воситаси ва тафаккур қуроли деб таърифлаш мумкин.

Нутқнинг қўйидаги муҳим вазифаларини ҳам эсда тутиш керак: биз нутқ ёрдами билан дунёдаги буюм ва ҳодисаларни онгимизда акс эттирамиз, яъни уларга ном бериб аниқлаймиз, номларни эсда сақлаб қоламиз ва фикр юритганда шу буюм ва ҳодисаларни ифода қиладиган сўзлар ва тушунчаларга суянамиз. Демак, нутқ ҳам реал борлиқнинг инъикосидир. Психологларимиз айтганидек, «нутқ ҳам, тафаккур ҳам алоҳида бир оламни ташкил қилмасдан улар фақатгина ҳақиқий ҳаётнинг кўринишларидир». Масалан, «китоб» сўзи билан маълум бир нарсани билдирамиз ва бу сўзни эшитган ҳар бир киши унинг қандай нарсанинг номи эканини тушунади. Умуман, ҳар бир сўз, яъни муайян товушлар бирикмаси (масалан, «дарахт») дунёдаги буюм ва ҳодисаларни, уларга хос бўлган сифат, ҳаракат ва бошқа хусусиятларни ифода қилиб, уларнинг онгимиздаги умумий «вакили» бўлиб қолади. «Буюм, – дейди К.К. Платонов, – ҳис орқали идрок қилинади, ақл унга ном беради. Ақлда шундай нарса йўқки, у ҳис орқали идрок қилинма-

син, бироқ ҳис орқали идрок қилинган нарса ҳақиқатдан ҳам мавжуд, ақлда эса у ўзининг номи, ўзининг оти эътибори билан мавжуд. Бас, ном нима? Айириш учун хизмат этадиган белги, буюмни бус-бутун ҳолича тасаввур қилмоқ учун буюмни характерлайдиган, биронта кўзга ташланадиган аломатидирки, мен уни буюмнинг вакили қилиб оламан».

Аммо биз нутқ ёрдами билан яна ўзимизнинг руҳий ҳолатларимизни, кечираётган туйғу-ҳиссиётимизни ҳам ифода қиламиз. Биз нутқ ёрдами билан бир-биримизга таъсир қиламиз. Нутқ гапираётган кишининг онгида ва қалбида бўлган фикр ва мақсадни ифода қилади. Биз нутқ воситаси билан бировни хурсанд ёки хафа қилишимиз, уни умидсизлантиришимиз ёки унга тасалли беришимиз мумкин. Нутқнинг кучи ҳақида ҳар бир халқда алоҳида мақолларнинг бўлиши ҳам бежиз эмас. Бу мақоллар нутқнинг киши руҳига қандай таъсир қилиш кучига эга эканлигини яққол кўрсатади. Масалан, «Яхши сўз жон озиги», «Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил» ва ҳоказо.

Нотиқ, ташвиқотчи, зобит ва ўқитувчининг нутқи асосан кишиларни бирор ишга ундаш, уларнинг онгига бирор мақсад ва ғояларни сингдириш, ўғит-насиҳат қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Нутқнинг бошқаларга таъсир қилиш кучи ҳақида Навоийнинг қуйидаги сўзларини ҳам эслатиб ўтиш мумкин: «Дунё сарф қилиб эришилмаган натижаларга вақтида ишлатилган бир яхши сўз билан эришиш мумкин».

Нутқнинг киши онги ва қалбига таъсир қилиш кучи катта бўлгани учун у таълим-тарбия ишининг асосий қуролларида ҳисобланади.

### Нутқнинг пайдо бўлиши

Нутқ ҳам киши онги сингари меҳнат маҳсулотидир. Нутқ, аслида бошқа кишилар билан алоқада бўлиш эҳтиёжидан ва бунинг қатъий зарурлигидан келиб чиққандир. Даставвал меҳнат ва кейинчалик у билан бирга аниқ нутқ ҳам пайдо бўлади. Одамнинг ҳайвон аждодлари бўлмиш одамсимон маймунларнинг меҳнатга ўтиб, одамга айланиш жараёнида нутқ ҳам пайдо бўлган, чунки «одамга айланиб бўлганларида уларда бир-бирига бир нима гапириш эҳтиёжи пайдо бўлган». Ибтидоий

одамларнинг биргалашиб меҳнат қилиш жараёнида бир-бири билан алоқада бўлиш заруриятидан келиб чиққан нутқ ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, у фақат инсонларгагина хосдир. Чунки унинг ҳам келиб чиқиши, ҳам тараққий қилиши учун фақат ижтимоий меҳнат ва ижтимоий муносабатлар сабабчи бўлган. Ҳақиқатан, одам боласи кичик ёшдаёқ жамият аъзоси бўлиб, катталар билан бирга яшаб ўсганлиги учун нутқ қобилиятига эга бўлади. Бордию одам боласи кичик ёшидан бир ўзи қолиб, ёлғиз яшашга мажбур бўлса, у гапиришни ҳам билмасди, умуман унинг онги ҳам ўсмай қоларди, у фақат ҳайвон сингари табиий овоз чиқаришнигина биларди.

### Нутқ турлари

Ибтидоий одамларда энг биринчи тараққий қилган нутқ полилогик нутқ дейилади. Бу бирор хавф-хатарли ҳодиса рўй берганда бутун жамоаси (кўпчилик)нинг бирданига овоз чиқариши, яъни ҳаяжонли нутқидир. Полилогик нутқ билан бирга диалогик нутқ ҳам ривожлана бошлаган. Диалог икки ёки бир қанча кишилар ўртасида бораётган суҳбат демакдир. Кейинчалик монологик нутқ ҳам тараққий қилади, яъни бир кишининг бошқаларга қарата бир нарсани гапириши, ҳикоя қилиши ва ҳоказо. Нутқнинг бу турлари киши онгининг ривожланишига боғлиқ равишда ижтимоий меҳнат ва ижтимоий муносабатларнинг мураккабланиши билан бирга ўсиб, тараққий қилиб келгандир.

Нутқ кишиларнинг ўзаро алоқа қилиш, бир-бирининг фикр ва мақсадларини билиб олишга хизмат қилгани учун албатта, фикрни ва мақсадни бошқаларга аниқ билдириш учун алоҳида воситалардан фойдаланмоғи зарур эди. Бу воситалар ҳар қандай маъно берадиган махсус товуш бирикмалари ва алоҳида ёзма белгилардан иборат бўлиб, шу асосда фонетик (оғзаки) нутқ ва график (ёзма) нутқ турлари ривож топди.

Бирон фикр ва мақсадни асосан юз ифодалари ҳамда имо-ишора каби ҳаракатлар воситаси билан билдириш ҳам бор. Одамлар баъзида нутқнинг шу воситасидан ҳам фойдаланадилар. Нутқнинг бу тури кар-соқовлардагина учрайди. Санъат соҳасида нутқнинг бу турларидан балетда фойдаланилади. Одатда имо-ишора оғзаки нутққа аралашиб кетади. Масалан,

бирор сўз топилмай қолганда ёки бир гапни кучайтириш ва ифодали қилиш лозим бўлганда, бир гапнинг айниқса муҳим эканини уқдириш керак бўлганда юз ифодалари ва имо-ишоралардан фойдаланиб, оғзаки нутқни аниқроқ қиламиз.

**Фонетик нутқ** товушларни бириктириб, оғзаки гапириш демакдир. Эшитиш ва нутқ аъзолари соғ-мўътадил ўсган кишилар оғзаки нутқдан фойдаланадилар. Ер юзидаги ҳамма халқларнинг асосий нутқи товушлар нутқи бўлиб, буни кишилар кичик ёшдаги амалий йўл билан алоқа қилиш орқали эгаллайдилар. Унинг келиб чиқиши ер юзида инсонлар жамияти пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

График ёки ёзма нутқ айрим товушларни, сўз, гап ва буюмларни ифода қиладиган ҳар қандай махсус белги, сурат ва ҳарфлардан иборатдир. Ёзма нутқни эгаллаш учун ўқиш, савод чиқариш лозим. Нутқнинг бу туридан саводли кар-соқовлар ва шунингдек кўрлар ҳам фойдаланадилар. Бироқ, кўрлар учун махсус Брайль усулидаги ёзма нутқ мавжуддир. Чор Россияси ерида (хусусан Шимолий Сибирьда) яшаган баъзи миллатларнинг ёзма нутқи йўқ эди. Бу миллатлар фақат кейинчалик (XX асрда) ўз тилларида ёзма нутққа ва ўз мактабларига эга бўлдилар.

Шу билан бирга «нутқ» ва «тил» тушунчаларини бир-биридан ажратиш лозим. Нутқ ҳар кимнинг бошқа кишилар билан алоқа қилиш қобилияти демакдир. Тил эса тарихий келиб чиққан сўзлар ва уларни ишлатиш қоидалари системаси бўлиб, унинг эгаси бутун бир миллат, бир халқдир. Шунинг учун биз одатда «ўқувчининг нутқи», «ўртоқ Аҳмедовнинг нутқи» ва «ўзбек тили», «рус тили» деб гапирамиз. Аммо, нутқ ва тил бир-бирига табиий боғланади. Теварак-атрофдаги одамлар қайси тилда гапирсалар, бизнинг шахсий нутқимиз ҳам шу тил системаси ва қоидаларига бўйсунди. Одатда бизнинг нутқимиз она тилимиздаги нутқдир. Лекин биз бундан ташқари бошқа тилларни ҳам билишимиз мумкин.

Нутқнинг вазифасига қараб уни яна ташқи ва ички нутқ турларга ажратиш мумкин:

**Ташқи нутқ** бошқалар учун тайинланган нутқ бўлиб, у асосан оғзаки, яъни ҳам гапирувчи, ҳам тингловчининг айна бир вақтда ва бир жойда бўлишини талаб этади. Одатда ташқи нутқ суҳбат, савол-жавоб, яъни диалог шаклида ўтади. Аммо у мо-

нолог шаклида ҳам бўлади. Масалан, докладчи, нотиқ ва дарс бераётган ўқитувчининг нутқи бунга мисол бўла олади. Бирор саволга жавоб беришда, бирор нарсани уқдириш ва баён қилишда шу нутқ туридан фойдаланамиз. Шунинг учун ҳам унинг аниқ ва бошқалар учун тушунарли, жонли ва ифодали бўлмоғи шарт. Ташқи нутқ асосан оғзаки бўлиб, сўзлардан тузилган. Аммо унга имо-ишора, юз ифодалари ва ҳар хил оҳанглар аралашиб, уни кучайтиради, яққол ва ифодали қилади. Шу сабабли нотиқнинг овозинигина эмас, балки унинг ўзини ва юз ифодаларини кўрар эканмиз, унинг нутқини ҳам яхшироқ тушунамиз. Шунинг учун ҳам нотиқ ва дарс бераётган ўқитувчи ҳаммага кўринадиган жойда туриб гапириши талаб қилинади.

Ёзма нутқ ҳам бошқалар учун тайинланган нутқдир. Аммо у ёзувчи билан китобхоннинг айна бир вақтда ва бир жойда бўлишини тақозо қилмайди. Чунки ёзма нутқ бевосита алоқа учун эмас, балки узоқдан туриб алоқа қилиш учун ишлатилади. Масалан, биз бошқа бир шаҳарда яшовчи бир кишига бир нарсани хат қилиб билдирсак, у буни бир ҳафтадан кейин олиб ўқиши мумкин. Биз беш юз йил аввал ёзилган Навоий асарларини ҳозир ўқиб, уларнинг мазмунини биламиз.

Ёзма нутқ энг мураккаб ва мукамал тузилиб ифода қилинадиган нутқ туридир. Чунки у масофа ва замон эътибори билан узоқда бўлган кишиларга тайинланади. Шунинг учун хат, мақола, китоб ва бошқа ёзма асарлардаги гапларнинг ҳамма бўлаклари қоидага мувофиқ, ўз жойида ишлатилиши лозим. Чунки бунда гапнинг эгаси, кесими ёки бошқа бўлаклари тушиб қолар экан, унинг мазмунига тушунмаслик мумкин. Маълумки, ташқи нутқдан фойдаланувчилар, яъни суҳбатдошлар, гапни тўлиқ тузиб гапирмасликлари ҳам мумкин. Улар бу тушиб қолган гап бўлаklarини имо-ишора, юз ифодалари ва оҳангни ўзгартириб тўлатадилар ҳамда одатда суҳбатдошлар гап нима устида бораётганини билиб турадилар. Масалан, бир неча киши трамвай кутиб турмоқда. Ҳамма трамвай йўлига тикилиб қарайди ва улар ўртасида тахминан шундай гаплар эшитила бошлайди: «келаяптими?», «дараги борми?», «йўқ», «келаяпти» ва ҳоказо. Шу хилда қисқача тузилган гапларда на эга, на тўлдирувчи ва на пайт ҳолати бор. Аммо бундан қатъий назар, ҳамма бир-бирининг гапига тушунади. Чунки бу ерда

тўпланганларнинг шу жойдаги мақсади бир. Гап нима устида кетаётгани ҳаммага аён. Шунинг учун гапни тўла-тўқис қилиб тузиш зарур эмас. Ёзма нутқда эса тушиб қолган гап бўлакларини юз ифодалари, қўл, бош ҳаракатлари, оҳанг ўзгартиришлар билан тўлатиш имкони йўқ. Шунинг учун ҳам ёзма нутқ айниқса, мукамал бўлиши шарт. Акс ҳолда уни тушуниб бўлмайди. Ёзма равишда ифода қилинган бир фикр аниқ ва равшан бўлмоғи шарт. Агар биз ноаниқ бир фикр ёки мазмуни яхши тушуниб олинмаган бир нарсани ёзма ифода қилишга уриниб кўрсак, бунинг камчиликлари дарров ошкор бўлиб қолади ва ёзганимизни ўчириб, тuzатишлар киритиб, фикрни аниқ ифода қилишга эришамиз. Шунинг учун ҳар қандай ёзув ишлари иншо, конспект ва шунга ўхшашлар тафаккурни ўстиришда катта аҳамиятга эга. Ёзма нутқ билан шуғулланиш мантиқий фикрлаш қобилияти ва сўз бойлигини оширишга ёрдам беради.

**Ички нутқ** кишининг ўзи учун бўлиб, ўз ичида ўйлаб, жим ўтирган вақтдаги нутқидир. Одатда, у овозсиз ўтади. Баъзи ҳолларда эса у шивирлаб айтилади ёки овоз билан гапирилади. Бундай ҳодиса киши бир нарсадан жуда қаттиқ таъсирланган, ҳаяжонланган ёки бир нарсадан пушаймон бўлган ёки ўзи ёлғиз ўтирган вақтларда рўй беради. Киши ўзи сезмасдан, баланд овоз билан гапира бошлайди ёки ўқтин-ўқтин айрим сўзларни гапириб қўяди. Баъзан ўз ичида ўйланиб ўтирган киши юз ифодасини ўзгартириб, бошини қимирлатиб, қўлларини силкитиб қўяди. Бу ички нутқнинг ҳаракат билан ифода қилинишидир. Бундай ҳодиса айниқса кичкина болаларда кўп учрайди. Бола ўйнар экан, унинг оғзи ҳам жим турмайди, у ўз-ўзича гапириб ўйнайди. Яъни ўз ичида нима ўйлаётган бўлса, шуни овоз билан гапираверади.

Ички нутқ тўлиқ бўлмасдан у асосан кесимлардан тузилади. Чунки ўз ичида нима ҳақда ўйлаётганини ҳар кимнинг ўзи билади. Шу сабабли ички нутқда гапнинг эга, кесим ва бошқа бўлакларининг ҳар қайсисини жой-жойида ишлатиш зарурияти ҳам бўлмайди. Масалан, бир кимса чўнтагини ахтарар экан, «олмапман экан» деб шивирлаб қўяди ва нима олишини унутганлигини ўзи билади. Шу сабабли бунда фикрни ифода қилиш учун шу бир сўзнинг ўзи кифоя қилади.

Ички нутқ тафаккурга табиий равишда боғланади. нутқ овозсиз бўлиши мумкин бўлса ҳам, тафаккур нутқсиз бўлол-

майди. Нутқ тафаккур қуролидир. Шунинг учун ҳам биз бир нарсани яхшироқ тушуниб олмоқчи бўлсак ёки бир фикрни ўзимиз учун тўла аниқ қилмоқчи бўлсак, уни овоз билан ўзимизга айтиб берамиз. Биз бир фикрни бошқаларга айтиб беришдан олдин ўз ичимизда ўйлаб унинг аниқ ифодасини топиб, кейин гапирамиз. Демак, киши ўйлаганида ҳамиша ички нутқдан фойдаланади.

### Нутқнинг ривожланиши

Нутқ киши ҳаётининг маълум даврида пайдо бўлиб, ривожлана бошлайди. Бу давр, одатда, бола иккинчи ёшга қадам қўйганида бошланади. Бу ёшгача болада ҳали нутқ бўлмайди. Янги туғилган бола инга-ингалаб йиғлашдан бошқа овоз чиқаришни билмайди. Тахминан, 3-4 ойлик бўлганда, болада «гу-гу»лаш бошланади, яъни бола «гу-гу», «агу» каби товушлар чиқариб ётади. Аммо буни бирор нарсага боғламасдан, шу товушларни чиқаришнинг ўзидан мамнун бўлгандек кўринади. Олтинчи, еттинчи ойларда эса бола «ма-ма», «да-да» сингари айрим бўғинларни айта бошлайди. Аммо бу даврда ҳам у шу бўғинларни бирор нарсага боғламайди. Шу сабабли бу товушлар нутқ вазифасини бажармайди, лекин нутқ аъзоларини машқ қилдириш уларни нутқ эгаллашга тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Шу даврда чақалоқ ўзига қарата айтилган баъзи сўзларни ва гапнинг оҳанги (интонацияси)ни тушуна бошлайди. Бунда бола асосан овознинг оҳангини тушунади. Аммо сўзнинг маъносини ҳали ажрата билмайди. Масалан, бир нарсани тақиб қилиш оҳангини билиб олган бола, қўлини бирор нарсага узатаётганида онаси тақиблаш оҳанги билан «Қўй», «ол», «бор» деса, бола шу сўзларнинг фарқига бормасдан, фақат оҳангни тушуниб, қўлини пастга туширади. Сўз ва гапнинг маъносини бола фақат бир ёш бўлгандан кейингина тушуна бошлайди ва бу ёшда ўзи ҳам нутқ эгаллаш даврига ўтади.

Бола бирор бўғин ёки сўзни айтиш билан ўзининг мақсадини ёки бирор нарсани билдира бошласа, у чин маънода нутқ эгаллаш даврига қадам қўйган ҳисобланади. Аммо бола нутқнинг ҳамма мураккаб томонларини бирданга эгаллай олмайди. Нутқни тўла эгаллаш анчагача чўзилади ва бола секин-аста сўз бойлигини ўстира боради. Бола нутқнинг эндигина

эгаллаган даврида гап тузиб гапирмасдан, балки ўз мақсадини бир сўз билангина ифода қиладики, бу сўз тугал бир гап вазифасини бажаради. Масалан, «сут» «сут ичамиз», «сут бер» каби ҳар қандай гап маъносини билдириши мумкин. Шу сабабли бу ёшда боланинг гапини фақат уни боқажётган кишиларгина тушунади. Шу билан бирга боланинг нутқида энг аввал теваарак-атрофдаги нарсаларнинг овозига эргашиб («вав-вав» - ит, «би-биб» - машина ва ҳоказо), уларнинг номини билдирадиган сўзлар, сўнгра феъл, кейинчалик сифат ва сонлар пайдо бўла бошлайди. Сўз бойлиги борган сари ўса боради. Масалан, икки яшар бола тахминан 300-500 сўз эгаллаган бўлиши мумкин. 2 ёш билан 5-6 ёш ўртасида боланинг нутқи тез ўса бошлайди ва сўз бойлиги 3-4 минггача ета олади. Шу билан бирга унинг тафаккури ҳам ривожланади. Бола кўрган, эшитган нарсалари тўғрисида кўп савол беради, янги сўз ва тушунчаларни эгаллай бошлайди. Албатта, бунинг учун болага тўғри тарбия бериш, унинг билан сўзлашиш, эртақлар гапириб бериш, китоб ўқиб эшиттириш керак.

Нутқни ўз вақтида амалий эгаллаб олиш ва сўз бойлигини ўстириш кейинчалик савод чиқариш, она тили грамматикасини ўрганиш ва умуман мактабда сифатли ўқиш яхши замин бўлади.

Киши мактабда ўқиш туфайли ўз нутқида онгли муносабатда бўлади. Яъни уни таҳлил қила билади, гапнинг адабий ва маданий тузилиш шаклларини ўрганиб олади ва ҳар бир сўзни ўз жойида, маъносига тушуниб ишлата олади. Нутқи ўсган кишининг тафаккури ҳам яхши ўсган бўлади. Шунинг учун айниқса сўзнинг маъносини тушуниб гапириш катта аҳамиятга эга. «Мазмунидан завқланиш бўлмаган сўз жонсиз бадан кабидир», деганида Навоий минг карра ҳақ эди.

Нутқ қобилиятига эга бўлиш ўз фикр ва мақсадинини бошқаларга мукамал ва аниқ тушунтира билиш демакдир. Ўзинг яхши тушуниб олмаган бир нарсани бошқаларга ҳам аниқ қилиб гапириб бериш мумкин эмас. Шунинг учун ўйлаб гапиришга одатланиш керак. Албатта, оғзаки гапирганда, саволга тез жавоб топиб гапириш керак бўлганда, ҳар бир гапни кўп ўйлаб, махсус сўз қидириб гапириш ўнғайсиз ва суҳбатдошлар ёки тинглаб ўтирувчиларни зериктиради, фикрни чалғитиб юборади. «Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши» деган

мақолга мувофиқ, болани шошиб-ҳовлиқиб гапирмасдан ёки гапни майдалаштириб, чўзиб ўтирмасдан, қисқа ва силлиқ қилиб гапиришга кичик ёшдан одатлантириш керак. Бунинг учун ёзма нутқда машқ қилиш катта аҳамиятга эга. Чунки ёзган вақтда ўйламасдан ёзиш мумкин эмас. Биз бир фикрни бошқаларга тушунарли қилиш учун онгли равишда гап тузамиз, унинг қандай тузилиши ҳақида ўйлаймиз, энг муваффақиятли ибора ва таърифлар қидирамиз. Оғизга келган ҳар қандай сўз ва гапларни ўйламасдан ёзиб кетаверган киши ёзма нутқни яхши эгаллаган ҳисобланмайди. Ўз фикр ва мақсадини муваффақиятли, аниқ ва мантиқий ифода қилиш учун ўйлаб ёза оладиган кишигина ёзма нутқни тўла эгаллаган ҳисобланади. Ёзма нутқни эгаллаш оғзаки нутқнинг ҳам сифатли, аниқ ва силлиқ бўлишига ёрдам беради.

Шунинг билан бирга биз нутқ орқали ўзаро тўғри ва одобли муомала қилишни ҳам ўрганиб олишимиз керак. Масалан, суҳбат вақтида жуда ҳам баланд овоз билан шошиб, сўзларни чалакам-чатти қилиб гапириш ёки бир гапни қайтаравериш, бошқанинг гапини бўлиш, гални айтиб бўлишини кутмай ва нима гапираётганига эътибор бермасдан ўз сўзини давом эттиравериш нутқ маданияти, яъни бошқалар билан нутқ туфайли маданий алоқада бўлиш малакасининг йўқлигини билдиради. Одоб билан гапира билиш тарбия орқали вужудга келади.

Шундай қилиб, ёзма нутқ батамом ва тўла бўлиб, маъноси ўйланган бўлиши керак. Монолог нутқ ҳам тамоман ёзма нутқдек тўла ва батамом аниқ бўлиши керак. Демак, бундан маълумки, нутқнинг бу хиллари нутқ маданиятининг анча баланд бўлишини талаб қилади ва ёзма нутқ билан монолог нутқни (ёки улардан лоақал бирини) яхши эгалламагунча ўз фикрини мунтазам равишда, аниқ ва равшан, маънодор қилиб баён этишда чин маҳорат ҳосил қилиб бўлмайди.

Бироқ диалог нутқнинг ҳам ўзига яраша баъзи талаблари борлигини ва бу талабларга риоя қилмаган одам биров билан суҳбатдош бўлганда, унинг суҳбати маъносиз бўлиб, кишини зериктирадиган, ҳатто кишига ёқмайдиган совуқ суҳбат бўлишини назарда тутмоқ керак. Бу талабларнинг энг муҳими, суҳбатдошнинг гапларига қулоқ солиб туриш, унинг савол ва эътирозларини англаш ва жавоб берганда ўзининг фикрларига эмас, балки суҳбатдошнинг саволларига жавоб беришдир.

Баъзи одамларда бошқаларнинг сўзига парво қилмаслик ва қулоқ солмаслик хунук бир одатга айланиб кетади. Бундай одатли одам суҳбатдошининг гапини бўлиб, сўзининг якун бўлишини кутмайди.

Киши ўзининг суҳбат қилгандаги бу камчилигини фаҳмлаши ва бу камчиликни йўқотишга ҳаракат қилиши ўз нутқ маданиятини ўстириш йўлидаги чораларнинг муҳим қисмидир.

Ёзма нутқ оғзаки нутқ ўртасидаги муҳим тафовутларнинг яна бирини айтиб ўтаемиз. Киши ёзганда ўз нутқини онгли равишда, ўз ихтиёри билан, сўзларни қандай хоҳласа шундай танлаб ёзади, жумлаларни танлаб тузади, сўзларини тартиб билан теради ва ҳоказо. Ёзиш фикрнинг сўз қолипига кирган ифодаси устида ишлаш демакдир.

Ёзма нутққа усталик кишини бундай ишдан озод қилади, деб ўйлаш ниҳоятда катта хатодир. Яхши ёзиш қийналмасдан «шариллатиб» ёзиб кетавериш дегани эмас. Ўз фикрини ифода қилиш учун қандай бўлса бир сўз топган одам ёзма нутқни яхши эгаллаган бўлмай, балки *энг яхши* ибора излаб, топиб ёзган, энг яхши сўзлар топиш учун тиришган одам ёзма нутқни билган бўлади.

Эсига келган ҳар бир иборага қаноат қилиб, шуни ёзверган ва яхши иборалар топиб, тилини мукаммалаштиришга ҳаракат қилмаган одамни яхши ёзма нутқи бор, деб бўлмайди.

Сўз устида катта санъаткор ёзувчилардек кўп ишлаш зарур. Л.Н. Толстой ёшлик чоғларида «Тузатмасдан ёзишни тамомила миядан чиқариб ташлаш керак. Уч-тўрт марта тузатилса ҳам кам» деган. Кейинчалик у кексайган чоғида ҳам яна шу фикрни қайтарди: «Бир неча маротаба қайта-қайта тузатмасдан ёзиш қандай мумкинлигини сира тушунмайман». Толстой учун бундай кўп тузатишдан мақсад, тилини чиройли ва бадий қилишдан иборат бўлмай, энг қийин фикрни бошқаларга тушунарли қилиб аниқ ва равшан айтишдир.

«Ўзинг тушунган нарсани бошқалар ҳам сендек аниқ ва равшан тушунадиган қилиб айтиш ҳаммадан қийин ишдир, буни имкони бўлган даражада бажара олмаганингни ҳамиша сезиб турасан». Шунинг учун ҳам, Л.Н. Толстой бадий асарларнинг гина эмас, ҳатто оддий мактубларини ҳам бир неча марта қайтадан тузатар эди.

Фикрнинг ёзма ифодаси бўлган ёзувларни тузатиш устида атайин қилинган иш ҳаммавақт уни қайта-қайта тузатаверишдан иборат бўлавермайди. Исботларни мияда ҳўп ишлаб, обдон пухталаб, кейин қоғоз устида ёзиш ҳам мумкин. Сўз устида ишлашнинг моҳияти бундан ўзгармайди, фақат ишнинг формасигина ўзгаради.

Бу жиҳатдан қараганда оғзаки нутқдан ёзма нутқ жуда катта фарқ қилади. Яхши оғзаки ҳар бир сўз устида узоқ ўйлаб ўтиришга йўл қўймайди. Гапираётганда бир сўзни айтишдан аввал уни узоқ ўйлаш, жумлани қандай тузиш тўғрисида узоқ мулоҳаза қилиб ўтириш мумкин эмас. Бур жумлани бир неча маротаба қайтариб, ҳар гал уни тўғрилаб ва яхшилаб ўтириш сира мумкин эмас. Монолог нутқда ҳам, яъни маъруза ўқиганда, доклад қилганда ва бошқа бу каби ҳолларда ҳам сўз устида бундай тарзда ишлаб бўлмайди. Оғзаки нутқ бетўхтов ва равон бормоғи керак. Оғзаки нутқда сўзлар ўз-ўзидан тилга келсин, сўзлар равон ва маънодор жумпаларга терилсин. Оғзаки нутқ, юқорида айтилганидек, фикрнинг сўз шаклига кирган ифодасида тўлалик ва мукамалликни, боғланишликни кўпинча талаб қилмайди.

Шундай қилиб, оғзаки нутқ тузилиши жиҳатидан осон ва соддароқдир, лекин оғзаки нутқ гапираётганда сўзларни яхшилаш устида узоқ ишлашга йўл қўймайди, ёзма нутқ тузилиши жиҳатдан қийин ва мураккабироқ бўлса ҳам, ёзаётганда фикрнинг сўз шаклига кирган ифодаси устида ҳар қанча ишланса ҳам бунга йўл қўяди. Бундан ёзма нутқ сўзлари устида онгли равишда ишлашга катта имкон берганидан, нутқ маданиятини ўстиришда унинг қандай муҳим ўрин тутганлиги ўз-ўзидан маълум.

#### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Нутқ ва тилнинг умумий ҳамда бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятлари нималардан иборат?
2. Нутқ фаоллигининг нерв механизмлари ҳақидаги И.М. Сеченов ва И.П. Павлов таълимотларининг моҳиятини таърифлаб беринг.
3. Оғзаки ва ёзма нутқларнинг ўхшаш томонлари ва фарқини кўрсатинг.

### **Мавзу юзасидан адабиетлар руйхаги**

1. И.А. Каримов. Юксак маънавият энгилмас куч. –Тошкент: «Маънавият», 2008.
2. Н. Бекмирзаев. Нотиқлик асослари. –Тошкент: «Фан», 2006.
3. Психология курси. М. В. Гамезо таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 1972.
4. М.Воҳидов. Болалар психологияси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982.
5. П.И. Иванов. Умумий психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1967 й.
6. Э.Ғозиев. Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1994
7. М.Г. Давлатшин, С.М. Тўйчиева. Психология. –Тошкент: 2002 й.

## 10.1. Хаёлнинг психологик таърифи

Кишиларнинг амалий фаолиятида хаёл катта аҳамиятга эгадир. Одам хаёл образлари орқали табиатдаги нарса ва ҳодисаларни, ижтимоий ҳаёт сирларини билиб оладилар, табиат ва жамият қонунларини очадилар, ўрганадилар ва улардан ўзларининг ҳаётий манфаатлари жараёнида амалий фойдаланадилар. Бугунги кунда фанни ижодий ҳаракатга келтирувчи, глобал тараққиёт эҳтиёжлари инсон психологиясига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ табиат қонунлари ва кучлари тўғрисида илмий-амалий маълумотлар бермоқда. Инсон ҳодисаларнинг моҳиятини хаёлий образлар орқали чуқур билиб олгани сари бу билимдан ўзининг илмий-амалий фаолиятида фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда. Чунки инсон онгида фақат хотира тасаввурлари, яъни шахс ўзи идрок қилган, бошидан кечирган нарсаларнинг тасаввурларинигина эмас, балки унинг меҳнат фаолиятида, шахсий ҳаётида ва ҳатто бунгача дунёда бўлмаган буюм ва ҳодисаларнинг тасаввурлари ҳам бўлиши мумкин. Яъни, одам узоқ ўтмишдаги тарихий воқеаларни, яқин келгусидаги ўзга сайёраларга саёҳатни, ажойиб бир янги моделдаги машинани ва шунга ўхшаш ижобий хаёл образларини ҳам кўз олдига келтириб, хаёлан тасаввур қилиши мумкин.

Инсон ўз олдига бажарилиши зарур бўлган маълум бир мақсад кўяр экан, у ўша мақсаднинг нимадан иборат эканлигини ва уни амалга ошириш йўлларини ҳам хаёлан кўз олдига тасаввур қила олади.

Биз келгусидаги мустақил ҳаётимизни, эришмоқчи бўлган ютуқларимизни, мустақил ватанимизнинг порлоқ келажагини аниқ тасаввур қила оламиз. Бунга ҳам биз инсон руҳиятидаги психологик жараёнлар ва хаёлий тасаввурлар туфайли эришамиз. Демак, хаёл ёки фантазия ҳаётимиздаги реал воқеликни онгимизда акс эттирувчи, тасаввурларни қайтадан ўзгартириш асосида янгидан-янги образлар яратишдан иборат бўлган руҳий жараёндир. Шундай қилиб, хаёл одамларнинг асо-

сий эҳтиёжларини қондириш учун қилинадиган меҳнатлари жараёнида тарихан пайдо бўлиб, ривожланиб борган. Хаёл ҳам киши онги ва руҳиятининг бир кўриниши бўлгани сабабли у ижтимоий муносабатларнинг, жамиятда ҳукм сурган мафкуранинг, инсоният манфаати ва маънавияти шаклланишига хизмат қилади.

## 10.2. Хаёл турлари

Юқорида айтганимиздек, хаёл мураккаб психик жараён бўлиб, ҳар хил турларда намоён бўлади. Ақлий меҳнатнинг турли шакллари бўлиб, уларни фанда қуйидаги турларга ажратиб ўрганиш маъқул топилган. Жумладан, тасаввур хаёли, ихтиёрий, ихтиёрсиз, ижодий ва фантастик хаёллар бўлиб, улар мазмун жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

*Тасаввур хаёли* психологияда тикловчи хаёл ҳам деб юритилади ўтмишда бўлиб ўтган ёки ҳозирда бор бўлган, лекин бизнинг турмуш тажрибамизда шу пайтгача учрамаган, яъни биз идрок қилмаган нарса ва ҳодисалар тўғрисида тасаввур ва образлар яратишга имкон берувчи хаёлга тасаввур хаёли деб айтилади. Масалан, бадий асарларда тасвирланган образлар, воқеалар, ҳодисалар. Ойбекнинг «Навоий» романини ўқиганимизда, Навоий, Дилбар ва бошқа роман иштирокчиларининг, образланишини унда баён қилинган воқеаларни кўз олдимизда яққол гавдалантира оламиз. Тикловчи хаёл қобилияти, айниқса, бадий ва илмий асарлар ўқиш натижасида ривожланади. Бадий китоб ўқир эканмиз, биз ёзувчи тасвирлаган табиат манзараларини, тоғ, дала ва дарёларни, қушлар овозини қаҳрамонларнинг ташқи кўринишини жонли тасаввур қиламиз. Ёзувчи айтмаган воқеаларни ўз хаёлимиз билан тўлатамиз, асардан чуқур таассуротлар оламиз. Шунингдек аҳволи, ички руҳий ҳолатларини тушуна билиш, раҳм қилиш, хайрихоҳлик каби муносабат ҳам тикловчи хаёлга боғлиқ бўлади. Тасаввур хаёлининг характерли хусусияти ҳам мана шундадир.

*Ихтиёрий хаёл* киши аниқ бир мақсадни ўз олдига қўйиб, зарур бўлган вазифани бажаради. Шу вазифаларни бажариш учун ўйлайди, фикр қилади, ўз онгида образлар яратади. Масалан, шоир, ёзувчи, рассом, композитор меҳнат ютуқларини, кенг

далаларни тасвирлаш мақсадини ўз олдига аниқ вазифа қилиб қўяр экан, шу мақсад учун зарур бўлган алоҳида образларни танлаб, тегишли сўз, бўёқ ва музиқий оҳанглар ёрдами билан мавзуни ифодалайди. Шу сабабли хаёлнинг бу тури ихтиёрий хаёл деб аталади. Демак, хаёлнинг бу тури аниқ мақсадга қаратилган бўлиб, ғайрат билан ишлашни, яъни ироданинг, эмоционал туйғуларнинг мустаҳкамлигини талаб этади.

**Ихтиёрсиз хаёл.** Бу хаёл аниқ мақсадсиз, бирор ташқи сабаб билан ёки бирор туйғу-ҳиссиёт таъсири остида юзага келади, у бизнинг ихтиёримиздан ташқарида ишлай бошлайди ва образлар ўз-ўзича вужудга келади. Ухлаганда кўрган тушимиз ҳам ихтиёрсиз хаёл образига мисол бўла олади. И.П. Павловнинг фикрича, туш кўришнинг физиологик асоси «Илгариги таъсиротларнинг» нерва қолдирган излари жуда кутилмаган бир тарзда бир-бири билан боғланишидандир. Хаёлнинг беихтиёр жараёнлари бетартиб равишда ўтмай, балки муайян бир нарсага йўналган бўлади. Бу йўналиш шахснинг эҳтиёжлари, мақсадлари, ҳиссиётлари, теварак-атрофдаги воқеликни хаёлан идрок қилишлари унинг устун турган тасаввурлари ва фикрлари билан белгиланади. Шунинг учун хаёлнинг бу турини сушт хаёл ҳам деб атаймиз»<sup>1</sup>.

**Ижодий хаёл** – бизнинг шахсий тажрибамиздагина эмас, балки турмушда ҳам бунгача бўлмаган буюм ва ҳодисалар ҳақида тасаввур ва образлар яратиш ва шу образларга мувофиқ онгимизда янгиликларни хаёлан шакллантириш демакдир. Ижодий хаёл тамомила ижтимоий, маънавий-илмий қийматга эга бўлган, янги биринчи бор дунёга келган, оригинал ижодий маҳсулот яратиш фаолиятдир. Одатда, ижодий фаолият фикр, ғоянинг пайдо бўлиши ва пишиб етилишидан бошланади. Масалан, конструкторда янги машина яратиш ғояси туғилади ва бу ғояни муаллиф расм, эскиз, чизмада тасвир этмасдан олдин, унда ҳали мавжуд бўлмаган машинанинг ёрқин образи пайдо бўлади. Хаёлда ўтмиш тажриба элементлари дадилроқ татбиқ қилинган сари муаммо ечимининг оригинал усуллари тезроқ топила боради. Истиқболни кўз олдига келтириш, унинг ҳақида ижодий хаёл суриш, у хаёлни ҳақиқатга айлантириш учун ғайрат билан иш-

---

<sup>1</sup> Психология курси. М.В. Гамезо таҳрири остида. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1972 й.

лаш шахснинг энг юксак хислатларидан бири бўлиб, бу унинг ижодий фаолияти самарадорлигини таъминлайди. Бу эса ҳаётда ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Тафаккурида маънавий ва илмий ижодкорлик қобилияти шаклланган инсонларгина бундай фаолиятга сазовор бўла олади. Шу ўринда, адабиётшунос ва танқидчи О.Шарафиддиновнинг илмий мушоҳадаларга бой мулоҳазалари фикримизни тасдиқлайди: Баъзан мендан журналистлар, «Мустақиллик шахсан сизга нима берди?» деб сўраб қолишса, «Мен ўзимнинг юртимга, халқимга керак эканимни, яъни Ўзбекистонни барпо этишда менинг ҳам ўрним борлигини тасаввур қилдим, теран ҳис қилдим», деб жавоб бераман. Лекин барибир, яна ўша савол хаёлимда кўндаланг бўлаверади: наҳотки, бу марҳаматлар, диққату эътибор, ғамхўрликларга ўзимнинг қай бир сифатларим туфайлигина сазовор бўлаётган бўлсам?.. «Мен Ислом Каримовнинг асарларини ўқиб, унинг турли вазиятлардаги феъл-атворини кузатиб, хаёлан ўйлаб, қилган ишларини кўриб, шундай хулосага келдимки, бу инсон ҳеч қандай қолипни тан олмайди, ҳар қандай вазифада самимийлигини сақлаб қолишга интилади, расмиятчиликни жинидан ёмон кўради ва ҳар қандай шароитда ҳам инсоний мантиқ асосида фикр юритиб, иш тутишга одатланган. У ниҳоятда заковатли, зеҳни ўткир, ҳар қандай чигал муаммонинг ҳам туб моҳиятини кўра билади. Жуллас, улкан сиёсати учун зарур бўлган барча ноёб фазилатларга эга. Буларнинг ёнига жасурлик ва дадиллик қўшилиб, уни бениҳоя қатъиятли инсонга айлантирган хаёлимда. Айни чоғда, одамларнинг табиатини яхши ҳис қиладиган, уларга ишонадиган, улардаги яширин куч ва имкониятларни кашф эта оладиган раҳбар»<sup>1</sup>. Шундай қилиб, ҳаётда баъзи кишилар фаолияти кенг қамровли, мазмундор, кучли, фойдали ва самарали бўлади. Буни биз О.Шарафиддиновнинг юқоридаги ижодий хаёли мисолида кўра оламиз. Фан ва санъат соҳасида ҳам буюк аждодларимиз Навоий, Улуғбек, А.Темур, Ибн Сино, Жомий ва бошқалар шундай бой, кучли ва маҳсулдор ижодий хаёлга эга бўлган шахслардир. Билим савияси паст, танқидий фикрлаш қобилияти шаклланмаган, турмуш тажрибаси кам, илмий ғоялардан узоқда бўлган, ижтимоий эҳтиёж-

---

<sup>1</sup> О. Шарафиддинов. Довондаги ўйлар. – Тошкент: «Маънавият», 2004 йил, 14-бет.

лардан узоқ яшайдиган кишиларнинг хаёли кучсиз, маъносиз, жонсиз, мантиқсиз ва самарасиз бўлади. Баъзи кишиларнинг хаёли поэзия соҳасида, бошқаларники эса илмий техника ёки ижтимоий сиёсий соҳада кучли ва салоҳиятли бўлади. Хулоса қилиб айтганда, бирор соҳада ижодий хаёлнинг ўсиш даражаси шахснинг шу соҳада қанчалик қобилиятли, истеъдодли ва лаёқатли эканлигини кўрсатади. Хаёл қилиш жараёни инсоннинг жуда мураккаб акс эттириш хусусияти бўлишига қарамай, унинг асосида ётган физиологик механизмларни академик И.П. Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимоти асосида тушунтириб беришимиз зарур. Хаёлнинг нерв физиологик асосида бош мия пўстида илгаридан ҳосил қилинган вақтли алоқаларнинг (ассоциацияларнинг) қайтадан тикланиб, бир-бири билан янгича қўшилиш жараёни ётади. Шунини ҳам айтиш керакки, бош мия ярим шарларида илгари ҳосил қилинган вақтли алоқалар бирин-кетин тикланиб, уларнинг қўшилиши ҳам аста-секин юзага келади. Шунинг натижасида бош мия пўстида инсон ўз шахсий ҳаётида ҳеч қачон идрок қилмаган нарсаларнинг образлари пайдо бўлади. Бу образларнинг кўплиги воқеликка мутлақо тўғри келмайди, натижада улар баъзан тўхтаб қолади. Бошқа бирлари эса воқеликка тўғри келганлиги, ҳамда инсон фаолияти учун янгидан-янги имкониятлар очиб берганлиги туфайли амалий натижалар билан мустаҳкамланади<sup>1</sup>.

### 10.3. Ўқувчилар хаёлини шакллантириш

«Инсон онги бир қарашда яхлит нарсага ўхшайди, аслида у айрим алоҳида жараёнлардан иборатдир. Шунинг учун ҳам кишилар атроф-муҳитни, ўзларининг билишга имкон берувчи хаёл образларини ўрганиш учун уни алоҳида психик жараёнларга бўлиб ўргана бошлаганлар. Бу жараёнлар: диққат, сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ ва бошқалардир. Бу жараёнлар шу қадар бир-бири билан боғлиқки, ўқувчилар ихтиёрий хаёлини шакллантиришда уларнинг бирини иккинчисисиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Масалан кўриб, идрок

---

<sup>1</sup> М.Воҳидов. Болалар психологияси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 й. 178-179 бетлар.

қилиб турган нарсамизни фикрламай кўрингчи, унинг моҳиятини биласизми? Диққат билан кўрган ёки ўқинган матнни эслаб қоласизми? Ёки бирор нарса тўғрисида фикрлаш учун бизга бир вақтда, ҳам илгариги хаёл образлари, ҳам эслаб қолиш маҳоратимиз, ҳам ички нутқимиз, иродамиз, хаёл, фантазиямиз керак бўлади. «Мураккаб компьютер техникаси ва технологиялари чиққандан кейин ўқувчиларнинг ўз психик жараёнларига қизиқиши, уни шакллантириш учун амалий ҳаракати янада ортди. Энди маълумотларни қабул қилиш (анъанавий идрок деб атаувчи жараёнга ўхшаш), уларни қайта ишлаш (тафаккурга ўхшаш) ва уни сақлаш (хотира) образларини яратиш (хаёл) ёки фантастик образлар ҳақида ўқувчи кўп шуғулланадиган бўлиб қолди. Лекин бу ўқувчидаги табиий жонли хаёл образларини аҳамияти ва тарбияси масаласини янада юқори даражада шакллантирганлигини кўрсатади»<sup>1</sup>. Шу сабабли фантазия учун даставвал етарли тажриба, аниқ тасаввур ва маълум билимга эга бўлмоқ керак. Турмушдан олинган тасаввурларни янгидан ишлаб чиқиш, яъни мазмундор хаёлий образларни яратиш учун албатта, анализ ва синтез қобилиятига эга бўлмоқ керак. Бу эса ўқувчида тафаккурнинг етарли даражада шаклланган бўлишини тақозо этади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда ёлғон гапириш ҳолатлари бўлади. Бола бирор воқеани ҳикоя қилиб берганида, ҳақиқатан бўлмаган нарсаларни ҳам қўшиб, ўзидан тўқиб гапиради. Аммо буни ўқувчи атайлаб қилмайди, балки хаёлида пайдо бўладиган образларга берилиб кетиб, ўзининг гапига «танқидий қарамасдан» шу хаёл образлари таъсирида ёлғон гапиради. Албатта, боланинг бу «ёлғончилиги» атайлаб маълум мақсад билан қилинган ёлғончилик эмас. Бу ҳол ёш боланинг хаёли кучли ишлашини кўрсатади. Мактаб ёшидаги болаларда «хаёлий» нарсаларга танқидий қарай бошлаш, уни ҳақиқатдан чегаралай билиш қобилияти шаклланиб боради, чунки бу ёшдаги болаларнинг тажрибаси, билиш савияси ва тафаккур қобилияти анча ўсган бўлади.

Аммо 15-16 ёшда яна хаёл сурнишга берилиш кучаяди. Ёшлар келгуси ҳаётлари, касблари ҳақида кўп фантазияга берила бошлайдилар. Умуман шу даврда хаёлчан бўладилар. Ёшлар кел-

---

<sup>1</sup> В.Каримова. Психология. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. - Тошкент: 2002 й, 87-бет.

гусида Ватанга қандай хизмат этишлари, қандай касб эгаллашлари ва шу сингарилар ҳақида хаёл сурадилар, аммо қуруқ хаёлпарастликка берилмасдан, хаёл қилган нарсаларини амалга оширмоқ учун ғайрат кўрсатиш керак. Юксак мақсад ва ғояларга мувофиқ бўлган хислатларни ўзларида вужудга келтиришга ҳаракат қилиш зарур. Ижтимоий ҳаётда пайдо бўладиган янги эҳтиёж ва талабларга жавоб бера олиши мумкин бўлган образлар ҳақида хаёл сурадилар. Ватанимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти ўз фаолиятини, дастурларини ёшларнинг маънавий етук, жисмонан соғлом бўлиб ўсишларига, камол топишларига қаратаётганининг ўзи ёш авлодга ҳукуматимиз томонидан курсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Шу сабабли ёшларнинг ижодий тафаккурини ўстириш, қобилиятини шакллантириш, уларнинг қобилият ва истисодларини ривожлантириш катта аҳамиятга эгадир. Бунинг учун ўқувчи ёшларда ижодий хаёл қобилиятини жуда ёшлик чоғидан тўғри шакллантира бориш лозим. Хаёлий образларни кенгайтириш ва мазмундор қилиш учун болаларга образли ҳикоялар, эртақлар айтиб бериш, мазмунли суратлар кўрсатиш, ёқимли музыка ва ашулалар эшиттириш, улар билан турли ижодий машғулотлар ўтказиш, саёҳатларга чиқиб туриш лозим. Болалар бадиий адабиётлар билан бир қаторда, илмий-фантастик асарлар, Ватанимиз қаҳрамонларининг ибратли таржимаи ҳоллари, эсталиклари, мудофаа, санъат соҳасида эришилган муваффақиятларимизга оид кўرғазмаларга саёҳатлар ташкил этиш, улар тасаввурида амалий ғоялар шакллантириш ўқувчилар хаёлини ўстиришда катта аҳамиятга эгадир. Мактабларимизда ёшлардаги амалий тафаккурни атрофлича шакллантириш уларда хилма-хил ижодий орзу-ҳаваслар туғдиради, ҳар хил тўғарақлар, олимпиадалар, универсиадалар ташкил этиш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Болаларга ғоявий-сиёсий тарбия бериб, ҳақиқий билимлар билан қуроллантириб, уларнинг хаёл образларини мазмундор ва маҳсулдор қилишга ҳаракат қилишимиз зарур. Чунки хаёли заиф шаклланган ўқувчи нафақат жисмоний фаолиятга, ижодий фаолиятга ҳам қобилиятсиз бўлади.

#### 10.4. Хаёлнинг инсон танасидаги руҳий жараёнларга таъсири

Агар биз шахснинг таркиб топиши жараёнида танамизда мавжуд бўлган хаёлнинг руҳий ҳолатини ўрганиб чиқадиган бўлсак, бу борада жуда мураккаб нерв-физиологик ва психологик жараёнларни кузатамиз. Чунки инсон танаси ва тафаккуридаги ҳамма руҳий жараёнлар моддий жараёнлар билан биргалликда вужудга келади ва улар танамиздаги психологик ҳолат ва хусусиятлар маҳсули ҳисобланади. Рус психологларидан К.К. Платонов, Г.Г. Голубев, Е.А. Климов, М.И. Смирнов, Б.Ф. Ломов, ўзбек олимларидан И.Г. Давлетшин, Э.Ғозиев, Б. Қодиров, В.Каримова, А. Жабборовлар ўзларининг илмий тадқиқодлари ва психологик кузатишларидан шундай хулосага келдиларки, одам дам олиб, бемалол ётиб турган вақтда ҳам биронта меҳнат қилаётган пайтини хаёлий тасаввурда жонлантирса, унинг бўшашиб турган мушаклари дарров таранг тортила бошлайди. Одамнинг уйғоқ танасидаги нафас олиш ҳолати ўзгаради, томири тезроқ ва кучлироқ ура бошлайди, ҳатто юрак уриш ритми ҳам ўзгаради. Хаёл қилиш жараёни инсон танасида жуда мураккаб кечишини, унинг физиологик механизмларини академик И.П. Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимоти асосида ҳам тушунтириб бериш мумкин. Хаёлнинг инсон танасидаги нерв-физиологик фаолияти асосида бош мия пўстининг илгари ҳосил қилинган вақтли алоқаларнинг (ассоциацияларининг) қайтадан тикланиб, бири-бири билан янгича боғланиш жараёни ётади, яъни бош мия ярим шарларида илгари ҳосил қилинган вақтли алоқалар бири-кетин амалий фаолият учун тикланади, шунинг натижасида бош мия пўстида инсон руҳий ҳаётида ҳеч қачон идрок қилмаган психологик ҳолатларнинг хаёлий образлари пайдо бўлади. Бу образларнинг кўпчилиги баъзан мутлақо тўғри келмаслиги ҳам мумкин, натижада тормозланиб қоладилар. Бошқа бирлари эса воқеликка тўғри келганлиги ҳамда инсон руҳий жараёнига янгидан-янги имкониятлар очиб бергани туфайли амалий фаолият жараёнлари билан мустаҳкамланади. Хуллас, хаёл суриш жараёни вегетатив нерв-системасига таъсир қилиб, уни қўзғатади ва танадаги физиологик жараёнлар ва мушакларнинг ҳолатини ўзгартиради. Хаёл жараёнида шундай пси-

хологик ҳолатлар ҳам бўладикки, масалан, баъзи одамлар биронта касалликнинг аломатларини ҳаётий фаолиятларида биллиб олиб, уларни руҳан қидириб, шу касалликка мубтало бўлиб қолганларига қаттиқ ишонадилар ва бундай кишиларнинг руҳиятида охир-оқибат касал бўлишга мойиллик ҳам кузатилади. Масалан, тиббиёт институтининг талабалари, одатда биринчи марта ҳар хил касалликлар билан танишганларида, шу касалликларнинг аломатларини ўзларида ҳис қила бошлайдилар. Бир неча вақт шу касаллик таассуроти билан яшайдилар. Ёки бошқа бир мисол. Баъзи одамлар ўзларида ҳақиқатда бўлмаган фазилатларни бор деб хаёл қиладилар ва шунга ишониб мағрурланиб юрадилар, ўзларига ортиқча баҳо берадилар ва буни уларнинг хатти-ҳаракатларидан, қиёфасининг ташқи мантиқсиз аломатларидан, характеридаги салбий хислатларидан пайқаш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, инсон руҳиятидаги хаёл фаолияти физиологик жараёнлар билан биргаликда ўтиб, бир-бирига руҳан таъсир этади. «Хаёл қилиш жараёнлари ҳамиша нутқ орқали амалга оширилиши туфайли хаёлнинг нерв-физиологик асосида иккинчи сигналлар системасининг фаолияти ҳам фаол иштирок этади, чунки хаёл қилиш жараёнида диққат, хотира, тафаккур ва ирода жараёнлари ҳам фаол қатнашади.

Ана шу нуқтаи назардан олганда хаёлнинг хусусан тафаккур мушоҳадаси билан боғлиқ ижодий хаёлнинг руҳий-физиологик механизмларини тўла тушунтириб бериш учун ҳали психологияда етарлича илмий маълумотларни тополмадик. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда психологик тадқиқодларга эҳтиёжнинг ўсиши, фан ва техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиши ижодий хаёл жараёнлари олдига жуда катта илмий тадқиқод вазибаларини қўймоқда»<sup>1</sup>. Лекин шунга қарамасдан, одам ўзининг билимлари, тушунчаларига асосланган ҳолда хаёл образларини танасидаги руҳий жараёнларида пайдо бўлишини онгли идрок қила олади. Шунинг учун ҳам хаёлнинг инсон ҳаётий фаолиятидаги ўрни жуда муҳимдир. Исталган меҳнат турини оладиган бўлсак, уни хаёлнинг иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди.

---

<sup>1</sup> М. Воҳидов. Болалар психологияси. – Тошкенг: «Ўқитувчи», 1982 й, 170-бет.

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Билиш жараёни сифатида хаёлнинг хусусиятлари нимадан иборат ва у бошқа психик жараёнлар билан қандай боғланган?
2. Сизнинг амалий фаолиятингизда, шунингдек, сиз ўқитаётган фанни ўқувчиларнинг ўзлаштиришида хаёлинг ролини таҳлил қилинг.
3. Ўспирин ва юқори синф ўқувчилари учун типик бўлган фойдали орзу ва қуруқ хаёлпарастликка мисоллар келтирилинг. Ўқувчилар билан суҳбат ўтказинг ёки анкета сўроқларига жавоб тўпланг.

### Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати

1. Э. Ғозиев. Умумий психология, 2-китоб. –Тошкент : «Университет», 2002.
2. В. Каримова. Психология. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Тошкент: 2002.
3. М.Г. Давлатшин, С.М. Тўйчиева. Умумий психология. Низомий Давлат педагогика университети, 2002.
4. Психология курси. М.В. Гамезо таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 1973.

ҲИССИЁТ

11.1. Ҳиссиётнинг умумий таърифи

Ҳиссиёт сўзи лотин тилидан киритилган бўлиб, «ҳаяжонлан-тираман», деган маънони англатади. «Ҳиссиёт» кўп ҳолларда эмоция сўзи билан бир маънода ишлатилади. Ҳиссиёт шахснинг воқеликка бўлган муносабати ва уни ҳис қилишдан келиб чиқадиган, унинг эҳтиёж ва қизиқишлари билан боғлиқ ёқимли ёки ёқимсиз кечинмалардир. Бирор нарсадан ҳузурланиш баъзан беҳузур бўлиш, суюниш, қайғуриш, муҳаббат, қаҳру ғазаб, ғайрат ва шижоат, қўрқиш, изтироб чекиш, ташвиш, хотиржамлик каби ҳолатларнинг ҳар қайсиси ҳиссиёт ёки эмоцияга мисол бўла олади. Бу туйғулар кишида ҳар қандай ижтимоий шароитда ҳам бўлади. Биз ҳис билан сезги ўртасидаги фарқни ўқувчиларга аниқ тушунтиришимиз зарур. Кўпинча «Ҳидини ҳис қилдим», «Кўнглим алланечук хавотирни сезаяпти» дейишади. Аммо ҳақиқатда ҳид билиш – сезишдир, хавотирланиш – ҳиссиётнинг маҳсулидир.

Сезги инсон хоҳишидан ташқари мавжуд нарса ва ҳодисалар хоссасини акс эттиради. Ҳиссиёт эса одамнинг нарса ва ҳодисаларга бўлган муносабатидан туғилган туйғулардир. Демак, кишининг сезгиси, нарса ва ҳодисаларнинг ўзидан хабар беради, ҳиссиёт бўлса шахснинг нарса ва ҳодисаларга қандай муносабатда бўлганидан дарак беради. Шунинг учун ҳиссиётни одамнинг онгидан ташқарида деб бўлмайди. Шахснинг онги, қарашлари, маслағи, мушоҳадалари, дунёқараши ўзгарар экан, унинг маънавият билан боғлиқ бўлган ҳиссиёти ҳам ўзгариб боради. Ҳиссиётнинг хиллари ниҳоятда кўп бўлса, сифат ва хусусиятлари ҳам жуда ранг-барангдир. У ҳам бўлса ҳиссиётни кўпинча бир-бирига тесқари бўлган жуфт ҳисларга ажратиш мумкинлигидир. Жумладан, ҳузур-беҳузур, шодлик-хафалик, ҳаяжон-ором ва бошқалар. Ҳиссиётнинг бу хусусияти ҳисларнинг қарама-қаршилиги дейилади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўқувчиларнинг муҳим эмоционал хусусиятлари бу ҳиссиётларнинг барқарорлик даражасидир. Баъзилар муваффақи-

ятсизлик ёки нохушликдан сўнг дарҳол ўзларига келадилар. бошқалар эса узоқ вақт, гарчи кечинма сабаблари баргараф қилинган бўлсада, унинг таъсирида юрадилар.

Ҳаёт фаолияти таъсирига кўра барча эмоциялар икки гуруҳга – *стеник* (организм ва инсоннинг ҳаёт қобилиятини оширувчи) ва *астеник* (уларни пасайтирувчи) эмоцияларга ажратилди. Яхши уюштирилган ўқув машғулотлари учун эмоцияларнинг *стеник* хусусиятлари хосдир, бироқ маълум шароитларда ҳамда айрим ўқувчиларда *астеник* эмоциялар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Эмоционал тонус ҳамда *стеник ёки астеник* ҳиссиётларнинг устунлиги баъзан ўқувчилар характерига хослиги билан ҳам қонуний намоён бўлиши мумкин. Энг содда эмоционал кечинмаларнинг уч жуфтими: қониқиш норозилик, зўриқиш энгиллашиш, қўзғалиш тинчланишни фарқлаш лозим.

*Қониқиш ёки норозилик* ҳиссиётлари организмнинг ташқи муҳит билан алоқасининг акс этиши ва организмни муҳитга нисбатан талабларининг борган сари мураккаблашиб бориши ёки қарор топишининг биологик кўринишидир. Эмоциялар хотира қониқишини норозиликдан кўра яхшироқ сақлайди, шунинг учун ҳам тарбиявий ҳиссиёт жазолаш ҳиссиётидан кучлироқдир.

*Зўриқиш ҳиссиёти* донио янгининг яратилиши ёки аввалги фаолият тарзининг парчаланиши билан боғлиқдир. Мия пўсти тонусининг пасайишига олиб келувчи ушбу «*асабий меҳнатнинг*» тугатилиши энгиллашиш ҳиссиёти тарзида бошдан кечирилади.

*Қўзғалиш эмоциялари* мия пўстига мия пўсти остидан келувчи импульслар билан аниқланади, чунки «Мия пўсти ости марказлари, у ёки бу даражада катта ярим шарларининг фаолият ҳолатини белгилашига кўра организмнинг атроф-муҳитга муносабатини шунчалик кўп ўзгартиради»<sup>1</sup>. Пўст остидан келадиган импульсларнинг пўст билан тормозлатиш тарзида субъектив кечирилади. Инсоннинг хавф-хатарни англаши унда турли шаклдаги эмоционал реакцияларни келтириб чиқариши мумкин.

Бундай реакциялардан бири *қўрқув* бўлиб, ўз навбатида келиб чиқишининг турли форма, даража ҳамда хилма-хилликла-

<sup>1</sup> И.П. Павлов. Полн. Собр. 3-том, 2 к. стр 123.

ри мавжуд. Бу довдираш, заифлик, мақсадга мувофиқ келмайдиган хатти-ҳаракатларда кўринувчи астеник кўрқувнинг бир шаклидир. «Психологик жиҳатдан кўрқув, кўрқоқлик, юраксизлик деб аталадиган психологик ҳолатнинг физиологик *субстрати* катта ярим шарларнинг тормозланган ҳолати бўлиб, заиф ҳимоя рефлексларининг турли даражаларидир. Хавфга нисбатан реакциянинг бундай формаси ўқувчиларни ўқитиш жараёнида ва мураккаб ишлаб чиқариш фаолиятида ҳам салбий кўриниш беради»<sup>1</sup>.

## 11.2. Эмоционал ҳолат ва ҳиссий туйғулар

Инсоннинг эмоционал ҳолатлари, психик хусусиятлари ва унинг муҳит билан ўзаро алоқасини таъминлайдиган эмоциялар, сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл, ҳиссиёт ва ироданинг психологик шарти ҳисобланиб, маълумотлар олиш, уни қайта ишлаш ва шу орқали алмашилиш жараёнларини инсон миясида билиш (акс эттириш) орқали ўзлаштиришдир. Турмуш шароитида янги ижтимоий боғланишлар, ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва ўзаро муомала муносабатлари, хатти-ҳаракатларга нисбатан янги муносабатлар вужудга келадики, улар асосида янги турдаги эмоционал кечинмалар, ўзгарувчан ҳолатлар пайдо бўлади, авваллари одамнинг ўзи учун аҳамиятсиз, эътиборсиз бўлган янги кечинмалар нарса ва ҳодисаларга нисбатан одамда ҳиссий-эмоционалли ҳолатлар туғдиради. «Юқорида айтганимиздек, мураккаб психик ҳолатлар одатда эмоциялар таъсирида ва уларнинг ўзаро психологик тузилишига кўра у ёки бу даражада барқарор ёки беқарор кайфиятга айланади. Бироқ эмоциялар қисқа муддатли ёки узоқ муддатли психик ҳолатлар, жараёнлар тарзида кечиши ҳам мумкин. Ҳам билиш, ҳам муносабат тарзидаги анчагина содда эмоциялар ва анча мураккаб ҳиссиётлар асосида ётувчи кечинма бу мавжуд дунёни психик акс эттириш хусусиятидир. Агарда сезги ва идрок мавжуд дунёни сезги аъзоларига бевосита таъсир этиб, тафаккур эса нарса ҳамда реал дунё ҳодисалари ўртасидаги алоқа ва муносабатларни билвосита


---

<sup>1</sup> К.К. Платонов. Психология. —Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 йил, 122-бет.

акс эттирса, эмоция ва ҳиссиётлар кечинма формасида бу предмет ҳамда ҳодисаларнинг ўзини эмас, балки уларнинг инсонга бўлган муносабатини акс эттиради. Бунда эмоция ва ҳиссиёт кечинмалари уларнинг иерархияси (17-жадвалга қаранг) эҳтиёжлар кечинмалари ва иродавий зўр бериш орасидаги ўртача ўринни эгаллайди».

17-жадвал

### Шахс кечинмалари кўриниши ва бошқичлари



**Эмоциялар** – физиологик акс эттириш чегарасида турувчи ва одамга эҳтиёжлари билан боғлиқ кўзғатувчилар таъсир қилганда ўз-ўзини бошқаришни амалга оширувчи психик акс эттиришнинг содда формасидир. Эмоциялар мавжуд дунёнинг нарса ҳамда ҳодисаларини эмас, балки объектив муносабатларини акс эттиради, унда мазкур предмет ҳамда ҳодисалар инсон эҳтиёжи учун организм хизматида бўлади. Ҳали тўлиқ образли бўлмаган эмоциялар онгда нарса ёки ҳодисанинг акс этишини эмас, балки кечинмани келтириб чиқаради.

«Баъзан ўқувчи ўзига эркин фикрлаш имконияти берилишини, атрофдагиларнинг унга жиддий муносабатда бўлишини хоҳлайди. Ўқувчининг бундай хоҳишлари кўпинча эътиборсиз қолиб кетади. Шунинг натижасида ўқувчида теварак-атрофдаги оламга, айниқса яқинларга нисбатан норозилик, ғазабланиш каби ҳис-туйғулар ҳам пайдо бўлади. Мактабда кўп ўсмирлар катта ишлар қилиш, ўрни келганда қаҳрамонликлар кўрсатишни, энг яхши кишилардек бўлишни орзу қиладилар, катта кишиларнинг яхши ишларидан орзу қиладилар, уларнинг ҳаяжонлари жуда хилма-хил бўлиб, баъзан гумонсираш, икки-

ланиш, қувонч, иқрор бўлиш ва яширин шодликлардан иборат бўлади»<sup>1</sup>.

Ҳиссиётлар фақат инсонга хос ҳолат бўлиб, эмоционал акс этиш тушунчаларни умумлаштирувчи акс эттиришнинг мураккаб формасидир. Улар нарса ва ҳодисаларнинг юксак эҳтиёжларга ҳамда инсоннинг шахс сифатидаги фаолияти *стимуллари*га муносабатини акс эттиради. Бу ўринда у энди организмни эмас, балки шахснинг жамият билан ўзаро муносабатда бўлиб ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширади. Масалан, мактаб врачининг нотўғри ташхиси туфайли, уколдан азият чеккан ўқувчи фақат оғриқнигина эмас, балки уни даволашда масъулиятсиз, ёки билим савияси, тажрибаси етишмаган тиббиёт ходимидан хафа бўлиш ҳиссини бошидан кечириши мумкин. Ҳиссиётлар маълум ижтимоий муносабатларни акс эттиради ва шунинг учун ҳам у барча меҳнат турлари учун умумийдир. Жумладан, ўз меҳнатидан руҳланиш, фахрланиш, меҳнатга муҳаббат, қизиқиш, мусобақада дўстона ҳамжиҳатлик ва бардамликни ҳис қилиш, хуллас меҳнатнинг маънавий эмоционал мазмунини ташкил қилувчи барча ҳис-туйғулар шу соҳага тааллуқлидир. Агарда эмоциялар одамнинг меҳнат билан ўзаро муносабатини организм тарзида бошқарса, ҳиссиётлар унинг муносабатини бошқа одамлар, жамият билан муносабати тарзида бошқардилар.

Инсон эмоция ва ҳиссиётларни фақат бошидан кечирибгина қолмайди, балки нутқ ифодалилигининг ўзгариши, бир қатор вегетатив ҳодисалар (юррак уриши тезлиги, нафас олиш жараёнидаги ўзгаришлар, юзнинг қизариб ёки оқариб кетиши, мушак тонусининг ўзгариши, титраш, қон таркибининг ўзгариши ва бошқалар), шунингдек организмдаги хилма-хил у ёки бу даражада чуқур бўлган биофизиологик ўзгаришларда ҳам акс этади. «Эмоция жараёнида ўқув ёки меҳнат фаолиятининг аниқ ҳолатлардаги роли ўрганилар экан: а) ўқувчида кечинмани келтириб чиқарган ҳолатни; б) вазиятнинг унинг эҳтиёжлари, фаолиятининг мақсад ва мотивларига таъсирини; в) кечинманин *интенсивлик* даражасини; г) кечинмалар пайтида ўқувчиларнинг фаоллик даражаларини; д) кечинмани ўқувчи фаолия-

---

<sup>1</sup> К.К. Платонов, Г.Г. Годубев. Психология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 йил, 18-19 бетлар.

тига таъсир даражасини иложи борича тўлиқроқ таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир»<sup>1</sup>.

«Эмоциялар – пайдо бўлиш кучига кўра, фаолиятга доимо ҳам сезиларли таъсир қилмайдиган, бироқ бошқа ҳолатларни умумлаштирувчи ҳамда ўз навбатида бу бошқа ҳолатларни ўз тузилишига киритувчи эмоционал ҳолат бўлган анчагина давомли, кайфиятга таъсир этадиган сустликдан бошлаб, қисқа муддатли қизғин, одамни баъзан бехуш (ақлсиз) қиладиган аффектив ва кучли, бироқ давомли эҳтиросларгача кўтарадиган бўлиши мумкин. Ҳар бир ўқувчига хос бўлган эмоциянинг кучи унинг ўта эмоционал қўзғалувчанлигидан тортиб то эмоционал қобилиятсизликкача бўладиган тонусини характерлайди»<sup>2</sup>. Хуллас, эмоционал эҳтирос ўз мақсадига ғайрат билан интилувчи муҳим инсоний кучдир. Одатда, улар одамнинг бутун фикр-ёдини ва иродасини бир мақсадга маҳкам боғлаб қўяди. Ижобий ҳис-туйғулар буюк ижодий фаолиятга сабаб бўлади. Масалан, Ватанга, илмга, санъатга, меҳнатга, ижодий фаолиятга қаратилган эҳтирослар ютуқ ва ғалабаларга олиб боради.

Халқимиз орасидан етишиб чиққан ва жаҳон илм-фани хазинасига муносиб ҳисса қўшган мутафаккирлар, даҳолар (Ал-Фаробий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Ибн-Рашид, Умар Хайём, Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқалар) ўз фаолиятларига зўр эҳтирос билан берилган шахслар ҳисобланади.

Аммо эҳтирос даражасигача етган эмоционал ҳолатлар салбий тус олмоғи ҳам мумкин. Қиморга, диний экстремизм оқими-га, наркотик моддалар истеъмол қилишга бутунлай берилиб кетиш ҳолатлари шулар жумласидандир. Бу каби эҳтирослар одамнинг ўзига, атрофидагиларга, кенг жамоатчиликка катта зарар бўлиб, одамни ҳалокатга, тубанликка олиб боради.

Ижобий эҳтирослар эса шахснинг жамиятда ўз ўрнини топишида катта имконият беради. Шунинг учун болаларда кичик ёшдан бошлаб ижобий ҳис-туйғулар уйғотишга ҳаракат қилмоқ ва уларга маънавий-ахлоқий қоидаларни сингдириш, улар он-

---

<sup>1</sup> Ёш психологияси ва педагогик психология. Проф. М.Г. Давлешин таҳрири остида –Т.: «Ўқитувчи», 1974 йил, 103-104 бетлар.

<sup>2</sup> К.К. Платонов, Г.Г. Голубев. Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 йил, 20 бет.

гида истиқлолимиз тўғрисидаги дунёқарашни шакллантириш учун доимий ғамхўрлик ва уни назорат қилиб бормоқ лозим. Хуллас, ҳиссиётнинг бойлиги ёшлар ички дунёсининг юксалиб, ҳар жиҳатдан шаклланиши учун энг керакли шартдир. Кишининг ҳиссий туйғуси заиф бўлса унинг ҳаёти ҳам завқсиз, мазмунсиз бўлади, бундай одам ҳар қандай меҳнат фаолиятига ҳафсаласиз, ҳаракатсиз, журъатсиз бўлади ва одамлар орасида эътибор топмайди.

Бепарво ва ҳиссиётсиз одам чинакам курашувчи бўла олмайди, чунки курашиш учун нима учун курашаётган бўлсанг, ўшани севмоқ керак, нимага қарши курашаётган бўлсанг, уни бутун қалб туйғуси билан ёмон кўрмоқ керак. Масалан, Ватан хоинини бутун туйғу билан ёмон кўрмагунча уни енгиб бўлмайди, ожиз, бепарво, дардсиз, ҳиссиётсиз одам ижодда ҳам ҳеч қандай ютуққа эриша олмайди. Рус олими И.П. Павлов вафот этмасидан бир неча вақт олдин дунё ёшларига бағишлаб ёзган бир хатида бундай деган эди: «Илм одамдан катта ғайрат ва улуғ химмат талаб қилади. Ишингизда ва ижодий изланишларингизда буюк эҳтирос бўлсин». Бу гаплар инсониятнинг фаолиятига доир бўлган барча ишларига тегишлидир. Ўз ишингизга оташин муҳаббат қўймагунингизча, бу ишингизга ижобий илҳом билан қарай олмайсиз. Ғайрат, шижоат ва эҳтирос бўлмагунча, ҳеч бир ишда катта натижага эришиб бўлмайди.

### 11.3. Ҳиссиётнинг физиологик асослари

Ҳисларнинг физиологик асоси вегетив нерв системаси фаолияти билан боғлиқдир. Вегетатив нерв системаси барча ҳаёт жараёни ва ички аъзолар ишини идора қилиб туради. Туйғу ҳисларининг нерв марказлари миёна пўсти остидадир. Шундай экан, физиологик жиҳатдан қараганда, ҳиссиётнинг бошқа психик жараёнлардан фарқи нимада?

Қачонки бирор психик жараён сезги, идрок, тасаввур фикрга алоқадор бўлган нерв жараёнлари миёна пўстидан ўтиб, миёна пўсти марказларига куриш ва бошқа нерв марказларига бориб етса шундагина сезиш, идрок қилиш, тасаввур ва фикрлаш каби психик жараёнлар эмоция тусига киради, яъни баъзи ҳиссиётларни кўзгатади. Ҳаддан ташқари ҳаяжонланиш, кўрқин-ғазаб-

ланиш, буйрак ости безларининг адреналин моддасини кўл ишлаб чиқаришга сабаб бўлади. Натижада, қонда ўзгариш ҳосил қилади ва вегетатив нерв системасининг ҳолатига фаол таъсир этади.

Йиғлаш, кулги, қаҳқаҳа, таъсирланиш ва шу кабилар ҳиссиётнинг физиологик ўзгаришига таъсир қилувчи ташқи аломатлардир. Кишининг нутқи ҳам туйғу ҳисларига узвий боғланади. Жумладан, баъзи кишилар ҳаяжонланиб тез, шошиб, баланд овоз билан гапиради, баъзилар эса секин, шивирлаб гапиради. Демак оҳанг, интонация ва нутқ киши кечириётган эмоционал ҳолатни акс эттиради. Организмнинг ҳаёт жараёнларини сусайтирадиган, ғайратни бўшаштирадиган ҳисни *астеник эмоциялар* дейилади. Аксинча, одамни тетик ва чаққон, ғайратли қиладиган туйғулар *стеник эмоциялар* деб аталади. Бу жараёнда ички аъзоларнинг ва ички секреция безларининг ишларига таъсир қилувчи вегетатив нерв системаси мия пусти фаолиятига бўйсунганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Баъзи ҳолларда ҳиссиётнинг туғилиши ва кечиши барқарор ва маҳкам ўрнашган боғланишлар системасининг бузилган маҳалида ва аксинча, қувватланганида воқеа бўладиган нерв жараёнларига хос хусусиятлар билан боғлиқдир.

И.П. Павлов динамик стеротипнинг ўрнашуви ва алмашуви масаласи муносабати билан бундай деб ёзган эди: «Менинг фикримча, катта мия ярим шаридаги ҳалиги баён қилинган физиологик жараёнларни ўзимизча субъектив тарзда, одатда ҳиссиёт деб атайдиган нарсага мувофиқ келади, деб ўйлаш учун етарлича асос бор ... Булар қийинчилик ва енгил тортиш ҳисси, тетиклик ва чарчаш ҳисси, манманлик ва норозилик, суюниш, тантана ва хафалик ҳисси ва ҳоказо»<sup>1</sup>.

Ҳиссиётнинг туғилишида ва ўзгаришида иккинчи сигнал системасидаги боғланишларнинг муҳим таъсири бор. Биринчи сигнал системасига маҳкам боғланган ва мия пусти ости нерв марказларининг ишига таъсир қиладиган иккинчи сигнал системасининг фаолиятига суянган ҳолда, киши ўзидаги ҳисларини идора қила олади. Хулоса қилиб айтганда, ҳиссиётнинг ниҳоятда муҳим хусусиятларидан бири шуки, инсон организми

---

<sup>1</sup> И.П. Павлов. Полн. Соб. Соч. 3-том. 2 к.

фаолиятини ўзгартиради ва ташқи кўринишига таъсир этади, бир қанча жисмоний-физиологик аломатларни ифодалайди.

**Ҳиссиётнинг турлари.** «Инсоннинг эҳтиёжлари, муносабатлари ва уни ўраб олган ижтимоий муҳит турли-туман бўлганидек, унда пайдо бўладиган туйғу-ҳисларнинг ҳам турли кўринишда бўлиши табиийдир. Кишида маълум даражадаги ҳисни қўзғовчи физиологик сабабни ҳиссиёт манбаи дейилади. Ҳиссиёт манбаи унинг мазмунини белгилайди». Шунинг учун инсоннинг туйғу ва эмоционал ҳисларини келиб чиққан манба ва мазмунига қараб, қуйидаги хилларга ажратиш мумкин.

**Биринчиси, ўз-ўзини сақлаш туйғулари** организмнинг ўз-ўзини сақлаш эҳтиёжига боғлиқ бўлиб, ҳаётимиз, саломатлигимиз ва тинчлигимиз учун хавfli бўлган нарсалар таъсири билан вужудга келадиган алоҳида хуш ёки нохуш туйғулардир. Масалан, тинчликни ҳис қилиш, бирор нарсадан енгил тортиш, хотиржам бўлиш ёки хавотирланиш, қўрқиш, ташвишланиш, ғазабланиш каби туйғулардир. Ўз-ўзини сақлаш туйғулари органик туйғулар сифатида ҳайвонларга ҳам хосдир. Шунинг учун бу туйғуларни оддий туйғулар дейилади. Аммо ижтимоий табиатга эга бўлган одамларда бу туйғулар ижтимоий моҳиятга эга бўлади ва жамиятдаги маънавий-ахлоқий қондаларга бўйсунди.

**Иккинчиси, ақл туйғулари** инсоннинг маърифатга, маънавиятга, дунёни билишга бўлган эҳтиёжларидан пайдо бўладиган ва унга маънавий завқ бағишлайдиган алоҳида интеллектуал туйғулардир. Масалан, билимга ҳавас, иштиёқ, ҳайрон қолиш, ажабланиш, ҳақиқатга эришишдан мамнун бўлиш, илмга чанқоқлик, фан ва маданият соҳасида янгиликлар яратишга иштиёқмандлик, орзу-ҳавас ва шу кабилардир. Бу ҳиссиётлар ҳар қандай назарий ва амалий масалаларни ўртага қўйиш, уларни ҳал қилиш, кашф ва ихтиро этиш, маърифатга, маънавиятга интилиш жараёнида пайдо бўлади. Мустақиллигимизнинг истиқболли тараққиётини қуриш учун янгиликлар яратиш ҳисси қудратли ва улугвор ҳисдир.

Фикрлаш билан боғлиқ бўлган ҳислар дунёвий тафаккур ҳислари деб ҳисобланади. Улар тафаккур фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, ақлнинг ривожланишига, зеҳннинг ўткирлашишига ёрдам берадилар. Чунончи, илмга ҳавас, ҳайрон қолиш

каби ҳислар зўр ғайрат билан ўқишга, ижодга, мутолаа қилишга сабаб бўлади. «Билиш, – деган эди буюк ёзувчиларимиздан бири, – ҳайрон қолишдан бошланади...» Бирор фикрнинг тўғри-нотўғрилигидан шубҳаланиш ҳам ақл эмоциясидир. Истиқлол ёшларга билим бериш туфайли уларда чуқур ақл туйғуларини, яъни билимга бўлган завқ, ҳаққониятга муҳаббат, янгиликка интилиш ҳиссини шакллантирди, инсоннинг маърифатга, маънавиятга зўр иштиёқ ва шижоат билан интилишга илҳомлантирди.

Ақл туйғулари кўпроқ фан соҳибларига хосдир. Ватанимиз олимлари ўз ижодлари ва кашфиётлари билан халққа хизмат кўрсатганликларидан чуқур маънавий қаноат ҳосил қиладилар ва катта руҳий қувват билан ишлайдилар.

*Учинчиси, улуғворлик туйғуси.* Бундай туйғулар ўз миллатини севгувчи, ютуқларидан илҳомланувчи, қудратли Ватанидан, ижодкор халқидан ғурурланувчи, мустақил ватанидаги беҳад ажойиб нарса ва ҳодисаларни кўриш, тасаввур этиш ёки завқланиш муносабати билан вужудга келадиган мураккаб ижтимоий-миллий улуғворлик туйғуларидир. Ватанимиз пойтахти Тошкентда ўтказиладиган бир-биридан гўзал байрамлар, тантанали намойишлар, олимпиадалар, спорт анжуманлари, миллатимизнинг буюк ижодкорлари, уларнинг дунё миқёсидаги ўрни, бунёд этилаётган қудратли қурилиш иншоотлари, Президентимизнинг озодлик, тинчлик, осойишталик учун зўр ғайрат билан олиб бораётган сиёсий фаолияти, халқимизнинг бунёдкорлик шижоати миллатимизда, айниқса, ёшларимизда улуғворлик ҳисларини туғдиради. Давлатимиз раҳбарининг дунё ҳамжамияти олдидаги катта ҳурмати, сиёсий ташкилотчилик қобилияти халқимизда, ёшларимизда кўтаринкилик, ғурур туйғуларини вужудга келтиради.

Бу туйғу ватан тараққиёти учун меҳнат қилаётган барча меҳнаткашларни илҳомлантиради, уларнинг ғайратига ғайрат қўшади.

*Тўртинчиси, ўз-ўзига баҳо бериш ҳисси.* Ҳар бир маънавиятли инсон ўз теварак-атрофидаги оламгагина эмас, балки ўзига ҳам ижобий ёки салбий муносабатда бўлишини билади. Яъни киши ўз-ўзига бўлган муносабатидан баъзан хуш ёки нохуш туйғулар кечириб яшайди. Ҳатто киши ўзи-

нинг ҳуснидан мамнун ёки кўримсизлигидан хафа бўлиши, хулқ-атвори ва қобилиятидан рози ёки норози бўлиши ҳам мумкин.

Одам ҳаётидаги меҳнат фаолияти жараёнида ўз кучига маҳкам ишониши ёки ишонмаслиги мумкин. Бу каби туйғулар одамнинг ўз-ўзига баҳо беришдан пайдо бўлади, натижада киши ўзидан мамнун ёки аксинча норози ва маъюс туйғуларни ҳис этади ўзида. Аммо баъзи одамлар ўз-ўзига ортиқча баҳо берадилар ва ўзларида ҳақиқатда йўқ фазилатларни ўзларида борлигига ишониб бундан ҳамиша мамнун бўлиб, кеккайиб, мақтаниб, ҳатто кенг жамоатчилик ичида ўзларига ортиқча бино қўйиб юрадилар. Бундай одамлар ҳатто оддий танқидга чидай олмайдилар, чунки ўзларида биронта нуқсон борлигига ишонмайдилар. Шунинг учун ҳам болаларни кичиклигидан ортиқча мақтайвериш, эркалатиш ҳам ярамайди.

Баъзан ўз кучига ишонмайдиган, ўз фазилатларини сезмайдиган ва ўз-ўзидан норози бўлиб юрадиган одамлар ҳам учрайди. Бу туйғу ўз-ўзини камситиб баҳо беришдан пайдо бўлади. Бундай одамлар ҳам жамиятда ўз ўрнини топа олмайдилар. Чунки ўз кучига ишонмаганликларидан ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлашга ботинолмайдилар, ортиқча тортинчоқ, характери жиҳатдан ювош бўладилар. Бундай болаларга (катта одамларни ҳам) алоҳида тарбияга олиб, уларни ўз куч-қобилиятларига ишонадиган қилиб тарбиялаш керак. Ўзига тўғри баҳо бериб, ўз қадрини билиш, мағрурланиб кетмаслик, ўзига танқидий кўз билан қарай билиш, танқидга чидаш ва бошқаларнинг ўзи ҳақидаги фикрларини назарга ола билиш қилган ишидан мағрурланиб кетмаслик халқимизнинг буюк фазилатларидан биридир.

*Бешинчиси, сиёсий-маънавий ва ахлоқий туйғулар.* Юқорида келтирилган таърифлар ўқитувчи руҳий фаолиятининг бир томонини ташкил қилади. Иккинчи томони ўқитувчининг сиёсий-маънавий, юксак инсоний фазилатлари билан боғлиқдир. Аввало ўқитувчи, қолаверса уни тарбиясини кўрган ўқувчилар ҳам ҳалол-поқ, виждонли, иймонли, диёнатли, меҳр-шафқатли, маънавий ва ахлоқий дунёси бой бўлиши керак. Инсон эгри йўл, эгри қўл, эгри мақсад, нопок сиёсий-ахлоқий туйғулар билан ҳеч нарсага эриша олмайди. Фейл-атворида эгрилик

бор тарбиячи тарбиявий ишини узоқ давом эттира олмайди. Маънавият, одоб каби ахлоқий туйғулар кишиларнинг феъл-атвори, юриш-туриш қоидаларидир. Шу қоидаларга риоя қилиш ёки қилмасликдан алоҳида туйғулар пайдо бўладики, буларни номус, шараф, виждон, инсоф, уят, ҳаё, ростгўйлик, масъулият, бурч ҳисси дейилади. Инсонга хос бўлган барча ҳислар ижтимоий моҳиятга эга, яъни улар ҳам инсоннинг мавжуд турмушини, улардаги эҳтиёж ва орзу-ҳавасларини акс эттирадilar. Улар ҳам ўзгармайдиган нарса эмас, балки жамият тараққиёти қонунларига биноан тарихий, ижтимоий муҳитда ўзгарадилар.

Мустақиллигимиз берган истиқлол туйғуси тараққиётимиз йўлидаги барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси, йўлбошчиси ва ташкилотчиси бўлмиш халқимизнинг йўлбошчиси Президентимизга чексиз муҳаббат, садоқат ва ишонч ҳиссини, мустақил ватанимиз учун ҳар қандай хизматга тайёр бўлиш ҳиссини, қаҳрамонлик, мардлик ва қийинчиликлардан қўрқмаслик туйғусини ўз ичига олади. Халқимиз мустақил ватани олдида ўзининг муқаддас бурчини бажариш, ватаннинг қадрқимматини, шон-шарафини, унинг обрўсини сақлаш туйғусини онгли ҳис қиладилар. Қудратли халқимиз дунёда энг илғор жамият кураётганликларини, тараққиёт сари астойдил бораётганликларини тушуниб етдилар, улар янги жамият кишиларининг маънавий қудрати мустаҳкамлигини биладилар ва бундан чуқур қаноат ҳосил қилиб, тараққиёт йўлида курашга илҳомланмоқдалар. Миллатимизнинг даҳо аждодлари Форобий, Ал Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Жомий сингари буюк фан ва санъат арбобларини яратган бой маданий мероси, тарихимизни жаҳон халқлари олдида намойиш қилиш имкониятини бергани учун чуқур миннатдорчилик ҳисси билан ёдга оламиз. Президентимиз ўзининг бир қатор асарларида такрор-такрор айтганидек, ғоясизлик, маслаксизлик, халқ талабидан орқада қолиш, сиёсий-маънавий жиҳатдан ўсишга ҳаракат қилмаслик, миллий ахлоқ ва андишани бузиш каби ҳолларга дуч келганимизда, биз уларни дўст-биродарлик ақидаси билан эмас, балки беғараз ва жиддий суратда, жонажон Ватанимиз ҳимоячиси бўлиб очиқчасига танқид остига олишимиз керак.

*Олтинчиси, туйғу, ҳиссиётнинг таълим жараёнидаги аҳамияти.*

Таълим жараёнида турли-туман туйғу ва ҳисларни кечирши натижасида ўқувчилар ҳаёти жонли, қизиқарли ва мазмундор бўлиб боради. Чунки одамнинг руҳиятида дард, меҳр, муҳаббат, ҳаяжон, қувонч, ғам, алам каби туйғулар бўлмаса унинг ҳаёти маъносиз, мантиқсиз, рангсиз, фаолияти эса ғайратсиз ва завқсиз бўлар эди. Тарихда фан, санъат, техника соҳасида, инқилобий курашда зўр ғайрат, шижоат ва эҳтирос билан яшаган алломаларнинг ҳаётида ижобий маънавий ҳис-туйғулар ғоят катта ўрин тутганлиги маълум. Ўқувчилардаги ўқишга қизиқиш, ҳавас, завқ-шавқ каби туйғу, ҳиссиёт уларда фаол ва зўр ғайрат билан ҳаракат қилишга, ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишга, бошланган ишни охиригача етказишга қатъиятлилиқ ҳосил қилади.

Ўқувчиларни буюк ишларни амалга ошириш руҳида тарбиялаш керак. Аммо курашаётган ғояни ўқувчи бутун вужуди билан англаши, унга меҳр қўйиши керак, шу йўлда унга қаршилик кўрсатадиган душманга эса шафқатсиз бўлиш, чуқур нафрат ва ғазаб билан қарашга ўргатиш керак.

Буюк шахслар ҳамиша юксак ҳис-туйғуларга эга бўлганлар. Ўқувчилар ҳам ўзларининг асосий ғоя ва мақсадларига, ўқишдаги фаолиятларига жону дили билан берилиб, зўр иштиёқ ва ғайрат билан интилишлари керак. Илмга бўлган чуқур туйғу, кучли эҳтирос, хусусан дунёвий фанларга қизиқиш, ҳақиқатга интилиш катта аҳамиятга эга. Инсоний ҳиссиётларсиз таълим йўлида муваффақиятларга эришиш ҳеч қачон бўлмаган. Ижобий туйғулар ўқувчи фаолиятида маънавий мадад беради, интеллектуал меҳнатга бўлган қобилиятини кенгайтиради, ижодий ишларни серунум қилади. Шунинг учун «Севинч йўқ, қайғу йўқ, кўклам йўқ, хазон», деган эди *Ғофур Фулом*.

Ўқитувчи ўсмирларга нисбатан жуда сезгир ва эътиборли бўлиши, ҳар қандай мақсадсиз, сабабсиз оҳангда гапириш, нафақат тарбиявий таъсир кўрсатиб қолмай, балки ўсмирнинг қаттиқ ранжиши, унда норозилик ҳис-туйғуларини уйғотиши мумкинлигини унутмаслиги керак. Чунки юқорида айтганимиздек, ўсмирлар ва юқори синф ўқувчиларида олий ҳислар тез ривожланади. Интеллектуал ҳислар кўп нарса билишга интилишга, ўқув фанларига қизиқишга имконият туғдиради. Фақат бу-

гина эмас, ўсмирда ташаббускорлик, мардлик туйғулари ҳам шаклланади.

*Еттинчиси, кайфият.* Биз кечирадиган ҳислар мазмунига кўра, нохуш ёки хушкайфият ҳосил қилувчи ҳолатлар бўлиб, бири ҳузур берувчи кайфият, иккинчиси беҳузур қилувчи кайфият турига ажратилади. Чунки кишининг бирор нарсага муносабати ҳамиша ижобий ва салбий кечинма орқали бўлади. Ҳузур қилиш, суюниш, бахтиёрлик, қувониш, шодланиш ва яхши кўриш каби ҳислар яхши кайфият уйғотувчи ижобий муносабат туйғусидир. Беҳузурлик, қайғуриш, хафалик, ғам-ғусса, ноумидлик, ёмон кўриш, жирканиш, нафрат каби ҳислар салбий кайфият туйғуларидир.

Кайфият сифатидаги анча муҳим бўлган қарама-қаршиликларнинг яна бири кайфиятнинг фаоллиги билан сустлиги ўртасидаги қарама-қаршилиқдир. Ҳаяжон, ғайрат, шижоат, дадиллик каби ҳислар кайфиятнинг фаол кўринишларидандир. Руҳан маъюслик, эзилганлик, ғамгинлик каби ҳислар кайфиятнинг салбий, яъни суст кўринишларидир. Шундай қилиб, кайфият деб, шахснинг бутун хатти-ҳаракати, эмоционал туйғуларини бир мунча вақтгача бир хил руҳий ҳолатга солган умумий эмоционал туйғуларнинг кўринишларига айтамыз. Юқорида айтганимиздек, кўпинча кишининг кайфиятига унинг учун жуда муҳим бўлган бирор воқеа орқасида туғилган маълум бир ҳиссиёт сабаб бўлади. Эрталаб эшитилган нохуш хабар киши кайфиятини кечгача бузиб, ташвишга солиб юриши мумкин.

Ишда эришилган жиддий муваффақият бир неча кунгача кишини шодлантириб, кайфиятини кўтариши мумкин.

Ҳиссиётнинг шундай қобилияти борки, уни туғдирган нарсадан ўтиб, бу нарса билан алоқадор бўлган бошқа нарсаларга ҳам ёйилади. Бунинг натижасида кишида кайфият деб аталадиган умумий бир эмоционал ҳолат пайдо бўлади.

Кишининг кайфияти соғ-саломатлигига ҳам боғлиқ бўлади: ҳаддан ташқари чарчаш, уйқудан қолиш, бетоблик, кишининг кайфиятини пасайтиргани ҳолда, яхши дам олиш, мириқиб ухлаш, танадаги соғлиқ киши кайфиятини кўтаради. Маънавий ҳаёти чуқур ва мазмундор бўлган, иродаси кучли кишилар ҳар қандай оғир ҳолатларда ҳам кайфияти баланд, хушчақчақ бўлиб яшашга интилишларини кузатамыз.

Демак, маълум даражада киши ўз кайфиятига ўзи хужайин десак ҳам бўлади.

### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ҳиссиётлар билан психик жараёнлар ва шахс хусусиятлари ўртасидаги боғланиш нимада аниқ намоён бўлади?
2. Эмоция ва ҳиссиётларнинг моҳияти ва унинг қонуниятлари.
3. Ҳиссиёт қандай гуруҳларга бўлинади?
4. Эмоциялар организмнинг ҳаёт фаолияти таъсирига кўра қандай бўлади?
5. Зўриқиш (танглик) ва саросималик нима? Уларнинг бир-бирдан фарқи.
6. Таълим жараёнида қўрқув ҳиссининг пайдо бўлиши ва унинг сабаблари.

### Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати

1. Э.Ғозиев. Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.
2. Э. Ғозиев. Умумий психология. Психология мутахассислиги учун дарслик. 1-китоб, –Тошкент: 2002.
3. М.Г. Давлетшин, С.М.Тўйчиева. Психология. (Ўқув қўлланма) – Тошкент: 2002.
4. Психология курси. М.В. Гамезо таҳрири остида. «Ўқитувчи», – Тошкент: 1972.
5. В.Каримова. Психология. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Тошкент: 2002.
6. Б.М. Теплов. Психология. Ш. Бойбурова таҳрири остида. – Тошкент: 1952.

ИРОДА

12.1. Ироданинг таъриф

Инсон меҳнати ва фаолиятининг самараси асосан шахснинг ирода кучига боғлиқдир. Ўзини тута билиш, маънавиятли ва интизомли бўлиш, қўйилган мақсад сари онгли ҳаракат қилиш ҳам шахснинг иродасига боғлиқдир. Энди ироданинг ўзи нима деган саволга жавоб беришимиз керак.

Ирода бу – мақсадга эришиш йўлида учрайдиган қийинчиликларга бардош бериб, уни енгиб чиқа билиш фаолиятини онгли қўйилган мақсадга бўйсундириш, уни онгли назорат қилиш, фаол бошқариш қобилиятидир. Шунинг учун иродани инсоннинг энг олий руҳий қобилияти деб айтамыз.

Меҳнат одамнинг иродасини чиниқтиради ва шаклланишига сабабчи бўлади. Маълумки, меҳнат аниқ бир мақсадга йўналтирилган онгли ва тартибли ҳаракатлардан иборат бўлиб, жисмоний ва ақлий куч сарф этишни талаб қилади. Меҳнатдан натижа олиш учун уни маълум тартибда охиригача етказиш ва меҳнатга боғлиқ қийинчиликларни енгиб ўта билиш лозим. Меҳнатнинг мана шу хусусияти одамнинг иродасини мустаҳкамлайди, унда қунт билан ишлай билиш қобилиятини шакллантиради.


Ирода онгнинг асосий учта хусусиятлари: билиш, муносабат ва кечинмаларини ўзида бирлаштиради. Бунда иродавий зўр бериш кечинмаси ўз психологик тузилишига кўра мураккаб ва шахс кечинмалари тўрт асосий формасининг энг кучлиси ҳисобланади. Ирода одамнинг барча мураккаб фаолиятларида ҳам, унинг айрим ҳаракатларида ҳам намоён бўлади. Шунинг учун одамнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши ҳам узоқ, ҳам қисқа бўлиши мумкин. Қўйида иродавий ҳаракатларнинг босқичларини келтирамыз.

Гарчи иродавий ҳаракатлар мақсадни англашдан бошланса-да, унинг марказий босқичи мотивлар кураши ҳисобланади. Бунда бир мақсадга йўлланган битта сабаб ёки сабаблар йиғиндисини танлаб аниқлайди ҳамда имкониятлардан

бирини иродавий қарорга, бутун жараённи эса *иродавий акт-га* айлантиради. Масалан, мотивлар курашсиз ҳал бўлиши, фикр юритиш ҳаракати босқичи ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар одамда ўз олдига онгли равишда қўйган мақсадга мувофиқ келмайдиган мотивлар устун бўлса, бундай жараён ироданинг эмас, иродасизликнинг намоён бўлиши ҳисобланади.

18-жадвал

### Иродавий ҳаракатларнинг босқичлари



Иродасизлик доимо «керак» мотивига эмас, балки, «хоҳлайман» (ёки «хоҳламайман») мотивига берилганда пайдо бўлади. Мақсад «Мен нима қилишим керак?» саволига, мотив эса «Нима учун мен буни қилишим керак?» саволига жавоб беради. Мақсад доимо аниқ англонади, мотив эса хира англоланган, ноаниқ бўлиши мумкин. Ирода кучи сарфланган умумий мақсаднинг ижтимоий аҳамияти, унинг қиммати, керакли зўр бериш даражаси эса амалга оширилган ишда намоён бўлган ирода кучини кўрсатади. Ҳар бир иродавий ҳаракат иродавий фаолиятнинг фақатгина бир тармоғи, айрим ҳолда намоён бўлишидир, холос. Шунинг учун иродавий ҳаракатлар иккига: бир бор ҳаракат қилганда мақсадга эришилган ва иродавий ҳаракатларни кўп марта сарфлашни талаб қиладиган иродавий фаолиятга (бу ироданинг чидамлилиги-

да кўпроқ кўринади) ажратилади. Инсоннинг интилаётган мақсади қанчалик аниқ бўлса, унга эришишда тўсиқларни қанчалик матонат билан енгиб ўтса, у шунчалик мақсадга интилувчан бўлади.

19-жадвал

### Шахснинг иродавий хусусиятлари

Иродавий қарорлар босқичлари Иродавий сифатлар	Мақсад ва унга эришиш учун интилиш	Инсоният ва мотивлар	Мотивлар кучи ва таъсири	Қарорга келиш	Қарорни амалга ошириш
Кучли ирода	Мақсадни аниқ аниқлаш. Ўта фол торда ялчаниш	Етарли	Асосланган ва тез	Ўта фол торда интилиш билан асосланган	Чидамли, фол
Сабот-мачоист	Узоқ мақсад. Ўта фол торда интилиш	Қўлай торда			Ишончли чиқариш, фол
Ушарлик	Объектив мақсадга ушар оқланган	Биринчи иншониятларини объектив мақсадга ҳисобга олган ҳолда эмас, иншоният фикрига оради		Ўта фол интилиш билан асосланган	Ишончли
Конформаник	Енгил ўзгарувчан	Бошқа шахсларнинг фикрларига кўра белгиланади		Тез ўзгарувчан	Тез ўзгарувчан
Ишонувчанлик	Йўқ			Ташқириндан элтилади	Нефол торда
Қатъийлик	Мақсадни аниқ аниқлаш. Ўта фол интилиш	Етарли, торда қолган эмас	Эндики йилни, янги халқни ҳам ҳар иншоният билан	Аниқ ва барқарор	Чидамли
Ишончанлик	Шунинг ўзи	Шунинг ўзи	Асосланган ва тез		Жуда интилиш ҳоли
Қатъийликсизлик	Шунинг ўзи	Шунинг ўзи	Чўқилган эл ва туғилган эл	Йўқ сиз тегиз ўзгарди	Йўқ
Сует иродалик	Интилиш сует	Етарли сиз билан	Туғилган эл	Бошқарилган интилиш	Саботсиз

Енгил ўтилаётган тўсиқлар қанчалик кўп бўлса, иродавий зўр бериш шунчалик *интенсив* бўлиши керак, одамдан эса янада кўпроқ кучли иродавий интилиш талаб қилинади.

Кучли ҳамда чидамли иродани шакллантириш ўқувчи олдига фаолиятидан анчагина узоқроқ мақсадга эришиш вази-фасини қўйиш ва унинг қийинчиликлари қандай бўлишидан қатъий назар, бу мақсадга эришишга бўлган интилишни му-стаҳкамлаш орқали амалга оширилади. Ўз олдига муайян анчагина узоқни кўзлаб мақсад қўйган киши иродасининг чидамлилигини ҳис қилса, бу матонатлиликини билдиради.

Шахсий мақсадларни жамоа, халқ манфаатига бўйсундириш билан белгиланадиган ирода маънавий-ахлоқий тарбияланган ирода таркибига кирadi. У ўқувчи шахсининг барча маънавий, маърифий сифатлари, биринчи навбатда инсоний бурч ҳисси, онглилик ва виждон ҳиссининг юксак шаклланганлиги билан биргаликда ўсиб боради<sup>1</sup>.

Ирода инсон психологиясининг бошқа томонлари билан ҳам мустаҳкам боғлангандир. Кишининг ҳиссиётлари ҳам иродани оширадиган катта руҳий қувватдир. Ҳеч бир нарсдан завқланмайдиган, маънавий дардсиз одамларнинг иродаси кучли бўлмайди. Аммо шу билан бирга, ирода кишидан ўз ҳиссиётларини тушуниб, уларнинг қийматини билишни ва уларни дадил ҳимоя қилишни талаб қилади. Ўз ҳиссиётини бошқара олмаган одамлар ҳамиша иродасиз, руҳан кучсиздир.

Мустақил тараққий этиб бораётган давлатимизнинг меҳнатда фидойилик, мардлик кўрсатаётган халқи ўзининг метин ирода кучи билан қилаётган улуғ ишларини психологик томондан кузатадиган бўлсак, уларнинг бу ишлари Ватанга, халқига фидокорлик, ғализ душманларга ғазаб, меҳнат майдонида ғайрат, шижоат кўрсатиш каби кучли ҳиссиётлар билан ғоятда зўр бардош, сабру тоқат, зийрак ва ҳушёрлик билан ўзини дадил тутиш каби иродавий хислатларнинг бирлашганидан намунадир.

Ҳаётда ирода билан тафаккур ўртасидаги муносабат қандай чуқур боғланганлиги юқоридаги айтганларимиздан ҳам маълумдир. Ирода билан тафаккур мушоҳадаси ҳамкорлигида бажарилган ҳар бир иш инсонга фақат фойда келтиради. Одам ирода талаб қиладиган ҳар бир ишни бажаришдан аввал ўйлаб кўрмоғи, обдон мулоҳаза қилиб, тушунмоғи зарур бўлади. Бир мақсадга интилганда йўлда учраган тўсиқларни бартараф қилишдан аввал унинг энг яхши чора ва тадбирларини ўйлаб топиш, бу тўсиқларни бартараф қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

---

<sup>1</sup> К.К. Платонов, Г.Г. Голубев. Психология. — Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 йил. 24-27 бетлар.

## 12.2. Ирода орқали қилинадиган иш-ҳаракатлар

Онгли равишда ирода билан қилинган ҳар бир иш-ҳаракатни бажариш учун аввал бу иш-ҳаракатдан кўзланган манфаатли мақсадни ва бу мақсадга эришиш чораларини тушуниш шарт эканлигини биламиз. Бунинг маъноси шуки, одам бир ишга киришишдан аввал нима учун бу ишни қилаётганини ва уни қандай бажаришни тафаккурида ўйлайди, мулоҳаза қилади. Яъни аввал уни ўз фикрида бажаради. Фикрда бу ишни турли эҳтимолларини мушоҳада қилишдан иборат бўлган мураккаб психологик жараёнлар ҳам бўлади. Яъни ҳаракат қилиш керакми ёки йўқми, қандай ҳаракат қилмоқ лозим, қандай йўл ёки усуллардан фойдаланиш керак? Фикрда пишитилган бу жараёнлар охирида қарорга келинади. Қарорга келингач, «фикр ишидан» амалда бажариш ишига, яъни бу қарорни ижро қилишга ўтилади. Демак, ирода кучи билан қилинадиган ҳар бир иш-ҳаракатда икки босқич мавжуд бўлади.

Биринчи – тайёргарлик босқичидан иборат бўлган «Фикр иши», бунинг оқибати қарор бўлади.

Иккинчи – охириги босқичдан иборат бўлган «Амалда бажариш иши» қилинган қарорнинг ижроси деб аталади. Бир ишни дарҳол кечиктирмай бажариш лозим бўлганда қарор билан унинг ижроси кетма-кет воқе бўлади, бундай қарор бевосита ижрога ўтади. Шунинг назарда тутиш керакки, иродавий ҳаракатлар ҳеч қандай сабабларсиз ўз-ўзича юзага келадиган ҳаракатлар эмас. Яқин йилларгача айрим Европа мамлакатларининг психологлари иродани ҳеч қандай сабаб ёки мақсад билан, ҳаттоки органик жараёнлар билан ҳам боғлиқ бўлмаган ва одамнинг хатти-ҳаракатларини эркин «бошқарадиган махсус руҳий куч» деб тушунтиришга интилдилар. Биз бундай психологларнинг ирода ҳақидаги ғайри илмий таълимотларини фанда асоссиз таълимот сифатида тушунишимиз керак. Ирода кишининг бутун феъл-атворида ва хатти-ҳаракатларида акс этади. Шунинг учун кишининг иродасига тааллуқли аломатлар унинг табиатига ҳам бутунлай сингиб кетади.

Шаҳсининг ижобий хислат ва фазилатларидан бири иродасининг мустаҳкамлигидир. Ироданинг кучсизлиги кишидаги энг салбий психо- физиологик хусусиятдир. Иродаси заиф киши бошлаган ишини охиригача етказа олмайди. «Одамнинг ҳаёти-

да мураккаб иродавий омиллар ва иш-ҳаракатлар бош рол ўйнайди. Одам буюм ясади, имтиҳон топширди, сувга чўкаётган одамни қутқариб олди – буларнинг ҳаммаси мураккаб иродавий иш-ҳаракатлардир. Одамнинг иродаси айти шундай иш-ҳаракатларда намоён бўлади. Иродавий иш-ҳаракатлар ҳар хил: ижтимоий ва шахсий, жамоавий ва индивидуал кўринишда бўлиб, меҳнат, ўқиш ва ўйин жараёнларига оид иш-ҳаракатларда намоён бўлади. Мураккаб иродавий иш ҳаракатлар тузилишига кўра уч бўғин: мақсад қўйиш, фикр режалаштириш ва уни амалга ошириш бўғинлари бир-биридан фарқ қилади. Бу бўғинларнинг ҳар бири таҳлил қилинса, бир қанча психик ҳодисалар очилади, ўқитувчи буларни ўқувчиларни иродасини тўғри тарбиялаш учун билиши зарур. Одамларнинг ўз олдларига онгли суратда қўйган мақсадлари замирида уларнинг бирор нарсага бўлган объектив эҳтиёжи намоён бўлади. Эҳтиёж моддий ва маънавий, то шахсий ва ижтимоий бўлиши мумкин. Улар кишилар онгида турли хил эҳтиёжлар ва мотивлар тарзида намоён бўлади. Хатти-ҳаракат мотивлари ҳавас, хоҳиш, ҳиссиёт, қизиқиш, эътиқод ва онгнинг булардан бўлак ифодаларидир. Онгли суратда туғилган эҳтиёжлар одам хатти-ҳаракатларининг асосий мотивларидир.

Меҳнатга, билимга, бошқа одамлар билан муносабатда бўлишга, шунингдек, моддий ва маданий эҳтиёжлар илғор кишиларга хос сифатдир. Мақсад қўйиш одамнинг шу мақсадга бўлган ўз мотивларини англаб олиши билан боғлиқдир. Масалан, ҳавас яхши англаб олинмаган ният бўлиб, бунда одам бирор нарсага етишмай турганидан қаттиқ изтироб чекади, лекин туғилган ниятнинг нималигини, эҳтиёж қондиришнинг мақсад ва вазифаларини аниқ тасаввур этолмайди. Бундай мотивларнинг ёлғиз ўзи таъсирида ҳали ҳаракат содир бўлмайди. Хоҳишнинг ўзи энг яхши анланган мотивдир. Бу босқичда эҳтиёж ва уни қондира олиш мумкин бўлган нарса аниқ англаб олинади.

Мақсад аниқлангандан кейин уни амалга ошириш учун фикран режа тузиб олинади. Инсон олдида энди янги вазифалар пайдо бўлади: мақсадга эришишнинг энг тўғри йўлини топиш қийинчиликларни енгиш усулларини белгилаш вазифаси туради. Режалаштириш учун фаол фикр юритиш, билимни сафарбар қилиш, иш-ҳаракат шароитини таҳлил қилиш ҳарактерли-

дир. Имкониятнинг турлича бўлишига қараб инсоннинг ҳар хил вариантлар белгиланади. Фақат “мотивлар кураши” содир бўлиб қолмай, балки “режалар кураши” ҳам содир бўлади. Бироқ ҳар қандай иш-ҳаракат учун ҳам йўл танлаш асло мажбурий эмас. Ҳамма нарса қўлланиладиган иш-ҳаракатнинг характериға боғлиқ бўлади. Мураккаб продавий ҳаракатнинг кўпчилиги йўл танламай режалаштирилади ва амалга оширилади.

Пухта ўйлаб кўрмаслик, фикран режалаштиришга эътибор бермаслик болаларға хос бўлиб, шошма-шошарлик туфайли бутун иш бузилади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни ўз иш-ҳаракатларини режалаштиришға доимо ўргатиб бориш лозим. Мақсад қўйиш ва режалаштиришнинг ўзи қанчалик муҳим бўлмасин, лекин улар фақат тайёргарлик бўғинидир. Иродавий иш-ҳаракатда амалга ошириш ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мана шунинг учун ҳам мақсадни ва режани амалга ошира биладиган одамлар иродали кишилар дейилади. Тайёргарлик босқичида иш одамнинг тўсиқларға қарши курашисиз ўтмайди. Лекин бу ҳол иродани кўпинча катта синовларига дарз келтирмайдиган ички курашдир. Инсон ўз мақсадини амалга ошираётиб, қийинчилик ва тўсиқларға дуч келганида иш тубдан ўзгаради. Бу қийинчилик ва тўсқинлик билан тўқнашганда баъзи бир кишилар бу курашдан воз кечадилар, баъзилар эса бошқа бирмунча енгил ишға ўтиб оладилар ва фақат иродали одамларгина ишни мақсадға мувофиқ амалга ошириш учун бу тўсиқларға қарши кураша оладилар.

### 12.3. Ўқувчилар иродасини ўстириш

«Бола тайёр ирода билан туғилмайди. Ирода ҳаёт жараёнида анча секин таркиб топиб боради. Лекин унинг ривожини ҳар бир боланинг яшаган муҳити ва олган тарбиясига боғлиқ равишда, унинг барча хусусиятлари билан бирликда ривожланади»<sup>1</sup>. Шунинг учун бола шахсининг иродасига баҳо берилганда унинг бошқа психологик хусусиятларини ва яшаган ижтимоий даври муҳити ҳам назарға олинади. Маълумки, ирода аниқ бир

<sup>1</sup> Психология курси. М. В. Гамезо таҳрири остида. –Т.: “Ўқитувчи”, 1972 йил, 231-бет.

мақсадга эришмоқ учун онгли қилинадиган ҳаракатлардан иборатдир. Бунда бирор нарсани хоҳлаш ва шунга эришмоқ учун зўр бериб, режалш равишда ҳаракат қилиш, баъзи вақтларда эса мотивлар курашини кечириш каби мураккаб руҳий ҳолатлар юз беради. Янги туғилган болада ҳам биз маълум фаолликни кўра-миз. Лекин унинг бу фаоллиги ихтиёрсиз вужудга келадиган импульсив, инстенк гив ҳаракатлардан иборат бўлади. Албатта, бу ҳаракатлар табиий ва қонуний бўлиб, боланинг ҳаётий фао-лиятида вужудга келади. Бироқ бола ўзи бу эҳтиёжларни ҳали англамайди. Унинг бу эҳтиёжи катталар ёрдами билан қондири-лади.

Ирода, айниқса, мактаб ёшида такомиллашиб боради. Мак-таб ўқувчиси дарс машғулотларини бажариши учун доимо қунт билан ва зўр бериши керак. Мактабдаги тартиб-интизом боладан доим ўзини тута билишликни, уюшқоқликни, қатъий-ликни, ўз иродасини жамоа иродасига бўйсундиришни тақозо этади. Мактабда ўқиш кундалик вазифаларни ўз вақтида бажар-иб боришликни, ташаббускорликни, ғайрат ва жавобгарлик-ни, бошлаган ишни охиригача етказишликни талаб қиладики, буларнинг ҳаммаси иродани тарбиялашга, уни чиниқтиришга тааллуқлидир.

Мактаб ёшидаги болалар ахлоқ қоидаларини онгли ўзлаштира бошлайдилар. Таълим-тарбия жараёнида бола-ларча дунёқараш шакллана бошлайди. Шунга боғлиқ равиш-да матонат, одоб, мардлик ва онглилик каби маънавий фа-зилатлар шаклланади. Мактаб жамиятимизнинг ёшлар ол-дига қўйган талабига мувофиқ уларни мустақил Ватанимиз учун хизмат қилишга ўргатмоғи лозим. Ёшлар бу йўлда ҳар қандай қийинчиликларни енгишга тайёр эканликларини ҳис қилсинлар.

Юқори синф ўқувчилари ўз келажаклари истиқболини ўйлаб, касб танлайдилар. Улар келажакда ким бўлишлари ҳақида хаёл суриб, порлоқ ва юксак мақсадларга интиладилар. Бундай орзу-хаёл ва ҳавас уларда қатъийликни, мардликни, ташаббускор-ликни ўстириб, иродани мустаҳкамлашга ёрдам беради. Мана шундай орзу-ҳавас ва юксак мақсадлар ёшларнинг онгини ва маънавий фазилатларини шакллантиради, шу мақсадларга эри-шиш йўлида, севикли Ватан саодати учун зўр ғайрат билан ишлашга илҳомлантиради.

Кишининг қадру қиммати унинг олижаноб орзу-туйғуларга тўлиб-тошиб юришида эмас. Киши ўз гоё ва маслаклари йўлида жон-танни аямасдан фаол ҳаракат қилганидагина ўзининг мустаҳкам иродасини шакллантирган бўлади. Мана шундай ирода ва мардликкина жамият ўртасида кишининг қадру қимматини, обрўини оширади.

Иродани мустаҳкам қилиш учун шахс ўзи ғайрат, шижоат кўрсатмоғи лозим эканлигини эсдан чиқармаслиги керак. Бунинг учун у ўзига танқидий қараб, иродаси қанақа эканлигини тушуниб олмоғи зарур. Аммо мардлик, жасурлик, ва мустаҳкам ироданинг ўзигина кифоя қилмайди. Яна билиш, фан асосларини пухта ўзлаштириш ҳам талаб этилади. Шу сабабли билимнинг аҳамиятини, билимсиз кишининг жамиятдан орқада қолишини, меҳнати самарасиз бўлишини ўқувчиларга яхши тушунтириб бориш лозим.

Кишининг иродаси билан унинг дунёқараши ўртасида жуда қаттиқ боғланиш бор. Ўз принципларининг тўғрилигига ишонган дадил инсон уни амалда ҳам ишлатади ва ўз мақсадини рўёбга чиқаришга дадиллик билан интилади. Бу принциплар кишининг ҳар бир нарсага, аτροφдаги ҳодисаларга ва ўз шахсига ҳам қай тарзда муносабатда бўлишини белгилайди. Мактаб ўқувчиси ўз принципларини бутун мантиқий тўлиқлиги ва амалий изчиллик билан ўзига сингдириб олмаса, кейинчалик ундай ўқувчининг иродавий салоҳияти ҳам яхши шаклланмаган бўлади.

## 12.4. Ирода сифатлари

Иродага тааллуқли энг асосий сифатлар қуйидагилардан иборат:

- а) ироданинг мустаҳкамлиги;
- б) ўзини тута билиш;
- в) интизомлилик.

**Ироданинг мустаҳкамлиги.** Ўтмишга фикран назар солиб, даврлар ва воқеаларни солиштириб, таққослаб кўрсак, кўпинча, тарихан қисқа муддат ичида Мустақил Республикамиз келажаги учун нақадар катта йўлни босиб ўтганимизни мамнуният билан ўйлаймиз. Озод, мағрур, мустақил фикрловчи инсоннинг эркин

шаклланиб вужудга келиши жараёни ҳам моддий бойликларнинг яратилиши каби маънавий-инқилобий суратлар билан бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда нақадар ўқимишли, гоят билимдон авлод яшамоқда. Ёшларимиз билимга нақадар ташна. Улар билимларни эгаллагани сари қайноқ ҳаётга, билимга ташналиги кун сайин ошиб бормоқда. Уларнинг иродавий матонати феъл-атворида ва хатти-ҳаракатларида ҳам акс этмоқда. Дарҳақиқат, миллий истиқлол даврида яшаётган ёшлар билим, тарбия маънавий сирларини ўрганиш соҳасида чексиз имкониятларга эга. Айни вақтда мазкур имкониятлар маълум даражада қийинчиликларни, ёшларнинг иродасига тааллуқли ижобий хислат ва фазилатларни, иродавий мустаҳкамликни истисно этмайди. Шу тариқа ҳар бир янги авлод ўз даврида дунёни қайтадан англаб, чиниқиб, иродасини мустаҳкамлаб боради. Ёшлар мураббийси олдида эса доймо, яхши ишни нимадан бошлаш керак? – деган муаммоли савол туради. Бу ёшларнинг келажак сари қўйилган биринчи қадам муаммосидир.

Бу саволга аниқ жавобни биз президентимиз И.Каримов асарларидан толамиз. «Жамиятни соғлом, эзгу мақсадлари сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиш учун ёшларга маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор – маънавий-маърифий, мафкуравий тарбияни юксак даражага кўтариш ҳозир энг долзарб вазифа ҳисобланади». Президентимиз ўз асарларида ҳаётни тушунтиради, яшашни ўргатади, энг муҳими шундаки, Президент асарларида ёшлар олдида турган муаммолар тўғри талқин этилган. Ёшларни эзгу ишларга сафарбар этишда бурч ва масъулиятни англашда тарбия мактаб вазифасини ўтайди.

Мустаҳкам ирода ҳамма вақт онгли ва аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Мақсаднинг равшанлиги, айниқса, унинг ижтимоий ҳаётга, Миллий истиқлолимиз фойдасига қанчалик боғлиқлигини англаш ёшлар иродасини мустаҳкам қилади, ғайратига ғайрат қўшади.

Кисининг иродаси мустаҳкамлигига доир сифатларга таъриф берганда, бу сифатларни: *биринчидан*, ирода билан қилинадиган иш-ҳаракатларнинг мотивига тегишли бўлган сифатларга; *иккинчидан*, бир қарорга келганда юзага чиқадиган сифатларга; *учинчидан*, қилинган қарорни ижро қилишга алоқадор бўлган сифатларга ажратамиз.

*Қарор ва ҳаракатнинг онглилиги.* Ҳар бир иш ва ҳаракатда онгли бўлган одам ўз олдига қўйган мақсадларининг тўғри ва муҳимлигига қаттиқ ишониб, бунга қаноат ҳосил қилганлигидан, ҳар бир ишни ўз билганича мустақил бажаради. Бундай одам иродасининг мустаҳкамлиги туфайли бир мунча барқарор қараш ва эътиқодлардан келиб чиққан ва яхши англаб етган тилакларга қараб иш кўради. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ироданинг дадиллиги унинг мустаҳкамлигидан дарак беради. Яъни дадиллик деб, кишининг фурсатни ўтказмасдан, пухта ўйланган ва замини мустаҳкам қарорлар чиқариш қобилиятини айтамыз. Ироданинг мустаҳкамлиги аслида иродага оид бўлса ҳам, лекин ақлнинг муайян сифатлари билан қаттиқ боғлиқдир. Яъни дадил бўлиш учун ақл жуда танқидий бўлиши ва шу билан бирга мустақил ҳам бўлиши керак.

*Ўзини тута билиш.* Ироданинг бу хусусияти икки нарсада кўринади.

*Биринчидан,* бир қарорга келгач, бу қарорни бажаришга тўсқинлик қилиб турган кўркув, дангасалик, уятчанликни енгиб, вазифани бажариш учун ўзини мажбур қила олиш. Турмушда ирода қуввати деб, ироданинг кўпроқ шу сифатини айтамыз. Кишида ўзини тута билиш учун ирода қуввати бўлмаса, мардлик, жасурлик, ҳаққонийлик каби гуйғулар бўлмайди.

*Иккинчидан,* номатлуб туйғу ва ғалаёнларни ташқарига чиқармасдан ва импульсив ҳаракатларга йўл қўймасдан ўзини тута билишдан иборатдир. Ироданинг бу томони бардош ва ўзини тута билиш ҳолати деб аталади. Юксак ғоя ва мақсадлар учун кураш йўлида жисмоний ва руҳий зўр беришгина эмас, балки кўп азоб ва машаққат чекишга ҳам тўғри келади. Инсон доимо чидамли, сабр-бардошли, ўзини тута биладиган қобилиятга эга бўлиши керак. Чидамли бўлиш иродали бўлиш демакдир, ўзини тута билмаган киши тасодифан пайдо бўлган туйғуларга берилиб кетади. Муайян бир ғояга ва принципга риоя қилмасдан, беқарор ва руҳан бетайин одам бўлади.

*Интизомлилик.* Бу энг муҳим иродавий сифатдир. Инсон шу туфайли қонун ва меҳнат нормаларига мувофиқ ҳаракат қилади. Шахсий мақсадларни жамоа, халқ манфаатига уйғунлаштириш билан белгиланадиган ирода *интизомий тарбияланган ирода* дейилади. У ўқувчи шахсининг барча маънавий сифатлари, биринчи навбатда, ижтимоий бурч ҳисси, онглилик ва виж-

дон ҳиссининг юксак шаклланганлиги билан биргаликда кўри-  
нади. «Интизом одам ўзига хуш ёқадиган бирор нарсани қилаёт-  
ганда эмас, балки одам бирорта оғирроқ ишни бажараётганида  
намоён бўлади. У бу ишни бутун жамоа учун ҳамда бутун дав-  
лат учун зарурлиги ва фойдалилигига ишонганлиги учун қила-  
ди»<sup>1</sup>.

Эмоционал-иродавий доиранинг меҳнатда шаклланиши  
ўқувчиларни келажакдаги касб фаолиятларига психологик тай-  
ёрлаш йўлларида биридир. У меҳнатга фаол муносабатни, меҳ-  
нат қилиш иродаси ва касбларга қизиқишни шакллантиришни  
ўз ичига олади. Ўқувчи шахсининг иродавий сифатлари улар-  
нинг профессионал қобилиятларини вақтинча психологик сафар-  
бар қилиш имкониятига ҳам боғлиқдир. Интизом малакалари бу  
иродавий малакалардир. Шунинг учун малакаларнинг барча  
қонуниятларидан фойдаланиб, уларни ўргатиш лозим. Бироқ ин-  
тизомлилики маънавий тарбияланган ироданинг характер-хис-  
лати даражасигача кўтарилган ягона тизимга қўшиб тарбиялаш  
ҳам зарур. Профессионал қобилиятларни шакллантиришда  
ўқувчи шахсининг барча бошқа сифатлари сингари унинг ирода-  
сини доимий тарзда машқ қилдиришдан бошлаш керак. Бунда  
ўқувчининг иродавий сифатларини ҳар хил фаолият турларидаги  
хусусиятларини ўрганишга таянилади.

Ўқувчиларда иродавий сифатларни тарбиялашнинг асосий  
йўллари қуйидагилардан иборат бўлиши шарт:

– сиёсий онгини шакллантириш, жамоада виждонан ва му-  
ваффақият билан унумли меҳнат қилдириш ҳамда жамият иши-  
да фаол иштирок эттириш билан жамият учун фойдали эҳтиёж  
ва ахлоқ мотивларини ўстириш;

– пухта билим олиши, малака ва кўникмаларни назарий ва  
амалий ишлаб чиқариш ишлари вақтида ўзига хос муаммоли  
вазиятларни яратиш, уларни адашмай амалга ошириш.

### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ироданинг таърифини тушунтириб беринг.
2. Ирода орқали қилинадиган хатти-ҳаракатлар билан  
бошқа ҳаракатлар фарқини тушунтиринг.

---

<sup>1</sup> Макаренко А.С. Соч. т. – Москва: Изд. АПН. РСФСР, 1958,  
37-бет.

3. Ўқувчилар иродасини ўстиришда қандай усуллардан фойдаланилади?

4. Ироданинг сифатларига нималар киради?

**Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:**

1. Э.Ғозиев. Умумий психология. 1-китоб. –Тошкент: 2002.
2. Э.Ғозиев. Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.
3. К.К. Платонов, Г.Г. Голубев. Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982.
4. П.И. Иванов. Умумий психология. –Тошкент: 1967.
5. М. Воҳидов. Болалар психологияси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982.
6. Л. Бекназарова, А. Жабборов. Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг психологик хусусиятлари. –Т.: «Фан», 2008 й., 124-бет.

## ТЕМПЕРАМЕНТ

## 13.1. Темпераментнинг қисқача таърифи

Инсонда унинг руҳий оламига мансуб ақл-идрок, туйғу, ҳиссиёт ва ирода сифатлари бор. Аммо буларнинг ҳаммаси турли ёшдаги кишиларда турлича кўринади. Бир хил одамларнинг тафаккур мушоҳадаси ўткир, идроки тез бўлиб, ҳаракатлари чаққон, ғайратли, ҳиссиётлари кучли ва мазмундор бўлади. Бундай одамлар ҳар нарсадан жуда тез таъсирланадилар, ҳар қандай таъсиротларга жуда тезлик билан ҳаракат қиладилар. Баъзи одамлар эса аксинча, ҳаракатлари суст бўлиб, ҳиссиётга унчалик берилмайдилар, ғайратсиз, ҳафсаласиз, ланж ва ҳаракати заиф бўладилар. Демак, кишилар ҳиссиётга берилиш ва ҳаракат (реакция)ларнинг тезкорлик даражаси билан ҳам бири-биридан фарқ қилар экан. Бу фарқлар, одатда, кишининг темперамент (мижоз) деб аталадиган индивидуал хусусиятларининг кўринишида намоён бўлади. Хуллас, темперамент инсоннинг психофизиологик фаолиятида нерв системаси типининг ташқи ва ички кўринишидир. Юқорида айтганимиздек, шахсдаги нерв жараёнларининг кучи, мувозанатли ва ҳаракатчанлиги билан намоён бўлувчи индивидуал психологик хусусиятларнинг айнан кўринишидир. Темпераментнинг физиологик асоси тарзида нерв системасининг типларини бу таълимотнинг асосчиси И.П. Павлов худди шундай тушунган. Сўнгги йилларда инсоннинг типологик хусусиятларини ўрганish асосида яна нерв системасининг икки хоссасини фарқлаш таклиф этилган: шартли рефлексларнинг ташкил топиш тезлигини белгиловчи унинг *динамиклиги*; қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг пайдо бўлиши ва барҳам топиш тезлигини белгиловчи *лабилликдир*. Бироқ, бу ишлар ҳали темпераментни тушунишни аниқлашда амалий жиҳатдан қўлланилган эмас. Инсоннинг мияси яхлит бир нарса тарзида ишлайди, уни ташкил этувчи ҳужайралар эса ўзаро вазифаларига кўра марказларга боғланган. Нерв маркази бу мия қобигининг алоҳида бўлакчасигина эмас, балки вазифаларнинг ўзаро таъсирида бўлган ана

шундай бўлаклардан бир қанчасининг йиғиндиси ҳамдир. Алоҳида бир нейронда, яъни нерв ҳужайрасининг бутун бир группасида, яъни нерв марказларида икки қарама-қарши фаол жараён қўзғалиш ва тормозланиш ўзаро мураккаб таъсирида содир бўлади. Бунда мия участкаларидаги қандайдир биттасининг қўзғалиши бошқа участкаларнинг тормозланишига олиб келади.

«Мазкур нерв системаси учун характерли бўлган қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучи, мувозанати ва ҳаракатчанлиги хусусиятларининг бирикмаси нерв системасининг типини белгилайди.

Нерв системасининг ёрқин ифодаланган тўртта типини учратиш мумкин. Улардан бири кучсиз қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг заифлиги билан характерланади. У *меланхолик* темпераментга мос келади. Қолган уч тип кучли ҳисобланади. Улардан бири ўзини тутолмайдиган, мувозанатлашмаган бўлиб, *холерик* темпераментга тўғри келади.

Қолган икки типда қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучли ва вазмин бўлиши билан характерланади, лекин улардан бирига нерв жараёнларининг кам ҳаракатчанлиги хосдир. Бу тип *инерт* дейлади ва бу *флегматик темпераментга* мос келувчи деб ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Иккинчи кучли тип сангвиник темпераментга мос келувчи жонли типда қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучли, вазмин ва шу билан бирга энгил ҳаракатчандир. Нерв системаси ва темпераментининг ўзаро нисбати 20-жадвалда кўрсатилган.

Ҳаммасидан кўра 21-жадвалдаги сингари координат системасида тўрт темпераментни жойлаштирган маъқул. Нуқтанинг бошланишида кучли, вазмин, *серҳаракат сангвиник* ётади, қолган барча темпераментлар эса ўзларидан нерв системаси типининг уч координати белгилари ифодаланганлигига кўра ундан узоқлашади. Лекин нерв системаси типини ва темперамент тушунчаларини айнан тенглаштириш мумкин эмас. Биринчиси, физиологик тушунча; темперамент эса пси-

---

<sup>1</sup> К.К. Платонов, Г.Г. Голубев. Психология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 йил, 41-42 бетлар.

хологик тушунчадир. Инсон организмидаги нерв системасининг типи шахсининг темпераменти сифатида намоён бўлади.

20-жадвал

**Нерв системаси типлари ва темпераментларининг ўзаро нисбати**

Нерв жараёналарининг хусусиятлари	Нерв системасининг типини	Кучлилар			Кучсиз
		Ўзини туюлмайдиган	Сергайрат	Камҳаракат	
	Кучли мувозанатчилик ҳаракатчилик	Кучли мувозанатлашган. Ҳаракатчан	Кучли мувозанатлашган. Ҳаракатчан	Кучли мувозанатлашган. Камҳаракат	Кучсиз мувозанатлашмаган. Камҳаракат
Темперамент	Холерик	Сангвиник	Флегматик	Меланхолик	

21-жадвал

**Темпераментнинг психологик координатлари**



«Темпераментлардаги фарқлар кўпгина авлодларнинг ҳаётий тажрибалари асосида белгиланган ва албатта, ҳамма вақтда ҳам бир хил тушунилган эмас, ҳозиргача ҳам шундай. Темперамент бу динамик-психик жараёнлар ёрдамида инсоннинг шахсини аниқлайдиган индивидуал хусусиятлардир»<sup>1</sup>. У инсоннинг ташқи таъсирларга психик реакциясининг тезлиги ва кучи билан белгиланади (Бу ерда психик реакция дейилганда фақат ҳаракатлантирувчи эмас, балки эмоционал-психик реакциялар ҳам тушунилади. Бу 22-жадвалда кўргазмали берилган).

<sup>1</sup> Мерлин В.С. Очерки теории темперамента. –М.: «Просвещение», 1964 г.

Темперамент	Реакциялар	
	Тезлик	Куч
Сангвиник	Тез, секин	Ўргача
Флегматик	Тез, секин	Ҳаддан ташқари
Холерик		Кучли
Меланхолик		Кучли

Шундай қилиб, темпераментнинг хусусиятлари кишининг юз ифодалари, қандай қадам ташлаб юриши ва бошқа ҳаракатлари, нутқи ва шу кабиларда акс этади. «Кишилар тўғрисида «Жўшқин», «Шўх», «Қизғин» табиатли ёки «Ювош», «Оғир», «Лапашанг», «Дангаса» деб баҳо берар эканмиз, бу сўзларнинг ҳаммаси темперамент (мижоз) хусусиятларига тегишлидир. Кишининг бу психологик сифатлари унинг фаолиятидан узилган бўлмайди, аксинча, унинг фикр юритишида, диққати ва иродасида, хуллас, бутун феъл-атворида ўз ифодасини топади. Темперамент ёки мижоз дейилганда, бир кишини бошқа кишилардан фарқ қиладиган хусусиятларини тушунамиз»<sup>1</sup>. Шундай бўлгач, ҳар қандай шахснинг ўз индивидуал мижози бор. Аммо бундан қатъий назар, темперамент хусусиятлари бир-бирига ўхшаган одамлар ҳам учрайди. Шу сабабли энг кўп учрайдиган ва кўзга ташланадиган хусусиятларини эътиборга олиб, темпераментни қадим замонлардан буён тўрт типга ажратиб келадилар. Қуйида темперамент типларининг психологик характеристикасига тўхталиб ўтамиз.

### 13.2. Темперамент турлари

Холерик темпераментли одам тез, шиддаткор, ишга ниҳоят кучли ҳавас билан берилишга қобилиятли, лекин вазмин эмас, илдам ва чаққон, ҳиссиётлари тез ва кучли қўзғалади ва гапида, ҳаракат ва имо-ишораларида мазмун жуда равшан ифода қилинади, ҳиссиётлари бирдан қўзғалиб, жўш уриб кетади.

<sup>1</sup> И.П.Павлов. Полн. Собр. Соч, 3 т. 2-книга. – М.: 1951 г. ст.85.

Холерикнинг сангвиникдан фарқи шуки, нерв жараёнларида мувозанатлашганликнинг йўқлигидир. И.П. Павлов холерик темпераментли кишининг қиёфасини таърифлар экан, бу «жанговор, жўшқин, осон ва тез таъсирланадиган тип» деб ёзади. Ма- шхур педагог А.С. Макаренко ҳам «Педагогик поэма» номли китобида колонияда яшаган қизлардан бири ҳақида шундай деб ёзади: «У ичиб маст бўларди-да, бир дақиқанинг ичиди дўстлик, муваффақият, яхши кун, осойишталик ва нашъали оқшом, яхши орзу-ният ёки порлоқ умидлар каби энг яхши нарсаларни пой- мол қилиб ташлар эди»<sup>1</sup>.

*Сангвиник темперамент.* И.П. Павлов уни шундай деб таъ- рифлайди. «Сангвиник қизиққон, маҳсулдор шахсдир, лекин у кўп ва қизиқарли ишлар мавжуд бўлсагина, яъни доимий қўзғал- лиш пайтидагина шундай бўлади. Агар бундай ишлар бўлма- са, у нохуш, ланж бўлиб қолади»<sup>2</sup>.

Сангвиник темперамент ҳиссиётнинг тез, кучли қўзғалув- чанлиги, лекин беқарор бўлиши билан фарқ қилади. Уларнинг кайфияти тез-тез ўзгариб, бир кайфият ўзига тескари бўлган ик- кинчи бир кайфият билан тез-тез алмашиб туриши мумкин. Сан- гвиниклардаги психик жараён, холериклардаги сингари тез ўтади. Бу хил темпераментли кишилар илдам, чаққон, серҳа- ракат ва жўшқин бўладилар. «Сангвиник темпераментли ки- шилар теварак-атрофидаги воқеалардан тез таъсирланадилар ва муваффақиятсизликлар ҳамда кўнгилсиз ҳодисалар унча қаттиқ хафа қилмайди. Улар кўп ишга тез ва ғайрат билан кири- шадилар, лекин ишдан тез совийдилар. Бир зайилдаги ишларни узоқ, давомли суръатда бажаришни мойил бўлмайдилар. Улар ҳар қандай ишга қатнашиш учун доим тайёр бўладилар. Кўпин- ча бир қанча вазифаларни бирданга бажаришга бўйинларига оладилар. Лекин ҳар бир ишга иштиёқ билан тез киришганлик- лари сингари, бошлаган ишларидан тез қайтишлари ҳам мум- кин. Сангвиникда қатъий мақсад, чуқур фикр, ижодий фаолият бўлмаган тақдирда унда юзакилик ва беқарорлик пайдо бўлади. Тўғри тарбия шароитларида сангвиникда чаққонлик ва меҳри- бонлик, кенг билим доираси, эрудиция (ақл) энгиллик билан тар- киб топтиради. Юқори реактивлик, бесабаб ҳақолаб кулиш,

<sup>1</sup> А.С. Макаренко. Педагогик поэма. - Ўздавнашр, 1956 й., 282-бет.

<sup>2</sup> П.И. Иванов. Психология. -Тошкент: «Ўқитувчи», 467-б.

диққатни тез тўплаш, узоқ вақт ишлаб чарчамаслик каби фазилатларга эга»<sup>1</sup>.

**«Меланхолик** темпераментли одамнинг ҳиссиётлари унча ранг-баранг бўлмайди, лекин бор ҳиссиётлари кучли бўлиб, узоқ давом этади; бу хил одам ҳар нарсадан таъсирланавермайди, тоқатли бўлади, лекин бир нарсадан таъсирланса қаттиқ таъсирланади, аммо ташқи аломатларда ифода қилмайди. Одатдаги шароитда ҳар бир темперамент ўз устунлиги ва камчиликларига эга. Жумладан, яхши тарбия берилганда ҳамда ўз-ўзини назорат қилганда сангвиникка ўта сезгирлик, атрофдаги воқеаларга ҳозиржавоблик хос. Флегматикка сабот ва ўзини идора қила олишлик, шошма-шошарлик, бемулоҳаза ҳаракатларнинг бўлмаслиги хос. Холерикка ишда чаққонлик, шиддатлилиқ, фаолликнинг жуда катта захираси хос; меланхоликка ташқи жиҳатдан айтарли сезилмас даражада чуқур кечинмалар, янги эмоционал хайрихоҳлик, ниҳоятда кучли таъсирчанлик хос.

Темпераментдаги камчилик баъзи ҳолларда нуқсон саналиши мумкин: сангвиникдаги юзакилик, беқарорлик, нојиддийлик; флегматикдаги «бети қалинлик», хусусан, бошқаларга нисбатан бефарқлик, қуруқлик; холерикдаги бирданига портлаш, жазавага тушиш; меланхоликдаги писмиқлик ва тортинчоқлик<sup>2</sup>.

**Флегматик** темпераментли одамнинг ҳаракатлари суст, ўзи оғир-вазмин ва ювош бўлади; унинг ҳиссиёти ҳадеганда қўзғалавермайди, бутун ҳаракатлари салмоқли, ўзи босиқ бўлади; ҳиссиётларнинг ташқи ифодаси жуда кучсиз бўлади. У ҳамisha хотиржам, ишда ва хатти-ҳаракатларда вазмин, ҳамда хулқ-атворда саботли ва тиришқоқ. Унинг сустлигининг ўрнини ишга бўлган серҳафсалалиги билан тўлдириш мумкин. Шунинг учун у бемалол сермаҳсул ишлашга қобил киши. Инсоннинг ижтимоий тўлақонлилиги унинг темпераменти билан белгиланмаслигини эсан чиқармаслигимиз керак. Шунга қарамасдан, нерв системаси типининг мутлақо ўзгармайдиган бир нарса эмаслигини биз юқорида айтиб ўтган эдик. Темперамент ҳам мутлақо ўзгармайдиган нарса эмас. Кўпинча кишининг ёши

---

<sup>1</sup> И.П. Павлов. Пол. Соб. Соч. 1-том. ПФА нашриёти. –М.: 1957. 254-бет.

улғайган сари, турмуш тажрибаси ошган сари темпераменти ҳам ўзгаради. Лекин темперамент, кишининг алоҳида психик хусусиятлари жумласидан бўлиб, ҳар ҳолда анча барқарор бўлган бир сифатдир.

Ҳамма одамларни шу тўрт асосий темпераментга қараб тўрт хилга ажратса бўлади, деб ўйлаш хатодир. Бу темпераментлар ёлғиз бир гуруҳга мансуб бўлган кишилар жуда оз. Кўпчилик одамларда бир неча темпераментнинг айрим томонлари қўшилганини кўрамиз. Сўнгра, бир одам турли шароитда ва фаолиятнинг турли соҳасида турли темпераментни намоён қилади. Шунинг учун темпераментларнинг қайсиси яхши, қайсиси ёмон, деган тарзда масала қўйиб бўлмайди. Юқорида айтганимиздек, ҳар қайсисининг маъқул ва номаъқул томонлари бор. Ўз темпераментининг яхши томонларидан фойдаланиш учун киши ўзини қўлга олиб, идора эта билиши керак. Ўз темпераментининг яхши ва ёмон томонларини англаш ва уларни ўз иродасига бўйсундириб, идора қилишга ўрганиш кишининг ўз характери тарбиялашга доир вазифаларнинг энг муҳимларидан биридир.

### 13.3. Темпераментнинг физиологик асослари

Юқорида ҳар бир темпераментга берилган қисқача таърифдан унинг физиологик асосини маълум даражада тушунган бўлсак-да, темпераментнинг тарихи, унинг физиологик, психологик хусусиятларининг фанда кашф этилиши ҳақида аниқроқ маълумот берсак фойдадан холи бўлмас.

Шундай қилиб, темперамент тўғрисидаги таълимот дастлаб қадимги Юнонистонда майдонга келган. Темперамент тўғрисида ўз фикрини билдирган биринчи олим қадимги Юнон табии Гиппократ эди (милoddан аввалги V аср). Гиппократ таълимотига кўра, одам танасида тўрт хил суюқ модда бўлиб, улар сафро (юнонча *холэ*), қон (лотинча *сангуис*), қора ўт (юнонча *мелайна холэ*) ва балғам (юнонча *флегма*)дан иборат. Шу моддалардан бири одамда кўпроқ бўлиб, у нисбатан устун туради ва муайян темперамент типини, яъни одамнинг *мижозини* белгилайди. Чунончи сафро ғолиб бўлса, холериклар типи, қон ғолиб бўлса, сангвиниклар типи, қора ўт устун бўлса флегматиклар типи белгиланади. Шундай қилиб, танадаги бу моддаларнинг

бир-бирига мутаносиблиги мижознинг қандайлигини белгилар эмиш. Бу моддаларнинг бир-бирига мутаносиблигини Гиппократ «Красис» деб атаган. Кейин бу сўзни латин тилига таржима қилиб «Темпераментум» деб атаганлар. Бу икки сўз «аралашма» деган маънони билдиради.

Қадимда фойдаланилган бу атамалар ҳозирга қадар сақланиб келмоқда. Аммо одамнинг мижозини нима белгилайди, уларнинг бу жиҳатдан фарқланишига нима сабаб, деган муаммога Гиппократ ҳам, ўрта асрлардаги олимлар ҳам, шунингдек, Европа олимлари ҳам тўғри жавоб тополмадилар. Гиппократнинг тарихий хизмати шундан иборатки, у одамларнинг мижози ҳақида биринчи бўлиб тушунча берди ва бунинг физиологик (моддий) асосларини аниқлашга уринди. Лекин темперамент ва унинг физиологик асослари ҳақидаги чинакам илмий таълимотни академик И.П. Павлов яратди. И.П. Павловнинг таълимотига кўра, темпераментнинг физиологик негизи нерв системаси ва унинг фаолиятidir. Павлов томонидан ҳайвонлар устида тажриба йўли билан аниқланган бу нерв типлари мижознинг органик, физиологик асосларини тушунтириб беришга имкон яратди. Демак, темперамент хусусиятларини белгиловчи энг асосий сабаб нерв системаси фаолиятининг қайси типда бўлишигидир. Бироқ, нерв системасидан ташқари организмдаги бошқа физиологик жараёнлар, жумладан, ички секреция безлари темпераментни белгилайди, дейишга асос бўладиган илмий фактлар бор. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, темперамент кишидаги физиологик ва психологик хусусиятлар йиғиндисидир. Бироқ, темпераментнинг психологик сифати шахснинг умумий шаклланишига, яшаган муҳитига ва олган тарбиясига боғлиқдир. Шахснинг темпераментига боғлиқ бўлган психологик хусусиятлари, асосан, психик жараёнларнинг қўзғалиш тезлиги, шахснинг ҳиссиётга берилиш даражаси ва унинг амалда қандай юз беришидан иборат.

#### **13.4. Темпераментни тарбиялаш ва ривожлантириш**

Юқорида айтганлардан, албатта, темпераментнинг барча хусусиятлари қандай белгиланган бўлса, шундайлигича қолаверади, деган хулоса келиб чиқмайди. Исталган физиологик функцияларни шакллантирадиган даражада такрорлаш орга-

низмнинг биологик адаптациясини таъминлаган ҳолда, қисман нерв жараёнларининг хусусиятларини ҳам ўзгартириш мумкин. Одам агарда ўзи истаса, температурага хос бўлган баъзи хусусиятларни босиши, ўз температурини қўлга олиши мумкин. Бу нарса унинг онги ва иродасига боғлиқ бўлади. Албатта, киши ўз температурини тамомила йўқотиб юбора олмайди, лекин уни идора қилади ва ўзгартира олади.

Академик Павловнинг айтишича, ҳатто температуранинг органик негизлари ҳам ўзгармайдиган нарса эмас. У нерв системасининг фаолияти «турмуш тарбияси таъсири билан» ўзгариши мумкинлигини исбот қилди. Ўз температураини ва бошқалар температураини ривожлантириш учун, албатта, унинг яхши ва ёмон томонларини айира билиш, яхшилари кучайтириш, ёмонларига йўл қўймаслик керак. Тўрт хил температурадан қайсиси энг яхши, деб савол бериш нотўғридир. Буларнинг ҳар қайсиси яхши ва ёмон, ижобий ва салбий хусусиятлардан таркиб топади. Чунончи, холериклардаги жўшқинлик, фаоллик, ғайрат ва эпчиллик; сангвиниклардаги серзавқлик, ҳаракатчанлик, хушчақчақлик, тетиклик; меланхоликлардаги чуқур ва барқарор ҳиссиёт; флегматиклардаги вазминлик – буларнинг ҳаммаси ижобий хусусиятлар бўлгани каби, ўзини тута олмаслик, сержаҳл ва кўпол, ҳовлиқма, шошма-шошарлик холерик билан сангвиникларнинг ёмон хусусиятларидир. Ҳар қайси температура ни ҳам яхши, ҳам ёмон деса бўлади. Аммо температура ни ривожлантириш ва тарбиялашдан мақсад шу табиий мойилликларнинг ҳаммасини баробар кучайтириш эмас, албатта. Гап бу хусусиятларни аниқлаб, айира билишда, яъни уларни эътиборга ола билишда ва шу асосда яхши ва ижобийларини ривожлантиришдадир. Температуранинг яхши томонларини ўстиришда энг муҳими киши *иродасини* мустаҳкамлашдир. Аммо иродани мустаҳкамлаш учун энг муҳими кишига ғоявий-сиёсий, маънавий тарбия бериш, миллий истиқлол тушунчаларини унинг онгига сингдириш, бошқача айтганда, мустаҳкам ва ижобий характерни тарбиялашдир. Температура ўз ҳолича бунга тўсқинлик қилмайди. Уларнинг барчаси тарбияга, шахснинг хоҳишига, унинг ғоявийлигига, қандай мақсад билан яшашга боғлиқдир. Демак, ижобий хислатларга ва фазилатларга температура маълум ранг берса ҳам, уларнинг мазмуни ва йўналишини белгиламайди. Шунинг учун тажрибали педагог ўқувчиларнинг температури-

га хос хусусиятларини, албатта, назарга олиб иш қилади, уларни ўз темпераментини идора қила билишликка ўргатади ва асосан уларнинг характерини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади. Чунки у темпераментнинг киши характерининг таркибий ва зарурий томони эканлигини тушунади. Демак, одамда темперамент эмас, балки ижобий характер голиб бўлмоғи керак. Темперамент характернинг фақат органик асосидир, аммо унинг мазмуни эмас.

#### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Темпераментни таърифлаб беринг.
2. Темпераментнинг турларини бир-биридан фарқланг.
3. Темпераментни тарбиялаш йўллари ҳақида шахсий фикрингизни айтинг.
4. Темпераментдан характерни фарқланг.

#### Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати

1. В.С. Мерлин. Очерк теории темперамента. – М.: «Просвещение», 1964.
2. И.П. Павлов. Общие типы высшей нервной деятельности животных и человека. Книга II. – М.: 1951.
3. Психология курси. М.В. Гамезо таҳрири остида. – Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти, 1972.
4. Э. Ғозиев. Умумий психология. 2-киتاب. – Тошкент: 2002.

ХАРАКТЕР

14.1. Характер тўғрисида умумий тушунча

Характер деганда шахсда меҳнат ва тарбия таъсири остида таркиб топган ва унинг иродавий фаоллигида, теварак-атрофдаги оламга, ўз-ўзига бўлган муносабатларида, психологик нуқтаи назардан қараганда, унинг темпераменти, қобилиятига хос индивидиал хусусиятларини тушунамиз. Шахснинг муҳим томонларидан бири унинг характери дир, чунки характерга тегишли хусусиятлар шахснинг асосий ҳаёт мазмунини, барча психологик сифатларининг мукаммал факторларини ўз ичига олади. «Характер» деган сўзнинг «қалқик чизиқ», яъни равшан кўринадиган «бўртма чизиқ» деган юнонча сўздан келиб чиққани ҳам бежиз эмас. Шахснинг психологик хислатларини ўрганишда характер асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Жумладан, характернинг моҳияти ва таърифи, характер билан бошқа психологик хусусиятлар орасидаги муносабат, характернинг тузилиши ва кўриниши, характернинг ривожланиши... Юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, миллий ғоя, истиқлол мафкураси билан қуролланган, юқори савияли баркамол авлод шахсидаги характер-хислатларини тарбиялаш ҳозирги замон психологияси зиммасига юклатилган энг долзарб вазифалардан биридир.

Мардлик, инсоф, ғайрат, шижоат, жасорат, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, виждонлилик, қўрқоқлик, дангасалик, номардлик, ёлғончилик, бебурдлик, мақтанчоқлик – буларнинг ҳаммаси кишининг бутун афт-ангорига, фикру зикрининг нимага йўналишига, қисқа қилиб айтганда, шахснинг характерини белгиловчи руҳий қиёфасига алоҳида ранг берувчи доимий хулқатвор манбаидир. Кишининг тасодифий, кутилмаганда учраб қолган ҳолатини характер таркибига киритиб бўлмайди. Маълум бир шароитда аниқ мақсад билан доимий тусда кўринадиган хусусиятларгина характер хислатига тааллуқлидир. Масалан, оғир, андишалли, салоҳиятли, виждонли одам бир хато қилиб кўйса, биз буни унинг учун тасодифий ҳол деб айтамыз, аммо шошма-шошарлиги билан ҳаммага маълум бўлган бир одам

хато қилса, бу нарса унинг характерини, феъл-атворини белгилайди, деб биламиз. Президентимиз И. Каримовнинг кўп марта таърифлаб айтганидек: «Ўзбек халқининг маънавий характери таркибига ақли расоилик, заковат, салоҳият, меҳнаткашлик, меҳмоннавозлик, сабр ва матонат каби характер хислатлари киради»<sup>1</sup>. Бундай хислатлар меҳнаткаш ўзбек халқининг меҳнат фаолиятида, теварак-атрофдаги муҳитга ва бошқаларга бўлган муносабатларида доимо кўринадиган характер хислатларидир. Ўзбекистонга келиб, унинг халқи, маданияти, менталитети билан танишган кўпгина чет эллик сиёсий арбоблар, ишбилармонлар, ёзувчи ва шоирлар Ўзбек халқининг фавқулодда қувноқлиги, хушмуомалалиги, камтаринлиги, софдиллигини дўстона характер хислатидан, деб таъкидлаб ўтадилар. Демак, кишининг характерини унинг дунёқарашида, бошқа одамларга бўлган муносабатида, эътиқод ва инсоний салоҳиятида, руҳий камолотида ҳам кўрамиз. Эътиқоди маҳкам бўлмаган кишиларнинг характери асло мустаҳкам бўлмайди, бундай одамлар кўпинча вазиятга, тасодифий ҳолатга қараб иш кўрадилар. Шундай беқолип, бетайин кишилар ҳам борки, улар яхшими ёки ёмонми, мардми ёки қўрқоқми, халқ тарафдорими ёки халқ душманими – уларнинг кимлигини қандай характерга мансублигини айтиб бўлмайди. Характер инсон психик ҳолатининг барча томони билан боғлиқдир. Агар кишининг ақлига, ҳисларига, иродасига зид хусусиятлари унинг руҳий оламига, феъл-атворида, қилиқларига таъсир қиладиган, хулқини белгилайдиган даражада муҳим ўрин олса, ушбу ҳолда кишининг бу хусусиятлари ҳам характерга оид хусусиятга айланади. Ҳар нарсага разм солиш, кузатиш, ақлнинг танқидчилиги каби аломатлар кўпчиликнинг тафаккурига, идрокига оид психологик хусусият бўлмай, балки унинг шахсиятига хос муҳим хусусиятлардир. Шундай қилиб, характер дейилганда, инсонда маълум даражада ва доимий қолипга кириб, анча мустаҳкамланиб қолган хислатлар йиғиндисини тушунамиз.

---

<sup>1</sup> И. Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008й., 18-бет.

## 14.2. Характер хислатлари

Шахснинг характери таркибига кирадиган хусусиятлар характер хислатлари дейилади. Характер хислатлари шахсда тасодифий учрайдиган аломатлар бўлмасдан, балки шахснинг психикасидаги доимий хусусиятлар, яъни шахснинг табиатига сингиб кетган хусусиятлардир. Характер хислатлари шахснинг феъл-атворнда, унинг барча иш фаолиятида кўринади. Шунинг учун ҳар бир инсоннинг руҳиятини билмоқ учун унинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш зарурдир. Характер ва унинг хислатлари шахснинг асосий психологик хусусиятлари билан боғланади. Шу сабабли ирода, ҳиссиёт ва ақл-фаросатда кўринадиган характер хислатлари, яъни характернинг шу учта психологик томони алоҳида ажратилиб ўрганилади.

### *1. Ирода билан боғлиқ характер хислатлари.*

Бунда биз характернинг ижобий ва салбий хислатлари, аввало, шахснинг иродасига боғлиқ хислатларини кўрамиз. Ирода билан характер ўртасида шундай қаттиқ боғланиш борки, кўпинча бу икки тушунчани бир маънода ишлатадилар. Лекин бу тўғри эмас, чунки булар ҳар қайсиси ўз белгилари ва мазмунига эга бўлган психологик тушунчалардир. Аммо юқорида биз характер кишининг фаоллигини кўрсатади, деган эдик. Фаоллик эса, аввало, иродага боғланади. Шунинг учун иродани характернинг ўзаги деб ҳисоблашади. Буларнинг барчаси характернинг энг муҳим бўлган ва кишининг психикасига маълум бир тус берадиган сифатлардир. Масалан, ўз принципига содиқлик, бошлаган ишда собитқадамлилик, мардлик, жасорат, виждонлилик, интизомлилик каби муҳим сифатлар кишининг бутун руҳиятига маълум бир тус берган ва характернинг энг умумий бўлган хусусиятларидандир. Иродага боғлиқ бўлган хислатлар, яъни ихтиёрий пайдо бўладиган хислатлар ўз темпераментини идора қила билишда кўринади. Бундай одамларнинг характерида иродалилик устунлик қилади, улар журъатли, барқарор, чидамли, матонатли, мард бўладилар. Иродали характерга эга бўлган киши тегик, дадил, ўз кучига ишонадиган, мақсадни яхши тушунадиган, мустақил ва саботли одам бўлади. Буларнинг сўзи ва иши бир-бирига мос келади.


Иродаси заиф кишининг характери бўш бўлиб, уларда ихтиёрсиз пайдо бўладиган ҳиссиёт, истак, тилак ва майллар устун

чиқади, улар ўзини тута олмайди, хусусан, сангвинник ёки холе-  
риклар типидан бўлса, ўз темпераментини идора қила олмайди.  
Бундай кишилар иродасиз, беқарор, журъатсиз, чидамсиз, бе-  
тайин бўлади. Бундай одамнинг сўзи билан иши бир-биринга мос  
келмайди: уларнинг мустақил фикри йўқ. Демак, шахсни шакл-  
лантириш характери шакллантиришга интилишидир. Тарбия-  
ланган ироданинг маънавий сифатлари характерга таъсир эта-  
ди. Бундай кишилар инсонпарвар бўлиб, ўз манфаатидан халқ  
манфаатини устун қўядилар.

## 2. Характернинг мустақиллиги.

Ҳар кимнинг характери мустақил, фақат шу кишигагина хос  
бўлган индивидуал хусусиятларни ўзида ифода этади. Аммо шу  
билан бирга, ҳар кимнинг характерида маълум гуруҳ, синф ва  
касб билан шуғулланувчилар учун умумий бўлган айрим хусу-  
сиятларни ҳам кўриш мумкин. Ҳар бир киши мустақилдир ва  
шу билан бирга, у аниқ хусусиятларга эга бўлган муайян шахс-  
дир. Мустақиллик бу – иш раҳбарининг топшириғига ёки ўз  
ташаббусига кўра бажарилишидан қатъий назар, характернинг  
хислатига айланган, ўзгаларнинг ёрдамисиз ишлаш қобилия-  
тидир. Ўқувчининг мустақиллиги бу унинг ўқитувчи ёрдами-  
сиз ҳам ишни эплаётганлиги эмас, балки унинг истакларини  
асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида юзага чиқаришидир.  
Бунда ўқувчининг ички истакларига таянувчи фаолияти ўрга-  
тувчи томонидан интенсив йўлланади, бошқарилади ва назорат  
қилинади. Мустақиллик фақат интизом бўлгандагина фойда-  
лидир.

23-жадвал



Шахсни мустақил шакллантириш характери мустақил шакллантиришга интилишдир. Аммо бунинг тескари қонуниятни ҳам англаш лозим: ўқувчининг мустақил характерини таркиб топтириш унинг шахси учун керакли мустақил хислатларни шакллантиришдир. Характерни таркиб топтириш ҳақида «Хатти-ҳаракатни таркиб топтирсанг, мустақил объектга эга бўласан, одатни таркиб топтирсанг, характерга эга бўласан. Характерни таркиб топтирсанг, тақдирга эга бўласан»<sup>1</sup> дейилади. Демак, мустақиллик инсоннинг ижобий характер сифати бўлиб, у масъулиятлилик, ўз-ўзига ишонч билан боғлиқдир. Бу сифат кўпроқ ижодий иш билан машғул бўлган кишилар характерига хосдир. «Мустақил одамлар ўз олдларига қўйилган мақсадларга қатъийлик билан эришадилар. Мақсаднинг аниқлиги ва юксаклиги мустақил характер сифатларини шакллантириш учун жуда зарурдир. Фаоллик, қатъиятлилик, жасурлик, оригиналлик, ташаббускорлик, ўз-ўзига ишониш, тартиб-интизомлилик, чидамлилик, матонатлилик, ишбилармонлик – бу характер хислатларининг ҳаммаси шахснинг мустақиллиги билан боғлиқ сифатлардир»<sup>2</sup>. Ушбу муносабатлар асосида инсоннинг ўзинга ва бошқаларга нисбатан мустақил характер хислатлари шаклланади, улар ўз ўрнида шахс учун муҳим аҳамиятга эгадир. Яна шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, шахснинг мустақиллигига хос бўлган турли хусусиятлари (қобилият, ҳиссиёт, ирода ва бошқалар) ўртасидаги муносабатлар жуда мураккабдир. Мустақил ва мустаҳкам характерли кишилар кўпинча ақлий жиҳатдан ҳам етук бўладилар. Улар қобилиятли, серфикр ва ақлли бўладилар-у, аммо ўзини тута билиш, саботлилик, характернинг қатъийлик каби характер хислатлари уларда етишмайди.

Бу жараёнда қобилият билан характернинг тўғри келмаслик ҳоллари ўқувчилар орасида ҳам учрайди. Кўпинча: «Қобилиятли ўқувчи анча яхши ўқиши мумкин, аммо унда қунт, уюшқоқлик, қатъийлик, айниқса, мустақиллик етишмайди», – дейи-

---

<sup>1</sup> К.К. Платонов, Г.Г. Голубев. Психология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1982й., 95-96 бетлар.

<sup>2</sup> М.Г. Давлетшин, С.М. Тўйчиева. Умумий психология. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилган. 2002 й., 133-бет.

шади. Бу шунга ўхшаш ўқувчиларни тарбиялашда характернинг иродавий, мустақил хислатларини тарбиялашга етарлича эътибор берилмаганлигидан далолат беради. Инсон характери хусусиятларининг яна бир томони унинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, диди ва одатлари билан узвий боғлиқ бўлган. Фақат шу киши учун типик ҳисобланган мустақиллиги ва уни идора қилувчи ҳис-туйғулари йиғиндисидир. Одатда, психологияга доир адабиётларда таркиб топган ижобий характернинг асосини шахснинг мустақил иродавий сифатлари ташкил этиши қайд этилади. «Иродаси кучли киши» ва «Мустақил фикрловчи киши» деган иборалар худди синоним сўзлардек бўлиб қолган. «Киши иродасининг ҳақиқий, ақл ва мустақиллик билан аниқланган ва қатъий белгиланган ҳолда намоён бўлишини мустақил характер деб аташ мумкин»<sup>1</sup>.

**Интизомлилик.** Шахснинг эҳтиёжлари, дунёқараши, қизиқишлари, иштиёқи, идеаллари характернинг мазмунини, ички дунёдаги интизомий мотивларининг манбаини ташкил этади. Худди мана шулар ҳар бир кишининг борлиққа: ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга, жамиятга, ўз-ўзига бўлган психологик хусусиятларини белгилайди. Ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичини ифодаловчи дунёқараш шахс мустақил йўналишининг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи фаол кучдир ва шу дунёқараш таъсирида мустақил мақсадга интилиш фаолияти пайдо бўлади.

Интизомлилик бу одамнинг характер хислатига айланган қоидалари ва хатти-ҳаракат нормаларига аниқ риоя қилишга мойиллигидир. Интизомлиликнинг айрим тасодифий кўринишлари характерга кўра энг интизомсиз ўқувчида ҳам бўлиши мумкин. Интизомлилик бундай ўқувчи шахсининг хислатига айланиши ҳам мумкин, у меҳнат интизомини ҳеч қачон бузмайди. Бироқ, агар у интизомни бузишга ҳеч қандай ташқи сабабнинг йўқлиги туфайлигина интизомли бўлса, интизомлилик унинг характерининг хусусиятидир, дейишга ҳам эртадир. Агарда у фақат машғулотлардагина интизомли бўлиб, турмушда ёки бошқа меҳнат фаолиятида интизомсиз бўлса, у ҳақда характерга кўра интизомли дейиш мумкин, холос.

---

<sup>1</sup> П.Ф. Лесгафт. Семейное воспитание ребенка и его значение. СПб, ст. -211.

Интизомлилик ўқувчининг ўта хилма-хил ҳолатлардаги барча хатти-ҳаракатини кўрсатса ва интизомнинг исталган вазиятда бузилиши унинг табиатига қарши бўлсагина, характернинг хислати деб қараш мумкин. Ўқувчи интизомлилигининг кўрсаткичларидан бири бу ўқитувчининг кўрсатмаларини ўз вақтида аниқ бажара билишидир. Характер одамнинг иши ва хатти-ҳаракатларида намоён бўлади ва шаклланади. Шахсда интизомли характерни қуруқ сўз, тушунтириш, кўрсатма бериш ва панд-насиҳатлар билан шакллантириш мумкин эмас.

Одамнинг интизомий характери, сўзсиз, ҳаёт йўлидаги объектив вазиятларга боғлиқдир, бироқ вазиятларнинг ўзи одам хатти-ҳаракати билан яратилади ва ўзлаштирилади. Бу хатти-ҳаракатларга сабаб бўлувчи ҳаётдаги хатти-ҳаракат ва вазиятлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам одамнинг ёмон ёки нотўғри хатти-ҳаракатларини оқлаш учун характерни баҳона қилиш асоссиздир. Характер ёки унинг интизомлилиги одамнинг туғма хислати эмас, у ҳаёт давомида яратилади, шакллантирилади ва ўзгартирилади. Одам ўз меҳнат интизоми ва характерининг таркиб топишида ўзи иштирок этади ва шунинг учун ҳам унга доимо ўзи фаол жавобгар бўлиши керак.

«Бундан ташқари, илм оламида инсон характерини турли белгиларга кўра ўрганишга қаратилган кўплаб уринишлар ва усуллар бўлган. Лекин характер ва унинг ривожланиши, намоён бўлиши учун умумий қонуният шуки, у ташқи муҳит таъсирида, турли хил муносабатлар тизимида шаклланади ва шароитга қараб ўзгаради. Ҳар бир касб-ҳунар ўзининг талаблари, касбий-профессионал программасига эгаки, у шу касб билан шуғулланаётганлардан ўзига хос психологик қирралар бўлишини тақозо этади (психоматерия). Шунинг учун ҳам врач, ўқитувчи, муҳандис ва бошқаларнинг профессионал сифатлари ҳақида алоҳида гапирилади. Ана шу касб соҳиблари, уларнинг иш мобайнида кўрсатадиган индивидуаллигида эса характерологик ўзига хослик катта аҳамиятга эга ва буни нафақат шахснинг ўзи, балки уни ўраб турган бошқалар ҳам яхши билишлари керак<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> В. Каримова. Психология. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2002, 32-35-бетлар.

Қуйида машхур олим Карл Юнгнинг характер типини аниқлаш методикасини келтирдик. Берилган саволларга жавоб вариантларидан бирини танлаш керак.

1. Қайси бири Сиз учун муҳимроқ:

а) кичиккина дўстлар давраси;

б) кўпгина ўртоқлар давраси.

2. Қандай китоблар сизга кўпроқ ёқади?

а) қизиқарли сюжетли;

б) руҳий кечинмалар акс эттирилган.

3. Ишда нимага кўпроқ йўл қўйишингиз мумкин?

а) кечикиш;

б) хатоликлар.

4. Агар ёмон иш қилиб қўйсангиз:

а) жуда қайгурман;

б) унчалик қайгурмайман.

5. Одамлар билан қандай чиқишасиз?

а) жуда тез ва осон;

б) секин, эҳтиёткорлик билан.

6. Ўзингизни аразчи деб ҳисоблайсизми?

а) ҳа;

б) йўқ.

7. Чин дилдан кулишга мойилмисиз?

а) ҳа;

б) йўқ.

8. Сиз камгапмисиз?

а) ҳа;

б) йўқ.

9. Сиз очиқ табиатлимисиз ёки ҳисларингизни бировлардан яширасизми?

а) очиқман;

б) яшираман.

10. Ўз ҳис-кечинмаларингизни таҳлил қилишни ёқтирасизми?

а) ҳа;

б) йўқ.

11. Кўпчилик даврасида бўлганда, Сиз:

а) тинмай гапираман;

б) бошқаларни тинглайман.

12. Тез-тез ўзингиздан норози бўлиб турасизми?

а) ҳа;

б) йўқ.

13. Бирор тадбирларни ташкил қилишни ёқтирасизми?

а) ҳа;

б) йўқ.

14. Кундалик тутишни хоҳлармидингиз?

а) ҳа;

б) йўқ.

15. Бирор нарсанинг қароридан сўнг уни бажаришга тез ўтасизми?

а) ҳа;

б) йўқ.

16. Кайфиятингизни тез ўзгартира оласизми?

а) ҳа;

б) йўқ.

17. Ўзгаларни ишонтириб, уларга ўз фикрингизни ўтказишни яхши кўрасизми?

а) ҳа;

б) йўқ.

18. Сизнинг ҳаракатларингиз:

а) тез;

б) секин.

19. Сиз бўлиши мумкин бўлган нохуш ҳодисалардан ташвишланасизми?

а) тез-тез;

б) баъзан.

20. Қийин ҳолатларда Сиз:

а) ёрдам сўрашга ишонасиз;

б) ҳеч кимга мурожаат қилмайсиз.

Энди жавобларингизни ҳисоблаб чиқинг.

**Услубиятнинг калити:**

Жавоблар ичидаги қуйидагилар Сиздаги экстроверсияни кўрсатади:

16, 2а, 36, 46, 5а, 66, 7а, 86, 106, 11а, 126, 13а, 146, 15а, 16а, 17а, 18а, 196, 20а. Мос келган жавоблар сонини 5 га кўлайтинг.

0-35 баллар интроверсия;

36-56 баллар амбиверсия;

66-100 баллар экстроверсия.

Шунга ўхшаш тавсифни ўрганиш услублари кўп бўлиб, улар ёрдамида одам ўзи ва яқинларининг хатти-ҳаракатларини ўрганиб туриши мумкин.

#### САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Характернинг билиш эмоционал ва иррационал жараёнлар билан боғлиқлигини мисолларда ёритиб беринг.
2. Характер ва темпераментнинг ўхшашлиги ҳамда улар ўртасидаги фарқ нимада ифодаланади.
3. Кишининг жамиятга, бошқа кишиларга, ўз-ўзига бўлган муносабатларини ифодаловчи характер хислатлари яққол формада намоён бўладиган ҳолатларга доир мисоллар келтириб ўтинг.
4. Характер туғма, ўзгармас нарса бўлмай, балки ҳаёт мабайнида тарбия йўли билан шаклланишини исботловчи мисоллар келтиринг.
5. Юқори синф ўқувчиларига мазкур саволларга жавоб беришни таклиф қилинг.

#### Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати

1. Э. Ғозиев. Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1994.
2. В.Каримова. Психология. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2002.
3. Психология курси. М.В. Гомезо таҳрири остида –Т.: «Ўқитувчи», 1972 й., 282-283 бетлар.
4. К.К. Платонов, Г.Г. Голубев. Психология. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 й., 93-95 бетлар.
5. Б.М. Теплов. Психология. Ш. Бойбурова таҳрири остида. –Тошкент: 1952.
6. П.И. Иванов. «Умумий психология». –Тошкент: «Ўқитувчи», 1967.
7. М.Воҳидов. Болалар психологияси. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1982.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

### ҚОБИЛИЯТ ВА ИСТЕЪДОД

#### 15.1. Қобилият ҳақида умумий тушунча

Одатда қобилият инсонга шахснинг барча индивидуал психологик хусусиятлари каби табиат томонидан туғма равишда, тайёр ҳолда берилмайди, балки ҳаёт давомида ва фаолият жараёнида шаклланади. Илмий-психологик тадқиқотларда қобилиятнинг туғмалиги назариясини инкор этиб, унинг номаълум табиий омишлар томонидан азалий белгиланиши тўғрисидаги тасаввурларга қаттиқ зарба берилади. Лекин одатда ҳар бир одам ўзининг фақат эҳтиёжлари ва қизиқишлари жиҳатидан бири-биридан фарқ қилмай, балки қобилиятлари, истеъдодлари жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Ўқитувчи ёки ота-она болаларни кузатар экан, бу бола кўпроқ мана бу соҳага қобилиятли ёки у бу касбга қобилияти сустроқ деб мулоҳаза қиладилар.

Лекин инсоннинг меҳнат фаолиятида давомида унинг ранг-баранг истеъдод ва қобилиятлари ҳам ифодаланадими, бу тафовут фан, техника, санъат, ижтимоий-сиёсий ва умуман барча соҳаларда намоён бўлади. Баъзи одамларнинг меҳнати, айниқса, самарали, тезкор ва муваффақиятли, баъзиларнинг аксинча, унумсиз ва сифатсиз бўлиб, ижодий, илмий намуналарини кўрсата олмайди.

Бундан ташқари, қобилиятни бир бутун муаммо сифатида фалсафа, социология, биология, физиология, тиббиёт ва бошқа фанлар ҳам ўрганади, бироқ улардан ҳеч қайси бири қобилиятни психология фаничалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганмайди.

Қобилиятнинг ўзи нима? Унинг психологик моҳияти ва юксалтирувчи омиллари нималардан иборат? – каби саволларга тўғри жавоб беришнинг назарий ва амалий аҳамияти жуда катта. Қобилият шахс хусусиятларининг шундай йиғиндисидирки, у одамнинг бирор фаолиятга ўргатиш ва уни такомиллаштиришнинг муваффақиятли бўлишини таъминлайди. «Ишчи кучи ёки ҳар қандай меҳнатга қобилият деганда, – деб ёзади

К.К.Платонов, – организмда одамнинг жонли шахси эгалик қулувчи ҳамда у томондан доимо бирор истеъмол қийматини яратишда ишга тушириладиган жисмоний ва маънавий қобилиятлар йиғиндисини тушунамиз»<sup>1</sup>. Қобилият худди характер сингари шахснинг бошқа тузилишлари билан бир қаторда қўйилган мустақил бўлмай, балки унинг турли хусусиятларининг маълум йиғиндисидир. Характер ва қобилиятлар ўртасидаги фарқ шундаки, характер шахснинг барча фаолият турларида, қобилият эса фақат битта маълум фаолият турида намоён бўлади. Одамнинг қобилияти психик ҳодиса тарзида (24-жадвалда кўрсатилганидек) тўртта гурпуага ажратилиши мумкин.

24-жадвал



Ифодаланган даражаси турлича бўлса-да, барча одамларга хос бўлган соғда, умумий қобилиятлар бу психик кўринишнинг асосий меъёрлари: сезиш, идрок қилиш, фикр юритиш, кечинма, қарорга келиш ва уни амалга ошириш ҳамда эсда қолдириш қобилиятларидир.

Барча одамларга хос бўлмаган элементар хусусий қобилиятлар шахснинг анча мураккаброқ хусусий қобилиятлари, масалан, кўз билан чамалаш, мусиқавий қобилият, тафаккурнинг танқидийлиги, сахий қалблик, саботлилик, қатъийлик ва шу кабилардир.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> К.К. Платонов. Психология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 99-100 бетлар.

<sup>2</sup> К.К. Платонов. Г.Г. Голубев. Психология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1982 й.

Мураккаб ва умумий қобилиятлар у ёки бу даражада барча одамларга хосдир. Булар умуминсоний фаолият турлари: меҳнат, ўйин, ўқиш, бир-бири билан муносабатда бўлиш, маънавий, ахлоқий фаолиятларга тегишли қобилиятлардир. Бу гуруҳга кирувчи ҳар бир қобилият шахс хусусиятларининг мураккаб тузилиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бирликда гапириладиган «Ирода – мақсадга эришиш қобилияти», «Тафаккур қобилияти» ва шу каби қобилиятлардан фарқ қилиб, мураккаб қобилиятлар ҳақида кўпликда гапирилади.

Фақат турли даражада эмас, балки умуман барча одамларгагина хос бўлмаган мураккаб хусусий қобилиятлар инсоният тарихида аввал ҳунарга, сўнгра турли касбларга томон ривожланган қобилиятлардир. Улар профессионал, ўзига хос махсус, алоҳида қобилиятлар дейилади.

Қобилиятнинг табиий заминини ташкил қилувчи туғма хусусиятлар орасидан ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлганлари юксак нерв фаолияти типларини фарқ қиладиган аломатлардир, яъни қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг қуввати, мувозанати ва илдамлигидир. Шу сабабдан одамнинг қобилият ва истеъдоди унга туғма хос бўлган юксак нерв фаолияти типи билан маҳкам боғланган бўлади. Аммо юқорида айтилганидек, нерв фаолиятининг туғма хос типи сира ўзгармай, бир зайлда қоладиган нарса эмас, у одамнинг яшаган шароитига боғлиқ ҳолда ўсади, ўзгаради. Шунинг учун ҳам юксак нерв фаолиятининг туғма бўлган типини турланиш шароити таъсири билан вужудга келган типдан ажрата билиш лозим.

Ўсиш натижасида таркиб топган нерв фаолиятининг типини характерлайдиган нерв жараёнларининг хоссалари қобилиятнинг физиологик асосларини тушунишда катта аҳамиятга эгадир. Турли системадаги муваққат боғланишларнинг пайдо бўлиш тезлиги ва пухталиги қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг қуввати, мувозанати ва илдамлигига боғлиқдир. Демак, нерв жараёнларининг бу хоссалари одам томонидан биронта фаолиятнинг муваффақиятли равишда бажарилиши учун ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Одамни биронта фаолиятининг муваффақият билан бажарилиши фақат қобилиятларгагина боғлиқ бўлмасдан, аввало одамда бўлган билим савияси ва малакасига, яъни унда қандай му-

ваққат боғланишлар ҳосил бўлганлигига боғлиқдир. Бундан одамнинг биронта ишга лаёқати бўлиб, камол топишида таълимнинг қанчалик катта аҳамияти борлиги ҳам маълумдир. Лекин қобилиятнинг ўзи ҳам, юқорида айтилганидек, табиий туғма хусусиятларга боғлиқ бўлса ҳам, *ҳамиша кишидаги ўсиш натижасидир*. «Кинининг қобилияти қайси соҳа учун зарур қобилият бўлса, кўпроқ шу соҳада ишлаш натижасида ва шу ишга ўрганиш жараёнида ўсади»<sup>1</sup>.

Ўрганиш жараёнида, *биринчидан*, янги муваққат боғланишлар системалари ҳосил бўлади, яъни янги билим, иқтидор, малакалар эгалланади; *иккинчидан*, асосий нерв жараёнлари такомиллашиб шаклланади, яъни тегишли қобилиятлар ўсади. Шуниси ҳам борки, қобилиятнинг ўсиб камол топиш жараёни билим ва иқтидор эгаллаш жараёнига қараганида анча секин боради.

Бирорта қобилиятнинг ўсиши учун туғма лаёқатнинг борлигини кўрсатадиган характерли нарса, бу қобилиятнинг ёшлиқдан мустақил равишда, яъни маҳсус таълим-тарбия кўрмасдан ҳам вужудга келишидир. Шундай қилиб, қобилиятларни доимо тарбиялаб, ўстириб, ривожлантириб бориш, аввало, ўзи яшаётган жамиятнинг моддий ва маънавий шароитлари билан белгиланади. Инсоннинг ўсиб боровчи глобал тараққиётни халқ таълими тизимида жорий этилаётган янги педагогик технологиялар, ўқув ва муаммовий илмий тадқиқот лабораториялари замонавий компьютер сифлари, «Интернет» ва электрон илмий алоқалар тармоғи, илмий кутубхона ва бошқалар республикамиз таълим-тарбиявий ишлар тизимининг асосий бўғини ҳисобланади. Ўқувчи ёшлар қобилиятини тарбиялашнинг жорий этилган мезони ва тамойиллари ишлаб чиқариш, фан ва санъат ривожини учун ҳозирги замон ёшларидан маълум даражада такомиллашган қобилиятларни талаб қилади.

Қобилиятларни тарбиялаш кўп жиҳатдан жамиятнинг ижтимоий характери, унинг маънавий тизимига боғлиқдир. Республикамиз ўқув юртлари «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қўйилган вазифаларни бажара бориб, талабалар ва ўқувчи ёшларни қобилият ва истеъдодларини тарбиялаб, бу

---

<sup>1</sup> Б.М. Теплов. Психология. —Тошкент: 1952 й., 205-206 бетлар.

соҳа ривожини учун таълимнинг замонавий янги педагогик технология усулларини қўллашмоқда, тарбиявий тизимни такомиллаштирмоқда.

Ўқувчи ёшларнинг индивидуал қобилиятини ўстиришда барча педагогик имкониятлардан унумли фойдаланиб, бу соҳада бир мунча ижобий тажрибаларни ҳам қўлга киритдек десак, муболаға бўлмайди.

«Ҳозирги кунда таълим муассасалари олдида таълим-тарбиявий соҳада эришилган ижобий тажрибалар орқали ўқувчилар қобилиятини, иқтидорини илмий-амалий асосда ўрганиш, уларнинг психологик қобилиятларини янада ривожлантириш, уларнинг руҳий оламини миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, такомиллаштириш, ўқувчи ёшлар қобилиятини жаҳон таълим андозалари талабларига жавоб берадиган даражада такомиллаштириш вазифалари қўйилмоқда. Бу эса ўз навбатида ўқув муассасаларида бир бутун мукамал таълим тизимини барпо этиш, таълим ислохотларини янада чуқурлаштириш, янгидан-янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, уларни ўқувчи ёшлар қобилияти ва истеъдодини шакллантириш учун жорий этиш, таълимда педагогик жамоа ва ҳар бир профессор-ўқитувчининг илмий салоҳиятидан тўла фойдаланиш имкониятларини яратди. Одам психикасининг энг муҳим хусусиятларидан яна бири компенсация қобилиятидир. Яъни кишининг психикасида бўлган бир имконияти ўрнини бир қанча бошқа имкониятлар билан тўлдириш мумкинлигидир; демак, кишида бирон қобилият йўқ бўлса, бошқа жуда яхши ўсган қобилиятлар унинг ўрнини боса олади. Бошқача айтганда, бир ишнинг бир хил даражада яхши бажаришнинг асоси одамдаги турли қобилиятларнинг турлича қўшилиши билан ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳол инсондаги қобилиятларнинг ҳақиқатдан чексиз ўсишига имкон беради»<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлол авлодининг қобилиятини тарбиялаш кўп жиҳатдан ўзи яшаётган жамиятнинг характерига, ижтимоий тузилишга, иқтисодий-сиёсий, маънавий, илмий вазифаларнинг туб моҳиятини англашга боғлиқдир.

---

<sup>1</sup> Таълим муассасаларида миллий истиқлол ғояси асосида амалга оширилаётган тарбиявий ишлар тажрибасидан (Мақолалар тўплами). - Тошкент: 2003 йил.

## 15.2. Истеъдод ва талант ҳақида тушунча

Истеъдод ва талант инсондаги барча руҳий кучларнинг, хусусан, ақл-идрок, зеҳн-заковат, тафаккур, хотира ва диққатнинг тараққий этишини, ирода ҳамда ҳиссий туйғуларнинг мустаҳкам бўлишини талаб этади.

Албатта, жисмонан ва ақлан соғлом ҳар бир кишида юқорида кўрсатилган руҳий кучлар бўлади. Аммо истеъдодли одамларнинг зеҳни ўткир, диққати барқарор, хотираси бой ва мустаҳкам тафаккури эса мантиқий кучга эга бўлади. Бундай киши билим ва тажрибани қуруқ тўпламасдан, балки мустақил ўйлаб, ижодий, танқидий ишлаб чиқади, шундан фойдаланиб янгиликлар яратади. Шунинг учун истеъдодлилиқ даражаси жиҳатидан кишилар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Талантли одамлар билим ва малакани тез ва самарали ўзлаштирадилар ҳамда бундан амалий фойдалана биладилар. Истеъдоднинг энг юқори даражаси гениаллик ва талантлилиқ дейилади.

Гений деб шундай шахсларга айтиладики, улар маълум соҳада тарихий бурилишни вужудга келтирадилар, инсоният тараққиётига янгилик киритадилар, давлат, жамият миқёсида улар ҳал қилган муаммолар ва яратган кашфиётлар умумхалқ манфаатига хизмат қилади, жамият тараққиёти қонунларини кашф этадилар. Бу шахсларнинг истеъдодли фаолияти натижа-сида турмушнинг ҳамма соҳаларида жуда катта ўзгаришлар пайдо бўлади ва инсоният тарихи чинакам тараққиёт сари қадам қўяди. Навоий ва Жомийни биз гениал шахслар деймиз, А. Қодирий, Фитрат, А. Қаҳҳорни буюк ёзувчи деймиз, чунки уларнинг ижоди ўзбек адабиёти ва маданиятида янги давр очди, уларнинг асарлари фақат ўзбек халқи учунгина эмас, балки ҳамма халқлар учун ҳам маданий-маънавий аҳамиятга эга бўлади. Айниқса, бугунги кунда миллий истиқлол равнақи, халқ фаровонлиги ғоялари асосида ватанпарварлик, фидокорлик, миллий ўзлиқни англаш, ифтихор, ғурур, инсонпарварлик, шукроналик ҳис-туйғуларини тарбиялашда уларнинг тарихий-маданий хизматлари буюкдир.

Талант (юнонча «*talanton*») «қимматбаҳо, ноёб ирсий табиий хислат» деган маънони англатади. Талант муайян фаолиятнинг муваффақиятли ва ижодий равнишда бажарилишини таъминлайдиган қобилият ҳамда истеъдодлар йиғиндисидан ибто

рат индивидуал хусусиятдир. Профессор Э.Ғозиев ўз асариди талантни шундай таърифлайди: «Талант маҳоратнинг дастлабки шартти ҳисобланса-да, лекин улар бир-биридан муайян даражада тафовутланади. Талант катта, ижодий ва зўр меҳнат маҳсулидир; демак, талантли деб шундай шахсларга айтиладики, ақлли, улар зеҳни ўткир, интеллектуал фаолияти кучли, ижодий йўли анча шаклланган, диққат ва иродалари мустаҳкам ва барқарор бўлади. Улар серғайрат ва эҳтирос билан ишлайдилар. Меҳнатсевар ва меҳнатга жуда лаёқатли бўладилар, қўйган мақсадларига эришадилар. Талантли шахслар жамият, табиат, фан тараққиётининг истиқболини кўра билиб, унинг асосий йўлларини олдиндан башорат қила оладилар. Талантли кишилар одатда ҳар томонлама истеъдодли шахслардир»<sup>1</sup>.

Шу сабабли талант бир қанча қобилият турларини ўз ичига олади. Аммо бундан, талантли киши барча соҳаларда ҳам баробар ижод қилади, деган хулоса келиб чиқмайди, улар муайян бир соҳада энг самарали ва юксак сифатли ижодий иш қиладилар. Лекин бошқа ишларга ҳам жуда лаёқатли бўладилар.

Талант ва қобилият масаласида И.П.Павловнинг одамнинг махсус олий нерв фаолияти типлари ҳақидаги кўрсатмаси катта аҳамиятга эгадир. Яъни одамдаги олий нерв фаолиятининг айрим ҳолларида биринчи ёки иккинчи сигнал системасининг устун туриши И.П.Павловнинг одамларни «бадий ва тафаккур» типларига ажратиш учун асос бўлади. Иккала сигнал системаси ўртасидаги муносабатларга хос хусусиятлар бу типларнинг учига чиққан ҳолларида, айниқса, яққол кўринади: «бадий типда»ги одамларда биринчи сигнал системаси йўли билан ҳосил бўладиган таассуротларга сезгирлик, айниқса, кучлидир: – сезги органлари орқали ҳосил бўладиган бевосита таассуротларнинг кўпчилиги ва яққоллиги бу типдаги одамлар учун характерли хусусиятдир. Айниқса, «тафаккур» типдаги абстракт одамлар фикрлашга кўпроқ мойил бўладилар, бунда иккала сигнал системаси баробар ва бир-бирига мос ҳолда таъсир қилади.

Ҳар кимда унинг ўзига хос бўлган бирор талант намунаси бўлади. Унинг бу таланти маълум соҳада муваффақият билан

---

<sup>1</sup> Э. Ғозиев. Умумий психология. 2-том. –Тошкент: 2002 йил, 36 бет.

фаолият кўрсатишга имкон беради. Ҳар кишида бўладиган истеъдод, талант мумкин қадар тез ва аниқ юзага чиқиши учун, энг муҳими, кишининг кўп нарсага қизиқиши ва ўзидаги қобилият, талант намуналарини ҳар томонлама ўстиришга ҳаракат қилишидир. Бугун республикамиз миқёсида «Миллий истиқлол ғояси» шиори остида талаба ёшлар онгига «истеъдод», «қобилият», «талант» каби воситалар орқали сингдирилаётган фан асослари уларни келажакда етук кишилар бўлиб камол топишида ҳар томонлама кўмак бермоқда. Ёшлар учун қобилиятларига қараб имкониятлар эшиги жуда катта очилгандир.

### 15.3. Профессионал қобилиятнинг психологик таҳлили

«Шахсда шаклланиши шарт ҳисобланган профессионал қобилият, у хоҳ таълим, хоҳ меҳнат, хоҳ ижтимоий маънавият соҳиби бўлишидан қатъий назар, унинг билиш жараёнларига, ақлий хислатларига, ҳиссий-иродавий жабҳаларига, сенсамотор соҳасига, характерологик хусусиятларига муайян талаблар қўяди ва уларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати тўғрисида профессионал қобилият шаклланишига шароит яратди»<sup>1</sup>. Аввало профессионал қобилиятларни ўрганиш келажакда шаклланиши маълум бўлган мақсадга қаратилган бўлиши зарур.

Ўқувчиларнинг профессионал қобилиятлари бутун педагоглар жамоаси ва барча таълим-тарбиявий иш тизими томонидан ҳар хил фаолият турларида ҳамда профессионал ўқитишнинг биринчи кундан бошлангани маъқулдир. Профессионал қобилиятларнинг шаклланишига ўқувчи ўқув предметларига қизиқиши, ўқув жараёнларининг самарали ташкил этилганлиги янги керакли ўқув қўлланмалари билан таъминланганлиги, назарий машғулотлар ва ишлаб чиқариш машқларининг самарали бўлиши катта ёрдам беради.

Ўқитувчи ўқувчини фанга қанчалик кўп қизиқтира олса, унда ўқувчининг профессионал қобилиятларини шаклланти-

---

<sup>1</sup> Б.М.Теплов. Психология. Ш.Бойбулова таҳрири остида. -Тошкент: 1952 йил, 221-бет.

риш шунчалик осон бўлади. Шунингдек, ўқувчиларнинг қизиқишини ўстиришда уларни махсус «инновацион» (янги) педагогик технологиялар ва ишлаб чиқариш таълими дарсларидан олган дастлабки таассуротлари ҳам, айниқса, катта аҳамиятга эгадир.

**Биринчи таассуротлар** донмо хотирада узоқ сақланадиган бўлади. Ўқувчилар дарс машғулотларига ўзлари учун аниқлаб олишлари керак бўлган кўпгина ижодий саволлар билан келадилар. Илмга эришилган муваффақият ҳар қандай ўқувчини, айниқса, фанга меҳр қўйган ўсмир йигит ва қизларни руҳлантиради. Ўқишдаги руҳий интилиш ўз кучи ҳамда қобилиятларига ишонч ҳосил қилдиради. Мустақил ишга фаоллик ва ижодкорликни уйғотади. Шунинг учун ўқитувчилар профессионал қобилиятларнинг ривожланишига ижобий таъсир этувчи: ўқувчиларнинг қизиқишларини рағбатлантириш ва интизомлилик, фаоллик, мустақилликни тарбиялашда уларни шундай ўқитишлари керакки, бунда ҳар бир ўқувчининг муваффақияти ҳамма нарсадан устун турсин.

Профессор Э. Ғозиевнинг таърифига кўра, психологияда профессионал қобилиятлар индивидуал психологик хусусиятлар сифатида тавсифланади ва бунинг асосида бир инсоннинг бошқасидан яхши деб тафовутланадиган хислатлари, фазилатлари ётади.

25-жадвал



Шунинг учун ҳар бир шахсдан бир хил натижа, бир хил сифат кутиш мумкин эмас. Чунки инсонлар ўз қобилиятлари ва профессионал сифатлари бўйича бир-бирларидан муайян даражада фарқ қиладилар. Бинобарин, улар ўртасида фарқлар сифат ва миқдор жиҳатидан бир талай бўлиши мумкин.

Профессионал қобилиятларнинг сифат таснифи шахснинг қайси индивидуал психологик хусусиятларни фаолият муваффақиятнинг мажбурий шарт тарихасида хизмат қилишини англатади. Уларнинг миқдори тавсифи эса фаолиятга қўйилган талабларни шахс томонидан қай йўсинда бажариш имкони мавжудлигини билдиради. Яъни мазкур инсон профессионал жиҳатдан бошқа одамларга қараганда билимдан, имкониятдан нечоғли тез, енгил, пухта фойдалана олишини намоён қилади.

Профессионал қобилият хусусиятларининг сифат жиҳатидан талқин қилиниши: биринчидан, мақсадга турлича йўллар орқали эришишга имкон берувчи «Ўзгарувчан миқдор» тўплаши тарихасидан; иккинчидан, фаолият муваффақиятининг шахс индивидуал психологик сифатлари (фазилатлари) мураккаб мажмуаси кўринишида гавдаланади.

Бу психологик ҳодиса таҳлили профессионал шахс қобилиятларининг муҳим жабҳаларида яққол кўзга ташланади. Жумладан, шахсдаги бир хислатнинг бошқаси босиши (компенсация қилиш, лотинча compensation – «ўрнини босиши, мувофиқлаштириш» маъносини билдиради) вужудга келади. Бунда инсон сабр-тоқат, чидам билан меҳнат қилиши туфайли юксак профессионал кўрсаткичларга эриша олади.

Рус психологи Б.М. Теплов ва унинг шогирдлари ўз тадқиқот ишларида олий нерв фаолияти типларининг хислатлари таъсири туфайли одам профессионал қобилият тузилишида қандайдир сифат хусусиятларни аниқлашга уринишган. Жумладан, нерв системасининг алоҳида сезгирлиги идрок фаолиятининг ўзига хос ўткирлиги маълум даражада профессионал қобилият нишонаси сифатида вужудга келиши мумкин. Таъкидланган хусусиятлар олий нерв фаолияти умумий тип сифатларига ва белгиларига мансубдир. Аммо профессионал қобилиятнинг табиий асосларини нерв системасининг проциал (хусусий) деб номланган хусусиятлар билан боғланувчи фаразлар кўпроқ эҳтимол даражасига эгадир.

Рус психологи А.Г.Коволёв ўз тадқиқотларида профессионал қобилиятнинг табиати ва ташхис қилиш йўллари ни ўрганишга мувофиқ бўлган.

Муаллифнинг таърифича, профессионал қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзини эмас, балки инсон шахсининг фаолияти талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлай оладиган илгор психологик хусусиятлар ансамбли ёки синтезини тушуниш керак.

Психология фанида профессионал қобилият тўғрисида гап кетганда 3 та ўзига хос концепция мавжудлиги таъкидланади.

Профессорлар Э. Ғозиев, А. Жабборовлар ўз асарларида профессионал қобилиятни анализ қилиб, қобилият шахсининг биологик жиҳатдан дитерминлашган, яъни биологик жиҳатдан боғланган хусусиятларидир, деган фикрни илгари суради.

Муаллифлар мулоҳазаларига кўра, профессионал қобилиятнинг таянч хусусияти юмшоқ кўнгиллик ва таъсирчанликдир. Таъсирчанлик деганда идрокнинг жонлилиги ва ўткирлиги, эмоционал илтифотгўйликнинг нақадар кучлилигини тушуниш керак. Улар профессионал қобилият учун ёлғиз кўра билиш қобилияти камлик қилади, кўрганларни ижодий қайта ўзгартира билиш, кузатилаётган нарсани бошқа ҳаётий таассуротлар билан фикран боғлай олиш ҳам муҳимдир, деган хулосани илгари сурадилар.

Профессор М. Г. Давлетшин техникавий қобилият устида узоқ йиллар тадқиқот ишлари олиб борган етакчи мутахассис ҳисобланади.

Муаллиф техникавий қобилият деганда шахсининг индивидуал психик хусусиятларидан тузилган шундай ўзига хос профессионал бирликларни тушунадик, у шахсининг техникавий фаолиятига профессионал яроқлилиқ даражасини ва у билан муваффақиятли равишда шуғуллана олиш қобилиятини аниқлайди. М. Г. Давлетшин анъанавий йўлдан бориб, техникавий қобилиятни 2 та ўша номдаги типга ажратади ҳамда профессионал қобилиятнинг етакчи таянч хусусиятларини ўзгартиришсиз қолдиради. Лекин бошқалардан фарқли ўлароқ, етакчи хусусиятлар ривожланган техникавий фикрлаш ва фазовий тасаввурдан иборатдир, деган фикрни илгари суради.

Унинг талқинича, профессионал техникавий қобилиятли шахс бўлиш учун унда:

а) амалий жиҳатдан фаҳм;

б) техник масалаларни таҳлил қилиш қобилиятининг устуналиги;

в) нарсаларни монтаж қилиб, қисмлардан бутун ҳосил қила олиш қобилияти бўлиши шарт.

«М.Г. Давлетшин техникавий қобилият кўрсаткичларини анъанавий баҳолашни тан олган (кўз билан чамалаш, фазовий тасаввур, профессионал таҳлил, конструкциялаш қобилияти) ва ўзининг оригинал ёндашувини ишлаб чиққан.

Техникавий қобилият даражасини ташхис қўйиш учун текширишларда экспериментал масалаларнинг 9 та сериясидан унумли фойдалана олган»<sup>1</sup>. Хулоса қилиб айтганда, профессионал фаолият шахсдан жуда кўп билим ҳамда малакани талаб қилади. Нима учун у ёки бу касбни танлаганини англаётган шахс (мотивлар муаммоси), энди ўз фаолиятларини ва қобилиятларини бошқара билиш ва ўз устида муттасил ишлаб, малакаларни орттириб бориши шарт.

«Профессионал билимдонлик шу нуқтаи назардан шахс умумий маданиятининг шундай йўналишики, унга диққат касбга тааллуқли бўлган билимлардан ташқари, шу билимларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва малакаларнинг такомиллашувини таъминловчи психологик жараёнлар ва ҳолатларни билишини ҳам тақозо этади. Бу психологияда билиш жараёнлари ва уларнинг моҳиятини ва кечишини билиш демакдир»<sup>2</sup>.

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Қобилиятнинг билим, кўникма ва малака билан боғлиқлиги нимадан иборат?
2. Ўқувчилар қобилиятини шакллантириш усуллари ва йўллари ҳақидаги фикрингиз?
3. «Лаёқат», «Иқтидор» «Қобилият», «Талант», «Даҳолик» тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш ва улар

---

<sup>1</sup> Э. Ғозиев. Умумий психология. Психология мутахассислиги учун дарслик. 2-китоб. – Тошкент: 2002 йил, 39-43 бетлар.

<sup>2</sup> В. Каримова. Психология. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2002 йил, 85-бет.

ни бир-бири билан таққосланг, ўзаро боғлиқлигини тушунтириб беринг.

4. Бир қобилиятни бошқа қобилият билан компенсациялашувини тушунтиринг.

5. Профессонал қобилиятни тушунтириб беринг.

#### **Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати**

1. **М.Г.Давлетшин.** Замонавий мактаб ўқитувчиси психологияси. –Т.: 1997.
2. **В.М. Каримова, Ф. Акрамова.** Психология. –Тошкент: 2000.
3. **Ғ.Б. Шоумаров** тақризи остида. Оила психологияси. –Т.: «Шарқ», 2000.
4. **Э.Ғозиев.** Психология. –Т.: 1994.
5. **Б.Қодиров.** Способности и склонности. –Т.: «Фан», 1990.
6. **Н.Боймуродов.** Раҳбар психологияси. –Тошкент: «Янги аср авлоди», 2007.

**16.1. Таълим самарадорлигини оширишнинг янги босқичида ўқитишнинг педагогик - психологик технологияларидан фойдаланишнинг моҳияти ва муаммолари**

Таълим жараёнида ўқувчида фикр уйғотиш ўқитувчидан катта куч ва маҳоратни талаб этади. Тўғри фикрлаш яратувчилик демакдир. Шунинг учун ҳам педагогикада ўқитиш жараёни икки томонлама: ўқувчи томонидан бажариладиган ўқув ва ўқитувчининг ўргатувчилик фаолияти йиғиндисидан иборат. Бу ҳоидани инкор қилмай, замонавий таълим мазмуни умуминсоний ва миллий тажрибалар уйғунлигини тақозо этади.

Президентимиз Ислом Каримов таълим тушунчасига миллий таълимий нуқтан назардан ёндашиб, қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади». Бу мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг янги модели яратилди. У Ўзбек моделидир, унинг келажакдаги самарадорлиги юртбошимиз томонидан илмий асослаб берилди. Моделни амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» уқтирилади: унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазибалардан бири сифатида белгиланади.

Бугунги кунга келиб педагогик технологиянинг назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш, биринчидан, анъанавий ўқитиш, яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш, анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриш туфайли «ахборотли ўқитиш» шаклида тавсифланади. Ҳозирги кунда ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, нуфузли билим берувчи манбага айланиб бориши таъкидланган ҳолда баҳоланмоқда.

Иккинчидан, илмий техник тараққиётнинг тезкор ривожланиш босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бориши ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш таълим тизимида янги ҳаётга ёндашиш зарурлигини келтириб чиқармоқда. Ушбу ишда ҳам биз илмий изланишларимиз натижасида тўплаган материалларни мактаб психологиясининг ёки хусусий методиканинг бир курси мисолида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари маълум бир тизимда тушунтиришга ҳаракат қилдик.

Замонавий педагогик технологияларни қўллашда биз Ўзбекистон ва чет эл тажрибасидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилганмиз.

Мамлакатимизда таълим жараёнида юз бераётган туб ўзгаришлар ҳар бир таълим муассасасида таълим соҳасини жадаллаштиришни талаб этади, янгиликни жорий этиш йўли эса ҳар доим мураккаб ва узоқ. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, педагогик технология яқин йиллар ичида таълимда янгилик киритишнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

Ҳозирги давр ўқитувчи ва ўқувчи олдида катта талаблар қўймоқда. Бу талабларнинг энг асосийси дарснинг самардорлиги, унинг сифатлилиги, ўқувчиларнинг мактабдаги ва ўрта махсус ўқув юртлиридаги ўқув машғулотларида зарур билимларни эгаллаб олишдир.

Ўқувчиларнинг асосий меҳнати – ўқиш. Ўқишнинг муваффақиятли бўлиши учун ўқувчиларни ақл-идрок билан мустақил ишлашга ўргатиш, уларни умумий таълимий ва махсус, курслардаги кўникма ва малакалар билан қуроллантириш зарур.

Илғор педагогик тажриба, дарсда материални йирик қисмларга ажратиб бериш, ўқувчилар учун янги нарсаларни кўп марта ишлаб чиқиш ўришни эканлигини кўрсатади. Билимларни мавзулар бўйича ҳисобга олиш жуда фойдалидир.

Ҳар бир ўқитувчининг ўз ишига ижодий ёндашуви жуда муҳимдир. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Бунинг асосий шартларидан бири ўқув ишининг барча мактаб ва ўрта махсус ўқув юртлири учун ягона бўлган Давлат таълим стандарти (ДТС) ни бажаришни маҳаллий ташаббус билан уйғунлаштириш, таълимнинг мазмунини, ўқувчи билими ва малакаларига қўйила-

диган талабларни ҳамма жойда бир хил қўйиш зарур. Методик кўрсатмалар бажариш мажбурий бўлган ҳужжатлар эмас. Булар тавсия ва маслаҳатлардир. Методик қўлланмалар, малака ошириш институтлари, методистлар, нозирларга талаб ана шундан келиб чиқиб қўйилади.

Ўқитувчининг вазифаси – ҳар бир ўқувчи руҳиятига мумкин қадар яқиндан ёндашиш. Унинг қандай яшаётгани, нималар билан шуғулланаётганини билишдир. Ўқувчини ахлоқан бой, одобли, руҳан тетик ва баркамол қилиб тарбиялаш учун ҳар бирига мос ёндашув керак.

Мақтаб ва ўрта махсус ўқув юртларида «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қўйилган вазифаларни амалга оширишда ўқувчилар ҳам ўз улушларини қўшади.

Республикамизда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири шахс манфаати ва таълим устуворлигидир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан бу моделни ҳаётга тадбиқ этиш туфайли турли жабҳаларда рўй бераётган самарадорлик натижалари рўй-рост кўрсатиб берилди. Бу модел:

- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва мамлакатимизда мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради;

- инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда эркин фикрловчи шахснинг мустақил шаклланишига олиб келади;

- жамиятда потенциал кучларнинг рўёбга чиқишида жуда катта аҳамият касб этади;

- фуқаролик жамияти қуришни таъминлайди, модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга зориқилади.

Самарадорлик сари шижоат билан қадам ташлаш йўлларида учрайдиган қийинчиликларни босқичма-босқич ва изчил ҳал қилиш масалалари нафақат педагогика назарияси ва амалиётчиларини ҳаракатга келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Жамиятимиз ҳар бир фуқаросини таълим-тарбия асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол

инсон қилиб вояга етказиш жараёнини янги педагогик технологиялар билан таъминлаш давр тақозосидир.

Педагогик технология (ПТ) шундай билимлар соҳасики, улар ёрдамида уч минг йилликда давлатимизнинг таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради. Ўқитувчи фаолияти янгиланади, ўқувчиларда ҳурфикрлик, билимга чанқоқлик, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равишда шакллантирилади. Билимдонлик асосида ётувчи бош ғоя табиат ва инсон муносабатларини англаб етадиган авторитар ва сохта тафаккурлаш усулидан воз кечган сабр-бардошли, қаноатли, ўзгалар фикрини ҳурматлайдиган, миллий-маданий ва умуминсоний қадриятларни улуғлаш каби баркамол инсон сифатларини шакллантиришни кўзда тутди. Бу масаланинг ечими эса таълимни технологиялаштириш билан боғлиқ.

Технология тушунчаси техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йилда кириб келди. Технология юнонча *technos* – «санъат, ҳунар», *logos* – «фан» сўзларидан ташкил топиб, «маҳорат фани» маъносини англатади. Бу ифода замонавий технология жараёнини тўлиқ тасвирлаб бера олмайди. Технологик жараён бу меҳнат қуроллари билан хом ашёга босқичма-босқич таъсир этиб маҳсулот яратиш борасидаги ишчи фаолиятидир. Буни педагогик технологияга (ПТ) кўчирсак, ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдидан белгиланган шахс сифатларининг жадал шаклланишини кафолатлайдиган психологик жараёндир.

Таърифдан кўринадики, ПТ тушунчасида технология жараёни асос қилиб олинган. ПТ нинг бир қанча синонимлари бор. Масалан, ўқитиш технологияси таълим методикаларида кўп ишлатилади. У предмет, мавзу, саволлар ва ўқув материални ўзлаштириш йўлини муайян технология асосида ифодалайди.

Таълим методикаси ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасини ишлаб беради. Услугиятнинг мақсади фан, предмет мавзуларига оид назарияларни амаллиётга, ўқитишга кўчиради. Масалан, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, уни жойлаштириш омилларини педагогик жараёнда қўллаш усуллари ва ҳоказо.

ПТ ўқитиш жараёнида ўзаро боғлиқ қисмларни ташкилий жиҳатдан тартибга келтириб, уларни жорий этиш ва мақсадга

эришишни таъминлайди. Ўқитувчи касбий фаолиятни янгилаб, таълимда якуний натижани кафолатлайди.

Япон олими Б.Сакамото «ўқитиш технологияси – ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси» эканлигини эътироф этади.

Профессор Э.Ғозиев, А. Жабборовлар технологияни: «Белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усуллари аниқлашдан иборат», деб тушунтиради. Улар замонавий ўқитиш технологияси ҳақида фикр юритиб, уни алоҳида фан сифатида қараш лозимлигини ўқитиб ўтади.

ПТни Г.К. Селевко ҳам алоҳида фан деб эътироф этиб: «Педагогик технология ўқитишнинг бирмунча оқилона йўллари тадқиқ қилувчи фан сифатида ҳам, таълимда қўлланиладиган усуллар, принциплар, регулятивлар сифатида ҳам, реал ўқитиш жараёни сифатида ҳам мавжуддир», – дейди. Олимнинг таъкидлашича, ПТ тушунчаси таълим амалиётида уч даражада ишлатилади.

1. Умумпедагогик даража: маълум минтақа, олий, ўрта ўқув юрти, маълум ўқитиш босқичида, яхлит таълим жараёнида тавсифланади (умумдидактик, умумтарбиявий даража).

2. Хусусий методик даража: «Хусусий методика» маъносида қўлланилади. Таълим ва тарбиянинг аниқ мазмунини жорий этиш методлари, воситалари йиғиндисини сифатида бир предмет, синф, ўқитувчи доирасида қўлланилади (Фанлар ўқитиш методикаси, тарбиявий ишлар методикаси) (предметли даража).

3. Локал (модулли) даража: локал технология ўқув-тарбия жараёнининг айрим қисмларини, хусусий таълимий ва тарбиявий масалалар ечимини ўзида мужассамлаштиради (алоҳида фаолият турлари технологияси тушунчаларини шакллантириш алоҳида шахс сифатларини тарбиялаш, дарс технологияси янги билимларни эгаллаш, мустақил ишлаш технологияси ва ҳоказо).

И.Я. Лернер фикрича: «ПТ ўқувчилар ҳаракатида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли, англаб олинadиган ва аниқланadиган мақсадни ифодалашни тақозо этади».

В.И. Беспалько: «ПТ бу – ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантиришнинг жараёни лойиҳасидир».

деб таърифлаб, таъриф мазмунидаги илмий принципларни алоҳида ажратиб кўрсатади:

- ПТ ўқувчиларда маълум ижтимоий таъриба элементларини шакллантириш учун лойиҳаланади;

- лойиҳаланган тайёр технологияни амалга ошириш фан ўқитувчисидан катта педагогик маҳорат талаб этмайди;

- якуний натижа, албатта, кафолатланади.

ПТ тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ечилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан ПТни амалиётга жорий этишга бўлган уришлар натижасини ифодалайди.

ПТ назарияси ва амалиётни бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганиб келинди. Натижада, ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган илғор методикалар технологиялар даражасида кўтарила олмай, аста-секин ўз мавқеини йўқотиб, педагогика фанидан узоқлашиб кетдилар. Масалан, XX аср 60-йиллари катта шов-шувга сабаб бўлган «Дастурли таълим» («Программированное обучение») ёки 70-йиллар «Шаталовчилик ҳаракати»ни эслаш kifоя.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштириш имкониятлари етарли. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши ПТнинг аниқ моҳиятини аниқлашга йўл очади:

*Биринчидан*, ПТ таълим жараёни учун лойиҳаланади ва белгиланган мақсадни ечишга қаратилади. Ҳар бир жамият шахсни шакллантириш мақсадини аниқ белгилаб беради ва шунга мос равишда маълум педагогик тизим (мактаб, коллеж, олий ўқув юрти) мавжуд бўлади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказади ва таълим-тарбия мақсадини умумий ҳолда белгилаб беради. Мақсад эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим-тарбиянинг мақсадини янги йўналишга бурди: «Ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар

тайёрлаш». Демак, таълим-тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланади. Унга хос ҳолда педагогик жараёнинг ҳам янгиланиши табиийдир.

*Иккинчидан*, фан ва техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб бораёпти, аудиторияда ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги технологиялар кириб келмоқда. Рўй бераётган сифатий ўзгаришлар шундан далолат берадики, энди ўрганишнинг бирламчи жараёнлари анъанавий методика ва ўқитиш воситалари домига сиғмай, ўқитувчининг индивидуал қобилиятларига мос келмай қолади. Янги услубчиларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиб бораётган ва ўзининг маълум хусусиятларини ва ҳиссиётларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли аудиовизуалли воситалар мавжудки, улар янги ПТни реал воқеликка айлантиради.

ПТ моҳияти жиҳатидан бошқа технологиялар билан бир сафда туради. Бошқа технологиялар ўз хусусий соҳасига, метод воситаларига эга маълум материал билан иш кўради. ПТ инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараёни ифода этиш билан ишлаб чиқариш, биологик, ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос томонлари таълим-тарбия компонентларини мужассамлаштиргандадир. ПТ бошқа соҳалардаги технологик жараёнлар билан узлуксиз бойиб бормоқда ва анъанавий жараён ҳозирги замон тизимида жуда қийин кечаяпти, ҳақиқий компьютерли ПТ ўзининг ишланмасини кутаяпти: компьютернинг шу кундаги қўлланиши экстенсивлик холос, анъанавий ўқув курслари шунчаки экран мониторида жойлаштирилаяпти. ПТ ва ахборот технологияси ўртасидаги ўзаро муносабатни ойдинлаштириш лозим. Ўқув тарбия жараёнини технологиялаштириш тарихий воқелик жараёнидир. Оддий тил билан айтганда, таълимда ахборот технологияси бу «ўқувчи-компьютер» ўртасидаги мулоқотдир.

Таълимни технологиялаштириш объектив жараён бўлиб, унинг замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёт йўналиши билан белгиланади. ПТнинг ўзига хос томонлари ва у билан боғлиқ вазифалар қуйидагилар:

- кўп босқичли таълим тизимида ПТнинг ўрнини асослаш ва зарурий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- замонавий иқтисодиёт, экология, саноат, тиббиёт каби соҳа технологиялари билан ПТларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва табақалаштирилган ёндашув асосида уларни қўллаш мезонларини аниқлаш;

- истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор ПТларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оптималлаштириш ва самарасини аниқлаш;

- тегишли бошқарув органлари томонидан ўқув муассасалари фаолиятида ПТларни татбиқ этилиши даражасини назорат қилиб бориш;

- республикамиздаги олий, ўрта махсус, касб-ҳунар, мактаб таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига илғор педагогик ва ахборот технологиялари бўйича янги билимлар тизими билан қуроллантиришни ташкил этиш;

- олий ўқув юртлари талабаларни, айниқса, мутахассис-педагог (иқтисодчи-педагог, ҳуқуқшунос-педагог, муҳандис-педагог)лар учун ПТ назарияси бўйича 40 соат ҳажмида махсус курс жорий этиш;

- республикада фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчилар иш услубларини мунтазам ўрганиб бориш ва улар томонидан яратилган методикаларни ПТлар даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш;

- ўқитувчи фаолиятини ПТ қонуниятларига мослаштириш муаммолари ва ҳоказо.

**Учинчи минг йилликда** таълим тараққиётини ҳаракатга келтирувчи куч ўқитувчининг психологик фаолиятини янгилаш, таълим-тарбия жараёнини мақбул тарзда кўришга, ўқувчи (талаба) ёшларда ҳурфикрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

## 16.2. Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи

Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тоши қўйилаяпти: ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий, мафкуравий соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия соҳасининг ислох қилиниши педагогика-психология фанини ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратиб берди. Эндиликда кишилик жамияти томонидан узоқ йиллар давомида яратилган таълим-тарбияга оид тажрибаларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш ишлари кенг йўлга қўйилди.

Эндиликда мамлакатимизда истиқлол шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд. Умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш даври келди. Миллий дастурда таъкидланганидек, яқин келажакда «кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади».

XX асрнинг 30-йилларида «педагогик техника» тушунчаси махсус адабиётларда пайдо бўлди ва ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга йўналтирилган усул ва воситалар йиғиндиси сифатида қаралди. ПТ деб ўқув лаборатория жиҳозлари билан муомала қилишни ўрганиш, кўрсатмалли воситалардан фойдаланиш тушунтирилди. Ўтган асрнинг 40-50-йилларида ўқув жараёнида ўқитишнинг техника воситаларини жорий этиш даври бошланди. Айниқса, кино, радио, назорат воситалари, улардан фойдаланиш методикаси ПТга тенглаштирилди.

60-йилларнинг ўрталаридан бу тушунча мазмуни чет эл педагогик нашрларида кенг муҳокамага сабаб бўлди. 1961 йилдан АҚШ да «Педагогик технология», 1964 йилдан Англияда «Педагогик технология ва дастурли таълим», 1965 йилдан Японияда «Педагогик технология», 1971 йилдан Италияда «Педагогик технология» журналлари чоп этила бошланди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, бу даврда ПТ икки йўналишда муҳокама қилинди ва ривожлантирилди: биринчиси, ўқув жараёнига техник воситаларни қўллаш билан боғлиқ бўлса,

иккинчиси ўқитиш технологияси масалаларини, яъни ўқув материалларини таҳлил қилишдан тортиб, таълим жараёнини турлича наشرли ва техник воситалардан жамулжам фойдаланилган ҳолда тизимли ташкил этишга қадар бўлган кенг доирадаги муаммоларни қамраб олади.

Ўзбекистон халқи демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бормоқда. Кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбия жараёнини илғор ПТлар билан таъминлаш кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир.

Таълимни технологиялаштириш билан боғлиқ омиллар рус олими С.Г. Шаловаленко томонидан қуйидагича белгиланади:

- техникани билиш ва мукамал эгаллаш;
- аудиовизуал фонд билан таниш бўлиш;
- техника воситаларидан фойдаланиш методикасини эгаллаш.

Бу ерда фикрнинг бирёқламалиги кўзга ташланади.

Венгер олими Л. Салан ўқитиш технологияси доирасини бирмунча кенгайтиради: режалаш, мақсад таҳлили, ўқув-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш, мақсад ва мазмунга мос келадиган метод, восита ва материалларни танлаш бевосита ПТни лойиҳалашда ўқитувчи фаолиятига хослигини таъкидлашдир.

70-йиллар охирига келиб чет элларда техника ривожини ва таълимни компьютерлаштириш даражасига боғлиқ ҳолда ПТ икки жиҳатдан алоҳида тадқиқ қилинган:

1. Ўқув жараёнига техника воситаларини жорий қилиш.

2. Амалий масалалар ечимини топишда билимлар тизимидан фойдаланиш. Масалан, Японияда бу даврда олиб борилган тадқиқотлар ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг биринчи йўналиши билан боғлиқ бўлган. ПТнинг иккинчи йўналиши назарий дидактик жиҳатлари 80-йилларнинг бошида АҚШ, Англияда тадқиқот объектига айланди.

80-йилларда ПТ моҳиятини ойдинлаштиришга бўлган уришлар Россия педагог олимларининг диққатини жалб эта бошлади. Академик В.П. Беспалько томонидан ПТнинг илмий мактаби яратилди: «ПТ амалиётга жорий этиладиган

маълум педагогик тизим лойиҳасидир». Бугунги кунда ҳам ана шу концепция педагогик ҳамжамият томонидан таълимий технологияларни лойиҳалаш ва ривожлантиришда фойдаланиб келинмоқда.

ПТ мамлакатимиз таълим тизимида, қолаверса, педагогик нашрларда 1997 йил «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да долзарб тадқиқот объекти даражасига кўтарилди ва ижтимоий буюртма сифатида юзага келди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан «Маърифат», «Халқ таълими» каби газета ва журналларда туркум мақолалар пайдо бўлди ва унда ПТ тушунчаси моҳияти таърифи берилиб, у маълум педагогик тизим доирасида талқин этилди.

1. Фалсафий асоси бўйича (материализм, идеализм, диалектик, метафизик, инсонпарвар, ноинсонпарвар, антрософия, теософия, прогматизм ва бошқа).

2. Рухий ривожланишнинг етакчи омиллари бўйича (биогенли, социогенли, психогенли, идеалистик).

3. Ўзлаштириш концепцияси бўйича (ассоциатив, рефлаторли, ривожлантирувчи бехевлорестик, гештальттехнология, суггестив, нейролингвистик).

4. Шахс тузилмасига йўналтирилганлик бўйича (ахборотли, операцион, ҳаяжонли-бадний-ахлоқий, ўз-ўзини ривожлантирувчи, эвристик ва амалий).

5. Мазмун ва тузилиши характери бўйича (таълимий ва тарбиявий, дунёвий ва диний, умумтаълим ва касбга йўналтирилган, гуманитар ва технократик ҳамда монотехнологиялар ва политехнологиялар).

6. Ташкилий шакллари бўйича (синф-дарс, муқобилли, академик, яқка тартибли, гуруҳли, жамоа бўлиб ўқиш усуллари, табақалаштирилган таълим).

7. Билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тури бўйича (маърузали-классик ўқитиш, аудиовизуалли техник воситалар ёрдамида ўқитиш: «репетитор тизими», «дастурли таълим»).

8. Болага ёндашиш бўйича (авторитар, дидактацентрик, шахсга йўналтирилган технологиялар, ҳамкорлик технологияси, эркин тарбиялаш технологияси, эзотерик технологиялар).

9. Устувор методлар бўйича (репродуктив, тушунтириш-кўрсатиш, ривожлантирувчи таълим, ижодий дастурли таълим,

диалогли, ўйинли таълим, ўз-ўзини ўқитиш таълими, ахборотли таълим).

10. Мавжуд анъанавий тизимларни янгилаш йўналишлари бўйича (муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосида; болалар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосида; ташкиллаштириш ва бошқариш самарадорлиги асосида; ўқув материалларини методик ва дидактик реконструкциялаш асосида; табиатан монандлик, муқобиллик технологиялари, муаллифлик мактабининг ягона технологияси).

11. Таҳсил оловчилар тоифаси бўйича (оммавий технология, олға одимловчи таълим, тўлдирувчи ўзлаштирмовчилар билан ишлаш технологиялари, иқтидорлилар билан ишлаш технологиялари).

### **16.3. Педагогик технология лойиҳалари: илмий ёндашувлар ва ечимлар**

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида жамиятнинг бор имкониятларини юзага чиқариш, кучли интеллектуал ва маънавий салоҳиятини шакллантириш жараёни босқичма-босқич бевосита таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, янги технологияларни лойиҳалаш ва педагогик амалиётга татбиқ этиш билан узвий боғлиқдир.

Юртбошимиз И.А. Каримов Олий Мажлиснинг XVI сессиясида «Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни назорат остига олиш зарур»лигини алоҳида таъкидладилар. Олимлар ва ўқитувчилар илғор ПТларни ишлаб чиқишга астойдил киришишлари шарт ва улар бу ишга масъулдир.

#### **Муаммоли-модулли ўқитиш технологияси асослари**

Модулли таълим дастлаб АҚШ, Германия, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртлари ва малака ошириш тизимида қўллана бошлаган. Модулли таълим ўзининг етарли асосланганлигига қарамай, у мазмун ва ёш жиҳатидан ҳозиргача тортишув ва фикрлар қарама-қаршилигига учраб келаяпти. Хорижий муаллифлар В.М.Голдшмит: «Модул деганда, аниқ ўрганилган мақсадга эришишга ёрдам-

лашадиган яхлит ўқув фаолиятини шакллантиришни тушунаман», деса, Д.Ж. Рассел модул моҳияти ўқув материалнинг автоном бўлақларини қуриш тўғрисида фаолроқ фикрни айтади. П.А. Юцявичененинг кўрсатишича: «Модулли ўқитиш моҳияти шундан иборатки, ўрганувчи қисман ёки тўлиқ мустақил равишда унга таклиф этилаётган ҳаракатларнинг мақсадли дастурини, ахборотлар банкни ва қўйилган дидактик мақсадга эришиш бўйича методик кўрсатмани ўзида қамраб олган индивидуал ўқув дастури билан ишлаши мумкин. Бунда педагогнинг вазифаси ахборотли назорат қилишдан тортиб маслаҳатчи координацияловчиликка қадар турланишдан иборат бўлади».

Профессор М.А. Чошанов ҳам кейинги фикрга қўшилган ҳолда, фан ривожининг ҳозирги босқичида модуллилик тушунчаси методологик мазмунга эга бўлаётганлигини алоҳида таъкидлайди.

Таълимий тизимда муаммоли таълим бериш анча-мунча тадқиқ этилган. У ўрганувчиларнинг фикрлаш фаолиятини бир мунча фаоллаштиради, уларда муаммонинг ечимига ёндашишни ўзига хос шакллантириб, ижодий тафаккурни ривожлантиради. Бу таъсир интеллектуал қийинлашувнинг махсус вазиятлари муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини тузиш бир неча вариантларда амалга оширилади. Муаммоли таълим бўйича А.М. Матюшкин, М.И. Маҳмудов, И.Я. Лернер каби олимлар ўз назарияларини яратганлар.

Муаммоли-модулли ўқитиш технологиясида асосий диққат хатоларни излаб топишга қартилган. Мақсадга мувофиқ тарзда тузилган махсус вазиятлар тизими орқали ўрганувчиларда танқидий фикрлашни шакллантиришга қаратилади. У ўзида хатоликларнинг уч асосий гуруҳини бирлаштиради.

1. Билишга оид хатолар. Бу хатолар билимлар тадрижий жараёнида олимлар томонидан йўл қўйилади. Ўқув жараёнида бу хатолардан фойдаланиб, ўқувчиларда борлиқни танқидий мушоҳадалаш, таҳлил қилиш ва ўз хатоларини тўғрилаш кўникмаларини шакллантиради ҳамда ўқув предмети, фанга бўлган муносабати ўзгаради: ўрганаётган ўқув предмети ўқувчилар олдида тайёр ҳақиқатлар йиғиндиси сифатида эмас, балки ғоялар ва одамларнинг тарихий драмаси тарзида, ижтимоий мактаб ва йўналишлар кураши тарзида, одат ва янгиланиш қарама-қаршилиги сифатида туради.

2. Методик хатолар ўқув хатолари билан ўзаро боғлиқ: ўрганиш хатолари кўп ҳолларда ўқитиш хатолари натижасидир.

3. Ўқув хатолари махсус ташхисловчи жадвалларда ҳар бир муаммоли модул учун гуруҳланади ва кейинчалик кучли таъсир этувчи воситалар сифатида фойдаланилади. Агар анъанавий ўқитишда билмасликдан билишга ўтиш стандартли вазиятларни қўллаш билан чегараланса, муаммоли-модулли ўқитишда ўқувчининг ривожланиш доираси янги билимларни юзаки ўзлаштириш ва нотўғри қўллашга олиб келадиган танқидий вазиятларни хатолар соҳасигача кенгайтирилади. Бундай шароитда билмасликдан билишга ўтиш соҳаси ўрганувчи учун асосий муаммога айланмайди, балки табиий эвено бўлиб қолади, уларнинг долзарб ривожланиш минтақасига айланди.

Муаммоли-модулли ўқитиш технологиясининг етакчи сифат белгиси бу эгилувчанлик ҳисобланади. Замонавий юқори технологияни ишлаб чиқаришда эгилувчан автоматлаштирилган тизим муҳим саналган каби, ҳозир ҳам, келажакда ҳам ПТ самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг илмий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгарувчан шароитга олиш ва зудлик билан таъсир этиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Эгилувчанлик тузилмаси мазмунли ва технологик ҳолда бўлиши мумкин.

Тузилмали эгилувчанлик қатор ҳолатлар билан таъминланади: муаммоли-модулли тузилмасининг сафарбарлиги, муаммоли-модулли дастур поғоналиги, эгилувчан жадвал лойиҳасининг мавжудлиги ва кўп вазифали ўқув хоналарининг жиҳозланганлик имкониятлари ва бошқа.

Мазмунли эгилувчанлик, биринчи навбатда, таълим мазмунини табақалаштириш ва интеграциялаш имкониятларида намоён бўлади. Бундай имкониятнинг ўзи таклиф этилаётган технологияда ўқув материалининг блок ва модули тамойил асосида сараланиш эвазига вужудга келади.

Технологик эгуливувчанлик муаммоли-модулли таълим жараёнининг қуйидаги жиҳати билан тавсифланади: ўқитиш методларининг вариантлиги, назорат ва баҳолаш тизимининг эгилувчанлиги, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини яқка тартибда гашкил этиш ва бошқа.

М.А.Чошановнинг таъкидлашича, касб мактабларида ўқитиш жараёнини муаммоли-модулли асосга ўтказиш қўйиндагиларга имкон беради:

- ўқув материалининг муаммоли-модулларини гуруҳлаш йўли билан курсни тўлиқ қисқарган ва чуқурлаштирилган вариантларни ишлаб чиқишни таъминлайдиган диалектик бирликда интеграциялаш ва табақалаштиришни амалга ошириш;

- билим даражасига боғлиқ ҳолда ўқувчи-талабаларнинг у ёки бу муаммоли-модулли дастур вариантини мустақил танлаши ва уларнинг дастур бўйлаб индивидуал силжиш суръатининг таъминланиши;

- муаммоли модуллардан педагогик дастурли воситаларини яратиш учун сценарийлар сифатида фойдаланиш;

- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқаришда ўқитувчи ишида маслаҳатчи-координацияловчи вазифасига урғуни кўчириш;

- ўқув материалининг баён қилиш тезлиги ва ўзлаштириш даражасига путур етказмаган ҳолда ўқитиш методлари ва шакллари мажмуасига мослик асосида курсни қисқартириш.

Шу билан биргаликда, оппонентлар томонидан муаммоли-модулли ўқитишнинг қатор камчиликлари кўрсатилди, улар: таълим жараёнининг бўлакларга бўлинганлиги, яъни ўқувчиларнинг мустақил ишлари салмоғи бирмунча катта; ўқув предметининг яхлитлиги ва мантиғини инкор этиш; ўқувчи-талабаларни тайёрлаш торлиги: ўқитиш курсининг боғлиқ бўлмаган муаммолар ёки масалалар сериясига қадар қисқариши; умумлашмага зиён етказадиган хусусий аниқ кўникмаларнигина шакллантириши; муаммоли модулларни тайёрлаш ва машғулотни ўтказишга тайёргарликнинг кўп меҳнат талаб қилиши.

Санаб ўтилган камчиликларнинг кўплиги модулли ўқитиш технологиясининг ўрнатиш босқичида бир мунча аниқ сезилса-да, аста-секинлик билан текисланиб боради. Шунинг эслатиш жонзми, у ёки бу технологияни «тоза» ҳолда жорий қилиш мумкин эмас. Хоҳлаймизми ёки йўқми – ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий ёндашувига ва мавжуд дидактик жараёнга таянишга тўғри келади.

Таълим мазмунини муаммоли-модулли лойиҳалаш қуйидаги асосий таянчлардан иборат бўлади:

- билиш фаолиятининг фундаментал методлари доирасида курсни жой-жойига қўйиб тузиш;

- таянч муаммоли модулларнинг мазмунини аниқлаш. Саралашнинг муҳим шарти билиш фаолияти методларининг принципли мазмуни ҳисобланиб, умуммаданий ва амалий аҳамият касб этади. Бу ўқитишнинг таянч мазмунига оид қуйидаги мезонларни ҳисобга олишни тақозо этади;

- фундаментал, узвийлик, узлуксизлик ва таълимни инсон-парварлаштириш;

- ечими билиш фаолияти методларининг мосини қўллашни талаб этадиган йирик касбий-амалий муаммоларни турли гуруҳ касбларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб ажратиш;

- ихтисосли ва даражали табақалаштиришни таъминлашга йўналтирилган ўзгарувчан модулларининг мазмунини танлаш ва ҳажмини аниқлаш, шунингдек, муаммоли-модулли дастурларнинг турли тўлиқ, қисқарган ва чуқурлаштирилган вариантлари бўйича ўқувчи-талабаларнинг яқка тартибда олға силжиши учун шароитлар яратиш. Муаммоли модулларни қўллаш кўлами қуйидаги тартиботларни қамраб олади: тизимли, автоном ва интеграциялашган. Тизимли тартибот муаммоли модуллардан мустақил курс доирасида фойдаланишни тақозо этади. Автоном маълумот модули сифатида бошқа фанлар доирасида, интеграцияланган интегратив курс доирасида қўлланиши лозим.

Шундай қилиб, муаммоли модулли ўқитиш технологиясининг моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ўқувчи-талабаларнинг талаб этилган даражада билимдонлигига эришиш учун ўқув материали мазмунини йирик тузилмалаш, унга мос ҳолда ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларни танлаш амалга оширилиб, улар ўқувчи-талабаларни тўлиқ, қисқарган ёки чуқурлашган ўқитиш вариантларини мустақил танлаш ва ўтишга йўналтирилади. Муаллифларнинг таъкидлашича, муаммоли-модулли ўқитиш технологияси бўйича 70 фоиз ўқув материали юқори даражада ўзлаштирилган ва аниқ ўрнатилган кампонентлик даражани кафолатли таъминлаган.

#### 16.4. Муаммоли-модулли ўқитиш технологияси

Муаммоли таълим дастлаб АҚШ, Германия, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртлари ва ма-лака ошириш тизимида қўлланила бошланган. Модулли таъ-лим ўзининг етарли асосланганига қарамай, у мазмун ва ёш жиҳатидан ҳозиргача тортишув ва фикрлар қарама-қаршили-гига учраб келаяпти. Хорижий муаллифлар В.М.Голдшмит: «Модель деганда аниқ ўрганилган мақсадга эришишга ёрдам-лашадиган яхлит ўқув фаолиятини шакллантириш тушунилади», деса, Д.Ж.Рассел модель моҳияти ўқув материалларини ав-тоном бўлакларини қуриш тўғрисида фаолроқ фикрни айтади. Профессор М. А. Чошанов ҳам кейинги фикрга қўшилган ҳолда фан ривожининг ҳозирги босқичида модуллилик тушун-часи методологик мазмунга эга бўлаётганлигини алоҳида таъ-кидлайди.

Муаммоли ўқитишнинг таълимий тизимида муаммоли таъ-лим бериш анча-мунча тадқиқ этилган. У ўрганувчанликнинг фикрлаш фаолиятини бир мунча фаоллаштиради, уларда му-аммонинг ечимига ёндашишни шакллантириб, ижодий тафак-курни ривожлантиради. Бу таъсир интеллектуал қийинлашув-нинг махсус вазиятлар ва уларнинг ечимини тузиш бир неча ёндашишининг вариантларида амалга оширилади.

Муаммоли-модулли ўқитиш технологиясида асосий диққат хатоларни излаб топиш мақсадида, мувофиқ тарзда тузилган махсус вазиятлар тизими орқали ўрганувчиларга танқидий фикрлашни шакллантиришга қаратилган. У ўзида хатоликлар-нинг уч асосий гуруҳини бирлаштиради. 1. Билишга оид хато-лар. Билимлар тарихий жараёнида бу хатолардан фойдаланиб, ўқувчиларда борлиқни танқидий мушоҳадалаш, таҳлил қилиш ва ўз хатоларини тўғрилаш фанга бўлган муносабатини ўзгар-тиради. 2. Методик хатолар ўқув хатолари билан ўзаро боғ-лиқ. 3. Ўрганиш хатолари кўп ҳолларда ўқитиш хатолари на-тижасидир.

## 16.5. Ўқув материалларининг белги моделлари асосида таълимни жадаллаштириш технологияси

Донск очик университети профессори В.Ф. Шаталов ўқитиш-ни жадаллаштириш технологиясини ишлаб чиқди ва амалиётга тадбиқ этиб, анъанавий синф-дарс ўқитиш усулининг очилмаган қирраларини кўрсатиб берди.

Бу технологияда таълим мақсадлари:

- билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- ҳар қандай индивидуал қобилиятли болаларнинг барчасини ўқитиш;

- тезлашган ўқитиш (умумий ўрта ҳажми 9-йилгача ўқитиш).

Принциплари:

- кўп марта такрорлаш, мажбурий босқичли назорат, йирик блоклар билан ўрганиш: фаолиятининг динамик яхлитлиги, таянч сигналлари, ҳаракатларнинг мўлжалли асослари;

- шахсга йўналтирилган ёндашув;

- инсонпарварлик (барча болалар иқтидорли);

- ўқув вазиятларининг тафовутсизлиги, тузатиш учун истиқболларнинг очиклиги, муваффақиятнинг ўсиб бориши;

- таълим ва тарбиянинг узвийлиги.

Мазмуннинг ўзига хос жиҳатлари:

- ўқув материали йирик ҳажмда киритилади;

- материал блоклар бўйича жойлаштирилади;

- ўқув материали таянч схема-конспект кўринишида расмийлаштирилади.

В.Ф. Шаталов технологиясининг асосий ғояси дарсда ўқувчиларнинг ялпи фаоллигини таъминлайдиган ўқув фаолияти тизими ярагилади. Ўқув фаолиятининг андозаси асосида таянч кўрсатмали чизмалар ётади.

Таянч – мўлжалли ҳаракатлар асоси, боланинг ички ақлий фаолиятини ташқи кўринишда ташкил этиш усули.

Таянч сигнал ассоциатив рамз (белги, сўз, расм, чизма, шакл ва бошқалар) бўлиб, маълум фикрий маънони билдиради.

Мантиқий таянч конспекти қисқача шартли матн кўринишидаги таянчли сигналлар тизими бўлиб, яхлит ўқув материалнинг ўзаро боғлиқ элементлари сифатида тушунчалар, фактлар, ғоялар тизимининг кўрсатмали конструкциясини ўзида акс эттиради.

Мантиқий таянч конспектлар ўқувчиларнинг асосий назарий билимларини, таълим сифатини оширади. Мантиқий таянч конспект маъруза, семинар шаклида олиб бориладиган иқтисодий география дарсларида жуда қўл келади. Бу дарсларда маъруза – амалиёт – маслаҳат – семинар – анжуман – мунозара – суҳбат тарзида мавзунинг янги билимлар бериш қисмида олиб борилиб ўқувчиларнинг умумий тушунча қонуниятларини, сабаб-оқибат алоқаларини ўзлаштириши осонлашади.

**Мантиқий таянч конспект** ўқув материали график тарзда мантиқий таркибда жараёнлар баён қилинади. Мантиқий таянч конспект ўқувчиларда ўқув материали ҳақида кўргазмани аниқ тасаввур беради.

Бериладиган ўқув материаллари маълум бир тизимда яхлит қилиб берилади. Материалларнинг асосий қисмлари бир-бирлари билан мантиқий боғланган, маъруза мазмунига мос уни ўқувчилар ўзлаштиришга қисмларни яхлит ҳолда тасаввур қилиши асосий ва хусусий алоқаларни иқтисодий географик жараённинг кечишида фактлар характерланиб, ҳодиса ва жараённинг мазмуни очилади.

**Мантиқий таянч конспекти** тайёрлашда ўқитувчи мантиқий тўлдирувчи маълумотлар чизмада қизиқарли фактлар билан бойитилиб, амалий тарзда берилади. Тасвир миқёсида бўлиши, қисқартма сўзлардан фойдаланиш, график, диаграмма, стрелка белгиларидан фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчи рангли бўрлар билан мантиқий таянч конспектларини доскага чизиб кўрсатиб боради. Ўқувчилар эса доскадан кўчириб оладилар ёки ўқитувчи мантиқий таянч конспектини дарсга чизилган тайёр ҳолда олиб кириши мумкин. Ўқувчилар конспектини кўчираётганда, уларнинг ҳис қилиш органлари тафаккур билан бир жойга қаратилган бўлади.

Хулосалаш қисмида маърузанинг асосий жойлари яна бир такрорланади, умумий хулосалар чиқарилади.

Мантиқий таянч конспекти айрим жойларини уйга вазифа қилиб бериш мумкин ва у дарсликдаги материаллар билан тўлдирилади.

Бу технологияда ўқитувчи меҳнати асосий мавқени эгаллайди ва бу меҳнатга ўқувчилар айрим ҳоллардагина (назорат, маслаҳат, ёрдам) жалб этилади. Таянч сигналларни ёрдамида ўқитиш жараёни қатор босқичлардан иборат:

1. Сınıfда ўқитиш: мавзу ўқитувчи томонидан одатдагидек сінф доскаси ёнида (бўр, латта ёрдамида) тушунтирилади, кейин эса таянч конспектлар асосида мавзунини тушунтириш такрорланади. Ўқувчиларнинг ўз конспектлари устида мустақил ишлаши таъминланади ва фронтал тарзда билимлар мустаҳкамланади.

2. Уйда мустақил ишлаш: таянч конспектдаги кодлаштириш ўқув материалларини ўқувчи дарслик ёрдамида оидинлаштиради.

3. Назорат ва баҳолаш: мавзу бўйича ўқувчининг билим, кўникма ва малакалари ташқи назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш ёрдамида текширилади. Назорат шакли: таянч конспекти бўйича ёзма, мустақил иш, оғзаки сўров, жуфтли-ўзаро назорат, гуруҳли-ўзаро назорат.

### В. Ф. Шаталов бўйича ўқитишни ташкил этиш технологияси



**Муаллифнинг бой тажрибаси.** «Таянч сигналлари варақаси» асосида ташкил этилган ўқув-билиш фаолияти ўқувчиларнинг юқори кўрсаткичга эришишини, шубҳасиз, таъминлайди, ўқувчи олган баҳо билимларни ҳисобга олиш варақасида қайта этилади ва у хоҳлаган вақтда қайта тайёрланиб, ўз баҳосини тузатиши мумкин. Демак, бу технология очиқ истиқболли принципни таъминлаган ҳолда, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида низо туғдирмайди.

## 16.6. Ўқув мақсадлари таксономияси

Таълимий учлик – «Мақсад – жараён (восита) – натижа»-нинг ўрта бўғинига ўзбекистонлик ва россиялик олимлар кўпроқ эътибор кўрсатишган бўлса, америкалик педагоглар бу занжирнинг икки четдаги халқасини чуқур тадқиқ қилишган. Айниқса, Чикаго университети профессори Бенжамен Блум раҳбарлигида ўтган асрнинг 50-йилларида «Ўқув мақсади таксономияси» концепциясининг яратилиши классик тадқиқот сифатида эътироф этилди ва у бугун ҳам ўзининг қийматини йўқотгани йўқ.

«Таксономия» атамаси юнонча taxis (тартиб бўйича жойлашув) ва potos (қонун) сўзларидан иборат бўлиб, объектларни ўзаро алоқадорлик асосида таснифлаш ва тизимлаштириш маъносини англатади. Блум таксономияси ўқув фаолиятининг турли соҳаларини қамраб олади: когнитив (билиш), аффектив (ҳиссий-қадриятли), психомотор (ҳаракат)ли.

1. **Когнитив соҳа.** Бунга мавжуд билимларни қайта тафаккурлаш, уларни ўзлаштирилган ҳаракат усуллари билан чоғиштириш, яъни ғоялар тузиш заруратига тегишли ўқув мақсадлари киритилади. Улар ўқитувчининг кундалик фаолияти учун керакли ҳисобланиб, ўқув дастури ва дарсликларда ўз ифодасини топади.

2. **Аффектив соҳа.** Бунга қизиқиш ва мойилликларни шакллантириш, у ёки бу сезгилар таъсирида ҳаяжонланиш, муносабатни шакллантириш, уни фаолият давомида англаш ва юзага чиқариш мақсадлари киради. Бошқача қилиб айтганда, объектив борлиққа бўлган ҳаяжонли-шахсий муносабатларни шакллантириш мақсадлари бу соҳанинг асосини ташкил қилади.

3. **Психомоторли соҳа.** Бунга у ёки бу моторли, манипулятив фаолият турларини, асаб мускулларини марказлаштириш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ мақсадлар киритилади.

Блум таксономияси қуйидаги тўрт принцип асосида қурилган:

- амалий: ўқитувчи-амалиётчи учун таксономия самарали қурол бўлиши, ўзида мақсадлар иерархиясини ифодалаши лозим;

- психологик: таксономия замонавий психология фани ютуқларига таяниши лозим;

- мантиқий таксономия мантиқий гугалланган ва муайян ички тузилмага эга бўлиши лозим;

- объективлик: мақсадлар иерархияси уларнинг қадриятлар иерархиясини белгилайди.

Ана шу принципларга таянилган ҳолда ўқув фаолиятининг юқорида таъкидланган турлари буйича ўқув мақсадлари таксономияси яратилди.

Маълумки, ПТнинг ўзига хос хусусияти олдиндан ўрнатилган мақсадларга эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёнини лойиҳалаш ва амалга оширишдир. Таълимни мақсадга кетмакет йўналтириш асоси тезкор алоқа ҳисобланиб, ўқув жараёнининг барча бўғинларига кириб боради. Шу боисдан таълимга технологик ёндашувда қуйидагилар ажралиб туради:

- мақсадларни ўрнатиш ва уларни мумкин қадар аниқлаштириш (бу босқичга ўқитувчи биринчи даражали аҳамият беради);

- бутун ўқиш жараёнини ўқув мақсадларига қатъиян қаратиш;

- ўқув мақсадларини мўлжаллаш ва шу тариқа натижаларни қўлга киритишга бутун ўқув давомийлигини йўналтириш;

- жорий натижаларни баҳолаш, ўрнатилган мақсадларга эришиш борасида ўқитиш жараёнини тузатиш;

- натижаларни якуний баҳолаш.

Ўқув жараёнини технологик жиҳатдан қуришнинг моҳияти аниқ белгиланган мақсадлар сари ҳаракатланиш ҳисобланади. Қуйида бугунги кунда бирмунча кенг тарқалган Б. Блум тизмининг когнитив соҳаси бўйича ўқув мақсадлари таксономиясини келтирамиз. У ўзида олти тонфадаги асосий ўқув мақсадларини қамраб олади: билиш, англаш, қўллаш, таҳлил, синтез ва баҳолаш.



1. Билиш. Бу даражада ўқув материалларининг асосий унсурларини эслаш, тушуниб етиш ва қайта тиклашга йўналтирилган ўқув мақсадларини ишлаб чиқишни кўзда тутлади. Бу даражадаги мақсадга уч тонфадаги билимларни шакллантиришни киритиш мумкин:

- хусусиятли билимлар (муддатлар, фактлар, сонлар, атама-лар, номлар);
- мулоҳазали билимлар (йўналишлар, мезонлар, синфлар, тоифалар);
- муайян билимлар (йўналишлар, мезонлар, синфлар, тои-фалар);
- абстракт билимлар (принциплар, аксиомалар, теоремалар, умумлашмалар, назариялар, тузилмалар).

2. **Англаш.** Бу даража, ўзида уч тоифадаги ўқув мақсадлари-ни мужассамлаштиради.

- кўчириш (яъни вазиятларни ўрганишда билимларни қўллаш кўникмаси);
- интерпретация (масалан, ҳисоблашда қўлга киритилган натижани оғзаки тушунтириб бериш);
- экстрополяция (масалан, эгалланган билимларни ўхшаш вазиятларга кўчириш кўникмаси).

3. **Қўллаш.** Бу даража асосан, ўқувчида амалий кўникма-ларни шакллантиришни назарда тутади.

- билимларни амалиётга қўллаш қобилияти;
- тушунчаларни қўллаш;
- алгоритмларни қўллаш;
- назарияларни қўллаш ва ҳоказо.

4. **Таҳлил.** Бу даража ўқув мақсадларини қуйидаги тоифа-лар бўйича аниқлаштиради:

- унсурлар таҳлили (бутунни қисмларга бўлиш, ажратиш);
- муносабатлар таҳлили (унсурлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш);
- тамойиллар таҳлили (унсурларни тизимлаштириш).

5. **Синтезлаш.** Бу даража «алоҳида қисмлардан яхлитини тузиш» кўникмасини шакллантириш бўйича ўқув мақсадлари-ни белгилайди:

- ғоялар синтези (масалан, муаммо ечими бўйича билдирил-ган ғояларнинг умумлашиши);
- мулоҳазалар синтези (масалан, шахс сифатларининг шакл-ланганлик даражалари, мезонларини ишлаб чиқиш);
- тузилма синтези (объект кўриниши чизмаси, координат ёрдамида функцияни ифодалаш).

6. **Баҳолаш.** Бу тоифа муайян мақсад учун у ёки бу матери-алларнинг аҳамиятини баҳолаш кўникмаларини назарда тута-

ди. Ўқувчи мулоҳазаси аниқ мезонларга таяниши зарур. Баҳолаш сифатида ички билиш ва ишончлар (аргументлаш, мантиқ) ҳамда ташқи мезонлар (қоида, меъёр)га таянилади. Мезонларни ўқувчининг ўзи аниқлаши ёки ташқи томондан берилиши мумкин. Бу даража олдинги тоифалар бўйича ўқув натижалари-га эришганлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

Шундай қилиб, ҳар қандай ўқув предмети мақсадларини ушбу таксономия асосида аниқлаштириш мумкин. Бунинг учун ўқув предметларининг мавзу (бўлим)лари вертикал устунга ёзилади. Ўқувчиларнинг ақлий фаолияти турлари эса горизонтал устунга қайд этилади. Улар мантиқий асосда маълум чорраҳада кесишади ва жорий ўқув мақсадига эришиш даражаси (билиш, аниқлаш, қўллаш, таҳлил) аниқлаштирилади.

Махсус адабиётларда Блум таксономиясининг турлича модификациялари келтирилади. Гап шундаки, бу таксономия, шубҳасиз, афзалликларга эга бўлиши билан бир қаторда баъзи бир нуқсонлардан ҳам ҳоли эмас. Инчунун, когнитив соҳаси бўйича ўқув мақсадларини тизимлаштиришга даъво қилинаётган таксономия билиш тузилмасининг қабуллаш, тафаккур, хотира каби даражаларида қаралмаган, баъзи бир ўқув мақсадлари ақлий фаолиятнинг турлича даражаларида такропланади. Шунга қарамасдан, ўқув мақсадларини фан мавзулари бўйича таснифлаш ўқитувчига ўз хусусий педагогик фаолиятини тўғри белгилашга, ўқувчиларнинг иафақат ички ҳолатини ифодалашга, балки шахс сифатида шаклланишига катта имконият туғдиради.

### **16.7. Ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлиги**

Бугун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазибаларни амалга ошириш учун ижодий педагогикага, ижодкор ўқитувчига эҳтиёж ниҳоятда ортиб бормоқда. Бир-биридан ажойиб мактаблар қурилиши, ўқув хоналари эса замонавий услубда жиҳозланиши мумкин. Янги ўқув дарсликларини нашр қилиши мумкин, лекин буларнинг ҳаммаси ҳали етарли эмас. Мактабга ҳақиқий педагог, ўқитувчи кириб келгандагина улар жонланади, ижодий педагогиканинг машъаласи учқунланади, педагогик назария ва тизимлар, кўрганмали қўллан-

малар ҳаракатга келади. Бугун таълим муассасаларига ижодкор ўқитувчилар керак. Президентимиз: «Замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийларнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак», деганда фидокор педагогларни назарда тутган эди.

Ижодий педагогик фаолият бу – инсон шахсини, унинг дунёқарашини, ишончини, онгини, хулқини шакллантиришга бўйсундирилган чексиз масалаларни ечиш жараёнидир. Психологик-педагогик адабиётлардаги педагогик фаолият турлари (таълим берувчи, ташкилотчилик, коммуникатив ва бошқа) қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Шу билан биргаликда, педагогик фаолият мунтазам ўзгарувчан, янгиланувчан, ривожланувчанлиги билан ажралиб туради: унга ижтимоий буюртма узлуксиз таъсир кўрсатади.

Ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш вазифаси ҳам бевосита ўқитувчидан ижодий фаолиятни, қолаверса, ишлаб чиқаришга тегишли бўлган соҳа билимларини талаб этади. Мадомики, технология мавжуд экан, уни таълим-тарбияга сингдириш шарт экан, бу жараён қаерда кечиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Жавоб аниқ: у, шаксиз, педагогик корхонада педагогик ишлаб чиқариш жараёнида рўй беради. Таниқли педагоглардан бири таъкидлаганидек: «Бизнинг педагогик ишлаб чиқариш ҳеч қачон технологик мантиқ бўйича қурилмаган, аксинча, ҳар доим ахлоқий ваъз (насиҳат) мантиғи бўйича қурилган. Шу сабабдан таълимда ишлаб чиқаришнинг муҳим бўлимлари шунчалик иштироксиз қолаяпти». Ушбу фаслнинг вужудга келиш сабабларидан бири ҳам ана шундай ҳолатдир.

Эндиликда педагогик атамалар таркибига «технология», «операция» (амал), «ишлаш қобилияти», «техник назорат», «допуск» (ўлчам фарқи) каби қатор тушунчаларни киритиш, уларнинг педагогик талқинини яратиш ва бевосита ўқитиш жараёнида қўллаш кундалик заруриятга айланмоғи даркор. Замонавий ўқитувчи фаолияти билимларни узатувчи оддий методист сифатида эмас, балки «Ўқитувчи технолог» нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

**Технология** бу – шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўзида жо қиладиган ва яқуний натижани таъ-

минлайдиган педагогик фаолиятдир. «Технология» тушунчаси регулятив (тартибга солиб турувчи) таъсир этиш кучига эга бўлиб, эркин ижод қилишга ундайди:

- самарадор ўқув-билиш фаолиятининг асосларини топиш;
- уни экстенсив (куч, вақт, ресурс, йўқотишга олиб келадиган самарасиз) асосидан кўра интенсив (жадал), мумкин қадар илмий асосда қуриш;

- талаб этилган натижаларни кафолатлайдиган илм-фан ва тажриба ютуқларидан фойдаланиш;

- ўқитиш давомида тузатишлар эҳтимолини лойиҳалаш методига таянган ҳолда йўқотиш;

- таълим жараёнини юқори даражада ахборотлаштириш ва зарурий ҳаракатларни алгоритмлаш;

- техник воситаларни яратиш, улардан фойдаланиш методикасини ўзлаштириш ва бошқалар.

Технология мураккаб жараён сифатида қатор ўқитиш босқичларидан, ўз навбатида бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос амаллардан иборат бўлади.

Амал – ўқитувчининг синфда мавзу бўйича ўқув элементларини тушунтириш борасидаги бажарган ишлари йиғиндиси бўлиб, ўқитиш жараёнининг шу босқичида тугалланган қисмини ташкил этади. Агар ўқув предметининг ҳар бир мавзуси алоҳида босқич ҳисобланса, шу мавзу бўйича ўқув элементларининг ҳар бирига алоҳида амал сифатида қаралиши мумкин. Амал технология асосини ташкил этиб, таълим мақсадини режалаштиришда ва амалга оширишда эътиборга олинган асосий элемент ҳисобланади. Амаллар бир қатор усуллардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳаракатларга бўлинади. Бошқача қилиб айтганда, бирор бир ўқув элементини тушунтириш учун ўқитувчи самарали таълим воситалари, методларидан фойдаланиш давомида у ёки бу алгоритмик ҳаракатни мақсадга мувофиқ ҳолда аниқ бажаради.

## 16.8. Педагогик технология принциплари

ПТ лойиҳалари ва улардан таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш маълум бир қонуниятларга асосланади. Бу асослар ПТнинг ўзига хос тамойилларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб беради. Бошқача айтганда, улар педагогик принциплар деб аталиши мумкин. Принцип лотинча сўздан олинган булиб, «асос», «дастлабки ҳолат», «бошқарувчи ғоя», «умумлашган талаб» каби маъноларни англатади. Уни олимлар турлича талқин қиладилар: В.И. Загвязинский – «дидактик ҳолат тавсияси», М.А. Данилов «ўқитишнинг меъёрий асоси», И.И. Кобиляцкий – «умумий талаб», И.Я. Лернер – «дидактик мақсадга эришишнинг усуллари» ва ҳоказо.

ПТ принциплари деганда лойиҳаланган ўқув-тарбиявий жараённи амалга оширишда юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёрлар ва талабларни тушунамиз (Н. Саидаҳмедов).

ПТ принципларини аниқлашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади:

- мавжуд жамият талабларига мос келадиган таълим-тарбия мақсади;
- дидактик жараённинг объектив қонуниятлари;
- таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган шарт-шароитлар.

ПТни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳам тузилиши ва моҳияти жиҳатдан яхлитлик принципига асосланади. Бу принцип технология лойиҳаси яратилаётганда педагогик тизимнинг барча элементларини ўзаро таъсири остида бўлишини ва ўзаро боғлиқлигини эътиборга олиш лозим.

Яхлитлик принципи ПТни ташкил этувчи элементлардан бирини янгиллаб ёки ўзгартириб, қолганларига тегмасликни, қайта қурмасликни инкор этади. Масалан, таълим мақсадини ўзгартириб, унинг мазмунини ёки ўқитиш жараёнини эскича қолдириш мумкин эмас.

Мамлакатимиз таълим тизимида чуқур ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилаёпти:

- таълим-тарбия мақсади янгиланди, эркин фикрлайдиган фуқаро, баркамол инсон шахснини шакллантириш;

- ижтимоий буюртма ўз навбатида таълим мазмунини тубдан янгилашни, янги ўқув дастур ва дарсликлар яратиш эҳтиёжини келтириб чиқаради;

- таълим-тарбиянинг янги мазмуни, ахборотларни ўқувчиларга маълум вақт доирасида етказиш жараёнини тезлаштирувчи воситаларни талаб қилади. Президентимиз И. А. Каримов томонидан олимларимиз олдига педагогик ва ахборот технологияларини яратиш долзарб вазифа қилиб қўйилапти.

ПТ мақсадли таълим-тарбия жараёнини тавсифлайди. Агар анъанавий педагогикада кўзланган мақсад муаммосига назариячилар томонидан ва амалиётда ҳам кам эътибор қаратилган бўлса, ПТда бу марказий муаммо ҳисобланади ва унинг икки жиҳати ажратилади:

1. Ташхисланадиган мақсадли таълим ва ўқув материални ўзлаштириш сифатини объектив назорат қилиш.

2. Умумий ҳолда шахсни ривожлантириш.

ПТ ўқув-тарбия жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва кейинги босқичда бу лойиҳани синфда амалга оширишни кўзда тутади. Бу олдиндан лойиҳалаш принциpidир. Ҳамма ҳам лойиҳа муаллифи бўлавермайди. Ўқитувчи эса «педагог-технология» соҳиби бўлиши учун унинг дидактик қонуниятларини билиши ва унга таяниши керак. Бу эса ўқитувчидан ижодкорликни талаб этади. Лойиҳаланаётган технология дарс мавзусига ажратилган вақт доирасида жорий этилади. Ўқув вақти ПТни олдиндан қуришда муҳим кўрсаткич ҳисобланади ва ўқитувчи уни ҳисобга олиши шарт. Лойиҳаланаётган дидактик жараён синф ўқитувчиларининг ўзлаштириш даражасига мос келиши, ҳамма учун тушунарли бўлиши жуда ҳам муҳимдир. Шундагина якуний натижа қўлга киритилади.

Якуний натижанинг кафолатланиши ПТнинг яна бир муҳим принциpidир. Бу тушунча аслида нисбий характерга эга, чунки тузилган технология амалга оширилгач, яхшими ёки ёмонми, қандайдир маълум бир натижалар бериши, ўқувчиларнинг ўқув материалларини турли даражада ўзлаштириб олишлари табиий.

Замонавий ишлаб чиқариш ўзида эгилувчан автоматлаштирилган тизимни мужассам этганлиги билан ажралиб туради. Технологиялар алмашувчанлик хусусиятига эга: зарурат туғилса, янги маҳсулот турига мос ҳолда ишчи ўринлари қайта

ташкил этилиб, технологик жараён тузилмаси зудлик билан ўзгартирилади. Технологиянинг бу сифат кўрсаткичи эгилувчанлик деб юритилади.

**Эгилувчанлик** янги ПТларга хос асосий принцип ҳисобланади; у ПТнинг қўлланилиш соҳаларини таълим мазмуни ҳажмига мос ҳолда кенгайтиради. Мавзу бўйича лойиҳаланаётган технология фан бўлишлари чегарасида эгилувчанлик хусусиятига эга бўлади. Ўқитувчи кам куч ва кам вақт сарфи эвазига фан мавзулари бўйича дидактик жараён тузилмасини ташхисли мақсадга мувофиқ тарзда алмаштира олиши ёки қайтадан лойиҳалаш мумкин. **Эгилувчанлик принципи** асосида яратилган ПТлар таълим босқичларининг турлари учун ҳам қўл келади. Бу ерда фан мавзулари сони бўйича ўқув элементи сони ва улар мазмунининг ҳажми жиҳатидан ўзгаради.

ПТ сифат кўрсаткичлари асосий мазмун қуйидагилар бўйича аниқланади:

1. **Замонавийлик.** Таълим амалиётига илмий асосланган ва тажрибада текширилган дидактикага оид янгиликлар, фаол методлар ва шакллар, тартиб-қоидаларни жорий этиш мажбурийлиги Миллий дастур ғоясидир. Таълимнинг тараққиёт даражаси унинг мазмунига киритилаётган фан-техника янгиликлари билан тавсифланади. Педагогик жараёнда сусткашликка, ҳаракатсизликка йўл қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда таълим инқирозга учрайди. Шунинг учун ҳам таълим мазмуни узлуксиз янгилаб бориш ПТнинг асосий шартларидан биридир. Ўқув дастурларидаги таълим-тарбиявий аҳамият кам бўлган тарихий материалларни чиқариб ташлаш, ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашлари, хулосалар чиқариши, ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнининг енгиллаштириш, эгаллаган билимларини амалга қўллай олиш имкониятларини вужудга келтиради. Ўқув материаллари тузилишида фанлараро алоқани тизлаштириб ихчамлаштириш имкони берилади. Шу билан ўқув вақтини тежаб, ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим ва кўникмалар ҳажмини камайтиришга олиб келади.

2. **Илмийлик.** Таълимнинг дидактик масалаларини белгилашга фаннинг абстракцион поғоналаридан тўғри фойдаланиш ҳисобига эришилади. Ўқитиш назарияси ва ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш техникасини доимий равишда ривож-

лантириш шарт. Шундагина замонавийлик тўғрисида ижобий фикрлар айтиш мумкин бўлади. Бу эса уз навбатида таълим-тарбия жараёнини узлуксиз тадқиқ қилиш, унинг натижаларини амалиётда қўллаш зарурлигини назарда тутати.

Ўқитиш технологияси таълимни илмий асосда такомиллаштириш, биринчи галда у ёки бу ечимнинг қиммати тўғрисидаги хусусий фикрга эмас, балки қабул қилинаётган ечимларининг илмий далилларга таянишини белгилайди.

3. **Ўқув жараёнини мақбуллаштириш** кам куч сарфи эвазига ўқитувчининг ўқувчини ўқитиш мақсадига эришишидир. Бу эса таълим жараёни учун энг маъқул шароит яратишни, лойиҳаланаётган дидактик жараён босқичларига ўқитиш методларини, шаклларини, техник воситаларни танлаш, белгиланган мавзу мақсадига мувофиқ тарзда ва ўқув миқдорини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш кераклигини талаб этади. Албатта, бу талаб: ўқитиш жараёни қаерда кечаяпти, ўқитувчининг касб маҳорати, имкониятлари қандай, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига таълим мазмуни тўғри келадими – шу каби қатор саволларга жавоб топиш кераклигини уқтиради.

4. **Ўқитувчи ва ўқувчининг дастурли фаолияти** ўқув жараёнидаги жамий ортиқча ҳаракатларни йўқотишга, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга ва пировардида кўзланган якуний натижаларни қўлга киритишга интилишни ифодалайди. Дидактик жараённи лойиҳалашда ўқитувчи «технолог» сифатида фаолият кўрсатади: ҳар бир дарсда таълим мақсадини аниқ ўрнатиши, ўтилаётган ўқув материаллари мазмунини саралашда ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини, фанни, баён қилишнинг илмий тилини ҳисобга олиши керак; ва ниҳоят, ташкилий шаклларнинг мосини танлаб, белгиланган вақт доирасида самарали дидактик жараённи ташкил этади. Бу кўрсаткич талабига мос ҳолда ўқувчи библиш фаолиятини амалга ошириш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўриши керак бўлади. Умуман, ўқув жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларнинг таълим мақсадига мос келишни чамаламасдан, шунингдек, ўқитиш давомида юзага келадиган воқулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб, ўқув жараёнини технологиялаштириш мумкин эмас.

**5. Ахборот технологияси** ва техник воситалар, самарадорлик, дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий ПТнинг энг асосий белгиларидир. Миллий дастурда ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Бироқ ахборот воситалари (компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение)дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади.

1. Ўқув жараёни учун ахборот воситалари самара берадиган мавзунини аниқлайдиган дидактик материалларни ишлаб чиқиш.

2. Ўқитувчиларнинг ўз амалий фаолияти мобайнида техник воситалар ва дидактик материалдан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш. Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалаштирилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараёнини компьютерлаштириш истиқболли йўналишлардан бири ва ПТнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

6. Ўқув жараёнининг замонавий моддий-техник базасига эътибор бўлиши ПТнинг навбатдаги сифат белгисидир. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун янги база яратиш, унинг таркибий тузилишини лойиҳалаш ҳам назарий ва эмперик тадқиқотлар асосида амалга оширилади. Масалан: қувватли техника-технологиялардан фойдаланиш қатор меъморий ечимларни ўқув биноси лойиҳаланаётгандаёқ ҳисобга олиниши, тегишли қулай шароитлар (иклим, ёруғлик, мебел ва ҳоказо) билан таъминланишини тақозо этади. Аудиториядан тортиб нашриёт базасигача таълим воситалари таркибига кириб, уларсиз замонавий технологияларни тасаввур қилиб бўлмайди.

7. Ўқув-тарбия жараёни натижаларини объектив назорат қилиш ва сифатли баҳолаш ПТнинг ўз олдига қўйган натижавий мақсадидир. Жаҳон педагоглар уюшмаси томонидан тан олинган икки назорат тури мавжуд: объектив ва субъектив. Субъектив усулда билим ва кўникмаларни текшириш ўқувчи олдида қўйилган саволга олиндиган жавобни топишдан ҳосил қилинган таассурот остида ўқитувчи томонидан амалга оширилади ва ўқувчи жавоби ҳеч қандай ўлчов ва сифат мезони билан таққосланмайди. Масалан, имтиҳон саволларига оғзаки жавоб беришни баҳолаш ёки ёзма ишларни текшириш

субъектив назоратдир, сабаби баҳолаш сифатининг объектив-лигига қўйилган талаблар олдиндан шакллантирилган ўлчов билан солиштирилмайди.

Билим ва кўникмаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг объектив усулида ўқитувчи ўз ҳукмини ўқувчининг жавоби, амалий ҳаракатини белгиланган таълим мақсадига мос ҳолда маълум усуллар ёрдамида аниқлаган сифат мезонларини акс эттирувчи ўлчовлар билан солиштириш асосида қабул қилади.

Субъектив назорат қилишда нафақат мулоҳаза қилиш ва баҳолаш аниқлиги йўқолади, балки бўлажак мутахассис шахсини шакллантиришда тузатиб бўлмас хатога йўл қўйиш мумкин. Масалан: ўқувчининг баҳолаш тўғри қўйилганини инкор этиши ёндашишни юзага келтиради. Афсуски, узоқ йиллар давомида ўқувчилар билимини субъектив усулда назорат қилиб келдик. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳар доим ҳам ижобий муносабатларни шакллантиришга кафолат бўла олмайди.

**Тест** – объектив назорат қилиш усули бўлиб, бугун амалиётда кенг қўлланилаяпти. Тестга бир қатор талаблар қўйилиб, улар ичида энг асосийлари: мослик (адекватлилик), оддийлик, аниқлик ва муайянликдир.

**Мослик.** Тестнинг мослиги деганда тест топшириқларининг ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган билимлар мазмун-маъно доираси билан тўлиқ равишда ва аниқ мос келиши тушунилади. Тестнинг мазмунан мослиги дастлаб назарий таҳлил (экспертиза) орқали, сўнгра эса экспериментал усулда текшириб кўрилади. Назарий таҳлил давомида тестнинг мазмуни ўқув дастури ва ўқув қўлланмаси билан таққосланиб, унинг тўғри ёки нотўғри тузилганлиги ҳақидаги хулосага келинади. Бу борада ўқитувчи фаоллик кўрсатиб, ҳар бир фандан тузилган тестни комиссия кўригидан ўтказиши керак. Акс ҳолда, мослик талаби чегарасидан чиқиб кетиш мумкин.

**Аниқлик.** Тестни лойиҳалашда уларнинг аниқлик даражасига алоҳида эътибор қаратиш керак. Ўқувчи тестни ўқиши билан дарҳол қайси фаолиятни бажариш зарурлигини, қандай билимларни ва қайси ҳажмда намоёиш қилиш чегарасини чуқур англаб олиши керак. Тестнинг аниқлик даражасини таъминлаш учун улар кетма-кет серияли экспериментлар ёрдамида текширилиб кўрилади.

*Оддийлик.* Бу талаб тест мазмунида мумкин қадар топшириқларнинг ифодаланиш фаолият турига қараб содда ва тўғри чизиқли ҳолатда бўлишини эътироф этади. Бунинг учун тест топшириқлари маълум доира чегарасида ечилиши мумкин бўлган масалалардан ташкил топиши керак. Агар бир топшириқнинг ўзида ечимини кутаётган бир неча масалалар мавжуд бўлса, у ҳолда биз ўқувчи учун сунъий қийинчилик туғдирамиз. Чунки улар тестда барча саволларни англаб олиши ва уларни хотирасида доимо сақлаб туриши керак, улардан бирига жавоб бераётиб, бошқаларига ҳам жавоб беришни унутмаслиги керак. Агар номаълум сабабга кўра саволларнинг бирини унутса ва унга жавоб бермаса, бу ҳол ўқувчи билиминининг нотўғри баҳоланишига сабаб бўлиши мумкин; аслида сабаби эътиборсизлик бўлишига қарамай, тестларни ечишда ўқувчилар фаолиятини мавзуга тааллуқли бўлмаган саволлар билан чалғитиш ва мураккаблаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Уларга оддийлик талабига жавоб бера оладиган кетма-кет тест таклиф этилгани маъқул.

*Муайянлик.* Тестга қўйилган бу талаб унинг бажарилиш сифатини барча экспертлар (имтиҳон олувчи, мутахассис ва ҳоказо) томонидан баҳолашда қарама-қаршилиқлар юзага келмаслигини тақозо этади. Тест таркибида ишончли ишлов беришга имкон бера оладиган, аниқ ва ўзгармас натижа олиш мумкин бўлган алоҳида топшириқлар ажратиб кўрсатилиши керак. Тест тузишда маълум фаолиятни акс эттирадиган топшириқларни ифодалаш билан чегараланмасдан, балки ўзида ўлчов тизими ва баҳолаш сифатини мужассамлаштира олган эталонни ишлаб чиқиш керак.

Ўқувчи фаолиятига бажариш сифати бўйича хулоса чиқарувчи бундай бўлинмалар тестнинг муҳим амаллари дейилади. Тест амали деганда синалувчининг тест шартига биноан уни ечишда бажарган алоҳида ҳаракати тушунилади. Жиддий амаллар эса маълум предмет бўйича ўқувчи билимини текширишнинг мақсадини аниқ ифода этувчи амаллардир. Тестнинг бу амаллари сонини ажратиш ва ҳисоблаш учун уларни тез топиш мақсадида эталонда турли усуллар билан белгиланади. Масалан, тартиб рақами билан ажратиб кўрсатиш, қавс ёрдамида ва ҳоказо.

Ўқитувчилар билимини баҳолаш жараёнини объективлаштириш мақсадида топшириқларнинг юқорида айтиб ўтилган талабларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириш зарур. Шу йўл билан кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Табақалаштиришда ҳар бир ўқувчининг маълум фан бўйича ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини тўрт турга бўлиб, шунга мос равишда тест топшириқлари тайёрланади:

- биринчи даражали тест – номахсус фаолият;
- иккинчи даражали тест – алгоритмли фаолият;
- учинчи даражали тест – маҳсулдор ижодий фаолият;
- тўртинчи даражали тест – маҳсулдор эвристик фаолият.

Топшириқларни табақалаштиришда бир неча кўрсаткичлар эътиборга олиниши керак: жумладан, топшириқ ҳажми, уни бажариш учун зарур бўлган фикрлаш фаолиятининг тури (қайтариш, билимларни қўллаш, ўқув муаммосини янги усулда ечиш, қўшимча адабиётлардан янги маълумотлар олиш, дастурлаштирилган жавобларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги).

Дастлабки икки гуруҳ тест шу билан фарқланадики, топшириқларни бажариш учун номахсус фаолият талаб этилади, холос. Учинчи, тўртинчи даражали тестларни ечиш учун эса ижодий характерга эга бўлган фикрлаш фаолиятини, яъни ижодкорликни намоён қилиш зарур. Бундан ташқари, биринчи, иккинчи даражали тест топшириқлари мураккаблиги жиҳатидан кам фарқ қиладиган масалалардан иборат бўлиши мумкин.

Ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолашда автоматлашган назорат воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ПТ шуғулланиши лозим булган йўналишдир. Бу йўналишда Давлат тест марказида катта тажрибалар тўпланди ва ўз ахборотномаларида улар билан кенг китобхонлар оммасини таништириб бормоқда.

ПТ педагогик ва бошқа бир қатор фанлар ютуқлари билан боғлиқ хусусий назарияга эга бўлиб, у биринчи галда ўқув-тарбиявий, илмий асосда қуришга йўналтирилгандир; фаол методлардан самарали фойдаланишга асосланган ўқитувчиларнинг дастурли фаолиятига педагогик технология замин яратади.

## 16.9. Ақлий ҳужум

Ақлий ҳужум методининг моҳияти жамоа ҳамкорлиги асо-сида муаммони ечиш жараёнларини вақт бўйича бир қанча бос-қичларда ажратилган иборат.

Дарс жараёнида «Ақлий ҳужум»дан мақсадли фойдаланиш ижодий, ностандарт тафаккурланишни ривожлантириш гар-ви ҳисобланади. «Ақлий ҳужум»ни уюштириш бирмунча сод-да бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда, ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимини топишда ҳам жуда қўл келади. Дастлаб гуруҳ йиғилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Бу муаммонинг ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрларини билди-радлар. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзга киши ғояларига «ҳужум» қилиши ёки баҳолашга ҳаққи йўқ. «Ақлий ҳужум» йўли билан қисқа дақиқаларда ўнлаб ғояларни юзага чиқариш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслида ғоялар сонини қўлга киритиш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу метод шартлари-дан бири ҳеч қандай ташқи таъсирсиз қатнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштирокчи бўлиши керак. Билдирилган ғояларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб, му-аммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади.

«Ақлий ҳужум»да қуйидагиларга риоя қилиш керак:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- ишнинг сифатига эмас, сонига эътибор қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши;
- исталган ғояни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлан-тиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватлана-ди;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи ( фарази) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади.
- ҳужумни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилини-ши шарт;
- берилган саволларга қисқача жавоб бериш кўзда тутилади.

**Вазифаси.** «Ақлий ҳужум» қийин вазиятлардан қутилиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайти-

ришга, фикрлаш бир хиллигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккур қилиш имкониятини беради. Энг асосий муаммоларни ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади, гуруҳ (синф) янада жипслашади.

**Объекти.** Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб, тадқиқотчиликда янги муаммони ечишга имкон яратади, ўқитиш жараёнида ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади, ривожлантиришда ўз-ўзини бир-мунча самарали бошқариш асосида фикрлашни шакллантиради.

**Қўлланиш усули.** «Ақлий ҳужум» иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдириши мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини хотирасида қайтадан тиклаш имкониятига эга бўлади. Методнинг самараси: фикрлар хилма-хиллиги қайтадан тавсифланади ва ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. «Ақлий ҳужум» тугагач, муаммони ҳал этиш учун муҳимлик жиҳатига кўра яхши таклифларнинг энг зарурларига таянилади.

Аслида бу метод муаллифлари қомусий олимларимиз: Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний каби алломалар бўлиб, улар ўзларини қийнаган муаммоларни ечишда шу методлардан кенг фойдаланишган. Улар бу методни «кенгаш», «машварат», «маслаҳат» деб аташган. Соҳибқирон Амир Темур салтанатнинг олдида турган муаммоларни ечишда машварат чақириб, барча сарой аҳлининг, вазиру уламоларнинг, фарзандларининг фикрларини диққат билан эшитган ва улар асосида ягона ҳукм чиқарган. Бу ҳолатлар кўпроқ ҳарбий юришлар олдидан чақирилган машваратларда намоён бўлади. Агар ганим устига лашкар тортмоқчи бўлса: «...уруш-ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларимнинг бу икковидан қай биринга мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, унинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрардим, агар урушга мойил бўлсалар, унинг наф ва фойдасини яраш зиёнига таққослаб кўрардим, қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр қилардим». («Темур тузуклари», 1996) Бундан эса «Ғарбнинг Шарқдан ўрганган» лигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

## САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Янги педагогик технологиялар ҳақида фикрингиз.
2. Технология соҳасида ишлаган буюк олимлар.
3. Педагогик технология концепцияси деганда нимани тушунасиз?
4. Таълимни жадаллаштириш технологияси ҳақида тушунча беринг.
5. Ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлиги ҳақидаги фикрингиз.
6. Педагогик технология принциплари ҳақида фикрингиз.

## Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати

1. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: «Педагогика», 1989.
2. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: 1995.
3. Йўлдошев Ж.В. Янги педагогик технологиялар йўналишлари. «Халқ таълими» журнали, 1999, 4-сон.
4. Кларни М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта. – М.: «Знание», 1989.
5. Кларк М. Технология образования или педагогическая технология, перспективы 1983, №2.
6. Очлов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: «Насаф», 2000.
7. Саидаҳмедов Н.С. Ўқитувчининг педагогик тизимдаги фаолияти. «Халқ таълими» журнали, 1993, 6-7-сонлар.
8. Саидаҳмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: 2003.

ЎҚИТУВЧИ ПСИХОЛОГИЯСИ

Ўқитувчилик. мураббийлик – шарафли касб. Жамият ўз бағрида баркамол, етук ҳозирги замон ўқитувчилар авлодини воёга етказишга интилар экан, бу шарафли вазифани амалга оширишда энг катта масъулият яна педагоглар зиммасига тушади.

Давлатимизнинг асосий вазифаси ҳозирги замон ёшларидан истиқлолимизнинг юксак талаблари даражасидаги бўлғуси ўқитувчилар таркибини шакллантиришдир. Ўқитувчи табиатига хос психологик хусусиятлардан яна бири ноёб қобилиятга эга бўлган, фавқулотда истеъдодли, маҳоратли, ҳаётда мўъжизалар, кашфиётлар яратишга қодир ижодкор ёшларни тарбиялаб етиштиришдир. Гарчи бунинг имкони ўқитувчилар учун бир қадар қийин бўлса-да, ҳақиқий ўқитувчининг бу соҳада қилаётган ҳаракати ҳеч қачон сўнмайди. Ўқитувчиларда ўз имконияти доирасида, устун тушунчаларни бўлғуси ўқитувчиларга ўргатиш эҳтиёжи доимо уларни ўзинга жалб қилаверади. Шундай экан, биз ўқитувчи психологияси, унинг кенг руҳий олами ҳақида нималарни биламиз? Ўқитувчи психологияси, яъни унинг шахсий ҳамда касбий сифат ва фазилатлари қандай бўлиши лозим? Бўлғуси ўқитувчиларга, уларнинг ўқитувчилик қобилиятларига мос тушадиган қандай психологик таъсиялар бера оламиз? Шу нарса аниқки, мактабда, дарсда ва дарсдан ташқари ҳолатларда ўқувчиларга ҳар томонлама ижобий таъсир этишда ўқитувчининг тарбиявий кучидан қудратлироқ куч йўқдир. У болаларга ўзининг фикрлари, сўз ва иборалари, шахсий намунаси, кишиларга бўлган муносабати, ақлидроки, иродавий намунаси билан амалий таъсир этади. Шунинг учун бўлғуси ўқитувчи: *биринчидан*, ҳаётда меҳнат фаолияти сифатида ўқитувчилик касбини танламоқчи бўлса, бу касбга онгли равишда ёндашмоқ ва уни мустақил ўргангиш жараёнида ўзи ҳал қилмоғи лозим. Яъни ўзи яшаётган ҳудуд на вилоятнинг ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжи, танланадиган касб талабларига бўлғуси ўқитувчининг қизиқиши, мойиллиги, қобилияти, соғлиғининг анатомик-физиологик жиҳатдан мувофиқ келиши, кузатишлар даврида орттирилган ама-

лий тажрибаси, меҳнат шароити, ўқитувчилик касби талаб эта-  
диган муҳим психологик омиллар ҳисобга олинсагина бу касб-  
ни онгли равишда танлаган деб ҳисоблаш мумкин. *Иккинчи-  
дан*, эркин касб танлаш деганда, ўқитувчининг бу соҳага та-  
биатан қизиқиши, ташаббускорлиги, таълим жараёнида тула  
намоён бўлиши тушунилади: яъни психик жараёнлари: хотира-  
си, диққати, нутқий талаффузнинг самарали ишлаши, тафак-  
курнинг мустақил ва мослашувчан бўлиши, эмоционал туйғу  
ва иродавий сифатларнинг шаклланганлиги, дадиллик, сабр-  
тоқат, қатъият, ўзини тута билиш қобилияти ва шу кабилар.  
*Учинчидан*, ўқитувчилик касби касб эгасидан эркин фикрга эга  
бўлишликни, мушоҳада қобилиятининг, эркин сўз айтишга  
қодирлигини, ўз интеллектуал интилиши ва салоҳияти, профес-  
сионал маҳорати, иродавий сифатларига ўзи онгли равишда  
баҳо беришини талаб этади. Бу жараёнда ўзига-ўзи баҳо бе-  
риш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун ҳам  
бўлажак фан ўқитувчилари мактаб раҳбарларининг шу соҳа-  
да йиллар давомида орттирган тажрибаларига амал қилиши  
муҳим аҳамиятга эгадир. *Тўртинчидан*, ўқитувчининг педаго-  
гик фаолияти жараёнида унинг хулқ-атвориغا, қизиқиш-мой-  
иллигига, характериغا, қобилияти ва ўқитувчилик маҳорати  
қай даражада эканлигига ҳаммадан кўра кўпроқ мактаб раҳ-  
барлари ва кенг жамоатчилик холисона фикр билдириши мум-  
кин. Бўлажак ўқитувчи ўз касбини онгли равишда танлаши ке-  
рак, деган гапнинг ижтимоий моҳияти шундаки, ўқитувчи ўзи-  
нинг интеллектуал имкониятларини жамиятимиз эҳтиёжлари,  
унинг маънавий-ахлоқий тамойиллари билан таққослаб кўри-  
ши зарур. Бунда фақат мустақил республикамизнинг бугунги  
кундаги эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олиш билан  
чекланиб қолмай, таълим тизимини Ватанимизнинг социал-  
иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган тал-  
бирларни ҳам назардан қочирмаслик муҳимдир. Бўлғуси  
ўқитувчи ўз устида ишлашни, ўз профессионал фаолиятини,  
эмоционал ва ирода кучини шакллантиришни унутмаса, ҳеч  
қачон кам бўлмайди, лекин бу ишни дастлаб ўқитувчилик йил-  
ларидан бошласа, самарадорлиги янада яхши бўлади.

Юқорида баён қилинган ўқитувчилик касбига тайёргар-  
лик даври, касбни янада такомиллаштиришнинг тўртта йўна-  
лиши миллий омилни ўқитувчининг фаолиятига тўлароқ са-

фарбар этишга йўналтирилган бўлади. Фан ўқитувчилари касбий тайёргарлигининг миллий-психологик асосларини ўрганишимиз ва таҳлил қилишимиз бўлғуси ўқитувчиларни миллий ўзига хосликка тайёрлашни бир неча босқичда амалга ошадиган психологик жараён сифатида кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади. *Биринчи босқичда* ўқув-тарбия жараёнининг миллий тамойиллари ва миллий характери ҳақида дастлабки амалий тасаввурлар шакллантирилади; касбий тайёргарлик жараёнининг объекти ва субъектига хос, таълим ва тарбиянинг мазмундаги ўқув-тарбия жараёни шароитидаги ва бошқарувдаги миллийликнинг турли кўринишлари билан танишилади. *Иккинчи босқичда* миллатнинг этнопсихологик хусусиятларини, миллий характери, миллий қадриятлари, миллий онги ва ўзини ўзи англаш, миллий эстетикаси, миллий кечинма ва кайфиятлари, ижтимоий турмуш тарзини, ҳудуднинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини чуқурроқ илмий-амалий асосда ўрганилиши зарур бўлади. *Учинчи босқичда* педагогик жиҳатдан миллий ўзига хосликни эгаллаш ва миллий ўзини ўзи англаш юзага келиши лозим. Бунда:

– ўзининг ижтимоий, миллий ва диний мансублиги ҳақида ёрқин тасаввурларни шакллантириши;

– миллий ўзини ўзи англашнинг дунёқараш компонентини кенгайтириш;

– ҳиссий қадриятли компонентни ҳисобга олиш ва қўллаш;

– ҳулқнинг педагогик мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назардан миллий стереотипларининг ҳосил бўлиши (шаклланиши).

*Тўртинчи босқичда* захирадаги имкониятларни илмий-амалий таҳлил қилиш ва муайян педагогик жараёнда миллий омилдан фойдаланишнинг педагогик имкониятларини излаш малакалари шакллантирилади.

Ўқитувчи касбий тайёргарлигининг тўртинчи йўналиши уларнинг онгида маданият ва фаннинг тўғри нисбатини шакллантириш билан боғлиқдир. Бу вазифа ўқитувчининг маънавий эътиқоди ва ишончига, шу жумладан, илмий қарашларига ҳам ҳурмат ҳамда бағрикенгликни тарбиялашдир. Шунга қарамасдан, бугунги кунда баъзи ёшларнинг ўқитувчилик касбини танлашларида ва танлаган касбига номуносиб ҳолатларнинг учраши, касбий шаклланишдаги сусткашликлар танлаш жараёнидаги

касбий йўналтириш ва шахснинг қадриятлари ўртасидаги муносабатларнинг уйғун шаклланмаганлигидан деб айтишимиз мумкин.

Бўлғуси ўқитувчиларнинг ҳақиқий касб эгаси бўлиб шаклланишларида мотивлар билан установакалар орасидаги боғлиқлик масаласи қайсидир маънода етакчи ўрин эгаллайди.

Мотивлар касбга йўналтирувчи куч ҳисобланса, касбий йўналтиришлар эса касбнинг аниқ ва тўғри танлангани, шахснинг касбга *идентификациялашганлиги* (тенглаштирилиши) ва бошқа жиҳатлари юзасидан қарорлар қабул қилишга хизмат қилади.

Юқорида биз тўғри касб танлаш осон иш эмаслиги тўғрисида тўхталиб ўтдик. Президентимиз И.Каримов ўзининг маърузаларидан бирида: «Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг «калитини» ҳисобланади», деб эътироф этиши, барча соҳаларда бўлгани каби ўқитувчилар тайёрлаш соҳасида ҳам катта муаммолар ўз ечимини кутиб турганига ишора эди. Чунки, зийрак, интеллектуал қобилияти кучли ўқитувчи ўта сезгир бўлади; ўқувчиларнинг кайфиятини, руҳиятини, хоҳиш ва истакларини осон англайди, қалбидан ўтказади. Меҳрибон ўқитувчининг юраги шогирдларининг кўксига уради. Замонамиз ўқитувчилари ана шу маънавий мукофотга лойиқ бўлишлари лозим.

## 17.1. Ўқитувчининг маънавий-сиёсий эътиқоди

Ўқитувчилик касби бугун ёки кечагина пайдо бўлган эмас, унинг келиб чиқиш тарихи олис ўтмиш билан боғлиқ. Лекин ҳозирги замон ўқитувчисининг маънавияти, сиёсий эътиқоди қандай психологик омилларда аниқроқ кўринади? Ўқитувчининг қалбида қандай руҳий олам яшайди? Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бу масала ҳозирги замон ўқитувчилари фаолиятида ечимини кутаётган катта муаммолардан биридир.

Келинг, шу хусусда батафсилроқ мулоҳаза юритайлик.

*Биринчиси*, ўқитувчилик касбида сиру санъат кўп. Ҳақиқий ўқитувчи ўзи тарбиялаган ёки тарбиялаб улгурмаган шогирдлари руҳияти билан яшайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчи халқининг меҳнат ўлчови бутунлай бошқача. Унинг қалбини ҳали ҳеч ким кашф этмаган, сирли тубида истиқлол авлодининг руҳий кечинмалари, ўй-ташвишлари яшайди. Энг қизиғи шундаки, бутун борлиғи билан таълим-тарбия меҳнатига берилган моҳир ўқитувчилар табиатида йиллар мобайнида профессионал ўқитувчилик маҳорати шаклланиб боради. Аввал ўзига сирли ёки қийин туюлган кўп нарсалар, жумладан, психологик хусусиятидаги *оқиллик* вақт ўтиши билан ўзгариб, унинг ўрнини ўқитувчилик касбининг салоҳияти, фикрлар кураши, ижтимоий-психологик тасаввурлари уйғунлашувининг мустақиллик натижалари, масъулиятлари эгаллайди. Шу тариқа оддий ўқитувчи ўз овози, ўз фикри, ўз мулоҳазаларига эга бўлган, истиқлол даври талаб этган ўқитувчига айланиб боради.

*Иккинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг яратилиши таълим соҳасидаги алоҳида тарихий босқич ҳисобланади. Ҳаётга тадбиқ этилган дастурнинг диққат марказида ўқитувчи шахсини шакллантириш ва уни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий субъекти сифатида қабул қилиниши тақозо этилади. Бу улкан вазифани ҳал этиш, маромига етказиш инсоннинг психологик омиллари билан боғлиқ бўлиб, бунга психология фанларида асосий ўрин ажратилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> М.Г. Давлстшин. Олий педагогика ўқув кўрсаткичларининг ўқув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг илмий асослари. — Тошкент: 2000 й., 3-5 бетлар.

*Учинчидан*, Президентимиз И.Каримов ўзининг қатор асарлари ва маърузаларида, турли чиқишларида мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, таълим ислоҳотларини жадаллаштиришда ўқитувчи кадрларнинг роли муҳим эканлигини доимо таъкидлаб, бу масала ҳозирги куннинг устувор вазифаларидан бири эканлигини доимо эътироф этиб келмоқдалар. Дарҳақиқат, ҳар қандай давр ва педагогик тизимда тузган режамиз, қонунларимизнинг рўёбга чиқиши, тараққиётимиз одимлари, қўйингки, келажак авлодларимиз кайфиятига боғлиқ барча ҳаётий нарсаларнинг аҳволи бугунги кунда мактабларимизда қандай ўқитувчилар ишлаётганига боғлиқдир.

*Тўртинчидан*, мактабда мустақил фикрловчи ўқитувчилар жамоасини шакллантириш. Юқори педагогик билимга эга бўлган, замон талабларига жавоб берувчи ёш ўқитувчилар оммасини тарбиялаш, уларни маънавий-сиёсий эътиқодли, юксак маданиятли инсонлар қилиб шакллантириш олий ўқув юртларининг, ҳар бир мактаб ўқитувчиларининг бурчидир.

Ўқитувчи маънавиятида мустаҳкам билимни таркиб топтириш, унинг эътиқодга айланишини таъминлаш орқали ўқитувчининг ўз сиёсий йўлидан қайтмаслиги, турли экстремистик оқимларга қўшилмаслиги ва миллий мафкуравий ғояларни қўллаб-қувватлашни юзага келтириш мумкин. Хуллас, ўқитувчининг вазифаси талабага яқинроқ бўлиш, уларнинг ҳақиқий устозига айланишдан иборатдир. Ҳамкорлик педагогикаси орқалигина юқорида айтиб ўтилган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш мумкин бўлади. Энди ўқитувчининг маънавий-сиёсий эътиқод мотиви унинг шахсида шаклланиб бориши ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бунга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин бўлади.

**Эътиқод тушунчаси** киши онгида чуқур ўрнашиб қолган ва амалга оширилиши шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилиш, хатти-ҳаракат ва дунёқарашлар тизимидир.

Эътиқод эркинлиги ўқитувчи турмушининг муайян шароитлари таъсирида шахснинг амалий ҳаёти, ижтимоий фаолияти, жамият маънавий бойликларини эгаллаш, муайян ахлоқ қондалари ва мезонларини обдон ўзлаштириб олишга интилиши жараёнида пайдо бўлади ва шаклланади. Бундан ташқари, эъти-

қод эркинлиги инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ичида марказий ўринда турувчи қадрият ҳам ҳисобланади. Уни ўқитувчининг маънавий оламини, дунёқарашларини белгиловчи, шакллантирувчи асосий омил дейиш мумкин.

Эътиқод тушунчаси сиёсий, ахлоқий, илмий, диний каби турларга бўлинади. Инсон ўз ҳаётида шу турлардан бирига алоҳида ихлос қўйиши, шу турни ўз турмуш тарзи, хатти-ҳаракатлари, орзу-мақсадлари, интилишларини белгиловчи тамойиллар сифатида қабул қилиши мумкин.

Эътиқод эркинлиги яқин ўтмиш истибдод тузуми шароитида ниҳоятда бир томонлама талқин қилинар ва у фақат коммунистик ғояларга эътиқод сифатида тушуниларди. Ҳолбуки, борлиқни идрок қилишда, унга ўз муносабатини билдиришда ва шунга қараб хатти-ҳаракат қилишда инсон онгининг бениҳоя турли имкониятлари намоён бўлади. Бундай фикрлардаги хилма-хилликни инкор этиш ва эътиқод эркинлигини бир қолипга, яғона мезонга солиш ўқитувчи руҳиятидаги тафаккур қонунларига зиддир: у тафаккурнинг ўсишини, ўқитувчи салоҳиятининг шаклланишини чегаралаб қўяди.

Мустақил Ўзбекистон ўз асосий қонунини тайёрлашда ва қабул қилишда тафаккурнинг шу хислатини ва илғор мамлакатлар тарихий тажрибасини инобатга олди. Республика Конституциясининг 29-моддасида бу эҳтиёж ва ҳаёт талаби ўз аксини топди. 12-моддада «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади» дейилган. Айни вақтда, давлат фуқароларда умумбашарий ва миллий қадриятларга асосланган юксак эътиқод туйғуларини тарбиялашга кўмаклашади. Аммо эътиқод эркинлигини мутлақ чекланмаган деб тушуниш нотўғри бўлади: у давлатнинг конституциявий асосларига ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилмаслиги керак.

Шундай экан, эътиқод эркинлигини талқин қилиш ва амалиётга татбиқ этиш мустақил Ўзбекистонда ҳал этилаётган энг мураккаб вазифалардан биридир. Бунинг боиси коммунистик эътиқоддан мустақиллик эътиқодига кўчишнинг ички зиддиятлилигидадир. Миллий истиқлол эътиқодини ўз онгининг таркибий қисмига айлантириб улгурмаган халқ 1917 йил октябр воқе-

аларидан сўнг коммунистик эътиқоднинг мажбуран онгига жойлаштириш механизмига тўқнаш келди. Ҳукмрон мафкура ва давлат тузуми бизга етмиш йилдан ортиқ давр ичида «эътиқод фақат марксча-ленинча бўлиши мумкин» деб уқтирди ва бундай қарашни шубҳа остига олувчиларни аёвсиз таъкиб остига олиб келди.

Демак, ривожланиб улгурмаган миллий онгимиз ва эътиқодимиз коммунистик тарғибот ва ташвиқот тазйиқида бир томонлама шаклланди. Биз XX асрнинг охириги ўн йиллигига, мустақиллик бўсағасига нотўғри шаклланган эътиқод билан келдик. Афсуски, кўпчилик одамлар истибдод даврида шаклланган эътиқодларини ягона тўғри ва илмий эътиқод деб биладилар. Ҳақиқий эркин эътиқод, ҳуқуқий давлат, демократик жамият нима эканлигини билмаган ва турмуш тажрибасида си-наб кўрмаган баъзи бир гўр ёшлар мустақиллик арафасида ва мустақиллик эълон қилингандан сўнг тубдан ўзгарган янги вазиятда ўзларини йўқотиб қўйдилар, тўғри йўл тополмадилар. Ўзбекистон шароитига Ғарб андозаларидаги сиёсий фаолият турларини киритмоқчи бўлдилар ва ўз куч ҳамда ғайратларини митингбозликка, намойишкорликка, мажлисбозликка, фитначилик ва игвогарчиликка, эскирган сиёсий ихтилофларга сарфладилар.

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг, таълим муассасаларидаги тажрибали ўқитувчиларнинг ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри ташкил этишлари ва ўз вақтида кўрган амалий чоралари жараённинг мураккаблашиб кетишига йўл бермади. Ўқитувчиларнинг юқори ижтимоий онглилиги уларнинг ўқувчилар, кенг жамоатчилик орасида обрўсини ошириб бормоқда. Бу обрў ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятлари ва ўзлаштиришларининг яхшиланишини таъминлайдиган энг муҳим психологик омиллардан биридир. Демак, ўқитувчининг эътиқоди унинг шахсига хос бўлган бир қанча сифатлар ақл-заковати, иродаси, ҳиссиётлари, характериға хос хусусиятлардан таркиб топади. Бундай эътиқодли хусусиятлар билан шаклланган ўқитувчи муваффақиятли ишлайди ва оз меҳнат сарфлаб, катта натижаларға эришади. Бу, албатта, туғма эътиқод эмас, балки эътиқоднинг меҳнат жараёнида шаклланган кўринишидир.

Бундан ташқари, бугунги кунда ўқитувчиларимизнинг маънавий-сиёсий эътиқоди ва баркамоллиги ўзининг амалий натижаларини кўрсатмоқда. Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ўқитувчининг маънавияти, ақлий-ахлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунча унинг маънавиятидир. Бу энг аввало, ўқитувчининг меҳрибонлиги, халқига муҳаббати, ватанпарварлик каби туйғуларига ўз ифодасини топади.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
---------------	---

### **БИРИНЧИ БОБ. АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФЛАРИ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОД МЕТОДЛАРИ**

1.1. Амалий психология ҳақида умумий тушунча .....	6
1.2. Амалий психология фанининг муҳим вазифалари .....	11
1.3. Амалий психологиянинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни .....	13
1.4. Амалий психология фанининг асосий қонуниятлари ва улардан фойдаланиш .....	15
1.5. Амалий психологиянинг илмий тадқиқод методлари .....	18
Кузатиш методи .....	21
Ўз-ўзини кузатиш методи .....	22
Сиргдан кузатиш методи .....	23
Эксперимент методи .....	25
Сўроқ-суҳбат методи .....	27
Шахс фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш методи .....	28
1.6. Таълим жараёнида интерфаол ва инновацион технологиялар методидан фойдаланиш .....	29
Ақлий ҳужум .....	30
Фикрлар ҳужуми .....	31
Тармоқлар методи (Кластер) .....	33

### **ИККИНЧИ БОБ. НЕРВ СИСТЕМАСИНING ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИДА БИОЛОГИК-ФИЗИОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ**

2.1. Нерв системасининг тузилиши ҳақида умумий тушунча .....	35
Нерв системасининг фаолияти ва психика .....	40
2.2. Олий нерв фаолияти ҳақида И.П.Павлов таълимоти ва унинг психология фанида тутган ўрни .....	40
Рефлекслар .....	42
2.3. Бош мия пўстининг анализ ва синтез қилиш фаолияти .....	45
Анализаторлар .....	48

2.4. Олий нерв фаолиятининг асосий қонуниятлари .....	50
Нерв жараёнларининг иррадиацияси ва концентрацияси .....	51
2.5. Олий нерв фаолиятининг системалилик услубида ишлаши .....	52
2.6. Инсон онги ва унинг тарихий тараққиёти .....	54

### **УЧИНЧИ БОБ. ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС ВА УНИНГ МУҲИМ МУАММОЛАРИ**

3.1. Шахс ҳақида тушунча .....	58
3.2. Шахснинг дунёқараши, эҳтиёжлари ва эътиқоди .....	63
Баркамол инсонни баҳолаш (Э. Ғозиев методи асосида) .....	67
3.3. Миллий психологияни ривожлантириш муҳим ижтимоий муаммо сифатида .....	72
Эҳтиёжлар ва фаолият мотивлари .....	74
3.4. Шахс дунёқараши ва эътиқодини ўзгартирувчи психологик омиллар .....	76

### **ТҮРТИНЧИ БОБ. ПСИХИК ЖАРАЁНЛАР ЁКИ ШАХСНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТЛАРИ. ДИҚҚАТ**

4.1. Диққат ҳақида умумий тушунча .....	81
4.2. Диққатнинг физиологик асослари ва ташқи аломатлари .....	83
4.3. Диққатнинг турлари ва унинг асосий хусусиятлари .....	85
Диққатнинг асосий хусусиятлари .....	87

### **БЕШИНЧИ БОБ. СЕЗГИЛАР**

5.1. Сезгилар. Уларнинг турлари, вазифалари ва хусусиятлари .....	95
Кўриш сезгиларига хос хусусиятлар .....	99
Кўз ўткирлиги .....	100
5.2. Адаптация ҳодисаси ва сезги аъзоларининг ўзаро таъсири ....	106
Сезги аъзоларининг ўзаро таъсири .....	107
5.3. Сезгиларнинг ривожланиши .....	108

### **ОЛТИНЧИ БОБ. ИДРОК**

6.1. Идрок ҳақида умумий тушунча .....	116
6.2. Идрокнинг физиологик асослари .....	118
Апперцепция қонуни .....	121
Идрок иллюзиялари .....	122
6.3. Идрок қилиш турлари .....	124
Констанглик ҳодисаси .....	129
6.4. Идрок қилишнинг сифати ва уни белгиловчи шартлар .....	130
6.5. Болаларда идрок қилишнинг ривожланиши .....	133
6.6. Идрок қилиш жараёнида кузата билиш ва унинг самарадорлиги .....	136

## **ЕТТИНЧИ БОБ. ХОТИРА**

7.1. Хотира тўғрисида умумий тушунча .....	140
7.2. Ассоциация боғланишлари ва хотиранинг психофизиологик асослари .....	141
7.3. Хотира турлари .....	143
Хотирани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш .....	150
7.4. Хотиранинг ривожланиши .....	154
7.5. Хотирани тарбиялаш йўллари .....	159

## **САККИЗИНЧИ БОБ. ТАФАККУР**

8.1. Тафаккурнинг умумий таърифи. ....	163
Фикр юритиш операциялари .....	166
Таҳқослаш .....	167
8.2. Тафаккур турлари ва ақлнинг муҳим сифатлари .....	169
Анализ ва синтез .....	172
Ҳукм ва хулоса чиқариш .....	176
Ўқувчиларда тафаккурнинг ўсиши .....	179

## **ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ. НУТҚ**

9.1. Нутқ ҳақида тушунча .....	183
Нутқнинг пайдо бўлиши .....	184
Нутқ турлари .....	185
Нутқнинг ривожланиши .....	189

## **ЎНИНЧИ БОБ. ХАЁЛ**

10.1. Хаёлнинг психологик таърифи .....	195
10.2. Хаёл турлари .....	196
10.3. Ўқувчилар хаёлини шакллантириш .....	199
10.4. Хаёлнинг инсон танасидаги руҳий жараёнларига таъсири ....	202

## **ЎН БИРИНЧИ БОБ. ҲИССИЁТ**

11.1. Ҳиссиётнинг умумий таърифи .....	205
11.2. Эмоционал ҳолат ва ҳиссий туйғулар .....	207
11.3. Ҳиссиётнинг физиологик асослари .....	211

## **ЎН ИККИНЧИ БОБ. ИРОДА**

12.1. Ироданинг таърифи .....	220
12.2. Ирода орқали қилинадиған иш-ҳаракатлар .....	224
12.3. Ўқувчилар иродасини ўстириш .....	226
12.4. Ирода сифатлари .....	228

## **ЎН УЧИНЧИ БОБ. ТЕМПЕРАМЕНТ**

13.1. Темпераментнинг қисқача таърифи .....	233
---	-----

13.2. Темперамент турлари .....	236
13.3. Темпераментнинг физиологик асослари .....	239
13.4. Темпераментни тарбиялаш ва ривожлантириш .....	240

#### **ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ. ХАРАКТЕР**

14.1. Характер тўғрисида умумий тушунча .....	243
14.2. Характер хислатлари .....	245

#### **ЎН БЕШИНЧИ БОБ. ҚОБИЛИЯТ ВА ИСТЕЪДОД**

15.1. Қобилият ҳақида умумий тушунча .....	253
15.2. Истеъдод ва талант ҳақида тушунча .....	258
15.3. Профессional қобилиятнинг психологик таҳлили .....	260

#### **ЎН ОЛТИНЧИ БОБ**

16.1. Таълим самарадорлигини оширишнинг янги босқичида ўқитишнинг педагогик - психологик технологияларидан фойдаланишнинг моҳияти ва муаммолари .....	266
16.2. Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи .....	274
16.3. Педагогик технология лойиҳалари: илмий ёндашувлар ва ечимлар .....	277
16.4. Муаммоли-модулли ўқитиш технологияси .....	282
16.5. Ўқув материалларининг белги моделлари асосида таълимни жадаллаштириш технологияси .....	283
16.6. Ўқув мақсадлари таксономияси .....	286
16.7. Ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлиги .....	289
16.8. Педагогик технология принциплари .....	292
16.9. Ақлий ҳужум .....	300

#### **ЎН ЕТТИНЧИ БОБ. ЎҚИТУВЧИ ПСИХОЛОГИЯСИ**

17.1. Ўқитувчининг маънавий-сиёсий эътиқоди .....	307
---	-----

**НАРЗУЛЛА БОЙМУРОДОВ**

**АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИЯ**

Муҳаррирлар:  
Маъмура ҚУТЛИЕВА  
Амир ХУДОЙБЕРДИ

Техник муҳаррир  
Елена ДЕМЧЕНКО

Бадий муҳаррир  
Баҳриддин БОЗОРОВ

Мусахҳиҳ  
Илҳом ҚОСИМОВ

Саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга рухсат этилди 22.10.2008. Бичими 84x108 1/32  
Босма тобоғи 9,875. Шартли босма тобоғи 16,59.  
Адади 500. Буюртма 222.  
Баҳоси келишилган нарҳда

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.  
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:  
Нашр бўлими 278-36-89;  
Маркетинг бўлими 128-78-43.  
Факс 273-00-14, e-mail: yangiasravlodi@mail.ru